



Стефан
Цвейг

Куйган күнгил фарёди



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.112.2-3(436)

КБК: 84(4Авс)

Ц – 26

Цвейг, Стефан

Куйган кўнгил фарёди: новеллалар ва афсоналар. Стефан Цвейг / Таржимонлар: Шариф Толибов, Маҳкам Маҳмудов, Ўткир Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 288 б.

ISBN 978-9943-27-707-6

Улуғ австрия ёзувчиси Стефан Цвейгнинг асарлари аёл қалбининг нозик кечинмаларини ҳаққоний ва бор мураккаблигича тасвирлаб бериши билан ажralиб туради. Бу хусусият айниқса унинг «Мураббия», «Номаълум аёл мактуби», «Бир аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат» каби новеллаларида яққол кўринади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китобга ҳам биз адабнинг энг сара асарларини жамладик. Ишончимиз комил, бу асарларни ўқиганингизда қалбингизда авваллари ҳеч қачон туймаган ноаниқ бир туйғу гавдаланади. Бу туйғу одамлар оломони ичida аслида сизнинг ким эканлигинги, мақомингиз қандай – шу каби саволларга воқеалар силсиласи, қаҳрамонлар ички олами билан танишиш асносида ечим топасиз.

УЎК: 821.112.2-3(436)

КБК: 84(4Авс)

Таржимонлар:

Шариф ТОЛИБОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ,
Ўткир ҲОШИМОВ

ISBN 978-9943-27-707-6

© Стефан Цвейг, «Куйган кўнгил фарёди». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

**Шариф Толибов
таржимаси**

МУРАББИЯ

Чироқ ўчган. Хонада опа-сингил ёлғиз. Орага чўккан қоронгиликдан фақат ўринлари хиёл оқариб кўринади. Енгил нафас олишларидан ухлаб қолишганга ўхшарди.

– Ҳей, – деган ўн икки яшар қизнинг овози эшитилди; қиз даъват сасини зим-зиё тун қўйнига ҳадиксираб оҳиста ирғитгандай.

– Ҳа, нима дейсан? – опаси ётган жойида жавоб берди, бу қиз укасидан бир ёш катта, холос.

– Ҳали ухлаганинг йўқми? Хайрият. Мен... сенга бир нима айтмоқчидим.

Жимликни шитирлаган овоз бузди. Кичкинаси қўзғалиб, бир нимани кутгандай қараб турди: кўзлари ялтиради.

– Биласанми... сенга айтмоқчидим... Олдин ўзинг айт-чи, фройлейндаги ўзгаришни сездингми?

Опаси жавоб беришдан олдин ўйланиб олгач:

– Ҳа, – деди, – лекин сабабига ақдим етмаяпти. Илгаригидай қаттиқўл эмас. Яқинда икки кун қаторасига дарсимни тайёрламовдим ҳам, ҳеч нима демади. Иннайкин, ўзиям алланечук... нима дейишимни ҳам билмайман. Хуллас, биз билан ҳам иши бўлмай қолди: қачон қарасанг, кўздан панада, ўйин-кулгиларни ҳам йиғишириб қўйди.

Назаримда, бошига бирон мушқул иш тушган-у айтгиси келмаяпти. Рояль чалишни ҳам машқ қилмаяпти.

Яна жимлик.

Опаси укасининг эсига солиб:

- Бир нима демоқчи эдинг-ку, – деди.
- Ҳа, лекин ҳеч кимга айтмайсан, ойимга ҳам, дугоналарингга ҳам, хўпми?
- Хўп, айтмайман, – жаҳл аралаш жавоб берди опаси. – Қани, айт!
- Айтсам... Ҳозир, ётиш олдидан ўйлаб қарасам, фройлейнга «тунингиз хайрли бўлсин», дейиш эсимдан чиққан экан. Бошмоқларимни ечиб қўювдим, шундай бўлса ҳам хонасига аста-секин югуриб бордим, – тўсатдан чўчитмоқчи бўлувдим-да, – оҳиста эшикни очдим. Аввалига назаримда хонасида йўқдай кўринди, чироқ ёниб турибди-ю, ўзи кўринмайди. Бир вақт десанг, кўрқиб кетдим, йифи товуши эшитилди. Қарасам, кийими билан каравотда ётибди, бошини ёстиққа буркаб олган. Пиқирлаб йиғлаяпти! Аъзойи баданимда қалтироқ турди. У мени пайқамади. Яна секин эшикни ёпиб қўйдим. Қалтироқнинг зўридан жойимдан қимирломай қолибман. Кейин яна эшик тирқишидан йифи овозини эшитдим, йиғлашини айтсанг, шошилганимча юргуgilаб пастга тушиб кетдим.

Икковлари жим қолишиди.

- Бечора фройлейн, – деди бири. Титроқ овози қоронгида тиниб қолди.

- Нега йиғладийкин-а? – кичик қиз гап бошлиди. – Бирон киши билан жанжаллашгани йўқ, ойим ҳам ҳадеб жонига тегаверишини бас қилган, биз ҳам унга ҳеч нима қилганимиз йўқ-ку, а? Нега йиғларкин?

– Менимча, у... – деди опаси секингина.

– Аниқроқ қилиб айтсанг-чи!

Опаси ҳадеганда айтавермади. Ниҳоят:

– Севиб қолганга ўхшайди, – деди.

- Севиб қолган? – укаси ўрнидан сакраб туриб кетишига сал қолди. – Яхши кўриб қолган? Кимни?

– Ҳеч нимани пайқамадингми?

– Наҳотки Оттони?

– Бўлмаса-чи. У ҳам яхши кўради. Уч йилдан бўён бизнида туриб, биз билан ҳеч сайд қиласди, ке-йинги вақтларда ҳар куни бирга бўлиб қолди. Фрой-лейн келмасидан бурун унинг бирон марта сен ёки менга ширин гап айтгани эсингдами? Энди-чи, кун бўйи атрофимизда гирдикапалак. Фройлейн билан қаёққа борсак – Халқ ботигами, Шаҳар ботигами, Протергами, ҳамма жойда тўсатдан пайдо бўлиб қолади. Сезмаганмидинг?

Укаси ўтакаси ёрилгандай шивирлаб:

– Ҳа-я... ҳа, ўзим ҳам айтувдим-а. Лекин мен...

У овоздан қолди ва бошқа ҳеч нима демади.

– Илгари мен ҳам шундай ўйловдим. Эсимиз паст экан-да. Ўйлаб қарасам, биз унга шунчаки баҳона бўлиб юрган эканмиз.

Гаплари тамом бўлгандай жим қолишиди.

Иккови ҳам ўз фикр-ўйлари билан банд ё уйқу-лари келиб қолдими.

Лекин тун қоронфисидан яна укасининг саросима овози эштилди:

– Йўқса, намунча йиглайди? Ахир Отто уни яхши кўради-ку. Мен шу вақтгача, сени бирор севса қан-дай яхши, деб юрардим.

– Билмадим, – деди опаси эснаб, – мен ҳам шу фикрда эдим.

Уйқу элтаётган қизнинг лабидан яна:

– Бечора фройлейн! – деган сас эштилди.

Хонага жимлик чўкди.

Эрталаб бу ҳақда оғиз очмадилару, лекин фикр-ёдлари шу гапга боғланиб қолганлигини ик-квлари ҳам ҳис этди. Опа-сингил бир-бирларини четлаб ўтишар, тик қарашга ботинолмас, лекин мураббияга кўз қирларини ташлаганда нигоҳлари тўқнашиб қоларди. Овқат вақтида улар холаваччаларига разм ташлаб ўтирдилар. Отто эса аллақачон-

лардан буён буларницида турса ҳам ҳануз ётсиради. Қизлар фройлейнга бирон ишора қилмасмикин, деб Оттога ер остидан кўз қирини ташлар, ҳаяжонли сир ҳар икковини ҳам ташвишга солиб қўйганди. Тушки овқатдан сўнг одатдаги ўйин-кулгилар ҳам қовушмади, ўзларини овутиш ниятида у-бу юмуш қилмоқчи ҳам бўлдилар-у, лекин бари бир дарров ҳафсалалари пир бўла бошлади. Кечга яқин бири иккинчисидан шунчаки:

– Яна бирон нарса фаҳмламадингми? – деб со-вуққина сўраб қўйди.

– Йўқ, – деб жавоб берди синглиси ундан юзини ўгириб. Икковлари гўё бир-бирлари билан гаплашишдан қўрқадигандай.

Шу тахлитда бир неча кун ўтди, қизлар жим, номаълум дилғашлик азобида қолишган, улар ҳаяжонли бу сирнинг тагига этиш пайида. Ниҳоят, қизлардан кичиги тушлик вақтида мураббиянинг Оттога кўз ишорасини кўриб қолди. Отто бош иргаб қўйди. Қиз ҳаяжондан титраб кетди. Стол остидан аста киши билмас опасининг кўлига қўл теккизди, опаси қайрилиб қараганда, кўзини ялатиллатиб қараб қўйди. Опаси дарҳол нима гаплигини фаҳмлади, укасининг ҳаяжони унга ҳам ўтди.

Қизлар дастурхон ёнидан турмасларидан мураббия уларга мурожаат қилиб:

– Хонангизга кириб бирон иш билан машгул бўлинглар, бошим оғриб турибди, ярим соатча дам олмоқчиман, – деди.

Бошларини қўйи солган қизлар бир-бирини се-кин туртиб қўйди. Мураббия чиқиб кетиши билан кичиги опасига деди:

– Мана кўрасан, ҳозир Отто унинг хонасига киради.

– Бўлмаса-чи, шунинг учун бизни хонангизга боринг, деб жўнатди-да.

– Юр, бориб эшикдан қулоқ соламиз.

– Бирон киши келиб қолса-чи?

– Ким келарди?

– Ойим.

Синглиси қўрқиб кетди.

– Ҳа, тўғри...

– Биласанми нима? Мен бориб қулоқ соламан, сен йўлакда турасан, бирон киши келиб қолса, ишора қиласан. Шунда қўлга тушмаймиз.

Синглиси қовофини солди:

– Ўзинг эшитволиб, менга айтмайсан-да!

– Айтаман!

– Ҳаммасини айтасанми? Ҳамма-ҳаммасини?

– Ҳаммасини айтаман, чин сўзим. Бироннинг шарпасини эшитсанг, йўталиб қўй.

Юраклари дукиллар, нима бўларкин, деган ўйдан титроқ босиб бир-бирининг пинжига кирди.

Оёқ товуши эштилди. Қизлар югуриб бориб, қоронги бурчакка яшириниши. Худди айтганларидай, Отто эшик дастасини ушлади, хонага киргач, орқасидан эшик ёпилди. Катта қиз югуриб эшик тагига борди, қулогини эшикка тираб, нафасини ютиб қулоқ солди. Синглисининг ҳаваси келиб опасига қараб турарди. Нима гап бўлдийкин, деб юраги орзиқарди, посбонлигини ташлаб, билдиrmай аста опасининг ёнига борди. Опаси жаҳл билан уни итариб ташлади. Синглиси яна жойига қайтди. Икки-уч дақиқа вақт ўтди, бу унинг кўзига бутун бир умрдай кўринди. Сабри тугаб, ичини ит таталагандай, оёғи куйган товуқдай турган жойида ер депсинди. Опам ҳамма гапни эштиб олди, мен қуруқ қолдим, деб ҳаяжон ва аччиғидан йифламоқдан бери бўлди. Шу онда йўлакнинг охирида тап этиб эшик ёпилди. Синглиси қаттиқ йўталди. Икковлари ўз хоналарига югуриб кетдилар. У ерда бир дақиқача ҳаллослаб, юраклари дукиллаб жим туришди.

Кейин синглиси:

– Қани, бўл тезроқ... гапир! – деб опасини қистади.

Опаси ўйланиб қолди. Ниҳоят, синглисига эмас, ўзига-ўзи ҳайрон бўлиб гапиргандай:

– Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди, – деди.

– Нима?

– Жуда қизиқ гап.

– Нима?.. Нима?.. – нафаси бўғзига тиқилиб сўради синглиси. Опаси тушунтиришга уриниб кўрди. Синглиси, тағин бирон гапни эшитмай қолмай, дегандай опасига маҳкам ёпишиб олди.

– Қизиқ гап... ўйлаганимдан бутунлай бошқача. Отто уйга кириб, уни қучоқламоқчи ёки ўпмоқчи бўлди шекилли, мураббия: «Қўй, сенга жиддий гапим бор», деди. Ҳеч нимани кўролмадим, калит ичкаридан осиғлиқ туарди, лекин ҳамма гапни эшитдим. «Нима гап?» – деб сўради Отто, ҳар галдагидан бошқачароқ, бир хил бўлиб сўради. У ҳамиша қаттиқ, дағал гапиравчи эди, бу гал ҳайиқиб савол берди. Бир нимадан кўрқиб турганини дарров тушундим. Мураббиямиз ҳам унинг муғамбирлигини пайқади шекилли, овозини пастлатиб: «Ўзинг биласан-ку», деди. У бўлса: «Йўқ, ҳеч нимани билмайман», – деди. «Ҳали шундай дегин? – мураббиямиз шундай деди-ю, йиғлашига сал қолди. – Нима бўлди, бирданига ўзгариб қолдинг? Бир ҳафтадан бўён менга бир оғиз ҳам гапирмадинг, мендан қочадиган бўлиб қолдинг, болалар билан сайрга чиқмайсан, паркка ҳам бормайсан. Наҳотки бирданига сенга бегона бўлиб қолган бўлсам? Нега бундай совиб қолганингни ўзинг жуда яхши биласан». У жим турди-да, кейин: «Яқинда имтиҳонларим бошланади, кўп дарс тайёрлашим керак, бошқа ҳеч қандай ишга вақтим йўқ. Бошқача иложим йўқ», – деди. Мураббиямиз йиғлаб юборди, йифи аралаш эркаланиб, меҳрибонлик билан унга:

«Отто, нега ёлғон гапирасан? Ростини айт, наҳотки мен арзигулик бўлмасам? Ахир, сендан ҳеч нима талаб қилаётганим йўқ-ку, нима бўлганда ҳам ҳар ҳолда, бу ҳақда гаплашиб олишимиз лозим-ку. Сенга нима демоқчилигимни биласан, кўзинг айтиб турибди-ку», – деди. «Нима демоқчисан?» – Отто овозини жуда паст қилиб сўровди, мураббиямиз...

Қизнинг ҳаяжони зўр келиб бирдан титраб кетди, тили калимага келмай қолди. Синглиси унга яна ҳам қаттиқроқ ёпишди.

– Нима деди... Нима?

– Мураббиямиз унга: «Сендан болам бор», деди.

Синглиси бутун вужуди билан ўдағайлагандай:

– Бола? Бола? Бу қандай гап? – деди.

– Мураббиямиз шундай деди.

– Қулоғингга шундай эшитилгандир.

– Йўқ, йўқ! У ҳам худди сендек: «Бола», деб бақириб юборди. Мураббиямиз жим турди-да, сўнгра: «Вой шўрим, энди нима қиласман?» – деган эди, шу онда...

– Нима?

– Сен йўтадинг, мен қочдим.

Синглиси ҳанг-манг бўлиб, бир нуқтага тикилиб қолди.

– Бола! Бўлиши мумкин эмас. Қаерда экан боласи?

– Билмадим. Бунисига ўзимнинг ҳам ақдим етмай турибди.

– Балки бирон уйда... бизга мураббияликка кирмасдан аввал... ойим, албатта, бизларни деб боласини олиб келишига рухсат бермаган. Маъюс юришлари шундан экан-да.

– Бўлмаган гап! Ахир у вақтда Оттони қаёқдан танирди.

Улар узоқ ўйга толди, лекин жумбоқни ечолмади, қийналишди. Синглиси гап бошлиди:

– Бола нимаси, бўлмаган гап! Бола қаёқдан кела қолибди? Эрга теккан эмас-ку, эри борларнинг боласи бўлади, буни яхши биламан.

– Балки эри бўлгандир.

– Бўлмаган гапни гапирмасанг-чи, нима, Оттога эрга тегибдими?

– Унда, қаёқдан...

Қизлар саросимада бир-бирига қаради.

– Бечора фройлейн, – маъюс гап қотди бири. Чуқур қайғу-алам билан энтикиб, икковининг оғиздан дам-бадам шу гап чиқиб турди. Яна дарров синчковликлари тутди.

– Сенингча, ўғилми, қизми?

– Қаёқдан билай?

– Агар борди-ю, ўзидан сўрасак-чи... эҳтиёт бўлиб...

– Жинни бўлганмисан?

– Нима қилибди?

– Сўраб бўларканми? Бизга бунақа гапларни гапиришармиди. Биздан ҳамма нарсани яширишади. Биз хонага кириб келганимизда, гапларини тўхтатиб, худди гўдак боладай бизни қаёқдаги гаплар билан овора қилишмоқчи бўлишади, ёшим ўн учга тўлибдиямки, бари бир. Улардан сўраб нима қиласардик? Бари бир бизга ёлғон гапиришади.

– Шунақаям билгим келяптиki...

– Менинг билгим келмаяпти, деб ўйлайсанми?

– Биласанми... бундан Оттонинг бехабарлигига ҳеч ақлим етмай турибди. Боласи борлигини ҳамма билади-ку, ота-онаси борлигини ҳам ҳамма билади.

– Уўзини мугамбирликка соляпти, бу абллаҳ ҳамиша ўзини шунақа билмасликка солиб юради.

– Лекин бунақа ишда мугамбирлик қилиб бўларканми? У фақат, фақат бизни аддамоқчи бўлган-да...

Эшикдан мураббия кириб келди. Қизлар дарс тайёрлаётгандай жим қолишиди. Лекин кўз қирла-

рини киши билмас ташлаб қўйдилар. Унинг кўзлари қизаринқираган, илгаригидан ҳам пасайган овози титради. Жимиб қолган қизлар унга зўр эҳтиром ва ҳаяжон билан боқдилар. «Боласи бор, ғамгинлиги шундан», деган фикр уларнинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолганлигидан қизларни ҳам фройлейннинг қайфуси аста-секин қамраб олди.

Эртаси тушлик вақтида куттилмаган бир янгиликдан хабар топдилар: Отто уларнинг уйидан кетмоқчи бўлибди. У амакисига: «Ҳадемай имтиҳонларим бошланиб қолади, зўр бериб тайёрланишим керак, бу ерда ишлашимга халақит берадилар. Имтиҳонларим тамом бўлгунча бирор хонали уйни ижарага олиб турман», – деганмиш.

Қизларнинг ҳаяжони ошиб-тошди. Улар бу воқеа билан кечаги гаплар ўртасидаги яширин алоқага ақдлари етиб, ҳис-туйғулари зўрлигидан бунда қандайдир олчоқдик, маккорлик борлигини сезиб турардилар. Отто улар билан хайрлашмоқчи бўлганди, шартта ундан юзларини ўгириб олдилар. Лекин у фройлейннинг ёнига борганида сездирмасдан унга кўз қирларини ташлаб турдилар. Мураббияннинг лаблари титради-ю, лекин сир бой бермади. Бир оғиз ҳам гапирмай, унга қўл узатди.

Кейинги кунларда қизлар бутунлай бошқа одам бўлиб қолишди: ўйнаб-кулишмас, юз-кўзларидан хушчақчақлик, бепарволик аломатлари йўқолганди. Қандайдир ташвиш, саросималик ичидা теварак-атрофларидағи ҳамма нарсаларга маъюс, ишончизлик билан қарашар, уларга айтилган гапларга ортиқ ишонишмас, ҳар бир сўзда сохталик ёки ёмон ният бор, деб шубҳаланаардилар. Улар кун бўйи ҳамма нарсани, ҳар бир ҳаракатни синчковлик билан кузатдилар, ҳар бир имо-ишора, ҳар бир сўз оҳангি улар назаридан четда қолмади. Шарпа сингари хонама-хона кезиб, эшикларга қулоқ солдилар;

улар зим-зиё жумбоқ ва сир ниқобини устларидан улоқтириб ташлашга ёки шу ниқоб орқали ҳақиқат дунёсига бир назар ташлаш учун бутун жон-жаҳдлари билан уринардилар. Болалик ишончи, баҳтиёр, парвойи фалак ногиронлик уларни тарқ этди. Шуниси ҳам борки, бу ҳали воқеанинг охири эмаслигини, ажрим пайтини кутиш лозимлигини улар ҳис этардилар, ўша пайтни қўлдан бериб доғда қолмасак эди, деб қўрқардилар. Қизлар ёлғон, сохтагарлик гирдобига тушиб қолганликларига ақдлари етгандан буён тихирлик қиласидиган, шубҳаланадиган, айёр, мугомбир бўлиб олдилар. Ота-оналарининг ёнида юзларига маъсум болалик ниқобини кийиб оладилар-да, шўхликни учига чиқарадилар. Юзларидан ҳаяжон аrimайди, жуда серзавқ бўлиб қолишади. Илгарилари бир текисда майнин жилваланиб турган кўзларида энди безовта олов ёнар, кўз қарашлари тийраклашганди. Улар ўзларини шу қадар ёлғиз ҳис қилганларидан, бир-бирларига меҳрибонлиги тобора кучайди. Баъзан тўсатдан жўш урган меҳр ташналигига бўйсуниб, бир-бирларини қаттиқ қуҷоқлардилар, баъзан эса ожизликтан кўнгиллари бузилиб йиглаб юборардилар. Гўё улар ҳаётида ҳеч сабабсиз-несиз бурилиш юз бергандай.

Айниқса, бўлиб ўтган нохушликларнинг биттаси уларнинг кўнглига жуда ҳам қаттиқ тегди. Худди гаплашиб қўйишгандай, маъюс тортган мураббияларини қўлларидан келганча кўнглини очиш пайидан бўлдилар, бир-бирларига ёрдамлашиб дарсларини яхши, пухта тайёрлашар, шовқин ҳам кўтармай қўйишганди, мураббияларининг кўзига қараб дилидагини топардилар. Лекин фройлейн буни сезмас, улар мана шунисига доғда эди. Кейинги вақтларда мураббиялари жуда ўзгариб, бошқача бўлиб кетди. Қизлардан биронтаси унга мурожаат этса, кўпинча уни бирор уйқудан уйғотгандай бир

сесканиб тушар, күз қараашлари ҳам йироқдарга қараб толгандай, соатлаб хаёлга чўмиб, қимир этмай ўтиради. Қизлар эса унга халақит бермаслик учун оёқ учида атрофида парвона, унинг хаёли қаердадир, бирон узок жойда қолиб кетган боласида эканини қизлар фира-шира фаҳмларди. Шу туфайли уларнинг мураббияларига кўз ёриб чиқаётган муҳаббати тобора кучайиб, бақувват тортарди; мураббиялари бўлса илгариги қаҳри қаттиқдигини тарк этиб, жуда мулойим, ширинсўз бўлиб қолганди. У одатдаги тез-тез, мағрур қадам ташлаб юришларини бас қилиб, ювош тортган, ҳаракатларида ҳам эҳтиёткорлик баралла сезилиб туар, қизлар буни ғамгинлик аломатига йўярдилар. Қизларга кўз ёшини кўрсатмайди-ю, лекин қовоқлари кўпинча қизаринқираган бўлади. Мураббиялари дардини яширишга ҳаракат қилишини қизлар пайқаб, унга ёрдам беришдан ожиз эканликларидан куюнардилар.

Бир куни фройлейн юзини деразага ўгириб рўмолчаси билан кўзини артаётганда, қизлардан кичиги юрак ютиб, аста ёнига бориб унинг қўлидан тутди-да:

– Фройлейн, кейинги вақтларда жуда маъюс кўринасиз. Биз бирон гуноҳ қилиб қўйганимиз йўғ-а, шундайми? – деб гап қотди.

Фройлейн ҳаяжон билан қизга боқиб, унинг маийин соchlарини қўли билан силаб:

– Йўқ, яхши қиз, йўқ, – деб жавоб қилди, – сизларда нима гуноҳ бўлсин, – дея суйиб пешанасидан ўшиб қўйди.

Шу тариқа қизлар кўзлари тушган ҳар бир нарсани эътибордан четда қолдирмай, пойлаб, кўз-қулоқ бўлиб юрдилар. Бири ошхонага кирганди, суҳбатлашиб турган ота-онасининг гапи бўлинib қолди, лекин қулоғига чалинган онасининг: «Менга

ҳам шундай кўрингандай бўлди, бир сўроқ қилиб кўраман», деган жумласи, ҳар бир сўзи уни минг хил хаёлга солиб қўйди. Қиз аввал бу сўзларни ўзига олди-ю, юраги ҳовлиқиб маслаҳат ва мадад истаб синглисининг ёнига югурди. Тушки овқат пайтида эса, оталари билан оналари хаёлга ботган фройлейннинг юзларига синовчан тикилиб, кейин бир-бирларига қараб олишганини пайқашди.

Овқатдан кейин қизларнинг онаси фройлейнга шунчаки мурожаат қилиб:

– Ёнимга кирсангиз. Гаплашадиган гап бор, – деди.

Фройлейн индамай бошини қутий солди. Қизлар титраб кетди, улар сезиб туришибди: ҳозир бир гап бўлади.

Фройлейн оналарининг хонасига кириши билан улар ҳам изма-из югуриб борищди. Калит тешигидан қарашиб, қулоқ солиш, пойлоқчилик қилиш кундалик иш ва буни айб санашмасди; уларнинг миясида фақат бир фикр: ишқилиб, катталар яшираётган ҳамма сирларни билиб олсалар бўлгани.

Хийла қулоқ солиб туришди. Лекин англаб бўлмайдиган шивир-шивирдан бўлак ҳеч нарса эшитилмагач, фурсат қўлдан кетди, энди ҳеч нарса билолмай қоламиз, деб бетоқат бўла бошладилар.

Бир вақт хонадан қаттиқ-қаттиқ айтилаётган гаплар эшлилди. Бу оналарининг жаҳл ва ғазаб аралаш овози эди.

– Сиз ўзингиз нима деб ўйловдингиз? Ҳамманинг кўзи кўр, ҳеч ким пайқамайди, деганмидингиз? Ҳали зиммамдаги вазифамни шундай хаёл ва шундай хулқ-атвор билан бажо келтириб юргандим, денг? Гўдак қизларимни тарбия қиляпти, деб сизга ишониб юрибман-а! Уларни ўз бошига ташлаб қўйдим денг!..

Фройлейн бир нималар деб эътиroz билдираётган бўлса кераг-у, лекин жуда ҳам секин овоз билан гапираётганидан, қизлар ҳеч нима уқиб олишмасди.

– Бўлмаган гап, ҳаммаси баҳона! Енгилтабиат хотиннинг ҳамиша баҳонаси тайёр туради. Ўй-ламай-нетмай бир қўринганнинг бағрига ўзини отади. У ёғини худога ташлаб қўяди. Яна шунаقا хотин мураббия бўлишни орзу қилиб, қизларни ўз тарбиясига олганига доғман! Шу қадар юзсизлик бўларканми? Шундан кейин ҳам мени уйида қолдирар, деб умидвор бўлмасангиз керак?..

Қизлар ҳамон эшик тагида гапга қулоқ солиб турардилар. Юраклари така-пуга, ўзларини титроқ босган, ҳеч нимага ақллари етмай, оналарининг дарғазаблигидан даҳшатга тушишарди, шу пайт фройлейннинг ўзини босолмай ҳўнграб йифлагани эшитилди. Қизларнинг юз-қўзларидан тирқираб ёш оқди, оналарининг товуши эса тобора даҳшатли тус оларди:

– Сиз кўз ёши тўкишни биласиз, холос. Бу билан мени эритиб бўпсиз. Сиздақанги хотинларга асти раҳмим келмайди. Энди ҳолингиз нима кечиши билан неча пуллик ишим бор! Кимга мурожаат қилишни ўзингиз жуда яхши биласиз, буни сиздан сўраб ўтиришни ҳам ўзимга ор деб биламан. Айтадиган гапим фақат битта: разиллик қўчасига кириб, зиммангиздаги бурчингизни назар-писанд қилмаган экансиз, уйимда энди бир кун ҳам турғизмайман.

Бунга жавобан фақат ҳўнграган йифи овози эшитилди, эшик тагида турган қизлар қалт-қалт титрашарди. Улар умрларида бунақа йифини эшитмаганди. Қалбидан шундай йифи отилиб чиққан одамнинг гуноҳкор бўлиши мумкин эмаслигини фира-шира ҳис ҳам қилардилар. Оналари бир нимани кутиб тургандай жим қолди. Сўнгра совуққина:

– Сизга айтмоқчи бўлган гапларим шу. Бугун у-буларингизни йифиштириб қўйинг, эртага келиб моянангизни олинг. Хайр!

Қизлар юргурганча хоналарига кириб олишди. Икки одим нарида чақмоқ чаққандай юzlари

оқариб, титроқ босди. Аччиқ ҳаёт ҳақиқатига дуч келган норасидалар юрак ютиб илк марта ота-оналарига қарши исён кўтаришга журъат қилдилар!

– Ойимнинг у билан бундай гаплашиши қабижлик-ку! – қизлардан каттаси ҳаяжонидан лабларини тишлади.

Кичиги опасининг довюраклигидан чўчиб туарди. «Мураббиямизнинг нима гуноҳ қилганини ҳам билмаймиз-ку», – дея зорланиб шивирлади.

Бирон ёмон иш қилмаган бўлса керак. Фройлейннинг қўлидан ёмон иш келмайди, ойим уни билмайди.

– Зор-зор йифладики! Мени ваҳима босди.

– Ҳа, қандай даҳшат. Ойимнинг унга бақириб гапирганини айтмайсанми! Бу разиллик, билдингми, буни разиллик дейди!

Шундай дея ер тепинди. Кўзига ёш қалқди. Шу пайт эшикдан мураббия кириб келди. Ҳолдан тойғанлиги юз-кўзларидан кўриниб туарди.

– Қизалоқлар, бутун овқатдан кейин ишим бор. Ўзинглар ўтириб туринглар, хўпми? Ишонсам бўлади-а, шундайми? Кечқурун албатта бирга бўламиз.

Мураббия қизларнинг ҳаяжонини сезмай чиқиб кетди.

– Қўрдингми йифлаган кўзларини? Бу нима деган гап, ойим қайси бети билан уни шунча қийнадийкин.

– Бечора фройлейн!

Ачиниб, кўз ёши билан айтилган бу сўзлар яна бир неча бор такрорланди. Дилхаста, саросимада қолган қизлар ёнига шу пайт оналари кириб:

– Мен билан аравада сайрга чиқасизларми? – деб сўради. Қизлар:

– Йўқ, – деб жавоб бердилар. Фройлейннинг кетиши ҳақида уларга ҳеч нима демаганлари учун қизлар дарғазаб эди. Улар ёлғиз қолишни истардилар. Тор қафасдаги бир жуфт қалдирғоч сингари,

диққинафас, сохтагарлик мұхитида бўғилиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Фройлейннинг ёнига бориб, ойим ноҳақ гапирди, қолинг, деб ялинсакмикин, дея минг хил хаёлга боришди. Лекин мураббияларининг кўнглига қаттиқ тегиб кетишидан қўрқдилар. Кейин қайси юзлари билан айтадилар: ахир, булар ҳаммаси киши билмас гапга қулоқ солиб, пойлаб юриб эшитган гаплари-ку! Икки-уч ҳафта бурун қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўзларини шундай тентак қилиб кўрсатишлари керак. Қизлар ёлғиз қолиб кун бўйи йўладилар, йигладилар, икки даҳшатли овоз: оналарининг бағритошлиқ билан дарғазаб бўлиб гапирган сўзлари-ю, мураббияларининг дард-алам тўла хўнграб йиғлашлари уларнинг қулогидан асло кетмади.

Кечга яқин фройлейн болалар хонасига бирров кириб, «Тунингиз хайрли бўлсин», деб хайрлашди. Қизлар безовта мураббияларининг кетишига афусланар, унга яна бирон ширин сўз айтгилари келарди. Фройлейн эшик тагига етмасдан, худди қизларнинг унсиз истагини сезгандай, орқасига қайрилди, унинг кўзларида ёш пайдо бўлганди. Келиб қизларни бағрига босди. Норасидалар хўнграб йиғлаб юборди; фройлейн уларни яна бир карра ўпид, жадал чиқиб кетди.

Мураббияларининг видолашиб кетганини сезиб қизлар ачиқ-аччиқ йигладилар.

– Энди биз уни ҳеч кўрмаймиз! – деди қизлардан бири йифи аралаш. – Мана кўрасан, эртага мактабимиздан қайтиб келганимизда у кетган бўлади.

– Балки вақтини топиб йўқлаб бораармиз. Ўшанда боласини бизга кўрсатар.

– Ҳа, бирам меҳрибон эдик!

– Бечора фройлейн! – Бу аламли сўзлар ўзларининг қисматидан нолищдай туюлди.

– Энди усиз кунимиз нима кечаркин?

– Бошқа фройлейнни ҳеч ҳам яхши кўрмайман.

– Мен ҳам.

– Энди ҳеч ким бизга бунчалик меҳрибон бўлмайди. Иннайкейин...

Нарёнини айтишга юраги ботинмади. Мураббияларининг боласи борлигини эшитганларидан буён улардаги беихтиёр аёллик туйғуси, фройлейнларининг алоҳида иззат-икромга лойиқлигидан дарак бериб турарди. Икковларининг куну тун ўйлагани шу, ўйлаганда ҳам илгаригидай гўдакларча қизиқсиниб эмас, зўр эҳтиром ва чуқур ҳамдардлик билан ўйлардилар.

– Биласанми, – деди қизлардан бири, – биз...

– Нима?

– Биласанми, фройлейнни бир хурсанд қилсак дегандим. Бизлар уни яхши кўришимизни, онамиздақа эмаслигимизни билиб қўйсин-да, нима дейсан?

– Бўлмаса-чи, шуни ҳам сўраб ўтирибсан-а!

– Мен бир нима ўйлаб қўйдим, мураббиямиз чиннигулни жон-дилидан яхши кўради-ку. Эртага эрталаб мактабга бориш олдидан, гул сотиб оламиз-да, уйига элтиб қўямиз.

– Қачон олиб борамиз?

– Тушки овқат пайтида.

– Ўша пайтда уйида бўлмаса керак. Яхшиси, мен саҳар пайти бориб, киши билмас қилиб олиб келаман-да, кейин хонасига элтиб қўямиз.

– Жуда соз. Барвақтроқ турамиз.

Улар чақа-тангалар йифиб юрган, ғаладонларини олиб, бор пулларини ўртага тўқдилар. Фройлейнга унсиз садоқат изҳор этиш қўлимиздан келади, деган фикр уларга шодлик бағишлиарди.

Улар тонг ёришмасдан ўринларидан туриб, янги узилган хушбўй чиннигул ушлаган қўллари титраб фройлейннинг эшигини қоқишиди, лекин жавоб йўқ. Фройлейн ҳали ухлаб ётган бўлса керак, деган

ҳаёлда оёқ учида хонага киришди, ҳеч ким йўқ, ўрнининг тахи бузилмаган. Буюмлар тартибсиз сочилиб ётибди, одми дастурхондаги мактуб оқариб кўриниб турарди.

Қизлар қўрқиб кетишиди. Нима бўлдийкин?

– Мен ойимнинг олдига кетдим, – деди қатъий овоз билан қизлардан каттаси. Ҳеч нарсадан тап тортмай, бир зумда онасининг ҳузурида пайдо бўлди ва:

– Фройлейнимиз қани? – деб сўради тик боқиб.

– Ўз хонасида бўлса керак, – деди онаси қизига ҳайрон бўлиб қараб.

– Хонасида йўқ-ку, ўрнининг тахи ҳам бузилмаган, кеча кечқуруноқ чиқиб кетганга ўхшайди. Нимага бизга бу ҳақда айтмадинглар?

Саволнинг жаҳл ва зарда аралаш берилганига онасининг фаҳми етмади. Қизнинг ранги ўчиб, отасининг ёнига югурди, у эса дарҳол фройлейннинг хонасига кириб кетди.

Отаси анча вақтгача хонадан чиқмади. Қиз дарғазаб кўзларини онасидан узмас, у эса қаттиқ ҳаяжонланганидан қизининг кўзига тик боқолмасди.

Ниҳоят, ранги оппоқ оқариб кетган ота хонадан қайтиб чиқди, қўлида бир мактуб бор эди. У хотинини фройлейннинг хонасига олиб кириб кетди-да, нималарнидир пичирлашиб гаплашишиди. Эшик орқасидаги қизлар пичирлашишларга қулоқ солишмади. Чунки оталарини ҳеч маҳал бундай важкоҳати бузуқ ҳолатда кўришмаганди.

Хонадан оналарининг таъби хира чиқди, унинг кўзлари ёшланганди. Қўрққанларидан ҳанг-манг бўлган қизлар беихтиёр ўзларини оналарининг бағрига ташлаб, уни саволга кўмиб ташладилар. Лекин у қизларининг гапини шартта кесиб:

– Боринглар мактабга, кеч қоласизлар, – деди.

Қизлар итоатгўйлик билан чиқиб кетдилар. Тўртбеш соат чамасидаги машғулот эса худди тушда-

гидай ўтди, қулоқларига ҳеч нима кирмади. Дарс тугагач, уйларига югуришди.

Үйда эса ўша-ўша, ҳамма нарса жойида-ю, лекин хонадондагилар бир нарсадан хижолатда қолгандаи миқ этишмас, ҳатто хизматкорларнинг ҳам авзойи бузук эди. Оналари уларга пешвоз чиқди. Афтидан, бир нима демоқчи эди.

– Болаларим, – деб гап бошлади ниҳоят у, – сизларнинг фройлейнингиз энди қайтиб келмайди, у...

Қолган сўзлар бўғзига тиқилиб қолди. Қизларнинг чақнаган қўзлари унинг юзига шундай тикилдики, энди бу ёғига ёлғон гапиришга журъат этолмади. Бурилганча, тез-тез қадам ташлаб ўз хонасига кириб кетди.

Тушлиқдан кейин Отто пайдо бўлиб қолди. Унга мактуб борлиги сабабли чақиртиришганди. Оттонинг ранги ўчган, ҳаммага жавдираб қарап, у билан ҳеч ким гаплашмасди. Ҳамма ундан кўзини олиб қочарди. Бир бурчакка тиқилиб олишган қизларни кўриб, улар билан саломлашмоқчи бўлганди:

– Яқин келма менга! – деди қизлардан бири фазабдан титраб. Иккинчи қиз унинг олдида ерга тупурди. Хижолатда қолиб, шувут бўлган Отто хоналарни кезиб юрди-да, сўнг кўздан ғойиб бўлди.

Қизлар ҳамон сукутда. Ранглари ўчган, юракларини ваҳима босиб хонама-хона маст одамдай гандираклаб юрадилар, бир-бирлари билан учрашиб қолганларида ёш тўла кўзлар бир-бирига тушарди-ю, лекин сўзлашмас, ҳамма нарса аён эди. Уларга ёлғон гапиришганини, ёмон ва абллаҳ одамлар бўлишини энди улар билишарди. Ота-оналарига ишончи қолмаганидан уларни ёқтиришмай қўйди. Ҳеч кимга ишониб бўлмаслигини ҳис этишарди. Энди ҳаётнинг ҳамма мудҳиш юки уларнинг нозик елкаларига тушади. Улар болалик чоғларининг маъсум хушчақчақ роҳатларидан тубсиз жарга қулаб

тушгандай. Улар-ку, ҳодисанинг ҳамма даҳшатла-рига тушуниб етмайдику-я, лекин бутун фикрлари унга қаратилган бўлиб, ўтган воқеа гўё уларни бўғиб ташлашга таҳдид қилаётгандай. Қизларнинг ёноқдарида қизил дөглар пайдо бўлди, кўзларида қаҳр учқунлари ўйнаб қолди, ҳар қадамда бир ни-мадан ҳадиксирардилар. Улар худди совқотгандай жунжикиб юрар, безовталанишарди. Ҳаммага газаб билан қараашларидан, уларнинг ёнига ҳеч ким, ҳат-то ота-оналари ҳам яқинлашолмасди. Хонама-хона дарбадар кезиб юришлари уларнинг ҳаяжонидан, ичларини ит тимдалаётганидан дарак бериб туради, улар гарчи бир-бирлари билан гаплашмасалар ҳам, икковларининг юрагига даҳшатли дард-алам авж олаётганилиги шундай ҳам равшан кўриниб туради. Бу тилсиз-забонсиз пинҳоний сукунат, бу алам ҳамманинг кўнглига ваҳима солди ва қиз-ларни ҳаммадан ажратиб қўйди. Ҳеч ким уларга яқинлашолмасди, уларнинг юрагига элтадиган йўл беркилганди, ким билсин, бу йўл ҳали неча-неча йиллар шу берклигича қолиб кетаркин. Улар энди ҳаммани душман ҳис қиласидилар, гуноҳни кечириш, раҳм-шафқат деган нарсани билмайдиган душман деб ҳис қиласидилар. Нега деганда, улар кечадан бош-лаб болаликни тарк қилдилар.

Бир кунда улар балоғатга етди-қолди. Фақат кечқурун, ёлғиз ўзлари қолганда, хоналарига зим-зиё қоронғи чўкканда уларнинг кўнглида болалик ваҳимаси – ёлғизлик ваҳимаси, арвоҳдан қўрқиши, яна бошқа одинданд қўрқув – номаълум келажак ваҳимаси уйғонди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, саросимада қизлар хонасидаги печкага ўт ёқиши-ни унугиб қўйишганди. Қизлар совуқдан даг-даг титраб, икковлари бир ўринга ётишди, нозик қўл-лари билан бир-бирларини қучоқлаб, юракларига оралаб қолган ваҳимадан ҳимоя излагандай ҳали

вояга етмаган озгин баданларини бир-бирига бо-сишди. Ҳали ҳам ун чиқаришга қўрқишарди. Бир вақт кичиги ҳўнграб йифлаб юборганди, каттаси унга қўшилишиб ўзини тутолмай энтикиб-энтикиб йифлади. Ҳар икковининг юз-кўзларидан бир-бирига қоришиб иссиқ кўз ёшлари тўкилди – дастлаб кўз ёшлари секин-секин оқди-ю, кейин тобора тезлаб, дарё бўлиб тошди. Қизлар бир-бирларини қучоқлаб, кўкракларини бир-бирига босиб, ўпкалари тўлиб, хўрсиниб-хўрсиниб аччиқ кўз ёшлари тўкишди. Икковлари бир дарду, бамисоли зим-зиё кечада йифловчи бир тандай. Улар энди ўз фройлейнла-ри доғида, баҳридан кечиб юборган ота-оналари доғида йифлаётганлари йўқ, улар энди бу номаълум дунёда бугун улар қўрқа-писа биринчи бор назар ташлаган номаълум дунёда ҳоллари нима кечиши-дан қўрқиб, юракларини ваҳима босганди. Улар энди қадам қўйишадиган ҳаётдан қўрқишарди, улар қадам босиб ўтишлари лозим бўлган зим-зиё ўрмон сингари сирли ва даҳшатли ҳаётдан ваҳи-мага келардилар.

Бора-бора қўрқув ҳислари хирадлашиб, мудроқ босди, ҳўнграшлари босилди. Ҳозиргина уларнинг кўз ёшлари бир-бирига қоришгани сингари, бир маромда нафас олишлари ҳам қўшилиб кетди-да, бир маҳал икковлари ухлаб қолишли.

*Маҳкам Махмудов
таржимаси*

ВАҲИМА

Иренахоним хушторининг ҳужрасидан чиқиб, зиналардан пастга тушаётганда уни илгариgidай маъносиз қўрқув чулғаб олди. Кўз олди жимиirlар, тиззалири увушиб, ўзига бўйсунмас, мажоли эса қуриб борарди. У йиқилиб кетмаслик учун зинапоя суюнчиини ушлаб олди. Бундай қалтис саргузаштга у биринчи марта киришаётгани йўқ эди, мана шунаقا тўсатдан титраб-қалтираш ҳам унинг учун янгилик эмас эди. Ҳар гал уйга қайтаётганида бутун вужудини мана шундай сабабсиз ва қулгили ҳадик қамраб олар, висолга ошиқаётганида эса буларни хаёлига ҳам келтирмасди.

У кўча муйилишида файтонга жавоб бериб юбориб, шошганича, атрофига ҳам қарамай, ўзига таниш бино эшигига етиб олар, зиналардан чопқиллаб чиқар, тоқатсизлик ва қўрқувнинг дастлабки қалқимлари қизғин қаршилаган йигитнинг қайноқ оғушида эриб кетар эди. Бирок уйга қайтаётганида унинг вужудини ўзгача, ноаниқ бир даҳшат эгаллар, бу даҳшат айборлик ва бемаъни ҳадик туйгуси билан гира-шира қўшилиб кетар, кўчадаги ҳар ўткинчи унинг қаердан келаётганини бир қарашдаёқ сезадигандай ҳамда унинг юзидағи саросимани қўриб, беҳаёларча истеҳзо билан кулаётгандай туюлар эди. Хуштори билан яқинликнинг охирги дақиқалари эса тобора кучаяётган ташвишдан огуланар, сўнгра кетишга ошиқар, шошганидан оёқ-қўллари қалтиrap, ошиқ йигит сўзларининг маъносини ҳам уқмай, хайрлашув олдидағи сўнгги эҳтирос алангаларини сув сепгандай ўчирап, тезроқ

кетишига, бу ҳужрадан, бу бинодан, бу қилмишидан тезроқ қутулиб, ўзининг осойишта, оромли дунёсига қайтишига ошиқар эди. Ҳаяжонланганидан маҳбубининг тасалли берувчи, эркаловчи сўзларининг маъносини тушунмасди, эшик одиди у зиналардан бирор чиқмаётганмикин ёки пастга тушмаётганмикин, деган хавотирда бир дақиқа нафас ютиб туриб қоларди. Ташқарида эса ҳамла қилишига шай ваҳима пойлаб турар, шафқатсиз чангали билан унинг юрак дупурини тўхтатиб қўядигандай бўларди, у мана шу кайфиятда ётиқ зинапоялардан нафаси оғзига тиқилганича пастга тушар эди.

Аёл нимқоронги вестибуолда бир дақиқа кўзларини юмиб, салқин ҳавони ташналиқ билан симирганича серрайиб туриб қолди. Юқоридаги қайсиdir қаватда эшик тараққаб ёпилди. Иренахоним қўрқиб титраб кетди ва сўнгги зиналардан ҳам чопқиллаб тушди, беихтиёр юзидағи пардани тагин пастроқقا тортиб қўйди. Энди баридан ҳам оғир ва шафқатсиз синов – бегона уйдан ташқарига чиқиб олиш қолди. У югуриб сакрашга чофлангандай, бошини хиёл эгди ва қатъият билан қия очиқ эшик сари интилди.

Аммо чиқаётib нотаниш бир аёлга тўқнашди, чамаси у ҳам шу уйга келётган эди.

– Афв этасиз, – деб гудурлади Иренахоним саросимада нотаниш аёлни четлаб ўтишга чофланиб, бироқ у аёл Иренахонимга газабнок ва сурбетларча тикилиб, эшикни тўсиб оди.

– Мана энди қўлга тушдингиз! – бақира бошлади бегона аёл қўпол ва дўриллаган овозда. – Ҳа, қўриниб турипти номусли одамлар тоифасидан эканлигингиз. Лекин эрингиз, мол-дунёнгиз, ҳамма нарсангиз бўла туриб, бечора бир қизнинг севган йигитини ҳам тортиб олиш зарур бўп қопти-да сизга...

– Худо ҳақи... Нималар деяпсиз?.. Сиз янгилишяпсиз, – гудурлади Иренахоним ўнғайсизланиб,

унинг ёнидан сирғалиб ўтиб кетишга уриниб. Аммо у аёл бесўнақай гавдаси билан йўлакни тўсиб туриб олиб, қулоқни тешиб юборгудай шангиллаб шовқин солаверди:

– Янглиштан эмишман... Йўқ, мен сизни била-ман. Сиз менинг жўражоним Эдуарднинг олдидан чиқяпсиз. Ниҳоят, қўлга туширибман-а, энди бил-дим нима сабабдан унинг мендан кўнгли совиб қолганлигини. Сиз, разил ойимчани деб шундай қилган экан.

– Худо ҳақи, менга бундай қичқирманг, – зўрға товуш чиқарди Иrenaхоним ва беихтиёр орқага, вестибиолга тисланди. Бояги аёл унга масхараомуз боқиб турарди. Бу номусли жувоннинг титраб-қақшаб қўрқиши, шунчалик ожиз аҳволга тушиб қолгани, чамаси, унга хуш ёқарди, шунинг учун у ўз қурбони бўлган жувонга ҳақоратомуз кулимсираб, голибона тикилиб турарди. Овозида эса бетакаллуф мамнунлик оҳанглари қалқиди:

– Турмуш қурган хонимчаларнинг аҳволи шу экан- да, мағрур ва бағрикент. Лекин юзига парда тутволиб, бировларнинг севгилисига айланишади. Парда тутишмаса бўлармиди? Ахир ўзларини но-мусли қилиб қўрсатишлари керак-да.

– Нима деяпсиз... Нима истайсиз мендан? Сизни ҳатто танимайман ҳам ахир... Қўйворинг...

– Ҳа, қўйворинг эмиш-а... Уйингизга, эрингиз ёнига, иссиққина хонангизга қўйворайми?.. У ерда аслзода хонимойим бўлиб қаролларингиз устидан кулиш учунми?... Биз бу ёқда очлиқдан сулаямиз, хонимчаларнинг эса биз билан неча пуллик иши бор?.. Йўқ, улар кези келса бор-йўғимизни ҳам ши-либ олмоқчи бўлишади...

Ирана иродада кучи билан ўзини қўлга олди, беихтиёр ҳамёнига қўл чўзиб, қоғоз пулларининг ҳам-масини чиқарди.

– Мана... мана... Олинг. Фақат мени қўйворинг. Энди бу ерга сира қадам босмайман... Сўз бераман сизга...

Кўзлари ваҳшиёна чақнаган аёл пулларни олар экан:

– Қузғун, – дея вишиллади.

Бундай ҳақоратдан Иренахонимнинг аъзойи бадани титраб кетди, аммо рақибаси ўзини четга олганини кўриб кўчага отилди, у жонига қасд қилиб, ўзини минорадан ташлаётган одамдай ўзини билмас, ҳарсиллаб нафас оларди. Кўз одди қоронfilaшиб, ўткинчиларнинг юzlари унга худди бадбашара ниқоблардай кўринарди. Ниҳоят, у кўча муйилишида турган киракаш автомобилга зўрга етиб олди-ю, ўриндиққа шилқ этиб тушди. Шу заҳоти унинг бутун вужуди қотиб, карахт бўлиб қолди.

Ажабланган ҳайдовчи бу фалати йўловчидан қаерга боришини сўраганида, унинг сўzlари то Иренанинг карахт онгига етиб боргунча ҳайдовчига маъносиз қараб турди. Сўнг зўрга:

– Жанубий вокзалга, – деди, бироқ шу пайт миясига ялт этиб, бояги йиртқич қувиб етиб олиши мумкин, деган фикр келди: – Тезроқ, марҳамат, тезроқ ҳайданг!

У йўлдагина бу тўқнашув нақадар ларзага солганилигини англади, осилиб қолган жонсиз қўллари ҳам совқотганини сезиб, беззак тутгандай қалтирай бошлиди. Аламдан томоги бўғилиб, кўнгли айниди, чексиз кўр-кўrona fazab тўлқини кўтарилиб, бутун вужудини ағдар-тўнтар қилиб юборди. У энди миясига зирапчадай ёпишиб олган бу даҳшатли хотирадан қутулиш учун сурбетларча тиржайиб турган сохта башарани, нотаниш аёлнинг нопок нафасидаги ёқимсиз бетакаллуфликни, нафрат билан унинг юзига туфлагандай қўпол сўкинаётган беспошна оғизни унутиш учун дод деб қичқиргиси,

муштлари билан дуч келган ерни ургиси келарди. Беҳузурлиги тобора кучайиб, томогига бир нарса тиқилиб кела бошлади, бунинг устига машина тез юрганидан у ёқдан бу ёққа силкиниб борарди. Иrena ҳайдовчига секинроқ ҳайданг, деб айтишга чоғланган эди ҳамки, аммо вақтида эсига пули йўқлиги тушиб қолди – ҳамма қофоз пулларини юлгич аёлга бериб юборган эди. У машинани шошиб тўхтатди ва ҳайдовчини ҳайрон қолдириб ярим йўлда тушиб қолди. Бахтига, тўлашга пули етди. Аммо у мутлақо нотаниш жойга, жиддий юмушлари билан уймалашиб юрган одамлар орасига тушиб қолди. Уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир боқиши унга жисмоний оғриқ келтиради эди. Бунинг устига оёқлари увушиб, қотиб қолган, жойидан жилгиси келмас, аммо уйга қайтиши кераклигини тушунар ва бутун иродасини йигиб, жуда катта қийинчилик билан у кўчадан бу кўчага судралиб ўтар, гўё ботқоқликдан ёхуд қалин қор устидан бораётгандай эди. Ниҳоят, у уйгача етиб олди ва зиналардан учиб юқорига кўтарилиди, аммо шу заҳоти ҳаяжонлангани шубҳали туюлмаслиги учун ўзини тўхтатиб қолди.

Оқсочи пальтосини ечиб олгач, қўшни хонадан сингилчаси билан ўйнаётган ўғлининг овозини эшилди, атрофидаги барча таниш ва қадрдон нарсаларга назар ташлаганидан кейингина қиёфасида ташқи бир хотиржамлик пайдо бўлди, аммо айни вақтда қўнглининг аллақайси бурчакларидан ташвиш тўлқинлари қалқиб келар ва қисилган кўкрагини оғритиб урилар эди. У юзидағи пардани олди, ўзини бегам кўрсатишга мажбур қилди ва емакхонага кирди. У ерда эри кечки овқатга дастурхон ёзилган стол олдида газета ўқиб ўтиради.

– Кеч бўлди, кеч бўлди, дўстим, – меҳрибонлик билан танбеҳ берди эри ва ўрнидан туриб, хотинининг ёноғидан ўпид қўйди. Аёл ҳар қанча ўзини тутса ҳам

бу бўсадан вужудини оғритувчи уят ҳисси қўзгалди. Дастурхон атрофида ҳамма жам бўлгач, эри газетадан бош кўтармай, бефарқ оҳангда сўради:

– Қаёқда шунча ҳаяллаб қолдинг?

– Менми... Мен... Амалияницида эдим... Амалия магазиндан у-бу харид қилмоқчи экан, мен ҳам бирга бордим, – деди Ирена шошиб ва яхшироқ баҳона тайёрлаб қўймагани ҳамда ўнгайсиз алдагани учун ўзидан жаҳли чиқди. Одатда, у пухта ўйланган, ҳар қанча текширишга бардош берадиган ёлғонни топиб қўярди, бугун эса қўрқувдан бор нарсанни унтиб қўйди ва мана шунаقا заиф бадиҳа тўқишига мажбур бўлди. Яқинда бир қисса қўришган эди, худди ана шу қиссадаги каби эри телефон орқали текшириб қолса нима бўлади?..

– Сенга нима бўлди? Аллақандай паришонсан... Нега шляпангни ечмай ўтирибсан?

Мана бугун Ирена иккинчи марта ўз ҳаяжонини сездириб қўйди. У сесканиб, ўрнидан турди, шляпасини ечиш учун оромгоҳга кирди, қўзгу олдида кўзларидағи ҳаяжон йўқолиб, ўзига келгунича туриб қолди. Кейин емакхонага қайтиб кирди.

Оқсоқ кечки овқатни келтирди, оқшом одатдагидай ўтди, аниқроғи, одатдагидан жимжитроқ, сустроқ ўтди, ланж, камсуқум сухбат тез-тез узилиб турди. Иренанинг хаёли ҳадеб бугунги воқеаларга кетиб қолар, аммо ҳар гал даҳшатли дақиқалар эсига тушганида қўрқувдан юраги орқасига тортиб, қалтираб кетарди. Шунда у азиз хотиралари билан боғлиқ қадрдон буюмлари орасида ўзини хавфдан холи сезиш учун бошини кўтариб атрофига боқар, уларни меҳр билан сийпалаб кўрар ва сал ором олар эди. Сукунат қўйнида пўлат қадамлари билан бепарво одим ташлаётган деворий соат таъсирида аёлнинг юраги ҳам ўзи сезмагани ҳолда тобора хотиржам ура бошлади.

Эртасига эрталаб эри ишига, болалар эса ўйнагани чиқиб кетищди. Ирена ниҳоят бир ўзи қолғанидан сўнг оппоқ тонг ёруғлигидаги кечаги тўқнашув унчалик қўрқинчли туюлмай қолди. Унинг хаёлига аввало шу фикр келдики, биринчидан, юзидаги парда анча қалин эди, шу туфайли кечаги муттаҳам аёл уни аниқ кўролмаган бўлиши керак, демак, бошқа сафар кўрганида уни ҳар қандай ҳолда ҳам таниёлмайди. У хотиржамлик билан бундан буён ўзини асраш йўлларини излай бошлади. Яххиси, у энди хушторининг оддига сира қайтиб бормайди – шундай қилиб, иккинчи марта қўлга тушиш имконияти ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Тасодифан дуч келиш хавфи эса... бу эҳтимолдан узоқ, ахир у автомобилда қайтиб келди-ку, демак, аёл унинг изига тушолмаган. У муттаҳамга Иренанинг номи ҳам, турар жойи ҳам маълум эмас, кўринишига қараб одамни таниб олиш эса, ҳарқалай, осон бўлмаса керак. Мабодо шундай бўлиб қолган тақдирда ҳам Ирена энди ўзини йўқотмайди. Қўрқув чангалидан қутулган Ирена энди ўзини хотиржам тутиш, ҳамма нарсадан тониш, пинак бузмай, бу янгишув, деб туриб олиш осон, деган хulosага келди, уни жиноят устида қўлга туширишмаган, ўйнашиникида бўлганлигини эса ҳеч ким исботлай олмайди, агар бирор кор-ҳол юз берса, у манжалақини биронни ноҳақ қўрқитгани учун судга бериши ҳам мумкин. Ахир Ирена пойтахтдаги энг таниқли адвокатлардан бирининг хотини-ку, у эрининг ҳамкаслари билан сухбатларидан билиб олган эдики, биронни қўрқитган одам зудлик билан ва шафқатсиз равишда жазоланиши керак, чунки бундай пайтда жабрланувчининг заррача иккилаши, беўрин ташвишланиши рақибининг тилини чиқариб қўйиши мумкин.

Ирена эҳтиёткорликнинг биринчи шарти, деб ўйнашига қисқагина мактуб ёзди. Унда белгилан-

ган соатда эртага ҳам, индинга ҳам, бошқа яқин кунларда ҳам боролмаслигини билдириди. Хушторининг кечагидай тубан, номуносиб хотин билан дон олишиб юрганлиги унинг иззат-нафсиға тегди, кўнглига оғир ботди. Энди Ирена совуқ бир ҳиссисёт билан сўзларни териб ёзар экан, ўзича шодиёна интиқом туйфуси оғушига чўмди – хатнинг совуқ оҳангига қараганда, энди учрашув фақат Иренанинг истагига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Бу ёш йигитни – машҳур пианистни у қайси диртанишиларининг уйидаги кечада учратган ва кўп ўтмай, ўзи истаб-истамай, қайси йўлга кираёттанини ҳам билмай, унинг ўйнашига айланиб қолган эди. Аслида йигит унинг қонини деярли қизитмаган, йигитга ҳиссий майли ҳам, руҳий интилиши ҳам йўқ эди: унга йигит керакли ва тилакли ҳам эмас эди, йўқ, у ўзи истаб ихтиёрини бергани йўқ, фақат у йигитнинг истагига қатъийроқ қаршилик кўрсатолмади, айни вақтда, йигитга қандайдир жонсарак қизиқсиниш билан қаради. Иренани бундай ишга ундейдиган ҳеч қандай сабаб – эр-хотинлик баҳтидан қониқмаслик ҳам, аёлларда кўп учрайдиган руҳий ташналиқ ҳам йўқ эди. Булардан биронтаси унда ўйнашга эҳтиёж турдирмаган эди; у баҳтли эди, тўла-тўкис яшарди – бадавлат ва ақл-ҳушли эри ҳамда икки фарзанди бор эди; оромли, тўлақонли, бўронлардан тўсилган дунёсида эркаланиб, ҳузур қилиб яшарди. Аммо ҳавода шундай сокинлик ҳукм сурган пайтлар бўладики, у ҳар қандай димлик ва момақалдириқлардан ҳам тезроқ ҳиссиётни кўзгатади, баҳтиёрликнинг ҳам шундай бир маромли ҳарорати, осойишталиги бўладики, у одамни қандай баҳтсизликдан кўра тезроқ асабийлаштиради. Тўқлик ҳам очлик каби одамнинг иштаҳасини қитиқлайди. Ирена шу зайлда саргузашт тусаб қолган эди.

Ирена ҳәётининг мана шундай тўқис, осойишта даврини ўзи янги бўёқлар билан безашга қодир эмас эди. Ором кўнгилга урган шундай бир пайтда унинг дунёсига ёш пианист кириб келди. Бундай пайтда эркаклар одатда чучмал ҳазил-мутойиба билан, унинг ҳуснига одоб доирасидан чиқмасдан таҳсин айтиш билан чекланишарди, лекин улар ҳам унинг аёллик жозибасини чинакам ҳис этишмасди. Шундай кунларнинг бирида кўнглига гулу тушди, бу – унинг қиззик пайтидан бери биринчи марта қаттиқ ҳаяжонланиши эди. Иренага фақат йигитнинг фамгин қиёфаси таъсир қилди, аслида бусиз ҳам пианистнинг баҳтга ташналиги сезилиб турарди. Атрофида кўпинча ҳәётдан мамнун одамларни кўришга кўнишиб қолган Ирена учун йигитнинг фамгинлиги бошқа бир олам бўлиб кўринди ва у беихтиёр ҳар кунги оддий туйгулар чегарасидан чиқиб, ўша оламга мўралаб қарагиси келди. Йигит куйни тугатар экан, Ирена бирлаҳза эриб кетди ва одоб доирасидан чиқиб, қизғироқ таҳсин айтиб юборди. Рояль олдида ўтирган йигит шу заҳоти ёш жувонга қайрилиб қаради. Шу қайрилишнинг ўзидаёқ қандайдир чорловчи бир ҳис бор эди.

Аёл бундан ўзи ҳам қўрқиб кетди ва айни вақтда томирларига даҳшатли бир лаззат ёйилди. Одатда, одам севиниш аралаш қўрққанида шунаقا лаззат ҳис қиласди. Кейинги суҳбатларда эса аёлнинг қизиқиши ортгани етмагандай, бутун вужудини пинҳоний олов ёндира бошлади. Шу аснода у кейинги сафар, концертда учрашиб қолганларида ҳам йигитдан ўзини олиб қочмади. Кейин эса улар тез-тез кўришиб турадиган бўлиб қолишли. Бу учрашувлар энди тасодифий эмасди, албатта. Йигит кўпинча, сиз мени қадрловчи заршунос ва маслаҳатчимсиз, мен учун ғоят қимматлисиз, деб ишонтирас эди. Унинг бу сўзлари аёлга хуш ёқарди. Шунинг учун

ҳам танишувларидан бир неча ҳафтадан кейинроқ йигит аёлни уйига таклиф қилиб, янги асаримни сиз учун, фақат сиз учун ижро этаман, деб қистаганида у соддалик билан тез рози бўла қолди. Балки ростдан ҳам йигитнинг шундай пок ниятлари бўлгандир, аммо бу пок ниятлар эҳтиросли қучоқлашув ва бўсалар орасида эриб кетди. Ирена ўзи ҳам кутмагани ҳолда йигитга ўзини баҳш этгач, шу заҳоти йигит билан муносабатларидаги бу кескин бурилишдан қўрқиб кетди, бир лаҳзада сирли мафтунлик туйфусидан асар ҳам қолмади. Эрига хиёнати учун айбордлик туйфусини эса аёл ўз ихтиёrim билан тўкин-сочинлик оламчасидан биринчи бўлиб мен юз ўтиргдим-ку, деб бир оз юмшатмоқчи бўларди.

Биринчи кунлари аёл ўзининг бузуқлигидан даҳшатга тушди, аммо аста-секин қалбидаги иззатталаблик овозига қулоқ солиб, бу ишидан ҳатто фахрлана бошлади. Хуллас, бундай мураккаб туйгулар сал кунлардан кейин уни ҳаяжонлантирмай қўйди. Йигитнинг нимасидир беихтиёр унга хунук кўрина бошлади. Бу «нимадир» асосан бошида аёлни мафтун этган янгилиги, файриодатийлиги эди. Йигитнинг созидаги ёқимли эҳтирос уларнинг яқинлик дамларida ёқимсиз туюла бошлади. Йигитнинг эҳтиросли, шиддатли оғушлари унга ҳатто ёқмай ҳам қолди. Аёл беихтиёр йигитнинг манманларча жиловсизлигини эрининг вазмин, уятchan ҳаяжонига таққослай бошлади. Шунча йил эр-хотинлик қилишса ҳам эрининг ҳаяжонида унга чексиз ҳурмат ҳислари бор эди. Аммо бир марта гуноҳга ботган аёл яна ва яна ўйнашининг уйига бораверди. У бораётганида зўр қувонч ҳам, ғам-алам ҳам ҳис этмас, балки боришини бурч ҳисси деб тушунарди, айни вақтда у мана шу янги одатини ҳам енгишга эринар эди. Кўп ўтмай, у эрининг ота-оналарини кўришга кун ажратганидай, ўйнашига ҳам ҳаф-

тада бир кунини ажратиб қўйди, аммо бу алоқа аёлнинг одатдаги ҳаётини унчалик ўзгартирмади, фақат унга нимадир қўшиб қўйди, холос. Тез орада ўйнаши аёл ҳаётининг пишиқ-пухта машинасига бир парракдай, маромли баҳт тарозисининг бир по-сонгисидай, учинчи фарзанддай ёки янги автомобилдай одатдаги нарса бўлиб қолди, бу ман этилган ишқий саргузаштнинг қўл етадиган қувончлардан фарқи қолмади.

Мана энди бу саргузашт учун чинакам ҳақ тўлаш пайти етиб келганида аёл зиқна, бачканада одамлардай фалокатнинг «неча пул»га тушишини ҳисоб-китоб қила бошлади. Тақдир ва яқин одамлари уни ниҳоятда эркалатган эдилар, унинг ушалмаган истаги қолмаганди. Шунинг учун у илк зарбаданоқ довдирағ, ожизланиб қолди. У ўзининг руҳий оромидан, сокинлигидан айрилишни заррача хоҳламагани учун ўз тинчини сақлаш йўлида ўйлаб-нетиб ўтирамай, севгилисими қурбон қилишга, ундан кечишга қарор қилди.

Шу куни кечқуруноқ хизматкори севгилисидан жавоб мактубини келтирди. Қўрқиб кетган ошиқнинг хати пойма-пой, маъносиз эди. Саросимали ялиниб-ёлвориш, ҳасрат ва гина-кудуратга тўлиб-тошган бу мактубни ўқигач, Иrena ундан кечиб тўғри иш қиляпманми-йўқми, деб бир зум иккиланиб қолди – хушторининг қизиққонлиги ва эҳтиросли қайгуриши аёлнинг ўзига биносини янада ошириб юборди. Йигит атиги бир лаҳза бўлса ҳам учрашишни, билиб-бilmай бирор нарсадан хафа қилиб қўйган бўлса, кечирим сўраб, ўзини оқлашга имконият беришини ўтиниб сўраган эди. Энди аёлни янги ўйин маҳдиё қила бошлади – йигитнинг юрагини янада ёндириш учун узоқ вақт аразлаб юришни хоҳлаб қолди. Шу сабабли, йигитга шириналлар сотиладиган магазинга келинг, деб

амр қилди. Чунки унинг хотирига қизлик чоғларида худди ўша ерда бир артист йигит билан учрашганлиги келиб қолди. У учрашувлар беғубор эди ва шунинг учун ҳам ҳозир унга болаларнинг эрмаги бўлиб кўринди. «Қизик, – жилмайиб ўйларди у, – эри билан турмуш қурганидан бери бутунлай сўниб кетган романтика – сирли эҳтирослар яна гуллаб-яшнаётганга ўхшайди». Энди у ҳатто кечаги тўқнашувдан хурсанд бўлишга ҳам тайёр эди, чунки бу тўқнашув унга шу қадар кучли ҳаётбахш таъсир кўрсатдики, одатда, тез хотиржамликка қайтадиган асаблари ҳали ҳам ёқимли қақшашётган эди.

Бу сафар Иrena мабодо ўша кунги юлгич хотинга яна дуч келиб қолса, таниб қолмасин, деб қоп-қора, кўримсиз кўйлагини кийиб, шляпасини ўзгартирди. У юзини беркитишга чоғланди-ю, аммо тўсатдан қандайдир шаддодлиги тутиб, енгил тўр пардани нари суриб қўйди. Наҳотки нуфузли, обрўли бир аёл аллақандай маҳлуқдан қўрқиб, очиқ юролмаса?

Лекин уйдан кўчага чиқиши билан яна унинг бутун вужудини қўрқув чулғаб олди. Денгизга шўнгиш олдидан одам қўлини муздай сувга тиқиб сескангандай, асаби қақшаб кетди. Аммо бу совуқ титроқ бир дақиқадан сўнг ўзига ишонч билан, файриодатий манманлик билан алмашди, у қушдай енгил, чаққон, тетик сеза бошлади ўзини, бу эса ҳузурли эди, илгари сира бунақа шижаот билан юрмаганди. У ширинликлар магазини яқинлигидан ҳатто афсуслана бошлади, нимадир уни тўхтовсиз номаълум, янги воқеалар, жозибали саргузаштлар сари тортар эди. Бироқ учрашув пайти яқинлашган сари Иренахоним севгилиси кутаётганлигини ўйлаб ҳузур қиласар эди.

Бурчакда ўтирган ошиқ уни кўриши билан чина-камига ҳаяжонланиб, сакраб ўрнидан турди. Бу ҳол аёлга ҳам хуш ёқди, ҳам малол келди. Йигитнинг кўнг-

лида тинимсиз саволлар ва гина-кудурат гирдоби шу қадар кучайдики, аёл ундан секинроқ гапиринг, деб илтимос қилишга мажбур бўлди. Аёл унга белгиланган учрашувга келишдан бош тортишининг чинакам сабаби ҳақида оғиз очмади, аксинча, унинг ноаниқ, жумбокди ишоралари йигитнинг ҳасрат алангасини баттар ошириб юборди. У йигитнинг ҳеч бир илтимосига қулоқ солмади, бу тушуниксиз, қаёқдандир пайдо бўлган ундаги мағрурлик йигитни нақадар қийнаётганлигини кўриб туради.

Ярим соатли қизғин сұхбатдан сўнг Ирена йигитга заррача илтифот кўрсатмай, келгуси учун ҳам ҳеч нима ваъда қилмай кетиб қолди. Бу иши ўзига ҳам ёқиб, уни файрича ҳаяжон ва лаззатли қалтироққа солди, бунақа ҳузурбахш қалтироқни у фақат қизлигига ҳис этганди. У аллақаерда, кўнглиниң тубида вужудини кўйдирувчи бир чўғ ёниб турганини, бир шамол турса ўша чўғ аланга олиб, борлигини ёндириб юборажагини сезарди. Кўчада борар экан, ялат этиб ўзига ташланган ҳар бир нигоҳни ташналиқ билан илғаб олар, эркакларнинг бундай дўстона, ошкора ҳайрати эса унинг учун бир янгилик эди. Тўсатдан ўзини ўзи жуда ҳам кўргиси келиб кетди-ю, гул дўконининг витринасидаги кўзгу олдида тўхтаб, қизил атиргуллар ва шудринг кўнглан бинафшалар билан безалган кўзгу доирасидаги ўз ҳуснига маҳлиё бўлганича туриб қолди. У қизлик чоғларидан бери ўзини бу қадар енгил сезмаган эди, эрга текканининг биринчи кунлари ҳам, ўйнашининг қучогида ётганида ҳам унинг баданига бунчалик ҳузур, роҳат югурмаган эди ва мана шу гулдай гўзаллик, мана шу ширин сармастликлар кундалик бир хил турмушда бехуда йўқолиб кетаётганлиги унга ўлгудай алам қила бошлади.

У ланж судралиб уйига қайтди. Дарвоза олдида қалтис саргузаштнинг масти қилувчи ҳавосидан яна

бир марта тўйиб симириш учун, унинг тўлқинлари нақ юрагига етиб бориши учун бир зум каловланиб туриб қолди. Шу пайт кимдир елкасига қўлини қўйди. У қайрилиб қаради.

– Ие, бу сизми?.. Сизми?.. Нима керак ўзи сизга? – фудуллади азбаройи юраги ёрилгудай қўрқиб.

Кўз олдида яна ўша лаънати кимса турарди. Ирена уни кўриб, ўзининг эҳтиётсиз айтиб юборган сўзларидан баттар қўрқиб кетди. Ахир у мана шу хотинни яна учратиб қолса сизни танимайман, деб туриб олишга, ҳамма нарсадан тонишга, бу юлғичга қақшатқич зарба беришга қатъий аҳд қилган эдику!.. Бироқ энди вақт ўтган эди.

– Роппа-роса ярим соат бўлди бу ерда сизни пойлаб турганимга, Вагнерхоним.

Ирена ўз фамилиясини эшитиб, титраб кетди. Демак, у ҳайвон унинг манзилини ҳам, исми-шарифини ҳам билар экан-да. Энди ҳаммаси тамом, энди у бутунлай бу хотиннинг чангалига тушиб қолди.

– Ҳа, Вагнерхоним, мен сизни роппа-роса ярим соатдан бери кутиб турибман, – такрорлади хотин гина ва таҳдид билан.

– Нима... Нима истайсиз мендан?

– Ўзингиз биласиз, Вагнерхоним, – Ирена ўз номини эшитиб яна титраб кетди. – Нимага келганимни ўзингиз жуда яхши биласиз.

– Ахир мен у кишини ўшандан бери сира кўрмадим, ундан кейин ҳам ҳеч қачон кўришмайман... Фақат мени тинч қўйинг... Бошқа ҳеч қачон...

Нотаниш аёл Ирена ҳаяжондан тили тутилиб қолишини бемалол кутиб турди. Кейин эса худди чўрисига муомала қилгандай, гапини чўрт кесди:

– Алдаб нима қиласиз? Орқангиздан ширинлик дўконигача бордим, – Ирена қўрқиб орқага тисланганини кўриб, масхараомуз қўшиб қўйди:

– Қиладиган ишим йўқ, хизматдан бўшатвориш-

ган. Бунинг устига айтишларича, замон нотинч, иш кам. Шундог экан, бўш вақтдан фойдаланиб қолишим керакми, керак. Ойимтиллалардан бизнинг қаеримиз кам экан, биз ҳам ахир одаммиз, ўйнаб-кулишни хоҳдаймиз.

Изтеҳзо ва жаҳд билан айтилган бу совуқ сўзлар Иренанинг нақ юрагига бориб санчилар эди. Бу ошкора шаллақилик, тубанлик олдида у ўзини қуролсиз, ожиз сезди, бу ҳайвон ҳозир бақириб, ўйни бошига кўтарса ёки шу тобда эри келиб қолса нима бўлади, дея қўрқанидан гангиг қолди. Сўнг шоша-пиша мўйнали енглари орасидан кумуш сумкаласини пайпаслаб топди-да, ундаги бор пулини олиб аёлга узатди.

Бироқ нотаниш аёлнинг сурбетларча чўзилган қўли миннатдорона пастга тушмади, пул тегиши билан ўткир тирноқди чангандай ҳавода туриб қолди.

– Бир йўла сумкачаниям берворинг, бу пулларимди ийқотиб қўймай тағин, – аёл истеҳзо билан лабларини чўччайтириб, хунук ҳиринглади.

Ирена муттаҳам аёлниг кўзларига тик қаради, аммо унинг беҳаёларча боқиб туришига бардош беролмади. Бу сурбетларча қўпол мазахга чидаш қийин эди, нафрат туйғуси оғир дарддай унинг аъзойи баданини тилкалади. Ишқилиб, тезроқ кета қолса, бу хунук башарага яна кўзи тушмаса! У юзи ни ўгириб, қимматбаҳо сумкачасини шоша-пиша юлғич хотинга берди-да, Азроил қувлагандай зинадан чопқиллаб чиқиб кетди.

Эри уйда йўқ экан, Ирена диванга шилқ этиб тушкиди ва таёқ еган одамдай мажолсизланиб ётиб қолди. Фақат даҳлиздан эрининг овози эшитилгач, зўрга ўрнидан туриб, беихтиёр қўшни хонага сургалди.

Даҳшатли ваҳима энди унинг уйига ўрнашиб олиб, бир қадам ҳам жилмай туриб қолди, Бўш

пайтлари даҳшатли тўқнашувнинг тафсилотларини соатлаб бирма-бир эслар экан, у энди ўз аҳволининг танглигини, чорасизлигини аниқ-равшан ҳис қила бошлади. Манзили ва фамилиясини бир амаллаб билиб олган бу қанжиқ дастлабки муттаҳамликлари шунчалик ғалаба келтиргач, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг муҳим сирдан воқифлигидан фойдаланиб, бечора бир аёлни эзиз сувини ичса керак. У энди Иренанинг турмушини кўп йиллар огулаб юради, бу воқеа гўё босириқ туш, бу қўрқинчли тушдан бор қучи билан ҳар қанча ўзини силкитса ҳам қутулиб бўлмайди. Чунки оиласда анча-мунча жамғармалари бўлса ҳам, бари бир, у эридан яширин кўп нарса тўплаёлмайдики, ўша маҳлуқдан бир йўла қутулса. Яна шуниси ҳам борки, эрининг баъзи гапларига кўра ҳамда у шугулланган айрим суд ишларига қарагандা, бунақа ашаддий муттаҳамлар ҳар қанақа шартлашув ва келишувни сариқ чақага олишмайди. Жуда иши юришиб қолган тақдирда ҳам фалокатни бир ой, икки ойгача аритиб туриш мумкин, кейин нима бўлади? Кейин, оиласвий баҳтнинг омонат биноси ҳеч иложсиз қулаб тушади. Мабодо азоб берувчисини ҳам жазога шерикликка тортолса-чи, лекин бундан ҳеч қанча фойда чиқмайди. Фалокат муқаррар, нажотнинг иложи йўқлигини даҳшатли равишда аниқ-равшан сезиб турарди. Бироқ фалокат қандай... қанақасига юз бераркин – у эртаю кеч шу машъум муаммо устида бош қотирарди. Бир куни эрининг номига хат келади; ранги оқарган, қовоғи солиқ эри унинг хонасига киради, қўлидан қаттиқ ушлаб, сўроқ қила бошлайди... Кейин-чи... Кейин нима бўлади? Эри қандай йўл тутади? У ёғига ақди етмас, қолган ҳаммаси шафқатсиз қўрқув гирдобига фарқ бўлган эди. У ўйлаб ўйининг тагига етолмас, ҳар хил тусмолу гумонлардан боши тарс ёрилгудай эди. Шундай азоб-уқубатли ўйлар

пайтида у яна бир нарсани равшан тушуниб, баттар кўрқа бошлади; у эрининг қандай одамлигини яхши билмасди, шунинг учун эри нима қилишига, не фикрга келишига ақли етмасди. У ота-оналарининг истаги билан эрга чиқди, аммо ўзининг ҳам унчалик кўнгли йўқ деб бўлмасди, аксинча, уни хуш кўрганди, йиллар ўтиб у янгишмаганини тушунди. Улар бир ёстиқقا бош қўйиб, саккиз йил баҳтиёр, осойишта, ширин умр кечиришди. Ҳамма нарслари – болалари, уй-жой, сон-саноқсиз яқинлик соатлари ўртада эди, ҳаммасини аҳиллик билан баҳам кўришарди. Фақат бу кунга келиб, у эрининг қандай йўл тутишини тасаввур қилишга уринганидагина шу вақтгача турмуш ўртоғи унга бегона ва нотанишлигича қолганлигини англади. Мана, шу кунга келиб, энди ўзларининг бутун ҳаётларини кўз олдига келтиришга, эрининг айрим хатти-ҳаракатларидан унинг табиатини билиб олишга уринди. У кўрқув оғушида ҳар бир хотирага қалтираб ёпишиб олиб, эрининг қалбидаги энг қоронги кўчаларга йўл топишга уринарди.

Эрининг сўзларидан унинг кўнглида нималар борлигини билиш қийин эди. Мана, ҳозир у ўткир электр чироги ёруғида китоб ўқиб ўтирган эрига синчков нигоҳ ташлади. У бегона одамнинг юзига қарагандай эрининг юзига тикиларкан, бирданига нотаниш бўлиб қолган таниш чизиқларга қараб, бир ёстиқقا бош қўйиб, саккиз йил умр кечиришган давридан буён бепарволиги туфайли билмаган эрининг характеристини энди билиб олишга уринди. Эрининг манглайи очиқ ва олижаноб одамга хос, қудратли ва фаол ақлга тўлиқдай эди, аммо қимтилган лабларида қатъият, журъат ифодаси бор эди. Унинг мардона қиёфасидан куч-ғайрат ёғилиб турарди. У кутилмагандаги бу иродали чеҳрадаги гўзалликни кашф этар экан, эрининг ўйчан, ўткир зеҳн,

қатъият аниқ сезилиб турган қиёфасига ҳайрат билан тикилиб қолди. Аммо асосий муаммони ошкор этадиган кўзлари эса киприклари билан тўсилган, китоб саҳифаларига қадалган эди. У энди фақат эрининг салобатли гавдасига, жиддийлиги билан одамни ҳуркитадиган ва биринчи бор гўзаллиги билан мафтун этувчи бу нотаниш қиёфасига ён томонидан синчковлик билан қарай оларди, холос. Назарида, гўё унинг мардона қиёфасида мурувват ёки нафрат сўзлари яширингандай туюларди. У тўсатдан эрига мамнуният ва ифтихор билан қараб турганлигини пайқаб қолди. Шу пайт эри бошини кўтариб қаради, у эса кўзларини тез қоронғилик томон олиб қочди, эҳтиросли ва синчков назари эрида шубҳа уйғотишидан қўрқди.

* * *

Уч қунгача Ирена кўчага чиқмади, лекин бу «тухум босиб ўтириши» атрофидагиларга сезилиб қолаётганидан ташвишлана бошлади, чунки у одатда уйда кўп бўлмасди.

Бу ўзгаришни биринчи бўлиб болалари пайқашди. Айниқса, каттаси дарҳол соддадиллик билан, нега ойимиз уйда ўтирибдилар, дея ажабланганини билдириди-кўйди. Оқсочи эса ҳиринглаб тахминларини мураббияга айтиб берар эди. Ирена эса шу кунларда уйда бўлишлигини исботлашга беҳуда уринар, кўпинча бунга асосли сабаблар ҳам топар, аммо қай бир ишга аралашса, фақат одатдаги тартибни бузарди, холос. Оқсочга ёрдам бераман, деб уни уринтириб қўярди. Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қиласди, деганларидек, ёлғиз қолишга, ўзининг оромгоҳида китоб ўқиб ёки кашта тикиб ўтиришга тоқати етмасди. Йўқ, у ҳар бир кучли изтиробни яширолмаганидай, ички ҳаяжонини босолмас, асабийлашиб у хонадан

бу хонага юрарди. Ҳар гал телефон ёки дарвоза қўнғироғи жиринглаганида сесканиб кетар, арзимас бир зарбдан осойишта ҳаётининг риштаси узилиб кетишини сезиб турар эди. Шунда унинг руҳи бутунлай тушиб кетар ва маҳв этилган умри қўзига жимиirlаб кўринарди. Зиндоңдагидай ўтган мана шу уч куни турмуш қурганидан бери кечган саккиз йилдан ҳам узунроқ туюлди. Бироқ учинчи куни уйидан чиқишига мажбур бўлди: анча илгари эр-хотин меҳмондорчиликка чақирилган эдилар; ишонтирали баҳона йўқлиги туфайли эътиroz билдиришнинг иложи бўлмади. Бунинг устига, ахир ақлдан озмаслик учун унинг ҳаётини ўраб турган даҳшатнинг кўринмас темир деворини қачондир бузиб ташлаши керак-ку! У одамларни кўришни, оғир ўйларидан бир неча соатга бўлса-да қутулишни, кўрқувдан ўзини ўлдириб қўймаслик учун ўзини ўнглаб олишни хоҳдарди. Бундан ташқари, кўзга кўринмас ва доимий таъқибдан бирорларнинг уйида, дўстлари орасида тезроқ халос бўлиши турган гап эди. Фақат бир лаҳза, қисқа бир лаҳзада, ўша нохуш учрашувдан кейин биринчи марта кўчага чиққанида уни бирдан кўркув босди: муттаҳам аёл қаердадир, яқин ўртада пойлаб турган бўлса-я. У беихтиёр эрининг қўлидан ушлаб олди ва кўзларини юмиб, йўлакнинг нарёғида уларни кутиб турган автомобиль олдигача бир неча қадам югуриб борди. Аммо энди машинада эрининг ҳимоясида қош қорайиб, одамлар сийраклашиб қолган кўча бўйлаб гизиллаб елиб борар эканлар, юрагидаги оғир тош аста-секин енгиллаша бошлади. Бегона уйнинг зиналаридан юқорига қўтарилаётганда эса у энди ўзини тамоман хавфсиз, эркин сеза бошлади. У меҳмондорчиликда ўзини шу қадар эркин ва шўх ҳис қилдики, гўё кўп йиллар илгариги ҳаётига қайтгандай бўлди. Ҳатто, у қамоқхонанинг тўрт девори

орасидан қутулиб, қуёш юзини кўрган одамдай бутун вужудини шодлик чулғаб олди. Бу гўшада у таъқибдан холи эди, нафратланган одами бу ерга киролмасди. Бу ердаги одамлар уни яхши қўришар ва ҳурматлашар, унга ҳайрат билан боқишар эди. Ясан-тусанг берилган, бегам-беташвиш бу одамлар ранг-баранг ялтираб-жимирилаган енгилтаклик тўлқинларида сузаётгандай эдилар. У ниҳоят ўз даврасининг лаззатли оғушига яна қайтди. Дастребки лаҳзалардаёқ одамларнинг нигоҳларидан чиройли экансиз, деган фикрни англади ва аллақачонлардан бери туймаган ўзига ишонч туйгусидан яна ҳам гул-гул очилиб кетди.

Қўшни залдан таралаётган ўйноқи мусиқа садолари унинг жўшқин қонини яна ҳам кўпиртиради. Рақс бошланди ва у кўз очиб-юмгунча ўзини гавжум оломоннинг ўртасида кўрди. Умрида ҳали бунақа ҳузур қилиб рақсга тушмаганди. Бу қуюнли гирдоб уни қушдай енгил қилиб юборган, мусиқа оҳангни баданининг ҳар бир заррасига сингиб, жонига ўтлар туташтирап эди. Мусиқа тўхтаган заҳоти чўккан сукунат уни оғритар, зўриқдан вужуди хижолатдан ёнар, мусиқа янграши билан эса яна у роҳат, ором берувчи, аллаловчи муздай сувга шўнғигандай, ўша гирдога ўзини ташлар эди. Одатда у ўртамиёна рақсга тушар, мулоҳазакорлик билан ўзини тийгани учун келишмайроқ, лекин ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласиди, бироқ ҳозир эркинликка отилиб чиққан шодлик нашъаси унинг кўнглидаги тортинчоқликни йўқотиб юборди. Унинг бўронли эҳтиросларини қаттиқ тутиб турган мулоҳазакорлик ва уятчанликнинг темир жилови узилиб, энди Иrena ўзини фикрсиз ҳузур-ҳаловат оғушида эриб кетаётгандай ҳис эта бошлади. Кимнингдир қўллари уни қучоқлаганини, кимлардир унга суйкалганини, хўрсинишдай эши-

тилган сўзларни ҳаяжонли кулги-қаҳқаҳани, қонида жаранглаётган мусиқани ҳис этиб роҳатланар эди, бадани таранг тортилган тордай, кўйлаги куйдира-ётгандай туюлар, у барча либосларини улоқтириб ташлаб, ялангоч ҳолида бу ҳузур-ҳаловатни симиришни хоҳлар эди.

– Ирена, сенга нима бўлди? – кўзлари чақнаган, ракқос ҳамроҳининг оғушида қизарган жувон гандираклаб, орқасига ўгирилди. Шу заҳоти унга ажабланиб, қаттиқ тикилиб турган эрининг совуқ нигоҳи юрагига ханжардай қадалди. Жувон қўрқиб кетди: балки у туйгуларига ортиқча эрк бериб юборгандир, балки жазавага тушиб, ниманидир ошкор қилиб қўйгандир?

– Нима деяпсан, Фриц?.. – шивирлаб ғудранди у юрак-юрагигача ўқдай қадалган эрининг нигоҳидан ўзини йўқотиб. Эрининг кўзлари юрагини тобора чуқурроқ ўйиб кирмокда эди. Инквизиторларга хос бу шафқатсиз нигоҳдан у дод деб юборгиси келди.

– Жуда ғалатисан, – деди узоқ сукутдан сўнг эри. Унинг овозида ажабланиш оҳангি бор эди. Эри бу билан нима демоқчи эканлигини сўрашга Ирена журъат қилолмади, аммо эри бошқа ҳеч нарса демай, юзини ўғирганида, унинг кенг, пишиқ, оғир елкасини, темирдай чайир бўйинини кўриб, бутун вужудига титроқ югурди. Қотилларнинг қиёфаси шундай бўлади, деб ўйлади Ирена ва шу заҳоти ўзининг бу маънисиз фикридан қайтди. Фақат ўз эрини эндинигина кўргандай бўлди, унинг кучли ва хавфли эканлигини англаб, қалтираб кетди.

Яна мусиқа садолари янгради. Қандайдир жаноб Иренага яқинлашди ва у беихтиёр ўша кишининг кўлларига суюниб қолди. Бироқ энди аёлнинг бутун вужуди оғирлашган ва шўх мусиқа қўроғшиндай зил-замбил оёқларига жон киритолмас эди. Уни эзиб турган дард юрагидан оёқларига ўтди ва ҳар

бир қадамида азоб бера бошлади. У ҳамроҳидан кечирим сўрашга мажбур бўлиб, ўз жойига қайтар экан, эрим яқинимда эмасмикин, деган ўй билан беихтиёр ён-верига қаради ва шу заҳоти пойлаётгандай ёнгинасида уни кузатиб турган Эрини кўриб, титраб кетди. Эрининг совуқ нигоҳи яна унинг кўзлари билан тўқнашди. Эрига нима бўлди? У нимани билиб қолди экан? Жувон, ихтиёrsиз, очилиб қолган кўкрагини ундан беркитмоқчи бўлгандай, ёқасининг тугмаларини тез солишга уринди. Эрининг сукут сақлаши ҳам нигоҳи каби қатъий эди.

– Уйга қайтсакмикан? – қўрқа-писа сўради у эридан.

– Албатта. – Эрининг овози совуқ ва қаҳрли эди. У олдинга юрди ва яна эрининг оғир, таҳдидли бўйнига кўзи тушди. Пўстинчасини кийдириб қўйишигандан кейин ҳам бари бир у безгак тутгандай қалтирас эди. Улар соябон аравада ёнма-ён жимгина боришаркан, Ирена оғиз очишга қўрқар эди. Юраги янги хавфни элас-элас сезар, энди унга ҳеч қаерда нажот йўқ эди.

Шу кеча у қўрқинчли туш кўрди. Шифтлари баланд ва ёруғ залда мусиқа гумбуzlар эди. У залга кириши билан ранг-баранг кийинган оломон ўтасига тушиб қолди. Шу заҳоти бир йигит орани ёриб ўтиб, унга яқинлашди, у йигитни танигандай бўлди, аммо кимлигини эслаёлмади. Йигит аёлнинг қўлларини олди ва улар рақс бошлашди. Ирена қувонч ва лаззат оғушига шўнғиди, мусиқа тўлқинлари унинг оёғини ердан узиб, ҳаволата бошлади. Улар залнинг нақшин устунлари оралаб рақс тушар, баланд шифт остидаги зарҳал қандилларнинг шамлари юлдузлардай чақнаб нур сочар, деворий кўзгуларда Иренанинг табассуми кўринар ва сон-саноқсиз тасвирларда такрор-такрор акс этар эди. Рақс

тобора шиддатли тус олар, мусиқа қонларга олов ёқар эди. Йигит уни тобора бағрига босаётганини, бармоқларини тобора яланғоч елкаларига ботираётганини ҳис қиласр эди. Аёл лаззатли оғриқдан инграб юборди, шу зум күzlари йигитнинг күzlари билан түқнашди-ю, кимлигини эслади. Бу ўша қизлигиде узоқдан күриб ардоқлаб юрган актёр йигит эди, аёл энди ҳузур билан унинг номини айтишга оғиз жуфтлаган эди, йигит аёлнинг хитобини ёндирувчи бўса билан жим қилиб қўйди. Шу тариқа улар лабларига лабларини қўйиб, бир-бирининг қайноқ оғушига чирмашганича майин сабода учгандай, залма-зал айланар эдилар. Ёнларидан деворлар лип-лип ўтар, Иrena аллақачон боши узра шифт борлигини ҳам кўрмас, вақт ўтаётганини ҳам сезмас, жиловлардан бўшаган баданининг оғирлигини ҳам ҳис этмас эди. Шу пайт кимдир тўсатдан унинг елкасидан ушлади, Иrena рақсдан тўхтади, у билан мусиқа ҳам тинди, чироқлар ўчди, қоп-қора деворлар яқинлашиб уни ўраб олишди, ҳамроҳи фойиб бўлди. Даҳшатли нотаниш хотиннинг: «Йигитимни қайтиб бер, ўғри!» – деган қичқириғи эштилди, бу қичқириқлардан ҳатто деворлар қалтираб кетди, хотиннинг муздай панжалари унинг қўлига зулукдай ёпишиб олди. У бир силтаниб, дод деб қичқирди, бу даҳшатли, телбаларча чинқириқни ўзи ҳам эшитди, улар ёқалаша бошладилар, нотаниш хотин баланд келди, Иренанинг бўйнидаги марварид шодаси билан бирга кўйлагининг ярмини ҳам юлиб олди, йиртиқ латта орасидан яланғоч елкалари ва кўкраклари очилиб қолди. Шу заҳоти аллақаёқдан одамлар яна пайдо бўлиб қолишди, шовқин яна кучайди, ҳар тарафдан яна одамлар йигилди, ҳамма унга ва бояги урғочи жонзотга масхараомуз боқар эди, тасқара хотин эса бор овози билан «Бузуқи, ж..! Йигитимни тортволди!» – деб чинқиради. Иrena

қаёққа яширинишни, қаёққа қарашни билмас, тишларини фижирлатган ваҳшний башаралар баттар яқинлашиб, баднафс кўзлари билан унинг ялангоч жойларига ҳаёсиз тикилишар эди, мана унинг нажот излаб тинган кўзлари олисларга боқди, бирдан у эрини кўриб қолди, эри дарвоза олдида қоқкан қозиқдай қаққайиб турар, ўнг қўлини орқасига яшириб олган эди. Ирена дод деб қичқирганича бутун залнинг нақшин устунлари оралаб қоча бошлиди, орқасидан очкўз оломон қувишга тушди, у эса кўйлаги тобора сурилиб пастга тушаётганини, ҳозир мутлақо ялангоч қолишини ҳис қилар эди. Шу пайт тўсатдан дарвоза ланг очилди, у таъқибдан қутулиш умидида зинадан пилдираб туша бошлиди, бироқ пастда пойлаб турган, ифлос жун юбка кийган бояги хунук жонзот ўткир панжалари билан уни юлишга ташланди. Ирена жон ҳолатда ўзини четга олди ва ҳушидан айрилиб, чопаверди, бояги таъвия ҳам унинг орқасидан югурди, шу алпозда улар қоронгиликда узун ва ҳувиллаган кўчалар бўйлаб узок чопишиди, фонуслар фижирлаб улар кетидан эгилиб қарашар эди. Ирена ҳар он ортидан бояги жонзотнинг, ёғоч чориқлари тарақлаётганини эшитар, аммо муйилишда бошқа кўчага бурилиши билан олдиндан яна худди ўша маҳлуқ чиқиб қолар эди; таъвия уни ҳар бурчакда, ҳар дарвозанинг ўнгу сўлида пойлаб турарди; у ҳамма ерда ҳозир эди, даҳшатли тезлик билан урчиб кўпаяр, ундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди, у қаерга бормасин, осмондан тушгандай кўз олдида пайдо бўлар, тиззалари қалтираб, ҳолдан тойган Иренани ушлаб олишга интиларди. Мана, ниҳоят уйлари кўринди, Ирена ўзини ўша ёққа урди, эшик тарақлаб очилди, бироқ остоңада эри уни қўлида пичноқ билан пойлаб турган экан, у хотинига ҳамон синовчан тикилиб турарди. «Қаерда эдинг?» – таҳдид билан сўради эр.

Ирена: «Хеч қаерда», деган ўзининг овозини эшитди, лекин шу заҳоти орқасидан бояги жонзотнинг қаҳқаҳа уриб чинқиргани эшитилди. «Мен кўрдим, кўрдим!» – деб чийилларди у ҳануз ақлдан озгандай хаҳолаб. Шу пайт эри пичоқ тортиворди. «Ёрдам беринг! Ёрдам!» – жони борича қичқирди Ирена.

У уйғониб кетди ва қўрқув тўла кўзлари эрининг кўзлари билан тўқнашди. «Оҳ, бу нимаси? Бу қандай гап? Ахир у ўз уйида, оромгоҳида экан-ку. Шифт остидаги фонус хира нур сочиб турипти. Хайрият, у ўз уйида, тўшагида экан, кўрганлари туш экан, холос. Бироқ нега эри худди беморга қарагандай ачиниб қараб турипти унга? Чироқни ким ёқсан, нега эри қимир этмай, қовогини солиб ўтирипти?»

Ирена ниҳоятда қўрқиб кетди. Ялт этиб эрининг қўлига қаради: йўқ, пичоқ кўринмайди. Уни эзган босириқ, хира туш манзаралари тумандай аста тарқала бошлади. Демак, буларнинг ҳаммасини у тушида қўрипти-да, у тушида чинқириб, эрини ҳам уйғотиб юборипти-да. Бироқ нега эри унга тешиб юборгудай тикилиб турипти?

Ирена жилмайишга уринди.

– Нима бўлди? Нега менга бунақа тикилиб қолдинг? Жуда ёмон туш кўрибман.

– Ҳа, қаттиқ қичқирдинг. Ҳатто нариги хонада туриб мен ҳам эшитдим.

«Нима деб қичқирдим экан, нималар деб валдирадим экан, – даҳшат ичида ўйлади Ирена. – У нимани билиб олдийкин?» Ирена бошини кўтариб, эрига қаравдан қўрқарди. У эса Иренага фоят жиддий, шу билан бирга, ажабтовур хотиржамлик билан қараб турарди.

– Нега бунақа бўлиб қолдинг, Ирена? Кейинги кунларда жуда ўзгариб кетдинг – безгак тутгандай қалтирайсан, асабийлашасан, нимадандир

ташвишланасан. Ҳозир бўлса, тушингда ёрдам беринг, деб бақирияпсан...

Ирена яна жилмайишга уриниб кўрди.

– Йўқ, сен мендан ниманидир яширяпсан, – деб туриб олди эри. – Балки қандайдир кўнгилсизлик, қандайдир ташвиш сени қийнаётгандир? Уйдагиларнинг ҳаммаси ўзгариб қолганингни сезган. Кўрқма, айтавер, нима қийнаяпти сени?

Эри унга яқинроқ сурилди. Ирена эрининг бармоқлари унинг яланғоч билакларини силаб, эркалаётганини сезди, кўзларида эса аллақандай бошқача нур чақнар эди. Ирена қайноқлик билан эрининг кучли баданига кўксини босиб, маҳкам қучоқдаб олгиси, ҳамма гапни айтиб бергиси, кечирдим, демагунча бағридан бўшатмай, ёпишиб олгиси келди. Ахир, эри унинг қанчалар азобланаётганигини кўриб турибди-ку. Фонус ҳам ўзинииг хира нурлари-ла унинг юзини ёритишга уринар, Ирена эса бундан уяларди. У даҳшатли сўзни айтиб юборишдан кўрқарди.

– Хавотир олма, Фриц, – жилмайишга уринди Ирена аслида бутун вужуди, тирноғигача даҳшатдан титраса ҳам. – Шунчаки, асабларим чарчаган шекилли. Майли, ўтиб кетади.

Эри уни қучиш учун чўзган қўлларини дарҳол тортиб олди. Ирена титраб кетди – у мана шу сунъий чироқнинг хира нурида жуда рангпар кўринар, пешанаси кўнгилсиз ўйлардан тиришиб кетган эди. У ўрнидан секин турди.

– Мен ҳозирги аҳволимизга тааллуқди бирор муҳимроқ гап айтармикинсан, деб ўйлагандим.Faқат иккаламизга тегишли гапни кутган эдим. Айниқса, ҳозир, Ирена, ёлғиз қолганимизда.

Эрининг бу жиддий ва сирли қарашидан сеҳрланиб қолгандай Ирена жойида қимирамай ётарди. Faқат бир сўзни, биргина, биттагина «кечир» деган

сўзни айта қолганида олам гулистон бўлиб, ҳамма иш ўнгланиб кетарди-я, – ўйларди Ирена. – Эри нима учунлигини суриштириб ўтирмасди. Бироқ, нега бу чироқ сурбетларча... ёниб турипти? Назарида эри қоронгиликда сўраганида балки гапира оладигандай туюлди. Аммо, ёруғлик унинг иродасини йўқотиб, тилини боғлаб қўйган эди.

– Демак, айтадиган ҳеч қандай гапинг йўқ, шундайми?

Айтаверса нима қиласарди-я, эри яхшилик билан сўраб турибди-ю ахир! У сира бунчалик мулойим гапирмасди. Эҳ, агар фонуснинг ёруғи бўлмаганида, мана шу сариқ, бетамиз ёруғлик бўлмаганида эди!

Ирена бир силтанди.

– Хаёлингга нималар келди? – қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди Ирена ва кулгисининг жарангидан ўзи чўчиб кетди. – Уйқум ёмон бўлиб қолгани учун, албатта, мендан яширадиган сири бор, деб ўйла-япсанми? Ҳали мени битта-яримтага хуштор бўлиб қолди, деб ҳам ўйларсан?

Ирена ўз сўзларининг нақадар қалбаки, сохта жаранглаганидан ўзи қалтираб кетди, ўзининг сохталигидан ўзи ич-ичидан нафратланиб кетди ва беихтиёр эридан кўзларини олиб қочди.

– Майли, ётиб дамингни ол, – эри бу сўзларни жуда тез ва дўқ аралаш айтди. Гапининг оҳанги бутунлай ўзгариб, таҳдид ва шафқатсиз ҳақорат маъносида жаранглади.

У чироқни ўчирди. Ирена унинг узоқлашиб бораётган тун арвоҳидай тилсиз, хира соясига қараб қолди, эшикнинг тарақлаб ёпилишини эса у тобут қопқофининг ёпилишига ўхшатди. Кўзига дунё қоронфи бўлиб кетди, худди бутун олам қотиб қолгандай, фақат даҳшатдан ҳушсизланган танасидагина юраги дукиллаб урар, ҳар уриши кўкрагига азоб бўлиб ёйиларди.

Эртасига оила аъзолари жам бўлишиб, тушликда ўтиришганди, жанжал чиқаришган болаларни эндинина аранг эпақага келтирган Иренанинг қўлига оқсочи кириб, хат тутқазиб, жавобини кутишяпти, деди. Ирена таажжубланиб, нотаниш ёзувли конвертни шошиб очди. У дастлабки сатрларни ўқиши билан ранги девордай оқариб, ўрнидан сакраб турди, лекин ўйламасдан қизиқонлик қилгани ҳамманни ажаблантирганини кўриб, баттар қўрқиб кетди.

Хат қисқа эди. Атиги уч сатрда: «Ушбуни етказувчига марҳамат қилиб тезлик билан юз крон бериб юборинг», дейилган эди. Атайлаб ажи-бужи қилиб ёзилган бу хатга имзо ҳам, сана ҳам қўйилмаган, унинг турган-битгани сурбетларча қўрқитувчи буйруқ эди. Ирена пул олиб чиқиш учун оромгоҳига югурди, бироқ нақшин сандиқчанинг калитини қаергадир беркитиб қўйган экан, уни қидириб барча қутию тортмаларни ағдар-тўнтар қилиб чиқиб, ниҳоят топди. Кўллари қалтираганича пулларни конвертга солди-да, эшик олдида қутиб турган югурдакка берди. У бу ишларни шу қадар тез ва онгсиз равишда, қандайдир жазава билан ҳеч иккilonmай бажариб, шу заҳоти емакхонага қайтганида, ҳамма жим бўлиб унга қараб турарди. Ирена қизариб, ўрнига ўтирди ва шоша-пиша аллақандай баҳона тўқий бошлаган эди, бирдан қўли қалтираб, стаканни шошиб жойига қўйди – боя ҳаяжон устида очилган хатни ўзининг ликопчаси олдида қолдирганигини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди, варақни ўгринча фижимлади, бироқ уни чўнтағига солаётиб, бошини кўтарганди, эрининг юракни тешиб юборгудай зардали ва изтиробли нигоҳига кўзи тушди, эрининг бундай қарашини у биринчи кўриши эди. Айни шу кунларда эрининг кўзларида тўсатдан ёнган шубҳа, гумон олови Иренани довдиратиб, гарангситиб қўйганди, аммо бу аҳволга чек

күйишига у ожиз эди. Эрининг бу шубҳали нигоҳидан ўша куни базмда ҳам оёқ-қўли музлаб қолган эди, кеча эса тушида ҳам бу нигоҳ ханжардай ярақлади. Ирена нима десам экан, деб қийналар, унтутилиб кетган хотиралари яна хаёлида жонланарди – бир куни эри унга адвокатлик иши юзасидаи қайсиdir терговчига дуч келганини айтиб берган эди. Эрининг айтишича, ўша терговчининг алоҳида тергаш услуби бор экан: айборни сўроқ қилиш вақтида у кўпинча қофоз-дафтарларини титкилаб ўтиаркан, фақат ҳал этувчи савонни берганида ялт этиб бир қарар экан, унинг ханжардай қадалган назаридан жиноятчи довдираф қолар экан, у терговчининг чақмоқдай ўткир нигоҳидан кўзи қамашиб гангид қоларкан-да, ўзининг ожизлигини ҳис этиб, таслим бўларкан. Дарвоҳе, балки эри ҳам бу хавфли санъатни машқ қилмоқчи бўлиб, қурбонликка Иренани танлагандир? Уни даҳшат чулғаб олди, чунки у эрининг ўз касбига қизғин меҳр қўйганлигини, бу ишда суд қонунчилиги талабларидан ҳам ошиб тушувчи эҳтиросли психологик қобилиятини кўрсата олишини биларди. Жиноятни таъқиб қилиш ва фош этиш, қўлга тушириб иқрор қиласдириш каби ишларни у қартабозлиқдай, жувонбозлиқдай ишқибозлик билан қиласи ва мана шунаقا руҳий таъқиб билан банд бўлган кунлари вужудан ёниб юарди. У аллақачон унтутилиб кетган ишларни титкилаб, тунларни тонгга уласа ҳам, бегона одам назарida жуда хотиржам кўринар эди. Ўшандай пайтларда у кам еб, кам ичар, аммо тинимсиз чекар ва деярли гапирмас, гўё бор нотиқлик маҳоратини суд кунига асрәётгандай эди. Ирена фақат бир марта эрининг оқловчилик ишида қатнашган ва судга иккинчи марта бормасликка аҳд қиласган эди, чунки эрининг жаҳддор эҳтироси, нутқидаги қаҳр-ғазаб оҳангиги, юз ифодасидаги қандайдир совуқлик ва шафқатсиз-

лик уни қўрқитиб юборганди. Назарида ҳозир ҳам эрининг қошларини чимириб, синчков тикилиши ўша кунги ҳолатига ўхшарди.

Ана шунақа олис хотираларнинг ҳаммаси шу бир неча лаҳзада қалқиб юзага чиқди ва унинг тилини боғлаб, бирор сўз айтишга кўймади. У индамай ўти-рар, жимлик чўзилган сари бунинг хавфлилигини тушуниб, баттар ҳаяжони кучаяр эди. Иренанинг баҳтига тушлиқ тез тугади, болалар сакраб туришиб,чувиллашганича нариги хонага кириб кетишиди, энага уларни тинчитаман деб бехуда уринарди. Эри ҳам ўрнидан туриб, ҳеч қаёққа қарамай, оғир қадамлар билан ўз хонасига кириб кетди.

Хонасида ёлғиз қолиши биланоқ Иrena машъум хатни чўнтағидан чиқарди ва яна бир марта: «Ушбуни етказувчи одамга марҳамат қилиб тезлик билан юз крон бериб юборинг», деган сўзларни ўқиди, ғазаб билан хатни майдалаб йиртди ва энди ахлат саватга ташламоқчи бўлиб турганида, фикри ўзгарди, печкага эгилиб, қофоз парчаларини ўтга ташлади. Оқиш алганга бу хавфли қофозни ялаб-юлқаб тутатгач, Иренанинг қўнгли сал тинчиди.

Худди шу дақиқада эрининг оёқ товушлари эши-тилди, у остоная келиб қолган эди. Печка иссиғи-дан ва тўсатдан қўлга тушиб қолганидан қизариб кетган Иrena сакраб ўрнидан турди. Печканинг эшикчаси ҳамон хиёнаткорона очиқ турарди. Иrena ўнгайсиз аҳволда уни тўсишга уринди. Эри стол ёнига келди, сигара чекмоқчи бўлиб гугуртни ёқди, у ёниб турган гугуртни юзига яқинлаштирганида Иренага унинг бурун катаклари титрагандай туюлди – бу ғазаб аломати эди. Кейин у хотинига хотиржам қараб, гапирди:

– Мен фақат шуни айтиб қўймоқчи эдимки, сен ўзингга аталган хатларни менга кўрсатишинг шарт

эмас. Агар мендан беркитадиган сирларинг бўлса, ихтиёр ўзингда.

Ирена индамади, у эрига қарапашга ботинолмасди. У озроқ кутиб турди, сўнг жаҳд билан сигара тутунини пуркаб, зил-замбил қадамлар билан хонадан чиқиб кетди.

* * *

У ҳеч нарсани ўйламасдан, ҳамма нарсани унуби яшашга, ўзини енгил-елпи, майда-чуйда машғулотлар билан чалғитишга аҳд қилди. Уйда ўтиришга тоқати қолмади, яна қўчага чиқишини, кўпчиликка қўшилишни қўмсай бошлади, акс ҳолда, ақлдан озиши турган гап эди. У мана шу юз крон билан юлгич хотиндан бир неча кунгача қутулсам керак, деб умид қилиб, қисқагина сайдрга журъат қилди, зеро, қўчадан майда-чуйда харид қилиш ҳам зарур эди. Ҳаммасидан ҳам файриодатий қилиқлари уйдагиларни ажаблантираётганини сезгани учун қўчага чиққиси келди.

Ирена уйдан чиқиб олишнинг алоҳида усулларини ўйлаб топди. У пастдаги эшик олдидан худди трамплиндан сакрагандай, кўзларини юмиб, одамлар орасига ўзини урди. Плита йўлкага оёқ босганини, атрофида одамларнинг илиқ оқими борлигини сезгач у жон ҳалпида шошилиб дуч келган томонга кетаверди. Айни вақтда аёл кишининг шошилаётганлиги билиниб қолмаслиги, одамларнинг диққатини ўзига тортмаслиги керак эди; у табиийки, таниш таҳдидали нигоҳга дуч келмаслик учун ерга қараб, бош кўтармай юрар эди. Чунки уни пойлаб келишаётган бўлса, ақалли шуни билмаган маъқул, деб ўйларди. Аммо бари бир унинг хаёлига шундан бошқа нарса келмас ва мабодо битта-яримтаси унга билмасдан тегиб кетса ҳам сесканиб кетарди. Ҳар бир арзимас хитобдан, орқадан эшитилган ҳар

қадам товушидан, лип этиб кўринган ҳар соядан асабларининг ҳар бир ҳужайраси қақшаб-қалтираб кетарди; фақат файтонда ёки бироннинг уйида у эркин нафас олиши мумкин эди.

Қандайдир жаноб унга таъзим қилди, Иrena бошини кўтариб, оиласига эски қадрдон бўлган, очик чеҳрали, сергап чолни таниди; у қўпинча чолнинг кўзини шамғалат қилиб қочиб қоларди, чунки унинг арзимас, ҳатто тасаввуридаги касалликлари ҳақида соатлаб гапириш одати бор эди. Бироқ ҳозир Иrena чолнинг саломига алик олиш билан чекланганидигига афсусланди; чол ҳамроҳ бўлгани яхши эди – чунки бундай ҳамроҳ муттаҳам аёлнинг тасодифий ҳамласидан уни жуда яхши ҳимоя қилиши мумкин эди. Иrena энди орқасига қайтиб, чолни чақирмоқчи бўлганида кетидан кимдир шошиб келаётгандай туюлди ва у беихтиёр олдинга интилди. Ваҳимадан жуда нозиклашиб қолган сезгилари билан у орқадан келаётган одамнинг ҳам қадамлари тезлашганини ҳис қилди ва ундан қутулишга кўзи етмаса ҳам баттар тезлади. Қадамлари жуда яқин келиб қолган одамнинг қўллари ҳозир, ҳозир тегади, деб ўйлаб Иренанинг елкалари қалтирай бошлади. Аммо у қанчалик югуришга уринмасин, оёқлари тобора ёғочга айланиб, унга бўйсунмасди. Қувиб келаётган одам жуда ҳам яқинлашди. Кимнингдир оҳиста ва қатъий «Иrena!» деган овози эшитилди; Иrena дабдурустдан бу овоз кимники эканлигини пайқай олмади, аммо дарров билдики, бу – ўлгудай қўрқитиб қийнаб юрган, баҳтини қаро қилган одамнинг овози эмас. У енгил уф тортиб, орқасига ўгирилди: бу ўйнаши эди; Иrena шундай тез тўхтадики, йигит унга урилиб кетай деди. Йигитнинг юзидан қони қочган ва саросимага тушганлиги аниқ кўриниб турарди, Иренанинг телбаларча ёниқ кўзларига кўзи тушгандан кейин эса бутунлай ақ-

лидан адашди. У иккиланиб қўлини узатди, лекин муаллақ қолгач, аста пастга туширди, чунки Ирена унга қўл узатмади. У йигитга бир лаҳза қараб қолди – ахир уни кўришни сира ўйламаган эди. Мана шу азоб-қийноқли кунларда Ирена шу одамни эсидан чиқарганди. Бироқ унинг ҳозир рангсиз юзини, кўнглидаги журъатсизликдан дарак берувчи кўзла-ри маъносиз боқаётган юзини кўргач, Иренанинг бирдан қутурган одамдай қаҳру ғазаби тошиб кетди. Унинг лаблари титраб нимадир демоқчи бўлар, юзи эса ҳаяжондан қийшайиб кетган эди, буни кўрган йигитнинг жон-пони чиқиб: «Ирена, сенга нима бўлди? – деб гудуллади. Сўнг аёлнинг қаҳрли боқишиларини кўриб, жуда ювошлик билан қўшиб қўйди: – Мен сенга нима ёмонлик қилдим?»

Ирена унга ошкора ғазаб билан тикилди:

– Нима? Ҳеч нима! Мутлақо ҳеч нима! – хахолаб кулди у масхара қилиб. – Фақат яхшилик қилдингиз! Бундай яхшиликни ҳеч ким кўрмаган!

Йигит Иренага довдираганича қараб турар, ҳайратдан оғзи очилиб қолган, юзи маъносиз ва кулгили эди.

– Йўғ-е, Ирена, йўғ-е!

– Шовқин қилманг, – кескин бўлди Ирена унинг гапини, – ўзингизни гўлликка солманг. Сизнинг ёқимтой жўражонингиз, балки ҳозир бурчакда беркиниб, менга ташланишга чоғланиб тургандир...

– Ким дедингиз? Кимни айтяпсиз?

Ирена йигитнинг аҳмоқона буришган мана шу юзига тарсаки тортиб юборишдан ўзини аранг тутиб турарди. Қўлидаги соябон дастасини беихтиёр ғижимлай бошлади. Умри бино бўлиб ҳеч қачон унга бирор шу қадар ёқимсиз ва ифлос кўринмаган эди.

– Йўғ-е, Ирена, йўғ-е, – баттар ҳуши оғиб гудулларди йигит. – Мен сенга нима ёмонлик қилдим? Ўзинг тўсатдан қадамингни уздинг... Мен сени

кечаю кундуз кутаман... бугун эса дарвозанинг ёнида кун бўйи кутиб турдим, сен билан ақалли бир дақиқа гаплашиш учун.

– Ҳа, кутдим, дегин! Сен қолган эдинг кутмаган! – фазабдан Иренанинг ақди озди. Шу пайт йигитнинг юзига бир тарсаки туширса, анча хумордан чиқарди-я! Аммо у ўзини тийди, яна бир марта йигитга нафрат билан боқди, кўнглидаги тўлиб-тошган фазабини сочиб ҳақорат қилишдан ўзини сақдаб қолди, бунинг ўрнига тўсатдан бурилиб, ҳеч қаёқقا қарамай, яна одамлар оқимига шўнғиди. Гангид қолган, қўрқиб кетган йигит илтижоли қўлларини чўзганича турган жойида қотиб қолди, кейин қўчадаги одамлар оқими уни дарёга тушган баргни оқизгандай тез оқизиб кетди, барг ўзича бир муддат қаршилик қилиб, қалтираб, бир ерда айланиб, охирни ихтиёри йўқолиб, оқимга бўйсунгандай одамлар орасида кўринмай кетди.

Лекин Иренанинг таскин топиш ниятида қилган ҳаракатлари беҳуда эди. Эртасига яна хат келди ва у Иренанинг қўрқувдан эндиғина тинчиган асабларини қалқитиб юборди. Бу сафар ундан икки юз крон талаб қилинган эди, у дарҳол бу пулларни чиқариб берди.

Иддаонинг бунчалик болалаб кетиши Иренани даҳшатга солди, у ўзига тўқ оиласдан бўлса ҳам, тез орада бу талабларни қондиришга қурби етмай қолишини англади, чунки у шунчалик йирик маблағни қаердан топади? Ҳатто топганда ҳам бундан ҳеч наф йўқ, чунки Иrena аниқ ишонадики, эртага ундан тўрт юз крон, индинга минг крон талаб этишади ва у берган сари юлгич даъвосини шунчалик ошираверади, бор буд-шудидан айрилгач эса, иш думалоқ хат билан, ҳалокат билан тугалланади. У ҳозир фақат вақтни чўзиш учун, нафасини ростлаб олиши учун, ҳалокатни икки-уч кунга, борингки,

бир ҳафтага кечиктириш учун пул беряпти. Аммо бу орада кечадиган, ҳеч қандай пул тўлаш билан ҳам ўнглаб бўлмайдиган изтироб билан кутиш соатлари-чи!.. Унинг энди на ўқишига, на бошқа юмушга мажколи қолмаган, ваҳима ёвуз шайтондай елкасига миниб олиб, унга тинчлик бермай қўйган эди. У ўзини чиндан ҳам касал сеза бошлади. Аҳён-аҳёнда юрак ўйноғи шу қадар азоб берар эдики, унинг оёқларида мадор қолмас, ташвиш худди эриган қўрғошиндай баданига қуилиб келар, бироқ азоб бераётган ҳоргинликка қарамай, ухлашга ҳам ожиз эди. Асабининг ҳар бир ҳужайраси қақшаб турса ҳам у жилмайиши, ўзини бегам кўрсатиши зарур эди ва бу сохта хушчақчақлик уни нақадар қийноққа солиши, кунда ва мақсадсиз, ўз-ўзини зўрлаш учун қанчалар матонат кўрсатиши зарурлигини ҳеч ким тасаввур қила олмас эди.

Иренанинг назарида атрофидаги одамлардан фақат бир киши унинг кўнглидан нималар кечётганини хирароқ бўлса-да, тасаввур қила оларди, чунки у ортидан кузатарди. Иренага эри ҳамиша уни кузатаётгандай туюларди, чунки Ирена ҳам эрини кузатиш билан овора эди, шунинг учун ҳам у ҳар доим ҳушёр туришга ўзини мажбур қиласарди. Шу тариқа улар кечаю кундуз бир-бирини кузатишар ва пойлашар, ҳар бири бошқасининг сиру асрорини билиб олишга, ўзининг сирини эса пухтароқ беркитишга уринар эди. Эри ҳам кейинги вақтларда ўзгариб қолди. Дастлабки кунлардаги даҳшатли ва совуқ терговчилиги йўқолиб, меҳрибонлик қила бошлади, бу Иренага беихтиёр унинг қаллиқлик йилларини эслатди. У хотинига худди беморга қарагандай қарап, меҳрибончилиги, ғамхўрлиги билан уялтиради. Эри нажот сўзларини айтишни унинг кўнглига солишига сал қолаётганини, унинг икрорини ниҳоятда енгиллаштиришга уринаётганигини

кўриб, Иренанинг юраги орзиқиб кетарди; у эрининг ниятини тушунар ва унинг оқкўнгиллигидан қувонарди. Аммо кўнглида ана шу илиқ туйфу билан бирга хижолатчилиги ҳам ортиб борар, уят унинг оғзини аввалги ишончсизликдан ҳам маҳкамроқ беркитиб қўярди.

Шундай кунлардан бирида эри унинг кўзларига қараб очиғини айтди. Ирена кўчадан уйига қайтганида даҳлизда бўлаётган қаттиқ-қаттиқ гаплар қулогига чалиниб қолди, эрининг кескин, қатъий овози ва энаганинг бидирлаб фудуллаши орасида ёш боланинг ҳиқиллаб йифлаганини аниқ эшитиб турарди. Аввалига Ирена қўрқиб кетди. Уйда сал қаттиқроқ ёки ҳаяжонлироқ гап-сўзни эшитса, у фужанак бўлиб қоларди. Ҳозир ҳам яна хат келиб сирим фош бўлипти-да, деб қўрққанидан юраги тортиб кетди. Ирена эшикни шартта очиб, дарров уйдагиларнинг афти ангорига қаради, шу қарашида уйда йўқдигимда бирор фалокат юз бердими, деган ҳам сўроқ, ҳам қўрқинч ифодаси бор эди. Аммо уйда шунчаки болаларнинг жанжали ва қўлбола суд муҳокамасига ўхшаш «томуша» кўрсатилаётганини тушунгач, ўзига кела бошлади. Аммаларидан бири ўғилчасига ола-була ўйинчоқ тойчоқ совға қилган эди, бундайроқ совғалар олган синглиси унга ҳасади келиб, тойчоқ меники бўлиши керак, деб талашибди, акаси эса ўйинчогимга қўлингни теккиза кўрма, депти; шунда синглиси шовқин кўтарибди, лекин нимагадир разаби ва қайсарлигини яшириб, жимиб қолипти. Эртасига тойчоқ йўқолипти, акаси қанча изласа ҳам тополмагти, тойчоқ изсиз йўқолипти, кейин тасодифан уни печкадан топиб олишипти: тойчоқнинг ёғоч қисмлари синдирилган, ола-була териси шилиб олинган, ичидаги «аъзолари» юлиб ташланган экан. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишда қизалоқни айблашибди – акаси ҳўнграганча отаси олдига

югуриб, дилозор сингил устидан шикоят қилипти. Шундан кейин эндигина сўроқ бошланган экан.

Суд узоққа чўзилмади. Қиз аввал қайсарлик қилиб туриб олди, отасига тик қаролмас ва овозидаги титроқ уни фош қилиб турарди; энага қизалоққа қарши гувоҳлик берди, унинг алам устида тойчоқни деразадан улоқтираман, деган гапини эшитганини айтди, қизалоқ эса бунақа деганим йўқ, деб беҳуда уринди, кейин болаларча афсус-надомат, йиги-сиги саҳначаси юз берди. Ирена қимир этмай эрини кузатарди, унга эри қизалоқни эмас, Иренани суд қилаётгандай туюлди, балки эртагаёқ унинг ўзи эри олдида шундай қалтираб турар ва шундай тили тутилиб жавоб берар. Қизалоқ ёлғон гапириб, ўз айбини бўйнига олмаётганида ота сира жаҳли чиқмай, жиддий ва жимгина қулоқ солиб турди, аммо кейин қадам-бақадам қизалоқни айбига иқрор қилдирди. Қизи ёлғон гапиришини қўйиб, қайсарлик қилиб индамай турганида эса отаси меҳрибончилик билан гапириб, бундай аҳмоқона ниятнинг деярли табиий ҳол эканлигини тушунтириб, исботлай бошлади ва сен алам устида аканг хафа бўлишини ўйламагансан, деб унинг жирканч қилмишини маълум даражада кечирди ҳам. Ота қизчасининг қилифи жуда оддийлигини ва айни вақтда номаъқуллигини шу қадар меҳрибонлик ва ишонарли қилиб тушунтирдики, қизалоқ аста-секин бўшашди ва охири ҳўнграб йифлаб юборди. Шу заҳоти йиги орасида ҳамма айбини бўйнига олди.

Ирена йиглаётган қизчасини бағрига босаман, деб интилган эди, қизалоқ жаҳл билан уни итариб ташлади. Бунинг устига эри ҳам ўринисиз раҳмдиллиги учун койиди – жиноятчини чорасиз ташлаб қўйгиси йўқ эди, шу туфайли арзимас, аммо ёш бола учун анча оғир жазо тайинлади: қизча эртага бўладиган болалар байрамига бормайдиган бўлди,

ахир у ана шу кунни анча вақтдан бери қувониб кутар эди. Жажжи қиз бу ҳукмни эшишиб, ҳўнграб йиғлаворди, акаси эса шовқин солиб ўзининг тантана қилганидан хурсандлигини билдириди, аммо бу хурсандлик bemavrid эди: бундай баҳиллиги учун у ҳам эртанги байрамга бормайдиган бўлди. Қайғуга ботган болалар ниҳоят чиқиб кетишиди, фақат иккаласи teng жазо олгани уларга сал тасалли берарди. Ирена эса эри билан ёлғиз қолди.

Мана, ҳозир болаларнинг айби ва жазосига оид турли имо-ишораларни бир четга йиғишириб, ўзимнинг айбим ҳақида гапириш пайти келди, деб қўнглидан ўтказди у. Агар эри унинг қизчасига бўлишганлигига хайриҳоҳлик билан қараса, демак, бу Иренанинг ўз айби ҳақида гап бошлиши мумкинлигига ишора бўлади.

– Айтгин-чи, Фриц, – гап бошлади у, – наҳотки болаларни ростдан ҳам байрамга юбормасанг? Улар учун бу жуда катта қайфу – айниқса қизалоқ учун. Бундай қаттиқ жазонинг нима кераги бор? Ахир қизча жуда оғир жазога арзийдиган ҳеч нима қилгани йўқ-ку. Наҳотки унга раҳминг келмайди?

Фриц хотинига ялт этиб қаради.

– Раҳминг келмайди, дейсанми? Бугун энди раҳмим келмайди. Улар ҳозир хафа бўлса ҳам жазолангандан кейин ўзларини анча енгил ҳис қиласди. Кеча, бадбахт тойчоқ пеккада ётганида қизча чинакамига бахтсиз эди. Бир уй бўлиб тойчоқни излашаётганда у ҳозир топиб олишади, деб қўрққанидан дир-дир қалтираб ўтирган. Қўрқув жазодан ёмон. Жазода ҳарқалай равшанлик бор. Жазо каттами, кичикми, ҳар ҳолда номаълумликдан, чексиз кутиш даҳшатидан яхшироқ. Қизалоқ унга қандай жазо берилишини билиши биланоқ ўзини енгил сезди. Сен кўз ўшларидан чўчимагин – улар энди ташқарига чиқди, олдин эса кўз ўшлари

ицида тўплана бошлаган эди. Кўз ёшларини ицида сақлашдан ёмони йўқ.

Ирена эрига қараб қолди. Назарида эри ҳар бир сўзини унга шама қилиб айтиётгандай эди. Бироқ эри бу ҳақда ўйламаётгандай кўринарди.

– Ишонавер, мен буни судда ҳам, терговда ҳам кўп кузатганман. Айбланувчилар ҳаммасидан кўра ҳақиқатни яшираётганигидан, унинг очилиб қолиши хавфидан қўрқишиади. Жуда кўп кутилмаган, яширин ҳужумлардан ёлғонни ҳимоя қилиш зарурати одамга қаттиқ азоб беради! Айбдорнинг иқрорини худди омбур билан юлиб олгандай оз-оздан тортиб олишаётганда улар қанчалик тўлғаниб, гужанак бўлишларини кўриш жуда даҳшатли. Баъзан, айбдорнинг иқрори тилининг учига келиб туради, қудратли бир куч кўнглиниг энг чукур пинҳоний бурчакларидан ҳақиқатни сууриб чиқаради, иқрор эндинина сўзга айланиб чиқаётганида айбдорни бирдан қандайдир бир ёвуз куч эгаллаб, тушуниб бўлмайдиган қайсарлик билан қўрқув аралашмаси иқрорни босиб-янча бошлайди ва яна ичга тушириб юборади. Кураш яна қайтадан бошланади. Бу аҳволда айбдордан кўра судья кўпроқ қийналади. Айбланувчилар эса судъяларни душман деб билишади, аслида судъялар уларга ёрдам беришади. Мен эсам адвокат, ҳимоячи сифатида уларни иқрор бўлишдан огоҳлантиришим, уларнинг ёлғон гапларини қувватлашим ва рағбатлантиришим керак, аммо кўпинча бунга виждоним қаршилик кўрсатади – бор гапни яшириш заруратидан улар ҳаддан ташқари оғир азоб чекишадики, айбларига иқрор бўлиб жазолансалар, шунчалик азоб-уқубатлар чекишмасди. Шахсан мен ҳозиргача тушунмайман, одамлар қилаётган ишларининг оқибати жуда хавфли эканлигини билиб туриб қандай қилиб жиноят йўлига киришар экан, шунчалик жиноят қилишга журъати

етиб туриб, нега айбини бўйнига олишга мардлиги, журъати етмас экан? Очифини дадил айтиш ўрнига, бачкана қўрқоқлик қилиш, менимча, ҳар қандай жиноятдан ҳам шармандалироқ.

– Сенинг назарингда... сенингча... одамларни фақат қўрқув тўхтатиб турадими? Одам кўнгли-дагини айтиш учун... ўзгалар олдида ўзини фош этиши учун... балки... қўрқув эмас... номус халақит берар?

Эри унга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Унга хотини илгари сира эътиroz билдиrmасди. Бироқ хотинининг фикри ҳозир уни лол қилиб қўйди.

– Сен номус дейсан, ахир бу... нима десам экан... ахир бу ҳам ўзига хос қўрқув-да... Фақат олий дарражадаги қўрқув... Жазодан қўрқиш эмас, балки... ҳа... дарвоқе, тушундим...

У ҳаяжондан сакраб туриб кетди ва хонада у ёқ бу ёқقا юра бошлади. Бу фикр, чамаси, унинг кўнглидаги энг нозик торларига тегиб кетди, уни катта ташвишга солиб қўйди. Бирдан у тўхтади.

– Тушунса бўлади... Бегоналар олдида... кўпчилик олдида хижолат чекиш мумкин, чунки одамлар газеталардан бировларнинг баҳтсизлигини излаб топиб роҳатланишади, иложи бўлса бировнинг баҳтсизлигига нон ботириб ялашади... Аммо, ахир одам яқинларига дардини айтиши мумкин-ку...

– Мабодо... – Ирена юзини четга ўғирди. Эри унга шунчалик диққат билан тикилиб турар эдики, гўё унинг товуши чиқмай қоладигандай туюлди. – Агар энг яқин одамларига иқрор бўлиш айниқса уятли бўлса-чи...

Фриц хотини олдида тўхтади, унинг ҳаяжонла-наётганлиги аниқ билиниб турарди.

– Демак, сенингча... сенингча... – унинг овози бирдан ўзгариб, мулоимлашиб қолди, – сенингча, агар Ленхен ножўя иш қилиб қўйганлигини бошқа

бировга... масалан, энагасига... айтиб берганида... унга осон бўлармиди? Демак, у шунинг учун...

– Бунга сира шубҳам йўқ... Қизимиз сенинг олдингда шунинг учун тархашлик қилиб турдики... сенинг фикринг унга жуда қаттиқ таъсир қиласи, чунки у дунёда ҳаммадан ҳам сени яхши кўради...

Фриц бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Чамамда, сен ҳаққа ўхшайсан, ҳа, сен ҳақ экансан. Қизиқ... Нега шуни аввалроқ ўйламабман-а. Аммо лекин, гапинг жуда тўғри, сен тағин, мени кечиролмайди, деб ўйламагин... Йўқ, айниқса, сен шундай ўйламаслигинг керак, Ирена...

Фриц унга қараб қолди, Ирена эса эрининг бундай қарашибдан қизариб кетаётганини ҳис қиласи. Эри бу гапларни қасддан айтяптими ёки бу тасодифми, балки маккорликдир? Ирена яна ўша изтиробли журъатсизлик чангалида қолди.

– Ҳукм ўз кучини йўқотади, – деди Фриц қувончини яширолмай. – Ленхен озод бўлди, буни ҳозироқ унга ўзим эълон қиласман. Энди кўнглинг тўлдими? Ёки яна бошқа бирор талабинг борми? Кўрдингми... бугун кайфиятим қандай яхши... бу, балки хатоимни вақтида ўнглаганим учун, адолатсиз иш тутганимни тушунганим учун қувонганимдан бўлса керак. Одам анча енгиллашаркан, Ирена, анча енгиллашаркан.

Ирена, назарида, эри нима демоқчи эканлигини тушунган эди. Беихтиёр у эри томон талпинди, юрагидагини айтишга оғиз жуфтлади. Фриц ҳам гўё уни эзиб турган тошни тезроқ олиб ташлашга чоғлангандай, яқинлашди. Лекин шу заҳоти эрининг тезроқ унинг иқрорини эшитишга, унинг сирини билиб олишга ташналиқ билан интилиб, сабрсиз ёниб турган кўзларига кўзи тушгач, юраги орқасига тортиб кетди, эрига узатилган қўллари шалвираб тушди, дарҳол юзини ўғирди. Беҳуда уриниш, ўйлади у

ва юрагини ўртаётган, оромини бузган ўша ягона нажот сўзини айтишга ҳеч қачон кучи, журъати етмаслигини англади. Ҳа, ҳозир у фақат огоҳдантирилди, бу огоҳлантириш яқиналашиб келаётган момақалдироқнинг гумбурашидай янгради, аммо Иrena энди нажот йўқдигини билар ва кўнглининг чуқур бир ерида шу вақтгача уни қўрқитиб келган нарса, мусаффолаштирувчи яшин тезроқ чақнашини, ҳаммаси маълум бўлишини хоҳлаб қолди.

* * *

У истагим шунчалик тез рўёбга чиқади, деб ўйламаган эди. Кураш бошланганига атиги икки ҳафта бўлди, бироқ Иrena бутунлай ҳолдан тойди. Кейинги тўрут кун ичидა қўрқитувчи аёлдан дарак бўлмаса ҳам унинг ваҳимаси Иренанинг вужудига кириб олди – дарвоза қўнғироги ҳар жиринглаганида у сакраб ўрнидан туриб кетар, юлгичнинг янги талабарини бошқалардан яширинча бажариши лозим эди. У кушандасининг қадамини сабрсизлик билан, ҳатто эҳтирос-ла кутар, пулларига кечгача ором сотиб олишни, болалари даврасида бир неча соат овуниб, сайр қилишни орзу қилар эди.

Бу гал ҳам қўнғироқ овозини эшитиши билан югуриб бориб эшикни очди, хонага кириб келаётган башанг кийинган хонимни кўриб бир зум ҳайрон бўлиб қараб қолди, аммо янги русм бўлган шляпа кийган юлгич хотиннинг жирканч башарасини кўргач, қўрққанидан ўзини орқага ташлади.

– О, уйда экансиз-ку, Вагнерхоним. Омадим бор экан. Сизда зарур ишим бор эди. – Ўзини йўқотиб, қалтираган қўллари билан эшик тутқичини ушлаб қолган Иренанинг жавобини ҳам кутмасдан у ичкарига кириб соябонини қўйди, бу қимматбаҳо соябон чамаси унинг қароқчиларча ҳужумларининг биринчи меваларидан эди. У бу ерда ўзини худди

уйидагидай тутарди: нозик дид билан ўрни-ўрнига күйилган жиҳозларга қониқиши билан назар ташлағач, таклифни ҳам кутиб ўтирумай, меҳмонхонанинг қия очиқ эшиги томон юрди. – Шу ёқда гаплашамиз, түгри эмасми, – деди у масхараомуз оҳангда. Кутимаган ташрифдан довдираб тили айланмай қолган Иренанинг тұхтанг, деган ишорасига у тасалли бериб құшиб қўйди: – Агар истамасангиз кўп ўтирумайман, ишим дарров битади.

Иrena сўзсиз унинг ортидан эргашди. Муттаҳам аёлнинг бу уйга сурбетларча бостириб кириши у кутган ёмонликдан ҳам ошиб кетди ва уни бутунлай эсанкиратиб қўйди. Назарида бу худди тушга ўхшарди.

– Э-ҳа, нима ҳам дердик, бадавлат яшаркансила, – завқини яширмай гапирди муттаҳам аёл креслога қулай ўрнашиб ўтирар экан. – Юмшоқлигини қаранг. Э-ҳа, суратларни қаранг. Худди шунаقا ерда бизнинг қашшоқлигимиз билинади-қолади. Бадавлат яшаркансила, Вагнерхоним, жуда бадавлат яшаркансила...

Жиноятчининг ўзини бу қадар бамайлихотир тутишини кўриб, бечора Иrena ғазабдан ўзини тутолмай қолди ва тилига эрк бериб юборди:

– Сизга нима керак мендан? Уйимга келишга қандай журъат қилдингиз?! Устимга чиқволишингизга асло йўл қўймайман, шуни билиб қўйинг! Йозсиз, муттаҳам... Мен сизни...

– Секинроқ гапиринг, – Иренанинг гапини бўлди аёл ҳақоратомуз жиддийлик билан. – Эшик очиқ, хизматкорлар эшитиб қолиши мумкин. Менга-ку бари бир-а, лекин сизга ачинаман! Ахир мен ҳеч нарсани яшираётганим йўқ. Ё худоё худовандо! Менга бари бир эмасми, қамоқда ўтирдим нима-ю, камбағалчиликда эркин яшадим нима! Сиз эса, Вагнерхоним, сал эҳтиёт бўлсангиз бўларди. Келинг,

яхшиси, эшикни беркитиб қўяй, ҳар эҳтимолга қарши, чунки яна қизишиб кетсангиз чатоги чиқиб ўтирмасин. Фақат билиб қўйинг, сўкканингиздан мен тирноқча ҳам қўрқмайман.

Газаб Иренага бир неча лаҳзали куч берган эди холос, аммо ҳозир у тепса-тебранмас рақибасининг сурбетлиги олдида ўзини яна мажолсиз, дармонсиз сезди. У ҳозир қандай сабоқ беришларини кутаётган мактаб боласидай қўрқа-писа ювош ўтираси эди.

– Ҳа, шундог бўлсин, беҳуда ногора чалишдан фойда йўқ. Турмушим оғирлигини сизга илгари айтган эдим. Квартир ҳақидан аллақачон қарзга ботганман. Бундан ташқари, ул-бул ҳам олишим керак. Биздиям бағримизга шабада тегсин-да. Мана шунинг учун сиздан ёрдам сўраб келдим-да. Сиз менга... Ҳозир, масалан, тўрт юз крон берасиз.

– Беролмайман, – чулдираб қолди Иrena, бунча пулнинг дарагини эшишиб, ростдан ҳам у шунча нақд пулни тополмасди, – менда бунча пул йўқ. Шу ой ичида сизга ахир уч юз крон бердим...

– Ҳа, энди бир амаллаб қоқишириб берасиз, яхшироқ ўйлаб кўринг. Сиздай бойвучча жувонга бу пул чўт эмас-ку. Фақат яхшироқ ўйлаб кўрсангиз бўлди. Ахтарсангиз топилади.

– Ахир, бунча пул йўқ менда. Бўлса сизга жон деб берар эдим. Юз крон десангиз бошқа гап эди...

– Менга эса тўрт юз крон керак, – гапни чўрт кесди хотин ҳақоратлангандай.

– Тушунсангиз-чи, менда бунча пул йўқ! – алам билан қичқирди Иrena, бироқ: «Шу тобда эrim келиб қолса-я, – деб ўйлади, – у ҳар лаҳзада келиб қолиши мумкин». – Онт ичиб айтаман, йўқ...

– Ҳай, энди бир амаллаб топинг...

– Тополмайман...

Муттаҳам аёл Иренага арзирли нимаси бор экан, дегандай бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Мана, масалан, узугингиз ... Агар уни гаровга қўйилса, ҳаммаси битади... Тўгри, мен қимматли буюларнинг унчалик фарқига бормайман... умримда бунақа буюмим бўлмаган... аммо, ҳар ҳолда бу узукка тўрт юз крон беришса керак...

– Нима? Узук? – қичқирди Иrena. Бу узукни эри никоҳ куни совға қилган эди ва шундан бери уни қўлдан олмай тақарди; узук ҳам, унинг кўзи ҳам ноёб, қимматбаҳо эди.

– Бўлмасам-чи, нима қипти? Мен сизга гаровхонанинг капитансасини жўнатвораман, хоҳлаган вақтингизда қайтарволасиз. Мен уни бутунлай олаётганим йўқ, камбағал хотинга бунақа қимматбаҳо узукни ким қўйипти?

– Нега менга бунчалик ёпишиб олдингиз? Қўлимдан келмайди дедим-ку! Тушунсангиз-чи, қўлимдан келмайди бунақа ишлар... Сизга боримни бериб бўлдим. Тушунсангиз-чи! Менга раҳмингиз келсин!

– Менга бўлса, ҳеч кимнинг раҳми келмаган. Қўявер, очидан ўлсин, дейишган. Нега энди шундай бойвучага раҳмим келар экан?

Иrena жеркиб ташламоқчи эди, шу пайт қўча эшиги тарақлаганини эшитиб, қўрққанидан томирларида қони тўхтаб қолди. Демак, эри идорасидан қайтиб келибди. У шоша-пиша бармоғидан узугини чиқарди-да, муттаҳамнинг қўлига тутқазди, у эса дарров беркитди.

– Қўрқманг, ҳозир жуфтакни ростлайман, – тасалли берди юлғич Иренанинг юзидағи чексиз қўрқув ифодасини ҳамда у даҳлиздан аниқ эшитилаётган эркак кишининг қадам товушларига диққат билан қулоқ солаётганлигини кўриб. Муттаҳам хотин сеқин бориб эшикни очди ва Иренанинг эрига бош эгиб салом берди-ю, липиллаб узоқлашди, Фриц эса паришонлик билан унинг ортидан қараб қолди.

– Бу хоним бир нарсаларни сўраб олишга келган экан, – охирги кучларини тўплаб, тушунтиришга уринди Ирена эшик тарақлаб ёпилиши билан. Энг даҳшатли лаҳзалар ортда қолди. Эри индамай ичкарига, ошхонага ўтиб кетди, у ерда тушлик дастурхон тузоглиқ эди.

Иренага одатда бармогининг узук совқоттириб турган ўрни ҳозир ёнаётгандай, гўё ҳар кимса бу яланғочланган жойга, шармандалик тамғасига эътибор бераётгандай туюла бошлади. Тушлик вақтида у қўлини яширишга ҳаракат қилди, аммо қандайдир одатдан ташқари нозиклашган сезги билан эри ҳадеб унинг қўлидан кўзини узмаётганилигини, ҳар бир ҳаракатини кузатаётганилигини ҳис қилди. Ирена эрининг диққатини чалфитишга уриниб, тўхтовсиз саволлар билан суҳбатни улаб турди. У эрига, болаларига, мураббияга мурожаат қилиб, тутаб сўнаётгандан суҳбат чўғини олов олдиришга бор кучини сарфлаб, аммо тинка-мадори қуриб, борган сари суҳбат чўғи ўчиб қолаётганди. У ўзини шўх кўрсатиб, ўзгаларнинг ҳам кайфиятини чоғ қилишга уринар, атайлаб болаларнинг фашига тегар, бирини бирига гизгизлатар, аммо улар жанжал чиқаришмас ва кулишмас эди: унинг қалбаки шўжлиги ҳамманинг фашини келтираётганилигини ўзи тушуниб турарди. У қанчалар ўзига эрк бермасин, қанча ҳаракат қилмасин, бари беҳуда эди. Ниҳоят, унинг ҳоли қуриб, жим бўлиб қолди. Бошқалар ҳам жим ўтиришарди: Ирена фақат идиш-товоқлар жарангини ва кўнглида ўсиб бораётган ваҳима овозини эшитарди, холос.

– Узугинг қаёқда қолди? – сўради бирдан эри.

Ирена сесканиб тушди. Ич-ичидан: «Тамом!» деган нидо отилиб бўзига қадалди. Аммо кўнглида яна нимадир қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Ўзингни қўлга ол, фақат биргина жумла, биргина сўз

айтиш учун куч топгин, фақат сүнгги марта ёлғон ишлатяпсан, дерди у.

– Мен... мен узукни тозалашга бергандим. – Топған баҳонасидан ўзи ҳам қувониб, қўшимча қилди.
– Индинга тайёр бўлади.

Индинга. Энди у ўзини боғлаб берди. Агар унгача чора тополмаса, ёлғончилиги очилади ва ҳаммаси тамом бўлади. Ўзига ўзи муддат белгилади, энди унинг кўнглида ваҳима аралаш янги туйғу – масала ҳал бўлишининг яқин қолганлигини билдирувчи қувонч туйфуси туғила бошлади. Индинга – муддати ҳам аниқ, бу муҳаққақлик ундаги ваҳиманинг то-вушини ўчириб, ғалати хотиржамлик пайдо қилди. Юрак-юрагидан янги бир куч сизиб чиқа бошлади, бу – яшаш учун ўлимга интилиш эди.

Интиҳо яқинлигига ишонч қутилмаганда унинг руҳидаги ҳамма нарсани бирдан равшанлаштириб юборди. Худди мўъжиза рўй бергандай, ундаги саросималик ўрнини фикрий тиниқлик, ваҳима ўрнини одатдан ташқари тиниқ хотиржамлик эгаллади. Мана шу хотиржамлик ойнаси орқали у энди бундай омонат ҳаётининг қанчалик қадри қолганлигини равшан тушунди. Ирена англадики, ҳаёти ҳали бутунлай маъносиз эмас, мабодо бу ҳаётини сақлаб қолиш ва уни аввалгидан ҳам яхшилаш мумкин бўлса, бунга у тайёр эди (бундай юксак маънони шу кунлардаги азоб-уқубатли, ваҳимали кунларида тушунган эди). Агар у ҳаётини ифлосликларсиз, қўрқув-қутқусиз, қалбакиларсиз қайта бошлиши мумкин бўлса, у бунга тайёр эди. Бироқ эридан ажralиб, шармандали ўй-наш орттириб яшашга ҳам, маълум муддатга хотиржамлигини пулга сотиб олиб, хавфли ўйинни давом эттиришга ҳам энди унинг куч-қудрати етмас эди. У қаршилик қилиш беҳуда эканлигини тушунарди, чунки интиҳо яқинлашган, эридан ҳам, болаларидан ҳам, ўзидан ҳам лаънатга қолиб, ҳалокатга учраши

аниқ әди. Қочиш мүмкін әмас, душмани уни қаерда бўлса ҳам топиб олади. Энг тўғри йўл – иқрор йўли ҳам беркилиб қолган, бунга энди ўзи ҳам ишонди. Демак, унинг учун яккаю ягона йўл қолди, ундан орқага қайтиш мүмкін әмас.

* * *

Эрталаб у мактубларини ёқиб ташлаб, майдада-чуйда ишларини саранжомларкан, болаларига ва умуман ўзига азиз, қимматли бўлган ҳамма нарсаларга қарамасликка ҳаракат қиласади.

Иrena ҳаёт неъматлари яна ўзига чорлашидан ва бехуда иккиланишлари, бусиз ҳам қийин бўлган ниятини амалга оширишни яна қийинлаштириб қўйишидан қўрқар әди. У толеини охирги марта синаб кўриш ва муттаҳам аёлни учратиш умидида яна кўчага чиқди. У ҳеч қаерда тўхтамай, кўчама-кўча юрар, аммо аввалги телбаларча ҳуркаклиги йўқолган әди. У курашдан руҳан чарчаганлигини, уни давом эттиришга қурби етмаслигини сезар әди. Жуда зарур ишни бажараётгандай роса икки соат кўча айланди, бироқ рақибини ҳеч қаерда учратмади ва бундан ранжимади ҳам. Унинг шу қадар мажоли қуриган эдики, энди у билан учрашишни ҳам хоҳламай қолди. У ўткинчиларга разм солар, улар ҳам бегона, жонсиздай туюларди. Унинг учун энди бу одамлар, бу кўчалар энди соядай, шарпадай ортда қолган, қайтиб келмас бўлиб йўқолган әди.

У яна бир марта кўрқиб кетди. Назарида, кўчанинг нариги тарафидағи оломон орасидан эри унга фалати, совуқ нигоҳини қадаб тургандай туюлди, эри шу кунларда унга шундай қарашни одат қилиб олганди. Иrena қалтираб ўша томонга тикилди, аммо таниш қиёфа шу заҳоти кўчадан ўтган файтон орқасида фойиб бўлди, Иrena эри бу вақтда судда бўлишини ўйлаб, ўзини тинчитди. Асаблари таранг-

лашганидан у вақт мезонини унутиб, тушликка кеч қолди. Бироқ эри ҳам одатдаги саришталигини ўзгартириб, икки дақиқа кечикди, у нимадандир ҳаяжонлангандаи кўринарди.

Иrena шомгача неча соат қолганлигини ҳисоблади, ҳали анча вақт борлигини билгач, қўрқиб кетди; ҳаёт билан видолашув пайтида ўзинг билан ҳеч нарса олиб кетолмаслигинги билгач, бу ажралишга кўп вақт керак бўлмайди, бор бисотинг ҳам кўзингга кўринмайди. Уни билинар-билинмас уйқу элтаётганди. Беихтиёр у яна пастга тушиб, кўчага чиқди-да, ҳеч қаёққа қарамай, ҳеч нарсани ўйламай, боши оққан тарафга юрди. Чорраҳага етганда бир кучер отларини аранг тўхтатиб қолди, араванинг шотиси Иренани уриб йиқитишига сал қолди. Кучер болохонадор қилиб сўкинди. Иrena қайрилиб ҳам қарамади, чунки бу ҳол уни қутқариб қолиши ёки жазо ижросини орқага суриши мумкин эди. Тасодиф уни мудҳиш қароридан қутқазиши мумкин эди. У судралиб нари кетди. Ҳеч нарсани ўйламас, фақат умри битганлигини элас-элас сезар ва бу унга роҳат бағишлиар эди, бу туйғулар туман сингари сезилар-сезилмас қуюқлашиб, унинг вужудини ўраб олаётган эди.

У қайси кўчага кириб қолганлигини билиш учун бошини кўтарди-ю, шу заҳоти бутун вужуди титраб кетди: у мақсадсиз айланиб юриб, беихтиёр собиқ хушторининг уйи олдига жуда яқинлашиб қолган эди. Балки бу, тақдир ҳукмидир. Балки хуштори бир амаллаб унга ёрдам қўлини чўзар, эҳтимол, у бояги муттаҳам аёлнинг турар жойини билар. Уни бирдан қувончли ҳаяжон қамраб олди. Нега бу ҳақда илгарироқ ўйлаб кўрмабди? Шу заҳоти унинг қадамлари тезлашди; умидлар жонланган хаёлида пойинтар-сойинтар фикрлар айланба бошлади. У ўйнашини мажбур қилиб ўша ярамаснинг уйига олиб

боради ва бу гапларга бутунлай чек қўяди. Эҳтимол, у маккора муттаҳамлигини қўймаса, судга бераман, деб қўрқитар, яна анча-мунча пул бериб, шаҳардан чиқиб кетишига кўндирад. Ирена бечора йигит билан учрашганида уни силтаб ташлаганига энди афсусланди, бироқ у албатта ёрдам беради. Шу сўнгги лаҳзаларда нажот етиб келиши эса ғалати эди.

Ирена шиддат билан юқорига чопқиллаб чиқиб, қўнғироқни босди. Ҳеч ким жавоб бермади. У диққат билан қулоқ солди. Эшик ортида кимнингдир оёқ учida юргани эшитилгандай бўлди. У яна қўнғироқни босди. Яна жимжитлик. Эшик ортида яна нимадир шитирлади. Шунда у тоқати тоқ бўлиб, қўнғироқни яна жиринглатди, тўхтовсиз, яна ва яна... Ахир унинг учун бу ҳаёт-мамот масаласи эди.

Ниҳоят, ичкаридан қандайдир шарпа эшитилди, қулф шарақлади ва эшик очилди.

– Бу менман, – шошиб шивирлади Ирена.

Йигит эшикни очиб анграйиб қолди.

– Ие, сенмисан... сизмисиз, жоним, – ўзини йўқотиб фудуллади у. – Кечиринг... Сира қутмовдим... келишингизни... айбга буюрмайсиз, – у пиджаксиз ва галстуксиз, қўйлаги ёқавайрон эди.

– Сизга зарур гапим бор, сиз менга ёрдам беришингиз керак, – деди Ирена асабийлашиб, чунки йигит уни ҳалиям тиланчига ўхшатиб оstonада тутиб турган эди. – Ичкарига кирайлик, бир дақиқагина вақтингизни оламан, холос.

– Марҳамат, – эсанкираб фудуллади йигит кўзларида ташвиш билан... – Фақат мен ҳозир... сал ўнгайсиз бўлиб қолди...

– Ҳозироқ гапимни эшитишингиз керак. Ҳаммаси сизнинг айбингиз билан бўлди. Ёрдам бериши – бурчингиз... Сиз менинг узугимни топиб беришингиз керак, эшитяпсизми, топиб беришингиз керак.

Хеч бўлмаса менга ўша одамнинг манзилини беринг... У хотин менга сира кун бермай қўйди, энди эса қаёққадир ғойиб бўпти. Сиз топиб беришингиз керак, ҳа, топиб берасиз!

Йигит анграйиб қараб туради. Фақат шундан кейингина Ирена ўзининг телба-тескари гапларидан ҳеч нарса тушуниш мумкин эмаслигини пайқаб қолди.

– Ах, тушунмадингизми... Гап бундай, сизнинг севгилингиз... хуллас, аввалги ўйнашингиз мени ўйингиздан чиқиб кетаётганимда тутиб олди. Ўшандан бери у хотин менга тинчлик бермайди, дағдага қиласди... азоблайди, мени ўлар ҳолатга етказди... Энди бўлса, узугимни олиб кетди, аммо мен бу узуксиз адойи тамом бўламан, мен узукни шу бугун, кечқурунгача қайтариб олишим керак; эшитяпсизми, шу бугун, кечқурунгача қолмай... Гапим шу, энди менга ёрдам беринг.

– Лекин, мен... мен...

– Ёрдам бермайсизми?

– Лекин мен ҳеч қанақа хотинни билмайман. Кимни айтаётганингизни тушунмаяпман. Менинг муттаҳам хотинларга ишим тушгани йўқ, – қўполлигини яширмай гапирди йигит.

– Ҳали шунақами... билмайсизми?.. У хотин ҳамма гапни тўқиб чиқарипти-да! У сизнинг исмингиз билан менинг манзилимни қаёқдан билади бўлмаса? Сиз ҳали унинг муттаҳамлик қилишини ҳам ёлгон дерсиз? Сиз ҳали мени алаҳисирайпти, деб ўйларсиз?

Ирена қаҳ-қаҳ отиб кулди. Йигитнинг юраги орқасига тортиб кетди. Иренанинг ялтираб ёнаётган кўзларига, ўзини девоналарча тутишига ва телба-тескари гапларига қараб, ақлдан озган, деган фикр ялт этиб хаёлига келди.

– Худо ҳақи, тинчланинг... хоним... Ишончим комилки, сиз янгилияпсиз... Чамамда, сиз... йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас... мен ҳеч нарсани

тушунолмаяпман. Сиз айтган аёллар билан сира учрашмайман. Ўзингиз биласиз, мен бу ерда янгиман, мен илгарироқ танишган икки аёлнинг сизга учраши мумкин эмас... Уларнинг отини айтиб ўтирамайман, бироқ бу ҳақда ўйлашнинг ўзи кулгили... Ишонинг, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўляпти...

– Демак, ёрдам беришни хоҳламайсиз, шундайми?
 – Йўғ-е, нега энди, фақат қўлимдан келса...
 – Юринг бўлмаса, ҳозир иккаламиз ўша хотиннинг уйига борамиз.

– Лекин кимнинг... кимнинг уйига борамиз?
 Иrena йигитнинг енгидан ушлаб торта бошлади, йигит яна уни ақддан озган, деб ўйлаб қўрқиб кетди ва апил-тапил гапирди:

– Албатта... албатта борамиз...
 – Қани, кетдик... бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи!
 Йигит кулишдан ўзини аранг тутиб турарди. Сўнг у бирдан расмий совуқ оҳангда гапирди:
 – Мени кечирасиз, хоним, лекин мен ҳозир бандман... Мусиқадан машғулотим бор... Мен дарсни ташлаб кетолмайман.

– Ха-ха-ха-ха! – Иrena йигитнинг юзига нафрат билан тикилиб кулиб юборди. – Ҳали пиджаксиз дарс бераман, денг... Фирт ёлғончисиз, билдингизми! – ялат этиб бир шубҳа хаёлига келиб қолди ва отилиб хонага кирди, йигит қанча уринса ҳам, уни тўхтатиб қололмади. – Бундан чиқди, у муттаҳам хотин шу ерда экан-да! Ҳали у билан тилингиз бир чиқар. Эҳтимол, мендан ўмариб олаётган пулларни бўлишиб олаётгандирсизлар. Аммо-лекин, мен уни соғ қўймайман. Мен энди ҳеч нарсадан қўрқмайман. – У овози борича бақиради. Йигит уни тутиб қолишга ҳаракат қилди, аммо Иrena жон-жаҳди билан силтаниб, унинг қўлидан чиқиб кетди ва оромгоҳ эшигини шарақлатиб очди.

Эшик орқасида гапга қулоқ солиб турган кимса дархол ўзини ичкарига олди. Қаршисида юзини ўтириб олган ярим яланғоч нотаниш хонимга анграйиб қараб қолди. Ёш созанда Иренанинг ортидан югуриб кирди, у бирор ишқал чиқармасин, деб қўрқарди. Аммо Иrena дарров ётқдан қайтиб чиқди.

– Мени кечиринглар, – дея олди у аранг. Чалкашган хаёлларидан боши говлар, энди у ҳеч нарсани тушунмас, фақат ҳамма нарса кўзига ёмон кўринарди, ҳаммаси жонига теккан, вужудини қўрқинчли ҳорғинлик чулғаб олган эди. – Мени кечиринглар, – такрорлади у. – Эртага... Ҳа, эртага ҳаммаси маълум бўлади. Ўзим ҳам ҳозир... ҳеч нарсани тушунмаяпман. – У бегона одамлар олдида тургандай гапирав, бир вақтлар шу йигитнинг қўйнида ётганини хаёлига ҳам келтирмас, ҳатто ўзининг мавжудлигини ҳам ҳис этмасди. Унинг учун ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетган, фақат бир нарса – бу ишларга ёлғон аралашгани аниқ эди. Аммо, у ўйлашдан жуда чарчаган, фикрлашга ҳам мажоли қолмаган эди. Иrena қўзларини чирт юмиб, зинадан дадил туша бошлади, у худди дор остига бораётган маҳкумга ўхшарди.

* * *

Иrena кўчага чиққанида қош қорайган эди. Унинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди: балки бояги махлуқ кўчанинг нариги ёғида пойлаб тургандир, балки сўнгги дақиқаларда нажот келиб қолар? Иrena унутиб юборилган тангрига илтижо қилиб унга сифингиси келиб қолди «Оҳ, бир амаллаб бир неча ой – ёзгача ҳалокатни кечикириш, кейин эса муттаҳам аёлнинг қадами етмайдиган дала, ўтлоқлар қўйнида бир ёзгина яшаганимда эди». У шу хаёл билан кўча қоронғилигига синчиклаб тикилди. Назарида қаршисидаги уйнинг дарвозаси олдида таниш башара кўрингандай

бўлди, аммо яқин бориши билан у дарвоза ичида ғойиб бўлди. Бир лаҳзагина кўринган бу таниш шарпа эрига ўхшаб кетди. Шу бугуннинг ўзида у иккинчи марта кўринган бу шарпадан қўрқиб кетиши. Ирена бирпас тўхтаб, кутиб турди. Аммо шарпа қоронгилкда изсиз йўқолди. Ирена орқасида кимнингдир куйдирувчи нигоҳини сезиб, жони қийналганича юришда давом этди. Бир марта атайлаб ўгирилиб қаради ҳам, аммо ҳеч ким кўринмади.

Яқингинада аптека бор эди. Ирена енгил титраб ўша томонга юрди. Аптекачи рецептда кўрсатилган нарсани тайёрлашга киришди. Дори тайёрлангунча эса Ирена хонадаги никелланган, ялтироқ тарози паллаларига ҳам, жажжи тошчаларга ҳам, этикет-каларга ҳам, баланд токчалардаги қатор тизилган шиша идишларга ҳам, нотаниш лотинча ёзувларга ҳам бирма-бир кўз ташлаб чиқди, у тушунмаса-да, беихтиёр лотинча ёзувларга кўз юргутирди. Соатнинг чиқиллашини эшилди, аптекадаги маҳсус ҳидни, ёғли ва ачқимтил дори-дармонларнинг ҳидларини сезди ва болалигига шу ҳидларни ёқтиргани, сирли, ялтироқ, тигелчаларни кўришга ҳавасмандлигини эслади, ойисининг юмушлари билан бу ерга келишга учиб турарди. Шу заҳоти онаси билан хайрлашмаганлиги эсига тушиб, юраги ачишди, боёкиш кампирга раҳми келди. Ирена ойисининг қанчалик қўрқиб кетишини ўйлаб саросимага тушди. Аммо доричи аллақачон шаффоф томчиларни қорамтирип шишага санаб қуя бошлаган эди. У кўзини узмай, қорни шишган шишадан ўлим томчилари қандай қилиб кичик шишага қуяилаётганига тикилиб турди, кўп ўтмай бу томчилар унинг томирларида оқишини ўйлаб, аъзойи бадани музлаб кетди. У ҳуши учиб, доричининг бармоқларига қараб қолди: ана, заҳарга тўлган шишачани пўкак билан ёпди, ана у шишача бўғзига дори қофозини елимлаб ёпиштир-

ди. Иренанинг барча туйгулари даҳшатли ўйлардан увушиб, музлаб қолган эди.

– Икки крон тўлайсиз, – деди аптекачи хотиржам. Ирена қалтираб кетди ва ҳуши оғиб, атрофга анграйиб қаради. Сўнг беихтиёр чаққонлик билан сумкасидан пул чиқарди. Ҳамон ўзига келмай, керакли пулни санаб ажратолмай, тангаларга қараб узоқ туриб қолди.

Шу лаҳзада у қўлини кимдир кескин туртиб юборганлигини, тангалар жаранглаб ойна пештоқига тушганлигини сезди. Кимдир қўлини узатиб, дори шишани тортиб олди.

Ирена беихтиёр ўгирилиб қаради ва жойида михлангандай қотиб қолди: ёнида эри турарди. Унинг юзи докадай оқариб кетган, лаблари қимтилган, пешанасини реза-реза тер босган эди.

Холсизланган Ирена ҳозир ҳушидан кетишини сезиб, пештахтани ушлаб қолди. Кундузи кўчада учратган одами ҳам, дарвоза олдида уни пойлаган одам ҳам ким эканлиги унга равшан бўлди, ўшандаёқ у ички бир сезги билан бу кишининг кимлигини пайқаган эди, энди ҳаммаси бир бўлиб унинг ҳаяжонли хотирида жонланди.

– Кетдик, – деди эри бўғиқ, эзилган товушда.

Ирена маъносиз кўзларини эрига тикди; кўнглининг аллақайси сирли чеккасида нега бўйсуннаётганлигига ажабланди. Аммо, беихтиёр унинг орқасидан юрди.

Улар кўчада ёнма-ён боришар, аммо бир-бирларига қарашга журъат этишолмас эдилар. Эри ҳамон шишачани қўлидан қўймаган эди. У бир марта тўхтаб, манглайидаги терни артиб олди. Ўзи сезмагани ва хоҳламагани ҳолда Ирена ҳам қадамини секинлатди. Бироқ эрига қарашга журъат этолмади. Шу кўйи ҳеч кимдан садо чиқмади, фақат кўча шовқини жимликни бузарди.

Зинапояга етишганида эри Иренани олдинга ўтказиб юборди. Ирена ёнида эри йўқдигини ҳис этиши билан оёқдарида жон қолмади, тўхтаб, зина таянчигини ушлаб қолди. Шу пайт эри унинг билагидан тутди. Ирена эрининг қўли тегиши билан титраб кетди ва шошиб юқорига кўтарилди.

Ирена ётоғига ўтди, орқасидан эри кирди. Деворлар қоронгиликда хира йилтираб турар, ёғоч буюмларнинг шакли шамойили хира кўзга ташланарди. Эри ҳам, хотин ҳам ҳануз чурқ этмади. Эри шишачанинг қофозини йиртди, пўкагини тортиб очди, ичидагини тўқди ва кескин ҳаракат билан шишачани бурчакка улоқтириди. Синган шиша овозини эшитиб, Ирена сесканиб кетди.

Иккаласидан садо чиқмади. Ирена эрига қарамаса ҳам унинг ҳаяжонини босиб олишга уринаётганлигини сезди. Ниҳоят, эр-хотин томон бир қадам қўйди. Яна бир қадам босди, яна... у хотини ёнига келиб қолди. Ирена эрининг оғир нафас олаётганини сезди ва қотиб қолган, туман пардаси қопланган нигоҳи билан эрининг қоронгиликда ялтираётган кўзларини кўрди. Мана, ҳозир эри ғазаб билан уни ҳақоратлай бошлияди, мана, ҳозир темир бармоқдари билан унинг қалтираган қўлларидан маҳкам ушлайди. Иренанинг юраги орқасига тортди, фақат таранг тортилган тордай асаблари титрарди, холос. У бутун вужуди билан жазо олишини кутар, ҳатто эри ғазабга тезроқ эрк беришини деярли хоҳлаб турарди.

Эри ҳамон сукут сақдарди. Ана, эри тилга кирди ва Ирена унинг ғазаб билан эмас, мулоиммик, меҳрибонлик билан гапираётганини эшитиб, лолу ҳайрон бўлиб қолди.

– Ирена, – деди у ҳайратомуз мулоиммик билан, – ахир қачонгача бир-биrimизни қийнаймиз?

Шу заҳоти Ирена хўнграб юборди, унинг узоқ тийилиб, тошга бостирилгандай ушланиб турган

йиғиси ташқарига тошиб чиқди, гүё ҳайвон чүзиқ, маңносиз бўкириб юборгандай бўлди. Гүё қандайдир ёвуз қўл унинг ичини ёриб, тилкалаб, жон-жаҳди билан силкигандай бўлди – у маст одамдай гандираклаб кетди, эри суяб қолмаганда, у албатта ииқилиб тушар эди.

– Ирена, – тасалли беришга интиларди эри, – Ирена, Ирена, – у тобора секин ва тобора мулоим шивирлар, хотинининг жон талvasасида типирчилаётган асабларини гүё шу мулоим оҳанг билан силлиглаб тўғриламоқчига ўхшарди. Бироқ, у қанча мулоим шивирламасин, хотини фақат ҳиқиллаб йиғлаш билан, бутун вужудини қалтиратадаётган шиддатли фарёд билан жавоб қиласар эди. Фриц хотинини даст кўтариб ётоқча олиб кирди-да, авайлаб диванга ётқизди. Аммо дод-фарёд тинмади. Иренанинг қўллари ва оёқдари шайтонлаб чангак бўлиб титрар, унинг тилка-пора бўлган қалтироқ бадани безгак тутаётгандай гоҳ ёнар, гоҳ музлар эди. Иренанинг охиригача таранглашган асаб торлари бардош беролмай узилган ва шу ўтган ҳафталар давомида тўпланиб қолган оғриқ қутуриб, энди мажолсиз танани бурда-бурда қилаётган эди.

Ҳаяжондан гангиб қолган Фриц хотинининг титроғини босишга уриниб, унинг музлаган қўлларини қисди, аввалига авайлаб, сўнг тобора ёниб, ваҳм ва эҳтирос билан унинг кўйлагини, унинг бўйини ўпа бошлади, бироқ гужанак бўлиб қолган Ирена ҳамон қақшаб-қалтирас, кўкрагидан бўшалган йифи қалқиб-қалқиб келар эди. Эри унинг юзига қўлинни қўйди, юзи совуқ, кўз ёшлиридан ҳўл, туртиб чиққан чакка томирлари қалтирас эди.

Фриц даҳшатли ваҳима ичидаги қолди. Тиззалаб ўтирди ва хотинига юзма-юз гапира бошлади, тинмай уни йигидан тўхтатишга, юпатишга уринди.

– Йиглама, Ирена... Ахир бари... бари ўтиб кетди. Ўзингни бунақа қийнама... Энди қўрқмасанг ҳам бўлади. У хотин энди ҳеч қачон келмайди, эшигдингми, ҳеч қачон.

Эри иккала қўли билан ушлаб турганига қарамай, Ирена яна силтаниб, баттар қалтираб ҳиқиллай бошлади. Хотини изтиробдан қақшаб-қалтираб фарёд чекаётганини кўрган эри, гўё ўзи унинг қотилидай қўрқиб кетди. У хотинини ҳадеб ўпар, пойинтар-сойинтар сўзлар билан кечирим сўраб, ёлворар эди.

– Ҳа, у қайтиб келмайди... онт ичаман... Сен шунчалик қўрқиб кетасан, деб ўйламагандим... Фақат сени ёмон йўлдан қайтармоқчийдим... Оила олдидаги бурчингни эслатиб қўймоқчийдим... Сени ўша бегона одамникуга иккинчи бормасин, дегандим... Оилангга қайтишингни ўйлагандим... Ўша воқеани тасодифан билиб қолганимда эсимга бошқа ҳеч нарса келмади. Сенга тўғридан-тўғри гапиролмасдим, ахир... У одамдан юз ўгирасан... бутунлай уйингни ўйлайсан, деб ишониб кутиб юрдим... роса кутдим. Шунинг учун ўша бечора хотинни орқангдан юборган эдим. У омадсиз актриса, ҳеч қаерда илинжи йўқ. У аввал қўнмай туриб олди мен эса қўнмаганига қўймадим... энди билдим, чакки иш қилган эканман... Лекин сени бу йўлдан қайтаришим керак эди. Менинг кечиришга тайёрлигимни, кечириш билан хурсанд бўлишимни наҳотки кўриб-билмадинг? Наҳотки, шуни тушунмадинг?.. Аммо, сени бу даражага борасан, деб сира ўйламаган эдим... Шу ишларнинг ҳаммасини кўриш... ҳар қадамингни пойлаш менгаям осон бўлгани йўқ, сендан кўра кўпроқ азоб чеккандирман. Болаларни деб, тушунсанг-чи, фақат болаларни деб сени шу аҳволга тушишга мажбур қилдим... Лекин энди ҳаммаси ўтиб кетди. Энди ҳамма иш ўнгланиб кетади...

Эрининг овози жуда яқиндан келса ҳам Иренага бу сўзлар жуда олисдан келаётгандай хира эши-тилар ва уларнинг маъносини уқмас эди. Унинг ичидан қалқиб чиқаётган фарёд тўлқинлари бошқа товушларни босиб кетар, ларзага тушган туйғулари ақлинни хиралаштириб қўйган эди. У эрининг меҳри-бонлик билан силаб-сийпаётганигини, ўпаётганигини ҳам, ўзининг кўз ёшлирини ҳам сезиб тураг, бироқ ичидан отилаётган даҳшатли нидо томир-ларини ўйнатиб гувиллар, қўнфироқлар бонгидай шиддатли садо қулоқларини қоматга келтираётган эди. Кейин шуларнинг ҳаммаси тумандай тарқалиб, ғойиб бўлди. У ҳушига келар экан, элас-элас кийимини ечишаётганини сезди, қалин туман орасида эрининг мулоим ва ташвишли юзини кўргандай бўлди. Шу заҳоти чуқур, фароғатли уйқу оғушига гарқ бўлди, энди унга безовта тушлар ҳам яқинлашмас эди.

* * *

Эртасига Ирена кўзини очганида тонг ёришган, хона нурга тўлган эди. Қутуриб ўтган бўрон гўё унинг қонини тозалаб, янгилагандай, қўнгли ҳам ёришган эди. У нима воқеа юз берганини эслашга уринди, бироқ ҳамон барча нарса унга тушдай ту-юларди. У худди тушида ҳавода учайдай бутун вужудида гаройиб енгиллик ва эркинлик сезди ва бу фира-шира сезги ўнгидага эканлигини билиш учун қў-линни қўлига теккизди. У сесканиб кетди: бармоғида узуги ярқираб турагди. Шу заҳоти уйқусидан асар ҳам қолмади. Унга элас-элас эшитилган пойма-пой сўзлар ҳам, ўй-фикрига айланишдан чўчиб турган фира-шира гумон ва шубҳалар ҳам энди бирданига ярқ этиб равшанлашди. Энди унга ҳаммаси – эрининг саволлари ҳам, ўйнашининг ҳайронлиги сабаби ҳам кундай равшанлашди; уни ўраб олган

даҳшатли тўрлар ҳам бирма-бир кўз олдига келди. Фазаб ва ҳаяжондан яна асаблари титраб қалти-рашга тушди, у энди мана шу хаёлотсиз, ваҳимасиз уйқудан уйғонганидан афсуслана бошлади.

Аммо, шу пайт қўшни хонада қулги эшитилди. Болалар ўринларидан туришиб, худди эрта уйғонган қушлардай янги кунни олқишилаб, гулдураб сай-рашар эди. Ирена ўғлининг овозини аниқ таниди ва биринчи марта унинг овози отасининг овозига ўхшашлигини сезиб, ҳайрон бўлиб қолди. Лаблари-га сезилар-сезилмас табассум қўнди ва ўрнашиб қолди. Ирена ўзининг ҳаёти, энди эса баҳти ҳам бўлган нарсалардан тўйиб роҳатланиш учун кўз-ларини юмиб ётар эди. Ичини эса ҳамон нимадир куйдирар, аммо бу оғриқ шифобахш эди – одатда яралар бутунлай битиб кетмагунча шундай ловил-лаб туради.

***Шариф Толибов
таржимаси***

НОМАЪЛУМ АЁЛ МАКТУБИ

ТОФ бағрида уч кун дам олиб қайтган машхур ёзувчи Р. саҳар пайтида Вена вокзалига етиб келди. Газета сотиб олиб, унинг санасига қўзи тушди-ю, бугун туғилган куни эканлигини эслади. Қирқ бирга кирибман-а, деган фикр хаёлидан ўтди, бунга су-юнмади, хафа бўлмади ҳам. Газетанинг шаддироқ саҳифаларини варақлаб чиқди-да, кейин такси ёллаб уйига жўнади. Хизматкори, шу кунларда уни икки киши йўқлаб келганини, сўнгра бир неча бор телефон қилишганини айтди ва йигилиб қолган хатларни патнисда олиб келди. Ёзувчи мактубларни эринчоқдик билан кўздан кечираркан, баъзи бирларининг номларига қизиқиб, очиб ҳам кўрди, эътиборини тортган, нотаниш киши томонидан ёзилган салмоқли бир мактубни ажратиб четга сурниб қўйди. Шу орада хизматкори чой ҳозирлади. Ёзувчи креслога ўрнашиб олиб, газетага яна бир бор кўз югуртирди-да, келган каталогларни син-чиклаб қараб чиқди, сўнгра сигара тутатиб ҳалиги мактубни қўлига олди.

Мактуб ўттиз бетча бўлиб, номаълум аёл томонидан шошиб ёзилган бўлса керак, қинфир-қийшиқ, шу сабабли мактубдан қўра кўпроқ қўллэзмага ўхшаб кетарди. Ёзувчи Р. бошқа бирор хат-пати йўқмикин, деган хаёл билан беихтиёр конвертни яна бир бор ушлаб кўрди. Бироқ конверт ичи бўш, устига бирон кимсанинг номи ҳам, манзили ҳам ёзилмаган эди. Қизиқ, деб хаёлидан ўтказди-да, мактубни яна қўлига олди. Мактуб «Мени асло билмаган», деган сўзлар билан бошланганди, бу нима,

мурожаатми ёки сарлавҳамикин, деб ҳайрон қолди ёзувчи... Кимга аталиб ёзилган? Менгами ёки хаёлий қаҳрамонгами? Ёзувчи мактубга жуда қизиқсиниб ўқишига тутиндиги...

Болагинам кеча жон берди – жажжигина, ожиз жигаргўшамни деб уч кечаю кундуз жонимни жабборга бердим; шўрлик қирқ соат олов бўлиб ёниб, ажал билан олишди. Қирқ соат мижжа қоқмай тепасида ўтириб чиқдим. Лов-лов ёнган пешанасига муз қўйдим, титраб-қақшаган жажжи қўлларини кечасию кундузи қўлимдан чиқарганим йўқ. Учинчи кун деганда, кечга бориб ҳолдан тойган бўлсам керак, қўзларим беихтиёр юмилиб кетибди. Студа ўтирганимча уч соатми, тўрут соат ухлаб қолибман, шу орада шўрлик болагинам оламдан ўтибди. Уйқудан кўз очганимда оппоғим қандай ётган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай узун каравотида чўзилиб ётибди. Зийрак қора қўзлари юмуқ, оқ қўйлакчаси устида қўллари қовушган. Каравотчасининг тўрут бурчагида тўрут дона шам шуълаланиб турибди. У томонга қараашдан ҳам, қимиirlаб ўрнимдан туришдан ҳам қўрқаман, чунки шам шуъласи лопиллаб яна болагинамнинг юз-кўзларига, юмуқ лабларига соя тушса, унга яна жон кириб, қўнғироқдай жаранглаган овозлари билан эркаланиб гаплашадигандай. Унинг дунёдан ўтганини биламану, лекин умид шарбатига ва ноумидлик заҳарига тоқатим қолмаганидан унга қараашга юрагим йўқ. Биламан, болам кеча жон берган, энди ёруғ дунёда мен учун фақат сен қолдинг. Ҳа, ҳаётни ўйинчоқ қилиб олган сен бегамдан бошқа ҳеч кимим йўқ, сен бўлсанг дунёда мендек фариб-нотавон борлигини билмайсан ҳам. Мени ҳеч хаёлингга келтирмаган бўлсанг ҳам меҳру муҳаббатим ҳамиша сенда бўлди.

Бешинчи шамни ёқиб, сенга хат ёзяпман. Мен энди болагинамнинг ёнида ёлғиз қолишдан қўрқа-

ман, бошимга тушган мусибатларни айтиб уввос солиб йифлашга эса мадорим йўқ, бас, шу мудҳиш дақиқаларда ўз дардимни сенга айтмасам, кимга айтай, ахир, сени ҳозир ҳам жонимдан азиз деб биламан. Эҳтимол, юрак дардимни сенга тузукроқ баён қиломасман, балки бунга сен тушуна олмассан – фикрим чувалашиб кетган, чакка томирларим лўқиллаб турибди, аъзойи баданим қақшаб кетяпти. Иссиғим баланд бўлса керак, менга ҳам грипп касали юққан бўлса ажаб эмас, нега деганда, ҳозир бу фалокат касал уйма-уй изғиб юрибди-да. Майли, кошкийди юққан бўлса, болагинам билан қўш мозор бўлардим, ўзим ҳам бу дунё азобидан кутулиб қўя қолардим. Гоҳо кўзларим тиниб кетади, бу мактубни ёзиб тамомлашим ҳам даргумонга ўхшайди, майли, нима бўлса бўлар, бор кучимни йифиб, бир марта, ақалли бир мартагина сен билан, бир умр мендан бехабар юрган севгилим билан суҳбатлашмоқчиман.

Ёлғиз сен билан суҳбатлашишга муштоқман, умримда биринчи марта юракдаги дардимни изҳор қилиш орзусидаман: бутун ҳаётимни ёлғиз сенга бағишилагандим, сен бўлсанг бундан мутлақо бехабар эдинг, энди ҳаммасини шу мактубимдан билиб оласан. Лекин билиб қўй, мени ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлаб турган иситма чиндан ҳам ажалимнинг боши бўлса, мен бу дунёдан ўтсам, шундагина сиримдан воқиғ бўласан – тағин менга хат ёзаман деб овора бўлиб юрмагин, дейман-да. Ажалим етмай, тирик қолсам, мактубни йиртиб ташлайман, шу кунгача дамимни чиқармай келгандим, нима қилибди, бундан кейин ҳам миқ этмай юравераман. Мактуб қўлингга бориб тегса, билгинки, марҳума ўз умр саргузаштини, дастлабки онгли дақиқаларидан то сўнгти дақиқаларигача сенга бағишилаган умр саргузаштини ҳикоя қиляпти. Бу сўзларимдан ташвишланмасанг ҳам бўлади. Ўликнинг нима ҳам даъвоси бўларди, у

на муҳаббат, на раҳм-шафқат ва на тасалли талағ бўлади. Сендан битта тилагим бор, у ҳам бўлса, илҳақ бўлиб сенга талпиниб турган юрагим дард-алами, фарёдига ишонсанг бўлгани. Ҳамма гапларимга ишон, илтимосим шу, холос. Биттаю битта фарзанди-нинг ўлиги устида қон йифловчи фариб онанинг тили ёлғон калимага борармикин?

Қулоқ сол, севгилим, бутун умр саргузаштимни сенга ҳикоя қилмоқчиман. Ҳаётим саҳифаси чиндан ҳам сени билган кунимдан очилган эди. Бунгача ўтган кунларим эсимда фира-шира қолган, ўй-хайёлларим у кунларга ортиқ ҳеч қайрилиб боқмай қўйганди, кунларим қандайдир узун-узун ўргимчак ини босган ертўлада ўтарди. Бу ертўлада истиқомат қилиб турган одамларни аллақачонлар дилимдан сууриб ташлагандим. Сени учратганимда ўн уч яшар қиз бола эдим. Ҳаётимнинг сўнгги нафаси бўлмиш ушбу мактубни қўлингда ушлаб турган шу ҳовлида истиқомат қилардим, биз турган квартира эшиклари сенинг квартирангга рўпарама-рўпара эди, бизлар бир зинадан чиқиладиган уйда турадик. Эсингда қолганмикин, чиновникдан тул қолган муштипар онам билан (онам ҳамиша аза тутиб қора кийиниб юрарди) озғин бир қизча, балки қачонлардир хотирангдан кўтарилиб кетган бўлса керак – ахир биз ўзимизни панага олиб бечораҳол мешчанлар сингари, бир амаллаб тирикчилигимизни ўтказиб юрардик. Номимизни ҳам ҳеч эшитмаган бўлсанг керак, чунки эшигимизга номимиз ёзилган тахтacha ҳам қоқилмаганди, ҳеч ким бизни йўқдаб келмасди ҳам. Э-ҳа, бунга озмунча бўлди дейсанми, ўн беш-ўн олти йил илгариги гапларни айтяпман, азизим, албатта булар хотирангдан кўтарилиб кетгандир. Мен эса, икир-чикирларигача ҳаммасини ташналиқ билан эслайман. Сени дастлаб кўрган, сен тўғрингда дастлаб эшитганларим худди бугунгидай

Эсимда қолган. Күзим очилиб дунёни таниган ўшал кунни эсда сақламай бўларканми! Севгилим, қулоқ сол, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қиласай, илтижо қиласман, чорак соат вақтингни менга туҳфа қил, сендан ўзгани демай, сабри қаноат билан бутун умрини оёғинг остига ташлаган бир нотавон дардини сен ҳам сабр билан тингла.

Биз турган ҳовлига кўчиб келмасингдан один, ҳозир сен яшаган уйда чакаги тинмайдиган баджашд, ифлос одамлар туришарди. Ўзлари камбағал бўла туриб, қўни-қўшниларининг қашшоқдигидан кулиб юришарди, бизларни бўлса кўргани кўзлари йўқ эди, чунки биз улар билан борди-келди қилмасдик-да. Оила бошлиғи пияниста эди, уззукун хотинини тутиб уради, стол, идиш-товоқдарнинг тарақа-туруғидан ярим кечаларда уйғониб кетардик, бир кун соchlари тўзиган хотини қора қонига бўялиб зинапояга отилиб чиқди, орқасидан итдай маст эри ҳайқириб қувибди, қўни-қўшнилар полицияга хабар қиласиз, деб кўрқитиб зўрға босиб қўйишиди. Онам бошдаёқ бу эр-хотин билан ҳеч қанақа борди-келди қилмасликка аҳд қилиб, болалари билан гаплашма, деб менинг ҳам қулоғимни бураб қўйганди. Аламига болалари ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб мендан ўч олиш пайида бўлишарди. Кўча-кўйда орқамдан бўлмағур гапларни айтишарди; бир кун қорбўрон қилиб юз-кўзимни моматалоқ қилишиди. Каттакон ҳовлида турувчиларнинг бари уларни ёмон кўриб қолишганди. Бир куни нимадир бўлди-ю, ўша пияниста ўғрилик устида қўлга тушиб, оиласидагилар кўчиб кетадиган бўлиб қолишиди, бу хабардан ҳаммамиз енгил тортидик. Бўшаб қолган уйни ижарага қўйиш ҳақидаги эълон икки-уч кун дарвозада осиғлиқ тургач, олиб қўйишиди, уй мутасаддиси, қандайдир сўққабош

мўътабар бир ёзувчи ижарага олди, деган хабар тарқатди. Дастлаб номингни ўшандада эшигандим.

Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин бўёқчию сувоқчи; дурадгорлар келиб ишга тушиб кетди, яна аллакимлар келишиб ахлатларини тозалашди. Онам бўлса, ҳа, қўшниларимизнинг жанжал-тўполонларидан қутуладиган кунимиз ҳам бор экан-а, деб суюнди. Кўчингни келтиришди-ю, ўзинг кўринмадинг, ҳамма ишларингга сочига оқ оралаган, паст бўйли, вазмин маҳраминг қараб турарди, у ҳам унча-мунчага эътибор қилмасдан, шовқин қилмай, салобат билан ишини битирарди. Бизга у ёқиб қолди, нега деганингда, авваламбор, биз томонларда маҳрам сақлаш қаёқда дейсан, яна сабаби шуки, у ҳамма билан бирдай хушмуомалада бўлар, шу билан бирга, ўзини оддий хизматкорларга тенг тутмас, улар билан апоқ-чапоқ бўлмасди. Дастлабки кунлардан бошлиб онамнинг ҳурматини жойига қўяр, ҳатто мен гўдак қиз болани кўрганида ҳам салом бериб, иззатимни бажо келтирарди. Сенинг номингни ҳамиша қандайдир иззат-икром билан, ҳатто ихлос билан тилга оларди, бу – хизматкорнинг хўжасига шунчаки садоқатидан ҳам юқори нарса эканлиги кўзга ташланиб турарди. Одамохун кекса Иоганин ҳамиша сенинг ёнингда, хизматингда юришига файрлигим келса ҳам, кейинчалик уни жуда яхши кўриб қолганимни билсанг эди!

Азизим, буларни майдада-чуйдаларигача ҳикоя қилишдан мақсадим шуки, юрагини олдириб қўйган, қўрқоқ гўдак қиз боланинг кўнглини илк марта ўзингга қандай ром қилганингни билиб қўй, демоқчиман. Ҳаётимга кириб келмасингдан анча бурун, назаримда сени қандайдир бир нур чулғаб олгану, бошингда аллақандай сирли шуҳрат тожи намоён бўлганди; узоқ шаҳарчанинг чеккасидаги тор бир кулбада истиқомат қилиб турувчи биз нотавон

махлуклар йўлингга интизор бўлиб кутиб юрардик. Тор бир муҳитда яшовчи жамоа аҳидан ҳеч бир воқеа қочиб қутулмаслигини, улар ҳар бир воқеадан хабардор бўлиб туришларини ўзинг ҳам биласан-ку, азизим. Бир куни мактабдан қайтиб келсам, уйимизнинг олдида уй анжомлари ортилган арава турибди, ана ўшандада сени кўрарга қанчалик муштоқ бўлганимни билсанг эди! Оғир буюмларингнинг кўпини ҳаммоллар юқорига чиқариб, майдада-чуйдаларни ташиб туришган экан; буюмларингни кўриб оғзим очилиб, эшик олдида томоша қилиб туриб қолибман, нимага десанг, умримда бунақанги нарсаларни кўрмагандим-да: ҳинди маъбудалари-ю, итальян ҳайкаллари, катта-катта ажойиб суратлар, беҳисоб чиройли китоблар... ўнгимми, тушимми, деб кўзларимга ишонмасдим. Китобларни тахлаб, эшик олдига обориб хизматкорингнинг қўлига бериб туришибди, у бўлса ҳар биттасини авайлаб кичкина супурги билан чангини қоқиб тозалаяпти. Азбаройи ҳайратда қолганимдан кўзларим косасидан чиқаёзизб, уюлиб ётган китоблар атрофида парвона бўлиб юраверибман; хизматкоринг мени ҳайдамади-ю, лекин рўйхуш ҳам бермади, шу сабабдан, китобларнинг майин чарм муқоваларига қўл тегизиб кўргим келса ҳам юрагим дов бермади. Қўрқа-писа уларнинг номига кўз қиrimни ташладим: билсам, французча, инглизча китоблар экан, баъзи бирларининг номи аллақандай мен билмайдиган тилда ёзилган: китобларни томоша қилишдан зерикмасдиму, ойим уйдан чақириб қолди.

Кўрдингми, ўзингни кўрмасам, билмасам ҳам шу кеча хаёлим сенда эди. Ўзимнинг ҳам қофоз муқовалари йиртилиб-титилиб кетган ўнтача арzonбаҳо китобим бор эди, шуларни ихлос билан қайта-қайта ўқиб юрардим. Шунча кўп ажойиб китобни ўқиб туширган, анча тилни биладиган, бадавлат, бунинг

устига яна ўқимишли киши қандай бўларкин, деган фикр миямга жо бўлиб, тинчимни бузиб қўйди. Назаримда, у гайритабиий бир зот эди. Хаёлимда суратингни чизишга ҳаракат қилиб кўрдим; жуғрофия муаллимимизга ўҳшаган узун оқ соқолли, кўзойнак таққан чол сиймосини кўз олдимга келтирдим, лекин бу дилкашроқ, чиройлироқ, меҳрибонроқ бўлса керак, деб ўйладим. Нимагадир, сабабини билмайман, сени кекса деб тасаввур қилганимда ҳам, чиройли бўлса керак, деб ишонардим. Ўшанда кўрмаган, билмаган бўлсам ҳам сени тушимда кўриб чиққандим.

Эртасига ўзинг ҳам етиб келдинг, бир кўрай деб ҳар қанча уринсам ҳам, ҳаракатларим зое кетди, шундан кейин яна ҳам иштиёқим ошди. Ниҳоят, учинчи кун деганда сени кўрдиму, гўдаклик тасаввуримдаги «маъбуд»га асло ўхшамаслигингни кўриб ҳайратда қолдим. Сенга қиёс қилган ўшал кўзойнак таққан хушфеъл кекса чол ҳақидаги тасаввуримни парчалаб, рўпарамдан истараси иссиқ, келишган бир йигит чиқиб қолди. Бу сен эдинг!.. Ўшанда тўқmallа, хушбичим спорт костюмида ёш йигитчалардек шўх-шўх қадам ташлаб келдингу, икки-икки пофона ҳатлаб юқорига чиқиб кетдинг. Кўлингдаги шляпангу завқ тўла юзингни, новвот ранг соchlарингни кўриб ҳайратдан ўзимни йўқотиб қўяёздим. Рост айтаман, кўрқиб қутим учиб кетди. Ёшлигинг, чиройинг, қадди-қоматингни кўриб, ҳушим бошимдан учди. Қизиқ, шу биринчи кўришдаёқ икки ёқламалигингни дарҳол пайқаб олдим, фақат менми десам, бошқаларни ҳам мудом ҳайратда қолдирган шу хислатингнинг бири: серзавқлигинг, енгилтаклигинг, ўйинқароқлигинг, саргузаштга ўчлигинг бўлса, шу билан бирга, ижодий ишингда бениҳоя жиддийлигинг, жуда ҳам доно, бурчингга содиқ, ўқимишли бўлганинг эди; икки ёқлама ҳаёт кечириб юрганингга бошқалар синга-

ри менинг ҳам кўзим етди: ялтироқ, ранг-баранг томонинг ташки дунёга қаратилган бўлса, нариги, қоронги томони эса ёлғиз ўзингга аён; ишиқингда ўртаниб юрган мен ўн уч яшар қиз бола сенда чуқур илдиз олган бу икки ёқдамаликни, ҳаётинг сирини бир қаращаёқ фаҳмлаб олгандим.

Мендек норасида назарида сен бориб турган сеҳргар, ажойиб жумбоқ бўлиб қолганингни энди тушунгандирсан, азизим. Адиблиги билан, менга ёт бошқа бир дунёдаги шуҳрати билан кишиларни ўзига ром қилган у кимса – йигирма беш яшар олифта, хушчақчак, навқирон йигит экан! Шу кундан бошлаб яшаб турган жойимизда, бутун гўдаклик ҳаётимда сендан бўлак ҳеч кимса мени қизиқтирамаганини ўн уч яшар болага хос ўжарлик, қайсарлик билан фикри зикримни ёлғиз сенга бағишлаганимни, фақат сенинг турмушингга маҳлиё бўлиб қолганимни гапиришнинг ҳожати бормикин? Ўзингга, юриш-туришингга, келиб-кетиб юрган ёру дўстларингга ҳамиша разм солиб юришни одат қилдим, иштиёқмандлигимни қондириш у ёқда турсин, фикри ёдимни баттар ўзингга банд қилдинг, нимага деганда, сеникига келувчи хилма-хил одамларни кўрганимда икки ёқламалигинг яна ҳам равшанлашди. Уйингга ёш-ёш йигитлар, ошна-огайнилалинг келишарди, чақчақлашиб вақтихушлик қиласардинглар; усти боши юпун студентлар ҳам келиб туришарди; баъзида автомобилларда хонимлар келишарди, бир куни сеникига опера театрининг директори, машҳур дирижёр келди, уни мен қўлида дирижёрлик хивичини ушлаб турганида узоқдан кўргандим; тижорат мактабида ўқиётган ёш-ёш қизларнинг келганини ҳам кўрганман, улар уялгандаридан тезроқ ўзларини эшиқдан ичкарига олиш пайдан бўлишарди – нимасини айтасан, хотинлар жуда кўп келишарди. Бу томонини унчалик ўйла-

масдим, бир куни эрталаб мактабга кетаётганимда юзига қалин түр тутиб сеникидан чиқиб кетаётган бир хонимни күрганимда ҳам унчалик файирилгим келганийүқ. Ахир энди ўн уч ёшга кирган қиз бола эдим, кўз-қулоқ бўлиб, ҳар бир қадамингни пойлаб юришларим муҳаббат аломати эканини ўшандада қаердан ҳам билардим.

Лекин, азизгинам, бутун қалбим билан сени бир умр севиб қолган кун ва соатимни жуда аниқ биламан. Бир куни дугонам билан мактабдан келиб, дарвоза оғзида гаплашиб тургандик, шу пайт бир автомобиль келиб тўхтади-да, мени ром қилган, ўзингга ярашган олифталигинг билан сакраб ерга тушдинг. Югуриб бориб сенга эшик очганимни ўзим ҳам сезмай қолибман, бир-биримиз билан уришиб кетишимизга сал қолди. Ўшандада мени мафтун этувчи илиқ, мулоим қарашиб қилиб, ширин табассум ҳадя қилгансан, ҳа, ширин табассум ҳадя қилгансан-да, эшитилар-эшитилмас: «Каттакон раҳмат, фройлейн», дегансан.

Бўлгани шу, азизим, лекин шу дамдан бошлиб мулоим, ширин табассумингни ҳис қилганимдан бўён сенга шайдо бўлганман. Кейинчалик, орадан оз фурсат ўтгач, билсам, ёнингдан ўтган ҳар бир аёлга, ҳар бир дўкондор қизга, сенга эшик очиб турган ҳар бир хизматчи аёлга қучоқ очиб ўз бағрига чорловчи, фусункор, шу билан бирга, таслим қилувчи табассумни ҳадя қилиш одатинг бор экан, билсам, бу нигоҳнинг ихтиёри сенда эмас экан, бирон ҳис-туйфу ифодаси ҳам эмас экан, шунчаки аёлларга кўзинг тушган кезларда қарашинг ўзидан-ўзи илиқ ва мулоим ифода касб этаркан. Мен ўн уч яшар норасиданинг бундан хабарим ийүқ эди. Бу навозишу табассумингдан ўтда ёниб бутун борлиғимни сенга қурбон қилибман.

– Ким бу? – деб сўради дугонам. Унга бирданига жавоб беролмадим. Шунча қилсам ҳам номингни

тилга олишга ўзимни ожиз сездим, номинг шу лаҳзада сир тутишим лозим бўлган муқаддас ном бўлиб қолди.

– Ким бўларди, қўшнимиз-да, – деб тутилиб, бир амаллаб жавоб бердим.

– Ҳо, нега мунча қизармасанг? – дея болаларга хос бағритошлиқ билан заҳарханда қилди дугонам. Сиримни очиб масхара қилганидан юз-кўзларимга қон қуишиб, чаккаларим ловиллаб кетди. Хижолат бўлганимдан дағаллик билан:

– Ўлгудай аҳмоқсан-да! – деб бақириб юборибман. Менга қолса, бўгиб ташлагим келди-ю, аммо у баттар мазах қила бошлагач, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ундан юзимни ўғирдим-да, чопганимча тепага чиқиб кетдим.

Шу пайтдан бошлаб сенга меҳр қўйдим. Биламан, хотинларнинг эркатойисан, бунаقا гапларни улардан кўп эшитгансан, лекин сўзимга ишон, сени ҳеч ким менчалик садоқат билан, вафодорлик билан севган эмас, мен бир умр шайдойинг бўлиб қолдим, чунки норасида қизнинг ўгринча муҳаббатига дунёда ҳеч нарса teng бўломмайди, унинг муҳаббати қаноатли, вафодор, маъсума, сезгир ва шавқ-завқли бўлади, ёши бир жойга бориб қолган сурбет, ёпишқоқ, беихтиёр бўлса ҳам шилқимлик қилувчи хотинларнинг муҳаббати қаёқда-ю, гўдакнинг муҳаббати қаёқда. Норасида ўз муҳаббатини пинҳон сақлаб юради, бошқалар ҳис-туйғуларини дугоналарига айта берадилар. Кўрингангага сирлари ни очиб, ҳис-туйғуларини сийқалаштириб қўядилар, улар муҳаббат тўғрисида кўп эшитиб, кўп ўқиганлар, бу ҳар бир тирик жоннинг бошига тушадиган савдолигини биладилар. Бундайлар назарида муҳаббат бамисоли бир ўйин, дастлаб оғзига папирос олганда мағрур бўлган тирмизак бола сингари, муҳаббатларини кўз-кўз қилиб юрадилар. Менинг эса дилимни

очиб гаплашадиган, ўгит-насиҳат қиласынан, ёмон йүлдан қайтарадиган ҳеч кимим ийүк эди, ҳеч нимани күрмаган содда қиз эдим, тақдирим шу экан, деб ўзимни жаҳаннам қаърига отибман. Дилемда қайнаб-тошган ҳис-туйгуларимни, розимни фақат сенга ишониб айтяпман, негаким, ширин хаёлларим рамзи сен эдинг; отам аллақачонлар вафот этган, боши ташвишдан чиқмай, пенсия билан бир кунини ўтказиб юрган шўрлик онам билан сирдош эмасдим, енгилтак мактабдошларимни жиним ёқтирумасди, нега деганда, мен учун энг муқаддас бўлган эҳтиросни улар бамисоли бир ўйинчоқ деб билишарди, шундай бўлса-да, қалбимда майдада-чуда зарралардай сочилиб турган, даф қилинса ҳамки, бетоқат бўлиб яна отилиб турган бутун ҳис-туйгуларим сенга қараб талпинарди. Сен мен учун, – нима деб тушунтирасам бўларкин сенга буни? Ҳар қанақа муқояса ҳам, ёнига бир нима қўшиб айтмасанг, жуда ожизлик қиласи, – борлиғим, бутун жон-таним сен эдинг. Мавжудот сенга алоқадор бўлгани учунгина қийматга эга эди, ҳаётимдаги муҳим воқеалар сен билан боғланган бўлса, шу тақдирдагина бир маъно касб этарди. Бутун ҳаётим бошқа изга тушиб кетди сени деб. Шу дамгача бепарво, ўртамиёна шогирд эдим, тўсатдан синфда биринчи талаба бўлиб қолдим, юзлаб китобларни ўқиб ташладим, яrim кечагача бошимни кўтармасдан китоб ўқирдим, чунки сен китобни яхши кўришингни билардим; бир вақт қарасам, зўр бериб рояль чалишни машқ қила бошлабман, чунки сени мусиқани яхши кўради, деб гумон қилгандим, буни кўриб онам ҳам ҳайрон. Пала-партиш кийинаркан, дея кўнглингга келтирумаслик учун уст-бошларимни тозалаб, ямаб оладиган бўлдим, онамнинг эски кўйлагидан бичиб тикиб олган тўртбурчак ямоғи бор мактаб фартугимни ҳар кийганимда уялганимдан ерга кириб

кетгандай сезардим ўзимни. Ямоқни кўриб қолиб, мендан ҳазар қилишингдан кўрқардим, шу важдан ҳар гал зинапоядан юқорига юргурилаб чиқиб кетаётганимда китоб солинган жилдимни чап ёнимга қисиб олардим, шунда ҳам яна кўзи тушиб қолмасайди, деб титраб-қалтирардим. Аслида буларнинг ҳаммаси кулагили эдику-я, нега десанг, ахир сен менга бирор марта ҳам қиё боқмасдинг-да!

Шунда ҳам кун бўйи қиладиган ишим, кўзим тўрт бўлиб сени кутиш, йўлингни пойлаш эди. Эшигимизнинг мис гардишли кичкина туйнукчасидан эшигинг кўриниб туради. Бу туйнукча, – йўқ, азизим, мендан кулма, шу туйнукча оддида ўтказган соатларимдан ҳозир ҳам уялмайман! – шу туйнукча менинг ойнаи жаҳоним эди; онам сиримдан воқиф бўлиб қолмасайди, дея китобимни қўлтиқлаб, юрак ҳовучлаб, оқшомларни шу совуқ йўлакчада пойлоқчилик қилиб ўтказардим. Сен яқинлашган сари титраб, ихтиёрим ўзимдан кетарди. Шунда ҳам сендан кўзимни узмай қадам-бақадам орқангдан пойлаб юрардим. Лекин бу пойлоқчиликларим зим-зиё кечаларда сабру тоқат билан кунларингни санаб, йўлларингда юрак уришидай сенга ҳамроҳлик қиувчи чўнтак соатинг пружинасининг чирпиниши сингари арзимас нарса эди, сен бўлсанг соатинг миллион-миллион марта тик-тик урганда бир марта гина кўз қирингни ташлаб кўясан, холос. Ҳамма қилиқларингни, тақиб юрган ҳамма галстукларингни, ҳамма костюмларингни ипидан игнасигача билардим, ёру дўстларингни ҳам билардим, бир оз фурсат ўтгач, уларни бир-бирларидан ажратадиган бўлиб қолдим, улар орасида менга маъқуллари ҳам бор эди, жиним ёқтирмайдиганлари ҳам; ўн уч ёшимдан ўн олти ёшимгача жони таним сен бўлдинг. Э-ҳа, озмунча тентаклик қилдимми? Қўлинг теккан эшик дасталарини ўпардим, уйингга

кираверишда ташлаб кетган сигара қолдиқдарини муборак нарсадек ердан кўтариб олардим, ахир, унга лабларинг теккан эмасми? Қечқурунлари қайси ойнангда чироқ ёқиғлик эканини билиш ва кўзим кўрмаган суратингни яқинроқ ҳис қилиш учун бирон баҳона билан кўчага югуриб чиқишиларимнинг эса сон-санофини ҳам йўқотдим. Узоқ сафарга кетган чофларингда – Иоганн сариқ жомадонингни кўтариб тушиб келаётганини кўрганимда ҳар гал юрагим орқамга тортиб кетарди, бир неча ҳафта ҳаётим сўнгандай бўларди. Қовоқ-тумшуғим осилиб, зардам қайнаб, ўзимни қўярга жой тополмас, онам маъюслигимни, йифлаган кўзларимни кўриб қолмасайди, деб жон ҳовучлаб юрадим.

Биламан, бу ҳикояларим ҳаммаси сен учун норасида боланинг кулагили қилиғидай гап. Булардан мен уялиб хижолат тортсам бўларди, лекин мен уялмайман, чунки сенга бўлган муҳаббатим ҳеч қачон ўша норасидалик шавқ-завқларим сингари жўшқин ва мусаффо бўлган эмас. Ҳатто афти ангоримни аниқ кўрмаган бўлсанг ҳам ўша кезларда бутун ҳаётими ни сенга бағишлиганимни соатлаб, қунлаб ҳикоя қилишдан ҳам қайтмасдим, афти ангоримни аниқ кўрмаган бўлсанг ҳам, дейишимишнинг боиси шуки, зинапояда тўқнаш келиб қолган чофларимизда, оловдай ёндирувчи кўз қарашларингдан қўрқиб, бошимни қуий солиб, худди ўзини ўтдан сақлаб, сувга ташлаган одамдай ёнингдан лип этиб ўтиб кетардим. Аллақачонлар унутиб юборган ана ўша йилларингни сенга соатлаб, ҳатто ойлаб жон деб ҳикоя қилиш, ҳаётинг саҳифаларини кўз олдингда бирма-бир варақлаб кўрсатиш қўлимдан келади, лекин меъдангга тегиб, сенга азоб беришдан қўрқаман, азизим. Болалик чофимдаги энг қувончли яна бир воқеани сенга ҳикоя қиммоқчиман, лекин ўти наман, зинҳор мендан кулма, нега деганда, ҳар қан-

ча арзимаган воқеа бўлганда ҳам мендек норасида учун бу улуғ баҳт эди. Якшанба кунларидан бири бўлса керак, қаергадир кетган эдинг, хизматкоринг катта бир гиламни ҳовлида қоқиб тозалаб, очиқ эшигингдан квартирангга олиб кирмоқчи бўлиб турган экан. Қарасам, кекса хизматкоринг жуда қийналиб кетди, шунда юрак ютиб тўппа-тўғри ёнига бориб: «Қарашиб юборайми?» – деб сўровдим, хизматкоринг ҳайрон қолди, лекин шахдимни қайтармади, шу баҳона билан квартирангга кириб, истиқомат қилиб турган жойингни, ўтириб ишлайдиган ёзув столингни, столингда турган кўк вазадаги гулларингни, жавонларинг, суратларингни, китобларингни кўрдим. Бу жиҳоз, буюмларингни кўрганимда юрагим алланечук бўлиб, кўзларим ўйнаб кетганини сенга баён этиш қўлимдан келса кошкийди! Ҳаётинг дафтарига бир кўз югурутириб чиқишига улгурдим, холос, чунки содик маҳраминг, Иоганин, турмушинг билан яқиндан танишишга, албатта, йўл қўймасди, бу турган гап, лекин шу бир кўз ташлашимдаёқ квартирангдаги бутун муҳитни қалбимга сингдириб олдим, тушимда ҳам, ўнгимда ҳам сен ҳақингда ширин хаёл суриб юришим учун щунинг ўзиёқ менга кифоя эди, ҳатто битмас-туғанмас озиқ манбаи бўлиб қолди.

Шу воқеа кўз юмид очгунча ўтган болалик чофимдаги энг баҳтли пайт бўлган эди. Азизим, ёнгинангда бир инсон боласининг ҳаёти куйиб кул бўлганини ақалли билиб қўйгин, деган ният билан бу воқеани сенга баён қилгим келди. Сенга шу воқеани, эвоҳ, орадан сал ўтмай содир бўлган яна бир бошқа воқеани ҳам ҳикоя қилгим келганди. Ҳали айтдим-ку, сени деб ҳамма нарсадан кечиб юборгандим, онам ҳам кўзимга кўринмай қолганди. Ҳеч кимга, ҳеч нимага парво қилмай қўйгандим. Ёши қайтган инсбурклик бир савдогар тез-тез ке-

либ, бизникида узоқ ўтириб кетадиган бўлибди-ю, шунга ҳам эътибор бермабман, бундан ҳатто суюниб юрдим, чунки у киши баъзида ойимни театрга олиб кетарди, мен ёлғиз ўзим уйда қолиб, сен тўғрингда бемалол хаёл сурардим, сени пойлардим, бу мен учун бирдан-бир улуғ баҳт эди. Кунлардан бир куни ойим қандайдир тантанали оҳангда мени хонасига чақириб, сенга айтадиган жиддий бир гапим бор, деди. Рангим оппоқ оқариб, юрагим гуп-гуп уриб кетди, кўнглида бирон шубҳа туғилган, бирон нарса сезган бўлса-я, деб қўрқдим! Ақдимга дарров сен келибсан, чунки мени дунё билан боғлаган сири асрорим сен эдинг-да! Бир вақт қарасам, ойим ўзи уялинқираб турибди, суйиб юзимдан бир-икки ўпди-да (қизиқ, ўпадиган одати йўқ эди), мени диванга, ёнига ўтқазди, тутила-тутила қизариб-бўзариб гап бошлади: хотини ўлиб тул қолган қариндошим менга уйланмоқчи, сени деб рози бўлдим, деди. Юрагим баттар гупиллаб уриб кетди, онамнинг оғзидан бу сўзларни эшитганимда бошимга фақат бир фикр кедди, сени ўйладим.

– Ишқилиб, ўзимиз шу ерда қоламизми? – деб зўрга тилим калимага келибди.

– Йўқ, Инсбрукка кўчиб кетамиз, Фердинанднинг у ерда чиройли уй-жойлари, боғи бор экан, – деди онам.

Шундан бошқа гаплари қулоғимга киргани йўқ. Кўз олдим қоронфилашиб кетди. Кейин билсан, ҳушимдан кетиб, ийқилибман. Онам нариги хонада кутиб ўтирган ўтгай отамга шивирлаб, қўлларини кериб, гурс этиб ўзини ерга ташласа бўладими, деб гапирганини эшитиб қолдим. Шундан кейинги кунларда нималар содир бўлганини, мендек ожиза, норасида боланинг ота-она ихтиёрига қарамай, қандай курашганимни сенга таъриф қилишдан ожизман. Ҳозир шуни ёзиб турганимда ҳам қўлларим қалт-қалт титраяпти. Сиримни ошкор қилишга

юрак бормиди менда, бас, кўрсатган қаршиликларим ҳам шунча-ки беҳуда ўжарлик эди. Кейин ҳеч ким мен билан бу ҳақда гаплашмади ҳам, ўз билганинни қиласвериши. Мактабдалик вақтимда менга билдирилсанда кўчиш тараддудини кўриб боравериши; ҳар куни уйга қайтиб келганимда қарасам, ё бир нарса сотилган, ёки олиб кетилган бўларди. Кўз олдимда биз турган квартира билан менинг ҳаётим ҳам барбод бўла борди. Бир кун мактабдан келсан, одамлар ҳамма уй анжомларимизни жойлаб, олиб чиқиб кетишибди. Қуп-қуруқ ҳувиллаб қолган хоналарда тахт қилиб қўйилган сандиқлар, онам билан менинг буклама икки каравотимиз турибди: биз яна бир кун тунаб, эрта билан Инсбрукка жўнаб кетишимиз лозим эди.

Шу куни сендан йироқда яшолмаслигимни аниқ тушундим. Нажоткорим ёлғиз ўзинг эдинг. Ўша кезларда нималарни ўйладимикин, дурустроқ муҳокама юритиш қўлимдан келдимикин, буни ҳануз билолмайман. Онам қаёққадир кетганди шекилли, шартта ўрнимдан туриб, мактаб кўйлагимда сеникига кириб бордим. Ўз ихтиёrim билан борганим йўқ, қандайдир енгиб бўлмас бир куч мени эшигинг томон судрарди. Аъзойи баданимда қалтироқ туриб, шол одамдай оёқларимни аранг судраб босардим. Ниятим нималигини ўзим ҳам билмасдиму, лекин оёқларингга бош қўйиб, ўзингга хизматкор, чўри қилиб бўлса ҳам мени ёнингда олиб қол, деб ёлворишига ҳам рози эдим! Ўн беш яшар қиз боланинг эси пастлигидан куларсан, деб қўрқаман; лекин, азизим, ўшанда совуқ даҳлизингда қўрқиб-титраб турганларимни, қандайдир сеҳрли қучга бўйсуниб, титроқ қўлларимни гавдамдан узиб олгандай кўтариб, бутун бир умрдай туюлган бир лаҳзалик даҳшатли курашдан кейин қўнғироқ тугмасини бошишга қўлимни қандай мажбур қилганларимни бир

билсанг эди, мендан кулишга ўзинг ҳам уялардинг. Тўсатдан келиб урилган қаттиқ қўнғироқ товуши ва ундан кейинги сукунат ҳали ҳам қулогимдан кетган эмас, шунда аъзойи баданимдаги, бутун қон қотиб қолгану, юрагим уришдан тўхтагандай бўлди, фақат қадам товушингга қулоқ солиб турганимни биламан, холос.

Аммо, сен ёнимга чиқмадинг. Ҳеч ким чиқмади. Уйда йўқ эдинг шекилли, Иоганн ҳам ул-бул харид қилгани кетган бўлиши мумкин. Оёғимни аранг судраб, вайрон, шип-шийдам квартирамизга қайтиб келдим, азбаройи ҳолдан кетганимдан бориб, қандайдир бир тугунга ўзимни таппа ташладим, қулогимда ҳамон қўнғироқ товуши жаранглар эди. Тўрт қадам босибману, бир неча соат тизза бўйи қор кечиб юргандан ҳам беш баттар чарчабман. Лекин нима бўлса ҳам мени олиб кетмасларидан бурун сен билан кўришиб, гаплашиб олиш истаги тобора кучайиб аланга ола берди. Худо ҳақи, бошқа бирон нарса хаёлимга ҳам келгани йўқ, дунёдан бехабар эдим, бунинг сабаби шу эдикси, сендан бошқа бирон кимсани ўйлаган ҳам эмасдим; фақат сени кўриш, яна бир марта кўриш, ўзимни ёнингда ҳис этиш орзусида эдим. Жонгинам, ўша кеча, узундан-узоқ мудҳиш тун бўйи сени кутиб ётдим. Онам ўрнига ётиб, кўзи уйқуга кетиши билан секин даҳлизга чиқиб, пойқадамингга қулоқ солиб туравердим. Тун бўйи, январнинг совуқ кечасида мижжа қоқмай сени кутиб чиқдим. Ҳолдан кетиб, аъзойи баданимда оғриқ турди, ўтирай десам, ўриндиқ ҳам йўқ, ҳолдан кетганимдан кейин, эшик тагидан совуқ уриб турганига қарамай, муздек ерга кўйлакчан узала тушдим. Одеялга ўраниб олсам ҳам бўларди, лекин иссиқ элитиб кўзим уйқуга кетиб қолса, қадам товушларингни эшитмай қоламан, деб қўрқдим. Совуқ жонимдан ўтиб, букланган оёқла-

римнинг томири тортишиб, азоб едим, қўлларим дир-дир титраб чиқди, бир оз исиниб олиш учун дам-бадам ўрнимдан туардим, қоронги йўлагимиз совуқ зиндондай жой эди. Шунга қарамай, сени ўз тақдиrimни кутгандай кутиб туравердим.

Ахири, – кечаси соат икки ё учларда бўлса кепрак, – кўча эшигининг очилиб-ёпилгани, кейин зинапояда қадам товушлари қулоғимга чалинди. Совуқни ҳам сезмай қолибман, таним олов бўлиб ёниб туришига қарамай, эшикни оҳиста очиб, истиқболингга отилмоққа, оёғингга бош қўймоққа шайланиб турдим. Ўшанда нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Қадам товуши яқинлашиб, шамчироқ кўринди. Титроқ қўлларим билан эшик дастасини ушлаганча сенмикинсан ёки бошқа бирон кишимикин, дея иккиланиб турдим.

Ҳа, азизим, ўзинг эдингу, лекин ёлғиз эмасдинг. Аста кулганинг, ипак қўйлакнинг шитирлаши ва шивирлаган овозингни эшийтдим, қандайдир бир хоним билан қайтиб келган эдинг уйингга...

Шу кеча қай аҳволга тушганимни ўзим ҳам билмайман. Эрта билан, соат саккизда мени Инсбрукка олиб кетдилар, ортиқ қаршилик кўрсатишга мажолим қолмаганди.

Болагинам кеча кечқурун жон берди, агар тирик юриш менга яна насиб этса, яна фариблигимча қолавераман. Эртага қора кийинган кимсалар келиб болагинамни, жигарбағрим, нуридийдамни тобутга солиб олиб кетадилар. Ким билсин, дўстларим ҳам келишар, гулчамбар ҳам олиб келишар, лекин тобут ёнига қўйилган гулдан менга не наф? Менга тасалли беришади, овутиш учун униси-буниси гапириб кўради, лекин бундан менга нима фойда? Бари бир, биламан, яна ёлғиз ўзим қоламан. Одамлар орасида ёлғиз қолишдан ҳам даҳшатлироқ нарса

бормикин дунёда? Буни мен ўн олти ёшимдан ўн саккиз ёшимгача Инсбрукда ўтказган ўша узоқ икки йил мобайнида билдим, ўшанда мен оиласында хўрланган асира сингари кун кечиргандим. Мулоим табиатли, камга ўтай отам менга яхши кўз билан қаради; онам шўрлик бирон гуноҳ қилиб қўйгану, шуни ювишга ҳаракат қилгандай ҳамма истакларимни бажо келтирас, ёш йигитлар кўнглимни олиш пайида бўлишарди, лекин мен қандайдир қайсар, ўжарлик билан ҳаммани ўзимдан бездиришга ҳаракат қиласадим. Сендан йироқда менга бахтнинг ҳам, кўнгилхушликнинг ҳам кераги йўқ эди. Атайлаб ўзимни-ўзим қийнаб, ёлғизлик ўтида ёниб юравердим. Янги уст-бош олиб беришса, киймасдим, концерт, театрларга боришга унамасдим, шаҳар атрофидаги сайргоҳларга борувчиларга аралашмасдим. Остона ҳатлаб кўчага чиқмадим, десам бўлади, айтсан ишонмайсан, азизим, икки йил бадалида шу кичкинагина шаҳарчада билган кўчаларим ўнтадан ҳам ошгани йўқ. Фам-фуссадан бошим чиқмади, лекин фамдан халос бўлишга ҳам раъйим йўқ эди, айрилиқ ўтида ўртаниб, дард-алам шарбатининг ҳар бир томчисидан маст бўлиб юравердим. Шуниси ҳам борки, эҳтиросимдан халос қилишларини истамасдим, ёлғиз сен билан ҳаёт нашъясини сургим келарди. Кун бўйи қўлим ишга бормай, сени ўйлаб ўтирадим, сен тўгрингдаги ҳар бир майда-чуйда хотиралар, сени учратган кунларим, кўзим тўрт бўлиб кутганларимни қайта-қайта хаёлимдан кечирар, мана шу майда-чуйда ҳодисаларнинг ҳаммасини саҳнада кўргандай кўз олдимга келтириб, шу билан ўзимни овутардим. Ўтмиш онларини такрор-такрор эслаганимдан, бутун болалик чоғларим хотирамга шундай аниқ-равшан жо бўлиб кетдики, ўша узоқ йиллардаги ҳамма саргузаштларимни, худди кечагина қонимни тўлқин-

латиб, ҳаяжонга солғандай яққол ва эҳтирос билан ҳис қиласаман.

Үша кезларда фикр-зикрим сенда эди, азизим. Сен ёзған ҳамма китобларни сотиб олғандым, но-мингни газетада тилга олсалар, үша куни мен учун байрам бўларди. Ишонасанми, китобларингни тез-тез ва қайта-қайта ўқиганимдан улар менга ёд бўлиб қолган. Агар кечаси мени уйқудан уйғотиб, тўғри келган бир бетини ўқишича, уни ҳозир, орадан ўн уч йил ўтгач ҳам ҳеч адашмай, бемалол давом эттиравераман; ҳар бир калима сўзинг мен учун муқаддас оят бўлиб қолган. Оlam ҳам, назаримда, сен туфайли мавжуд; Вена газеталарида концертлар, премьеरалар ҳақида босилган эълонларни ҳам қайси бири сенга манзурлигини билиш ниятида ўқирдим-да, қош қорайганда узоқдан сени кузатиб бораардим: залга кирганинг, бориб жойингга ўтирганларингни ҳам кўриб турардим. Шуларни минг мартараб кўз олдимга келтирардим, чунки сени концертда фақат бир марта кўргандим-да.

Бироқ буларнинг, бир ғариб-норасиданинг изтироб чекиб, ўзини ўзи даҳшатли қийиноққа солғанларини узундан-узоқ ҳикоя қилишнинг нима ҳожати бор, ҳеч қачон ҳеч нимадан шубҳа қилмаган, ҳеч нарсани пайқамаган одамга буни ҳикоя қилишнинг ўзи лозимми? Айтгандек, үша кезларда чиндан ҳам мен норасида эдимми? Ёшим ўн етти, ўн саккизга тўлган, кўча-кўйларда йигитлар қайрилиб қараб қолишарди, менинг бундан баттар жаҳлим чиқарди. Сендан бўлак бирон кимсани севиш ёки шунчаки кўнгил ёзишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, бундай бўлиши асло мумкин ҳам эмасди, бу тўғрида ўйлашнинг ўзини хиёнат деб билардим. Сенга бўлган эҳтиросим аввалгидаи эди, лекин норасидалик даври тугаб, ҳис-туйғуларим уйғониши билан бу муҳаббатим янада оташин, яна ҳам нозик тус олиб,

балогатга етди. Беихтиёр қалб амрига бўйсуниб, эшигинг олдида қўнфироқ тугмасига бармогини босган қиз боланинг фаҳми етмаган нарса, яъни ўзни тухфа қилиш, қучоғингга кириш бирдан-бир фикру зикрим бўлиб қолди.

Таниш-билишларимиз мени юраксиз, одамови дейишарди, нега деганда, тишимни-тишимга қўйиб юардим, ичимдагини сиртимга чиқармасдим. Лекин юрагимда секин-аста қатъият, жасорат етила борди. Венага, ёнингга қайтиб боришни туну кун ўйлайдиган бўлиб қолдим. Феъли атворим бошқаларга гарчи тутуриқсиз кўринган эса-да, айтганимни қилдим. Ўгай отам бадавлат одам эди, мени ўз қизидай кўтарди, лекин тирикчилигимни ўзим ўтказаман, деб қаттиқ оёғимни тираб туриб, ахирни, Венага бориб, бир қариндошимизнинг кийим магазинига ишга кирдим.

Туман тушган куз кунларидан бирида, – ҳа, шундай кун ҳам бор экан-а! – Венага етиб келганимда дастлаб қаёққа йўл олганимни сенга айтишнинг кераги бормикин? Жомадонларимни вокзалда қолдирдим-да, югуриб бориб трамвайга чиқдим, – трамвайи қурмагур ҳам худди судралиб бораётгандай, ҳар тўхтаганида юрагим бир орзиқиб тушарди, – трамвайдан тушдиму, тўғри эски уйимизга қараб югуриб кетдим. Деразаларингдан чироқ шуъласи тушиб турарди, суюнганимдан кўзларимга ёш қалқди. Мени жуда совуқ кутиб олган, шовқин-суронлари қулоғимни кар қилаёзган шаҳарга, назаримда, энди жон киргандай сезилди, сенинг яқинлигингни, сўнмас орзу-хаёлимнинг ушалишини ҳис қилгандай бўлдим. Узоқдарда, тоғ-тошлар, дарёларнинг нарёғида сенга қанчалик ёт бўлсан, ҳозир, деразандан нур таратиб турган юпқа ойнак ҳам сенга интизор кўзларимни шунчалик тўсиб турганига фаҳмим етмас эди-да. Юқорига, ундаги нурга,

қадрдон уйингга қараганимча қотиб тураверибман, уйинг назаримда бутун бир олам эди. Шу дақиқаларни роса икки йил орзу қилгандим, ахири орзум ушалди. Чирогинг ўчмагунча шу илиқ, гира-шира оқшомда деразангдан кўз узмай тураверибман. Кейин ўзимга макон излаб кетдим.

Шу алпозда ҳар куни кечқурун деразанг тагига келиб, интизор бўлиб турардим. Магазинда иш оғир эди, соат олтигача мадорим қурирди, лекин иш билан овуниб ғам-аламларим бир қадар енгиллашарди. Шу кунларимга ҳам шукур айтардим. Магазин эшик ва деразаларининг темир қопқалари тараққаб ёпилидегунча уйингга қараб чопардим. Бирдан-бир истагим сени кўриш, сен билан дийдор кўришиш, ақалли бир марта узоқдан юзингга кўз ташлаб олиш эди! Чамаси, бир ҳафталардан кейин тўсатдан сени учратиб қолдим. Икки кўзим деразаларингда эди. Кўчани кесиб ўтиб келавердинг. Шу лаҳза яна ўша ўн уч яшар қиз болалигим тутиб қолди – юз-кўзларимга қон қуйилганини ўзим сезиб турибману, менга бир қиё боқармикин, деган умидим ҳар қанча зўр эса-да, беихтиёр бошимни қўйи солиб, ўқдай ёнингдан ўтиб кетдим. Юраксизлик қилиб қочганимдан эса кейин ўзим ҳам уядим – чунки мактаб боласи эмасдим, кўнглим нима тусашини яхши билардим: сен билан учрашишга илҳақ бўлиб, шунча йил куйдиргани ҳам етар, энди мени тан олсин, кўнгил қўйисин, деб орзиқиб юргандим.

Мен фарид ҳар куни оқшом пайтлари қор-бўронларга ва Венанинг қаттиқ, изғирин шамолларига қарамай, зор-интизор уйинг атрофида парвона бўлиб юравердим, сен эса сезмасдинг. Баъзан бир неча соатлаб кутганларим бекор кетарди, баъзан бир маҳалда уйингдан чиқардинг, лекин ёнингда ёру дўстларинг бўларди, икки сафар сени хотинлар билан кўрдим; ана ўшанда норасидалик вақтим

ўтиб кетганини, сен билан бемалол қўл ушлашиб кетаётган бирор бегона хотинни кўрган заҳотим юрагимга наштар санчилиб, тарс ёрилгандай бўлаётганини, қандайдир бир туйгу мени ўз домига тортаётганини илк бор ҳис этдим. Бу мен учун кутилмаган бир ҳодиса эмасди; сеникига хотинлар келиб туришини ёшлигимда ҳам билардим, энди эса бу нарса дилимга қаттиқ тегадиган, бирон хотинни яқин тутиб ошкора юрганингни кўрсам, ич-ичимдан куйиб, файирлик қиласидиган бўлиб қолгандим. Бир куни гўдак боладай ўжарлигим тутиб, – аслида ҳам шундай эдим, ҳозир ҳам шундай бўлсам керак, – манманликка берилиб уйинг ёнига бормадим; қилгуликни қилиб қўйдиму, лекин шу оқшом ўзимни қўярга жой тополмадим! Эртаси куни яна ювош боладай бошимни ҳам қилиб, мен учун мажхул ҳаёting истиқболида бир умр кутганим сингари деразаларинг тагига бориб турдим.

Ниҳоят, кунлардан бир кун менга кўзинг тушди. Сени узоқдан кўрдиму, сендан ўзимни опқочмаслик учун ихтиёrimни қўлга олдим. Баҳтимга, кўчада бир аравадан юк туширишаётган экан, аравани ёнлаб шундайгина ёнимдан ўтиб кетдинг. Менга паришон бир назар ташладингу, кўзларимни сенга тикиб турганимни сезишинг биланоқ ўзим билган қарашиб қилдинг, шу қарашиб эсимга тушган пайларда юрагим «шув» этиб кетарди! Бу – хотинларни кўрганда юзингда пайдо бўладиган нозик, фусункор, ҳам таслим қилувчи қатъий, амирона табасуминг эди, бир вақтлар мен норасида қиз болани ошиқи шайдо қилган ҳам шу эди. Бу қарашибнг бир-икки дақиқа мени маҳлиё қилди, – кўзимни сендан олиб қочишига ихтиёrim қолмади, буни истамас эдим ҳам, – шу билан ёнимдан ўтиб кетдинг. Юрагим гупиллаб беихтиёр қадамимни секинлатиб, орқамга қайрилувдим ҳамки, орқамдан қараб тур-

ган экансан. Қошларингни уйиб, қизиқиб қараб туришингдан танимаганингни дарров пайқадим.

Үшанда ҳам танимадинг, кейин ҳам, бир умр танимадинг-а! Азизим, ўша дақиқадаги дил шикасталигимни сенга қандай таъриф қылсамикин? Ахир пешанамга ёзилганини – бир умр мени танимаслигинг азобини ўшанда биринчи марта татиб кўришим эди! Ўшанда аҳволим не кечганини сенга қандай таърифлаб берсамикин! Биласанми, Инсбуркда кечирган икки йил ичиди, бутун фикру зикрим сен билан Венада учрашиш орзусида юрган кезларимда, гоҳида кўнглимни ширин хаёллар чулғар, баъзан эса кўз олдимни қоронгилик босарди. Хаёлимдан нималарни кечирмадим; мушкул дақиқаларда кўкрагимдан итариб, ҳазар қилиб тескари қараб кетади, деб ўйлардим, нега деганда, ўзим ҳам бир дарди бедаво эдим-да. Мени хуш кўрмай, совуқ қарапшаринг, илтифотсизлигинг азоб-уқубатларига хаёлимда бардош бериб келдим, лекин қаттиқ умидсизликка тушган кезларимда, ўзимни севгингга номуносиб билиб, айниқса, дилим шикаста пайтларда ҳам дунёда борлигимдан аслида ўзи ҳабари йўқ-ку, деган мудҳиш фикрни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Қизлар ва хотинларнинг чиройли эркаклар учун қанчалик бекарор нарса эканлигига энди ақдим етди – буни менга сен ўргатдинг! Аёлнинг ҳусни, кўпинча гоҳ эҳтирос, гоҳ гўдак инжиқлигини, гоҳ руҳий тушкунликни акс эттириб турадиган бир ойна, холос, шундай экан, ойнада акс этган нарсанинг хотирадан кўтарилиши осон бўлгани сингари, у ҳақдаги тасаввур ҳам тезда ёддан кўтарилиб кетади; шу важдан, агар йиллар хотин кишининг юз-кўзидағи нур билан соялар мавжини ўзгартириб юборса, кийим-кечак унга янги тус берса, эркакнинг чиндан ҳам ўша аёлни таниши қийин гап. Дарҳақиқат, тақдирга тан берган одамги-

на доно ҳисобланади. Мен эса жуда ёш эдим, бас, сенинг фаромушхотирлигинг ақдимга сифмасди. Яна кечаю кундуз хаёлим сенда бўлганидан, у ҳам мени тез-тез ўйлаб, кутиб юргандир, деган фикр билан ўзимни овутиб юардим; сенинг олдингда қадрим уч пуллигини, ҳатто бир лаҳза эсингга тушмаганимни, ҳеч қачон ташвишланмаганингни билганимда, кунларим ўзимга татирмиди, азизим! Қарашинг мени фафлатдан уйғотди-ю, ўзимни танидим, бу ҳол мен учун биринчи беомон зарба, тақдиримдан дарак берган илк сезги бўлди, қўз қарашингни шу маънода тушундимки, сенга мени эслатувчи, иккимизнинг ҳаётимизни бир-бирига боғлаган ақалли қилчалик ҳам хотира иплари йўқ экан.

Ўшанда сен мени танимадинг. Орадан икки кун ўтгач, яна учрашганимизда таниш одамга қарагандай қараб қўйганингда ҳам мени ўша ошиқ қиз деб билганинг йўқ, икки кун муқаддам шу жойда учрашган ўн саккиз яшар кўҳликкина қиз деб билдинг, холос. Ажабланиб, очиқ юз билан боқиб қўйдинг. Лабларингда енгилгина табассум ўйнаб туради. Яна ёнимдан ўтиб кетдинг. Яна илгаригидай одимингни секинлатдинг, суюнганимдан ичимда титроқ турди. Бошим осмонга етди, илоҳо менга гап қотсин, деб тилак тилаб турдим. Илк бор мени одам ўрнида кўриб, тан олганингни тушуниб мен ҳам қадамимни секинлатдим, қочмасликка қарор қилдим. Орқамдан келаётганингни ўгирилиб қарамасам ҳам билиб, ҳали-замон севимли овозинг қулогимга етишини, биринчи дафъя менга сўз қотишингни сезиб турадим. Кутиб эсанкираб қолибман, юрагимнинг қаттиқ уришидан ўзим ҳам сал бўлмаса тўхтаб қолардим, худди шу пайтда сен ёнимга етиб келдинг. Эски қадрдонлардай бемалол, кулиб туриб гап бошладинг, оҳ, ҳеч нимадан, қандай ҳаёт кечирганимдан ҳам сира хабаринг йўқ

экан! Мен ҳам ўзимни тутиб олиб, довдираласдан гапларингга жавоб бердим. Муйилишга етувдик: «Бирга овқатлансан, нима дейсиз», деб сўрадинг, мен: «Майлингиз», деб жавоб бердим. Сўзингни қайтаришга юрак қайда эди дейсан?

Иккимиз кичикроқ бир ресторанда овқатландик, қаердалиги эсингда қолганми? Йўқ, бу оқшомни бошқа шу хил кўпгина оқшомлардан фарқ қилолмасанг керак, ахир мен сен учун юзта жазманингдан биттаси, иттифоқо оёғинг остидан чиқиб қолган бир саргузашиб ва ниҳоят, занжирдаги бир ҳалқа эдим-да! Нимам ҳам мени сенга эслатарди? Миқ этмай сўзларингга қулоқ солиб ўтиришнинг ўзи мен учун катта баҳт эди. Бу азиз, бебаҳо дақиқалар беҳуда кетмасин, бебаҳра қолмай, деб сенга савол беришдан ҳам, ортиқча гап айтишдан ҳам қўрқардим. Сертакаллуф эдинг, лекин ортиқча хушомадгўйлик ва бачканалик қилмасдан, эркин ва дўстона оҳангда гап бошлидингки, агар аллақачон фикру хаёлим, бутун вужудим билан сеники бўлмаган тақдирда ҳам мана шу эркин ва дўстона муносабатларингнинг ўзи мени мафтун этган бўларди. Ахир беш йилдан бўён ардоқлаб келлаётган орзуларимни ерга урмай, умидимни рўёбга чиқарганингни қаёқдан ҳам билардинг!

Овқатланиб бўлганимизда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ресторандан чиқаётуб: «Агар зарур ишингиз бўлмаса, яна бир оз айлансан», дединг. Оҳ, сўзингни қайтаришга тилим борармиди, жонгинам! Ҳали вақтим бор дедим. Шунда бир дақиқа тараффудланиб қолдинг-да: «Бўлмаса меникига кириб, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирсан нима дейсиз», деган эдинг. «Жоним билан», дедим ҳаяжонимни босолмай, дарров розилик бера қолганимни кўриб хижолат тортдингми ё суюниб кетдингми, ишқилиб, ажабланганинг юзингдан сезилиб турарди. Нега ўшанда ҳайрон қолганингни энди яхши биламан:

одатда, хотин кишининг кўнгли тусаб турганда ҳам ўзини ёр қўйнига ташлаш ниятини сир сақлайди, ё бир чўчиб тушади, ёки фазаби келгандай кўрсатади ўзини; қайта-қайта илтижо қилиб, ёлвориб, ёлғондакам ваъдалардан кейингина кўнади. Ишқ-муҳаббатни ўзига касб қилиб олган фоҳишаларгина ёки ҳеч нима кўрмаган тажрибасиз норасидаларгина бундай таклифларга дарров «Хўп», деб кўна қолади. Буни ўзим ҳам биламан. Ҳолбуки, менинг жавобим сўз билан ифодаланган мустаҳкам иродади, қон йифлаб ўтказган мингларча кунларимнинг сиртга отилиб чиққан алангаси эди. Ҳар ҳолда, сен ҳайрон бўлиб, менга қизиқиб қолдинг. Кўз қирингни ташлаб ажабланганингни сездим. Фаҳм-фаросатли, инсон боласининг бутун хислатларидан хабардор йигит бўлганингдан, бу дилбар, маъсума қизнинг қандайдир бир сири асрори, файритабиий бир фазилати борлигини бир зумда билиб олдинг. Сенда қандайдир мароқданиш ҳисси туғилиб қолди, эҳтиёткорлик ва синамоллик билан берган саволларингдан билсам, шу сирнинг тагига етмоқчисан. Лекин мен тўғри жавоб беришдан қочдим: сиримни ошкор қилгандан кўра, кўзингга аҳмоқ, овсар қиздай кўринишни афзал билдим.

Уйингга чиқдик. Севгилим, зинапояндан кўтарилаётганимда, даҳлизингга қадам қўйганимда юрагим ўйнаб кетди, маст бўлиб, ҳушимдан кетишинга сал қолди. Бу бир жиҳатдан азобу, иккинчи томондан мисли йўқ баҳт эди, бу сўзларим қизиқ туюлади сенга десам, мени кечир, азизим. Ҳозир ҳам шуни эслаганимда кўзларимдан ёш оқиб кетади, ҳолбуки кўз ёшларим қуриб қолган-ку. Ахир ўзинг бир ўйлаб кўр, ундаги бор нарсалар мен учун жондан азиз эди, ҳаммаси ёшлигим, ҳижроним рамзи эди; минг мартараб ўйлингга интизор бўлиб турган даҳлиз ҳам, қадам товушларингга қулоқ со-

либ турганимда дастлаб сенга қўзим тушган зина-поялар ҳам, бутун вужудим билан сенга талпинган пайтларимда мўралайдиган туйнукча ҳам, эшигинг олдидаги пойандозинг ҳам (бир гал шу пойандозингга чўккалаб туйнукчадан қарагандим), эшик қулфининг шиқ этиб очилишлари ҳам (шу товушни эшитганимда ҳар гал бир сапчиб тушардим), бутун ёшлигим, бутун шавқи завқим мана шу тор маконга занжирбанд эди; бутун ҳаётим мана шу маконга жо бўлганди, энди эса бутун салобати билан босиб қолди, ахир, ҳамма орзу-ҳавасларим ушади, мен ёримнинг ёнгинасида – сен билан бирга эдим! Сенинг уйингда, уйимизда эдим! Ўзинг бир ўйлаб кўр, – бу бачканалик бўлиб туюлар, лекин бошқача ифодалашга иложим йўқ, – то остоңангга боргунча бўлган дақиқа мен учун ҳақиқат, яъни, қундалик ҳаёт эди, ундан кейин эса гўдак бола хаёлидаги ажойиб олам – Аловиддиннинг салтанати бошланарди, ҳозир мен қадам босиб кираётган шу эшикка минг марталаб термилиб қараганман, шу ажойиб дақиқалар ҳаётимда энг ноёб онлар бўлганини ҳис этяпсан, азизгинам, ҳис этасану, аммо ҳеч қачон тушунолмайсан!

Тун бўйи сеникида қолдим. Шу пайтгача бирон эркак зотининг менга қўли тегмагани ва баданимга қўзи тушмаганидан бехабар эдинг. Севгилим, қаёқдан ҳам билардинг буни, мен сенга қаршилик ҳам кўрсатмадим, шарм-ҳаёни ҳам йигиштириб қўйдим, муҳаббатим сиридан воқиф бўлмасайди, деб тилак тилаб туравердим, агар муҳаббатим ошкор бўлиб қолса, сен чўчиб кетардинг, бу турган гап, нега деганда, сен енгил-елпи, бир зумлик роҳатни ёқтирасан, холос, бирон кимсанинг қисматига шерик бўлишдан қўрқасан. Сен ўзингни исроф қиласан, ўзингни бутун оламга қурбон қиласану, лекин ажал талаб эмассан. Жонгинам, агар энди

мен сенга, күз очиб күрганим сен эдинг десам, зинҳор гапимни нотүғри тушунма! Бўлиб ўтган ва тақдиримни белгилаган бу воқеа учун сени гуноҳкор қилаётганим йўқ-ку, мени йўлдан оздирганинг ҳам йўқ, алдаганинг ҳам, авраганинг ҳам йўқ, – мен ўз оёғим билан келиб, қучоғингга отилдим, тақдиримга пешвоз чиқдим. Зинҳор-зинҳор сени гуноҳкор билмайман, ҳамиша сендан миннатдор бўлдим, чунки умримда ўзимни бунчалик баҳтиёр сезмагандим, шу кеча бошим осмонга етди!

Тун қоронфисида кўзимни очиб, ёнимда ётганингни сезганимда, нега осмонда юлдузчалар чаракдамайди, дея ажаблангандим. Йўқ, азизим, ҳеч қачон пушаймон бўлганим йўқ, шу бир соат ҳамдамлик ҳамма дард-аламларимни ювиб кетди. Ҳали ҳам эсимда бор, уйқуда нафас олишингни эшишиб, сенга етишганимдан қоронфида тўйиб-тўйиб йиглаб олгандим.

Эрталаб шошилиб чиқиб кетдим. Магазинга вақтида етиб боришим керак эди, бундан ташқари, хизматкорингга кўринишни ўзимга эп билмадим. Кийиниб, ёнингга келганимда мени қучоқдаб, анчагача юз-кўзларимга қараб турдинг; шу лаҳза фира-шира хотиралар хаёлингда жонландими ёки яшиаб турган вужудимдан баҳт нури сочилиб кўзингни қамаштиридими, кейин лабимдан ўпдинг. Секин сирфалиб эшикка юзландим.

– Гуллар олиб кетишини хоҳдайсанми? – дединг.

– Ҳа, – деб жавоб бердим. Ёзув столидаги кўк биллур вазадан тўрт дона оқ атиргул олиб (норасидалик вақтимда квартирангга мўралаб қараганимда бу вазани кўргандим), кўлимга тутқаздинг, бу гулларни уйимда бир неча кунгача авайлаб сақлададим.

Биз ваъдалашиб, яна учрашадиган бўлдик. Айтилган вақтда келдим. Яна бошим осмонга етди. Яна бир кечангни – учинчи кечангни ҳам менга ҳадя қилдинг. Шундан кейин: «Мен жўнаб кетишим

керак», дединг; бундай саёҳатларингни ёшлигимдан хуш кўрмай келардим. «Қайтиб келишим билан дарҳол хабар етказаман», деб ваъда бердинг. Сенга талаб қилиб олинадиган хат манзилини бердим, но-мимни айтгим келмади. Сиримни ошкор қилмадим. Хайрлашаётib қўлимга яна гул тутдинг!

Икки ойгача кунда хабар олиб турдим... йўқ, йўқ, бу гапларнинг нима кераги бор, интизорлик ва фироқ ўтини тасвиrlашдан нима фойда? Сени айбламайман, қандай бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман, жўшкинлигинг ҳам, унутувчанлигинг ҳам, ошиқдигинг ҳам, бевафолигинг ҳам менга ёқади, ҳамиша қандай бўлган бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман. Борган жойингдан аллақачон қайтиб келдинг ҳам, буни ойналарингдаги чироқ шуъласидан билдим, лекин менга хат ёзмадинг. Мана, ҳозир, сўнгги дақиқада қўлимда сенинг бир сатр мактубинг ҳам йўқ, бутун умримни сенга қурбон қилибману, сендан бир энлик ҳам хат олмабман-а! Тўрт кўзлаб кутдим, сабр-қаноат билан кутдим. Аммо лекин сен мени йўқламадинг, бир энлик хат ҳам ёзмадинг... бир сатр ҳам...

Болагинам кеча жон берди, бу сенинг ҳам фарзандинг эди. Ҳа, сенинг ҳам. Ўша тунларнинг бирида бунёд бўлган эди у; буни сенга қасам ичиб айтаман, ўлим тўшагида ётганнинг ёлғонга тили бормаслигини ўзинг ҳам биларсан. Қасамёд қила-манки, бу иккимизнинг фарзандимиз эди, чунки қучоғингга кирган соатимдан кўз ёргунимча менга бирон эркакнинг қўли теккани йўқ. Баданимга қўлинг теккан пайтдан бошлаб танам табаррук бўлиб қолгандай эди. Ахир мен қандай қилиб ҳаёт йўлимда фақат бир лаҳзагина дуч келиб, умрим маъносига айланган сен азизимдан кечадардим. Ҳа, болагинам иккимизнинг фарзандимиз эди,

менинг чуқур муҳаббатимдан ва сенинг ўйламай сахиyllик билан эркалатишларингдан дунёга келган фарзанд – яккаю ягона зурёдимиз эди. Эҳтимол, сен қўрқиб кетиб ёки ҳайрон бўлиб: «Нега шунча йил оғиз очмай, энди – бола дунёдан кўз юмгандা, буни менга айтяпсан», деб савол ҳам берарсан. Ахир буни сенга қайси юрагим билан айтаман? Айтганимда ҳам сўзимга асло ишонмасдинг, негаки, иттифоқо учрашиб уч кеча сен билан кўнгилхушлик қилган, нози истиғносиз ўзини қучоғингга отган бир нотаниш аёлнинг нолалари қулоғингга етармиди! Унинг сендеқ бевафога, мен вафодоринг эдим, бу сендан бўлган фарзанд, деганимда ва бу сўзларим ҳақиқатга ўхшаб кўринган тақдирда ҳам дилингда: «Бадавлатлигим учун бирорлардан ортирган ҳаромзодасини менга тўнкамоқчи», деган фикрингдан қутулишинг маҳол эди. Менга шубҳа кўзи билан қарадинг, орамизга совуқлик тушарди, бир-биришимизга инобатимиз қолмасди. Шу сабабли бунга кўнглим чопмади. Чунки сени билардим-да, лекин сен ўзингни менчалик ҳам билмасдинг, фақат беташвиш, енгил-елпи нарсаларгагина ҳущинг бор, муҳаббатни бир ўйинчоқ деб тушунишинг, шу туфайли бирданига ота деган номни олиш, бирорнинг тақдирига жавобгар бўлиб қолиш сен учун жуда мушқул иш эди. Эркинликка ўрганиб қолганлигинг боисидан менга боғланиб қолишингни, агар сенга осилиб қолсам, беихтиёр, бутун нафратингни менга қаратишингни яхши билардим. Аммо сенга оғирлигим тушиб, кўзингга ёмон кўринишга фурурим йўл қўймади, мен тўғримда ёмон ўйларга бормасин, деган ниятда ҳамма машаққатларни ўз устимга олишни афзал кўрдим: «Уни яхши кўрган аёллар ичida энг севимлиси бўлай, мендан кўнгли қолмасин», дедим. Бироқ сен мен тўғримда ҳеч қачон ўйламадинг ҳам, қайтага унутиб юбординг.

Азизим, сени гуноқкор деб билмайман, сенда гуноҳ йўқ, агар бу сатрларимга озгина бўлса ҳам гина-кудурат аралашиб қолган бўлса, мени кечир, ахир ёнимда липиллаб турган шамлар тагида фарзандимизнинг мурдаси ётибди-ку, худога мушт кўтариб: «Қотилсан», деб ундан ёзғирдим, фикр-ўйларим чувалашиб кетган. Зорланишларимни кечир, мени афв эт! Биламан, сен юмшоқ кўнгил, меҳрибон одамсан, ҳар қандай гарига ёрдам қўлингни чўзасан, ким мадад сўраса, ҳатто нотаниш одамлардан ҳам ёрдамингни аямайсан, сенинг сахийлигининг ўзига хос бир оламки, унинг эшиги ҳар бир кимсага очик, ҳар бир кимса бу хазинангдан қўлига сиққунча дурру гавҳар олади; лутф хазинангнинг таги йўқ, бепоён, лекин мени кечирасан, у танбал, иззатталаб. Сенга мурожаат этганларида, илтимос қилганларида гина шунда ҳам ўз хоҳишинг билан эмас, балки уялганингдан, ноchorлигингдан ёрдам қиласан. Очиқ айтишга мени мажбур қилган яна бир нарса шуки, сен бошига мусибат тушган одамдан кўра ўзингга ўхшаган эркатойни зиёда кўрасан. Ишқилиб, сенга ўхшаганларга – энг шафқатлисига ҳам одамзотни муҳтож қилмасин. Норасидалигимда бир кун туйнуқчадан қараб тургандим, эшигингни тақиллатиб келган бир гадойга садақа бераётганингга кўзим тушиб қолди. У оғиз очмасданоқ қўлига пул тутқаздинг, анчагина пул бердинг, лекин тезроқ даф бўл дегандай, бир нарсадан хавотирланиб, шошиб қўлига пул тутқаздинг; назаримда, унинг кўзига ҳам тик боқищдан ҳайиқдинг шекилли. Гадойнинг дуосига ҳам қулоқ солмай, бир нимадан хижолат тортиб садақа берганинг ҳали-ҳали ёдимда. Шу важдан сенга мурожаат қилганим йўқ. Чунки бола сениклигига ишонмасанг ҳам менга тасалли бериб, қўлимга пул тутқазишингни ва қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ

қутулиб олишингни билардим. Турган гап: «Болани туфмаслик иложини қилсанг қандай бўларкин», деб ялиниб ҳам кўрардинг. Кўпроқ ана шундан қўрқдим, чунки ҳарна қилганимда ҳам шунга жазм қилсанг, сўзингни ерда қоодиришга журъат қила олармидим, азизим! Ҳолбуки, бу дунёга келиб пешанамга битилгани шу ёлғиз болам-ку, ахир у сенинг пушти камарингдан бўлган, қуйиб қўйгандай ўзинг, лекин у бегамлик билан ўз кўнглини хушнуд этиб юрган бир бахтиёр кимсанинг боласи эмас, балки менга абадий тухфа қилинган (менинг назаримда шундай эди), жисмимга жо бўлган, ҳаётим билан чамбарчас боғланган отасининг боласи. Ахир, сени танамга сингдириб олгандим, яйраб, етилиб бораёттанингни бутунлай ҳис қиласдим, сенга ризқ бериш, ташналигинги қондириб, ўпид, қучиш менга насиб бўлганди, ҳар эркалатганимда юрагим олов янглиф ёнар, шу важдан, жонгинам, болангни қорнимда кўтариб юрганимда ўзимни шу қадар бахтиёр ҳис этардимки, сендан буни яшириб юрганимнинг сабаби ҳам шу эди.

Севикли ёrim, хаёлимда орзу қилиб юрган ўша бахтиёр онлар узоқча чўзилмади, даҳшат ва азоб-уқубат дамлари этиб келиб, юрагим ларзага келди, кишиларнинг разиллигини кўриб қалбим нафрат ва фазабга тўлди, турмушим оғирлашди. Охириг ойларда эса ишга боришга ҳам оёғим тортмай қолди, чунки қариндошларим сезиб қолишса, уйимга хабар беришлари турган гап эди. Онамдан пул сўрашга юзим чидамай, бисотимдаги баъзи бир буюмларимни сотиб, кунимга яратдим. Туғишимга бир ҳафта қолганда кирчи жавондан сўнгги бир неча крон пулимни ўғирлаб кетди, шу сабаб есирлар тугруқхонасига бориб ётишдан бошқа иложим қолмади. Аччиқ муҳтоҗлик дастидан паноҳ излаб келувчи бечора камбағаллар, хору зорлар ғариб-

хонасида дунёга келди фарзандинг. Етимхона құрқынчли эди. Ҳувиллаб турувчи бу гүшада ётган бечоралар етти ёт бегона, бир-биридан ҳазар қылар, лекин бошимизга тушган шу фалокат – дард баримизни мана шу хлороформ ва қон ҳиди бурқ-сиган, йифи-сифи, оху воҳлар тұла палатага олиб келиб тиққанди. Фарид-мискинларнинг пешанасига ёзилған хүрлик, ор-номус нималигини у ерда фохишалар ва бетоб аёллар қатори татиб күрдим, улар билан ёнма-ён ётганимдан хүрлигим келиб, қон йиғлаганларимни құрсанг эди; ёш-ёш докторлар тиржайиб туриб устингдан күрпәнгни олиб ташлар, ожиз қолған ҳимоясиз аёлларнинг баданига худди бирон илмдан хабари бор одамдай беҳаёлик билан құл тегизиб қўришарди, бу сурбетлигу хизматкор хотинларнинг очкўзлигини қўриб жиғибийрон бўлардим: бу қандай бедодликки, унда инсоннинг уят ҳиссини бир қарааш билан поймол қиласилар, бир сўз билан яксон этадилар. Бутун бошли одамдан номи ёзилған тахтача қолади, холос, каравотда ётган гавдани – шунчаки текшириш учун чўзилтириб ётқизиб қўйилған бир бурда қалтироқ гүштни буюм деб биладилар; ўз хонадонларида севгили меҳрибон эрларига фарзанд туғиб берувчи аёллар фарид бечораларнинг лаборатория столидай жойда не азобда бола туғишини қаёқдан биларди! Ҳозир ҳам китобларда «дўзах» деган сўзга кўзим тушганда димиқиб кетган сассиқ, ифлос палата, дод-войлар, бақириқ овозлар, дағал кулгилар, қўйингки, бутун шармандаю шармисорлик кони бўлган ўша жой беихтиёр ёдимга тушиб кетади.

Буларни тилга олганим учун мени кечир, азизим. Бу биринчи ва охирги маротаба тилга олганим бўлсин; энди у ҳақда гапирмайман. Ўн бир йил дамимни чиқармасдан келдим, яқында уним ҳам ўчади, лекин ақалли бир марта дардимни айтиб, юрагимни

бўшатиб олишим керак-ку, бахтим ҳам, саодатим ҳам биттаю битта фарзандим каравотчасида чўзилиб ётса-ю, уни қандай машаққатлар билан топганимни айтиб фарёд кўтаришга наҳотки ҳақим бўлмаса. Тортган машаққатларимни-ку, аллақачонлар болагинамнинг табассумини, эркалашларини кўрганимдаёқ, суюнганимдан унутиб юборганман, лекин ҳозир нуридийдамнинг жон бериши юрагими ни ўртаб юборди, бас, фарёд кўтармасдан иложим йўқ. Шунда ҳам гуноҳни, сенга эмас, худога тўнкайман, чунки у менинг бутун оҳу фигонларим, тортган азобларимни бир пул қилди. Қасам ичиб айтаман, асло сени гуноҳкор деб билмайман, ҳеч вақт, ҳеч қачон, ҳатто жоним ҳалқумимга келган чоғларда ҳам сенга қарши туғён кўтарган эмасман. Туғишим олдида тўлғоқ тутиб, аъзойи баданим титроқ босгандা ҳам, азбаройи оғриқнинг зўридан юрагим тарс ёрилай деганда ҳам, парвардигор олдида сени гуноҳкор қилганим йўқ; ўша оқшомларимизни эслаб пушаймон бўлганим йўқ, сенга, муҳаббатимга ҳеч замон лаънат ўқиганим йўқ; ҳамиша сенга содиқ қолдим, учрашган вақтларимизни ҳурмат билан хотирлаб шукrona билдириб келдим. Етимхонадаги даҳшатли соатларим яна такрорланса, яна не-не кўргиликлар борлигини олдиндан билсан ҳам яна шунга рози бўлардим, яна ва яна, минг карра рози бўлардим, жонгинам!

Фарзандимиз кеча жон берди, сен уни бирор марта кўрганинг, борлигини эшитганинг ҳам йўқ. Ҳеч қачон, ҳатто бир лаҳзалик, тасодифан учрашганимизда ҳам пушти камарингдан бунёд бўлиб, очилаётган фунчага назар ҳам ташламасдинг. Мен анчагача сендан яшириниб юрдим; бола кўрганимдан кейин эса сендан хотирим жамроқ бўлиб қолди шекилли, ҳар ҳолда илгариги бетоқатлиқ, бесаран-

жомликларим барҳам еди. Меҳримни сен билан ўғлим ўртасида тақсимлашга қўнгил бормади, шу сабабдан умримни ҳаёт нашъасини суриб юрган сен эркатойга эмас, болагинамга бағишладим, нега деганда, у менга муҳтож эди, унга она сути бериб парвариш қилишим, бемалол ўпид, бағримга босиш ихтиёри ҳам ўзимда эди. Мен учун бошқа «сен» – ўзимники бўлган «сен» дунёга келган кундан бошлаб мен қисмат чангалидан озод бўлгандай ҳис этдим ўзимни; ҳар замон ҳар замонда келиб уйингни зиёрат қилиб кетардим. Туғилган кунинг ҳар йили сенга аatab оқ гуллар юборардим, эсингдами, ўша биринчи севги оқшомида менга шундай оқ гуллар ҳадя қилган эдинг. «Ўн-ўн бир йилдан буён менга ким гул юбораркин?» – деб ақалли бирор маротаба ўзингга ўзинг савол берганмикинсан? Балки қачонлардир ўзинг шундай гул ҳадя қилган бир муштипар аёл эсингга тушгандир? Бу саволга жавобингни шу вақтгача эшитмадим, бундан кейин ҳам эшитмасам керак. Ҳар йили ақалли бир марта зулмат қўйнидан шу гулларни сенга узатсаму, шу билан ўша кечамиз хотирасини эсингга тушириб турсам дердим, биттаю битта тилагим шу эди.

Шўрлик боламизни билмасдинг, бутун сендан уни яшириб юрганларимга пушаймон бўлдим, кўрсанг меҳр қўйиб қолармидинг. Шўрлик боламиз билан дийдор кўришмадинг, сендай ақлли, кулганда қора кўзларидан нур сочилиб, бутун оламни мунаввар этарди. Бирам хушчақчақ, ширин бола эдики! Бутун файратинг, шиддатли, жўшқин хаёлчанигинг унда такрорланган эди. Сен ҳаёт билан ўйнашганинг сингари, боланг ҳам соатлаб ҳамма нарсани унутиб, ўйнаб ўтиради-да, сўнгра қошлирини уйиб узоқ вақт китобларига тикилиб қоларди. Афт-ангори ҳам худди ўзингга ўхшаётганди. Сендаги икки ёқдамалик, жиддийлик билан енгилтаклик

болангда ҳам аниқ күзга ташланаётган эди, сенга үхшаб борган сари унга муҳаббатим оша борди. Ўзи яхши ўқирди, французчани балодай гапиради, китоб-дафтарларини озода тутарди, қора духода костюми билан оқ матрос қўйлакчаси ўзига бирам ярашардик! Қаерда бўлмасин, ҳамиша чиройли, озода кийиниб юрарди; Градодадаги пляжда айланниб юрганимизда хотинлар тўхтаб, узун-узун малла соchlарини силаб қўйишарди; Зиммерингда чана ўйнаб юрганида одамлар қайрилиб қараб қолишарди. Шундай ёқимтой, нозик, ширии эдики. Шу йил Терезианум интернатига кирганди, ўн саккизинчи аср сипоҳилари сингари форма кийиб, кичкина шамшир тақиб юрарди – ҳозир эса биттаю битта қўйлакчада ётибди, лаблари кўкариб кетган, қўлларини кўкрагига қовуштириб қўйишган.

Эҳтимол, сен мендан: «Болани бундай зеб-зийнат ичида боқиб парвариш қилишга, зодагонлар сингари енгил, хушчақчақ ҳаёт кечиришга пулни қаёқдан топдинг?» – деб сўрарсан. Севгили ёrim, сен билан зулмат қаъридан туриб гаплашяпман, уяладиган ҳолим қолган эмас, саволингга жавоб ҳам бераман, лекин чўчима, азизим – мен ўзимни пуллардим. Тўғри, кўча-кўйларда санқиб, фоҳишалик қилганим йўқ, лекин бозорга соганим рост. Бой-бадавлат дўстларим, жазманларим бор эди; дастлаб уларни мен қидириб топдим, кейинчалик улар мени қидириб қолишибди, чунки мен гўзал эдим, буни сен ҳам фаҳмладингми йўқми, билмайман. Кимнинг бафрига кирсам, у мендан миннатдор бўлиб, элакиб қолар, яхши кўтарди, фақат сен ёқтирумадинг, севгилим!

Ростини айтганим-чун мендан ҳазар ҳам қиласан! Биламан, ундан қилишга кўнглинг бормайди, ҳаммасига ақдинг етади, сени деб, болангни деб шу йўлга кирганимни тушунасан. Бир куни туғруқхона палатасида қашшоқлик даҳшатлари билан юзма-юз

келдим, гариб, нотавонларнинг умри ҳамиша хўрликда ўтишини, бу дунёда камбагалга рўшнолик йўқдигини ўзим ҳам билардим, шу важдан фарзандинг, оппозинг ертўла, зинданларда,чувриндилар орасида, кўча-кўйларда, ваҳшийлик ва разолат ичида, сасиб-бурқсиб кетган ахлатхоналарда сарсон-саргардон бўлмасин, дедим-да, азизим. Унинг бежирим дудоқларидан ёмон сўз чиқмасин, етмиш-ямоқ ёпинчифи момикдай баданига ботмасин, дедим; боланг ҳеч нимадан кам, бу дунёning ҳамма нози неъмати-ю, ҳузур-ҳаловатидан бенасиб бўлмасин, сендай мартабаси улуф, ҳаёт гулшанидан баҳраманд бўлсин, дедим.

Севгилим, фақат шуни деб ўзимни бозорга солдим. Буни мен фидойилик деб ҳам билганим йўқ, чунки номус ва шармисорлик деган нарсаларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмаганди; сен мени яхши кўрмадинг, тан-жоним фақат сенга аталганди, сенки яхши кўрмаганингдан кейин, бошқа ҳаммаси мен учун бефарқ бўлиб қолганди. Эркакларнинг эркалатишлари, астойдил ёниб-куйишлари ҳам менга асло кор қиласди. Лекин баъзи бирларини жуда ҳурмат қиласдим, беилтифот қолган муҳаббатим ёдимга тушиб, уларга чин юракдан ачинардим. Таниш-билишларим – ҳамма менга раҳмдил эди, мени ҳаммалари эркалатиб бошларига кўтаришар, иззатимни бажо келтиришарди. Ёши бир жойга борган, хотини ўлган бир граф мени ўз қизидай яхши кўтарди, никоҳсиз туғилган болангни Терезианумга жойлаш учун жонкуярлик қиласан ҳам шу одам. Учтўрт марта мени никоҳига олмоқчи бўлиб рухсат сўради, хўп десам, ҳозир Тиролда ажойиб қасри бор бека бўлиб юардим, ҳамма ғам-ташвишларимдан ҳам қутулардим, боланг меҳрибон, раҳмдил оталик ҳам бўларди, мен эса олижаноб, раҳм-шафқатли, хушфеъл эрлик бўлардим. Рад жавобим кўнглига

қаттиқ ботишини билсам ҳам розилик бермадим. Бу қилган ишім, балки ақддан эмасдир, ийұқса ҳозир күнларим бирон боянда, ҳузур-халоватда ўтарди, нуридийдам ҳам ёнимда бўларди, лекин сенга энди тўғрисини айтай, қўл-оёғимни боғлаб қўйгим келмади, севган ёрим учун ҳар бир соат ҳозир турай, дедим. Қаердадир, қалбимнинг бир бурчагида болалик чогимдаги орзум, ақалли бир соатга бўлса ҳам ҳали мени ёнига чорлайди, деган ўй яшириниб ётарди-да. Кўрдингми, шу бир соатни деб ҳаммасидан воз кечдим, қўлим боғланмасину, чорлаган замон ёнига етиб борай, деган умид билан юравердим. Ахир ёшлиқдан, кўзим очилган дақиқадан бошлаб бутун ҳаётим сенинг фироқингда ўтди-ку!

Дарҳақиқат, орзиқиб кутганим шу висол соати ҳам етиб келди. Лекин, севгили ёрим, сен уни билмайсан, ундан бехабарсан! Бу гал ҳам мени ҳар қачонгидек танимадинг! Ахир, илгарилари ҳам тез-тез театр, концертларда, пратерда, кўча-кўйларда сени кўриб юрардим – ҳар кўрганимда юрагим орқамга тортиб кетарди, лекин менга қиё ҳам боқмасдинг: ташки қиёфам жуда ўзгариб кетганидан, қўрқоқ ўсмир болалик ёшидан ўтиб, расмана хотин бўлиб қолгандим, қадди-қомати келишган, суқсурдай жувон дейишарди мени; ҳамиша башанг кийиниб юрардим, жазманларим атрофимда гирдикапалак эди. Фира-шира ёругда ётоқхонангда кўрган қўрқоқ қиз эканимни қаёқдан ҳам билардинг. Баъзида ҳамроҳларимдан биронтаси сен билан саломлашса, саломга алик берардингу, менга бир кўз ташлаб қўярдинг, одоб юзасидан совуққина қарашиб қилардинг, бир дақиқалик қизиқсиниш алмати эди бу, нотаниш, етти ёт бегонанинг кўз қарashi эди бу. Танимай ёнимдан ўтиб кетишларингга кўнишиб қолган бўлсам ҳам бир кун кўнглимга жуда қаттиқ тегиб кетди; театрда эдик, дўстим билан биз бир

ложада, сен ёнимиздаги ложада эдинг. Увертюра бошланди, чироқ учди, шундан кейин юзингни кўролмай қолдим, лекин ёнгинамда ўша тундаги сингари нафас олишингни эшитиб ўтиридим, нозик, ингичка қўлингни ложаларимизни бир-биридан айириб турган баҳмал тўсиққа қўйиб ўтирган экансан. Бир вақтлар мени эркалатган, қанча бегона бўлса ҳам шунча суюкли қўлингни эгилиб бир ўпгим келди! Мусиқа садоларидан ҳаяжоним жўш уриб кетди. Телбалардек ўзимни йўқотиб, қўлларингга лабларимни қўйиб, қаттиқ-қаттиқ ўпиб олишимга сал қолди, ўзимни зўрга босиб олдим. Бир пардан кейин уйимга олиб бориб қўйишни дўстимдан илтимос қиласидим. Қоронфида шундоққина ёнимда ўтирангу, қўнглинг шунча олисда юрса – ёнингда ўтиришга ортиқ тоқат қила олардимми?

Лекин кутган соатим келди, умрим хазон бўлганда, сўнгги марта яна келди. Бундан бир йил илгари, туғилган кунинг эртасига бу воқеа рўй берди. Қизиқ, ўшандаги кун бўйи хаёлим сендан нари кетмаса-я, чунки туғилган кунинг азалдан мен учун улуғ айём эди-да. Саҳарлаб уйдан чиқдим, оқ атиргул сотиб олдим-да, ҳар галгидай у гулларни эсингдан чиқариб юборган ширин онларимиз хотирасига атаб сеникига юбордим. Кундузи ўғлим билан тоза ҳавода сайр қиласидим, уни Демель кондитерхонасига, кечқурун театрга олиб бордим – у ҳам ҳеч нимадан шубҳаланмай, ёшлик чоғидан шу кунни қандайдир сирли байрам деб эслаб юрсин, дедим. Эртаси кечқурун ўша кезлардаги брюонилик дўстим, ёш фабрикант билан концертга бордик, у билан икки йилдан бўён бирга турардик. Меҳрибон, иззат-хурматимни жойига қўювчи бу йигитнинг ҳам бошқалар сингари менга уйланиш нияти бор эди, ўғлим билан иккаламизга тез-тез совфа олиб келиб турарди, шундай одамнинг таклифини ҳеч сабаб-

сиз рад қилиб келардим: ўзи анча бамаъни, тузук одам эди, бир қадар калтафаҳмроқ эди-ю, лекин садоқати зўр бўлганидан у билан бошқачароқ муомала қилиш керак эди. Концертда танишларимизни учратиб қолдик, ҳаммамиз Ригнштасселдаги ресторанга кетдик, ўйин-кулги орасида нимагадир Табарен танцахонасини кўнглим тусаб қолди. Одатда шунаقا жойларга таклиф қилганларида ўзим унамасдим, чунки шовқин-сурон, мастилааст, вақтихушлик қилишларни жиним ёқтирамасди; бу гал қандайдир сехрли бир куч мени шундай таклиф қилишга мажбур этганди, ҳамма жўралар бажонидил таклифимни қувватлашди. Сабабини ўзим ҳам билмайман, лекин, негадир юрагим орзиқиб ўша жойга боргим келаверди, гўёки у ерда қандайдир файриоддий, тасодифий бир ҳол мени кутиб тургандай. Ҳамроҳларим ҳамиша кўнглимни топиш пайида бўлиб туришарди, шу ондаёқ ўринларидан туриб, ҳаммамиз Табаренга жўнаб кетдик, унда шампанское, вино ичдик, мен жазаваси тутиб қолган одамдай чунонам шўхлик қилдимки, асти қўяверасан, илгарилари ҳеч бундай бўлмасдим. Уст-устига ичаверибман дегин, шўх, ўйноқи қўшиқ айтувчиларга қўшилиб мен ҳам қўшиқ айтибман, ўртага тушиб ўйин тушишимга ёки бутун зални бошимга кўтариб қаҳ-қаҳ уришимга сал қолибди. Тўсатдан юрагим муз қотгандай, ёинки олов бўлиб ёнгандай ҳис қилдим ўзимни – сени кўриб қолдим: ёнимиздаги столда жўраларинг билан ўтирибсану, кўзларинг чақнаб менга шавқ, эҳтирос билан қараб турибсан, бу қарашинг ҳар вақт у ёқ-бу ёғимдан ўтиб кетарди. Ўн йил мобайнида яна бир бор менга зўр эҳтиросли назар ташладинг, бу фақат сенга хос фазилат эди. Аъзойи баданимда титроқ турди, кўтарган қадаҳим қўлимдан тушиб кетаёзди. Яхши-ямки, ҳамроҳларимдан ҳеч ким саросимадалигимни

фаҳмламади, чунки саросималигим қаҳ-қаҳ кулги билан мусиқа садоларига күмилиб кетганди.

Борган сари қаттиқроқ тикила бошладинг, оташин назаринг мени ўтдай куйдираёзди. Ахири мени танидимикин ёки күзига янги бир нотаниш аёлдай күриндимми, деб разм солиб фаҳмлаб олишга уриниб күрдим. Юзим ловиллаб кетди, дўстларимнинг саволларига паришонлик билан жавоб бердим. Нигоҳинг мени ҳаяжонга солиб қўйганини фаҳмламаслигинг мумкин эмасди, бир дақиқа вестибюлга чиқсангиз, дегандай бошинг билан билинар-билинмас ишора қилдинг. Кейин атайин ҳаммага эшииттириб ҳисоб-китоб талаб қилдинг-да, ўртоқларинг билан хайрлашиб чиқиб кетдинг, кутаман, дегандай менга яна бир ишора қилиб қўйдинг. Баданим увшгандай, ичимдан титроқ турди, тилим калимага келмай қолди, бутун вужудимни қамраб олган ҳаяжонни босишдан ожиз қолдим. Худди шу дақиқада бир жуфт негр пошналари билан ер қоқиб, чинқириб-бақириб ўша кезларда одатга кирган қандайдир ажойиб бир рақсни ижро эта бошлади; ҳамманинг кўзи ўшаларда эди, ўрнимдан туриб, дўстимга: «Ҳозир келаман», дедим-да, орқангдан чиқдим.

Вестибюлда, кийим иладиган жойда кутиб турган экансан: мени кўриб чеҳранг очилиб кетди, табасум билан менга пешвоз келдинг; танимаганингни дарҳол фаҳмладим; ўсмирлик чоғларим ҳам, қизлик вақтларим ҳам эсингга тушмади; мени яна қандайдир янги, номаълум аёл деб билиб майл қилдинг:

– Мен учун ҳам бирон соат вақтингиз топилармикин? – деб сўрадинг, бамайлихотир, дадил туриб гапиришингдан, мени бир кечага сотиб олса бўладиган аёллардан деб билганингни тушундим.

– Албатта, ҳа, – дедим ўша қалтироқ овоз билан, бундан ўн йил муқаддам «ҳа» деган бу сўзни бир

кун қош қорайган пайтда күчада қўрқоқ бир қиз оғзидан эшитгандинг.

– Қачон кўришсак бўларкин? – деб сўрадинг.

– Қачон хоҳласангиз, – дедим. Сендан уяладиган ерим йўқ эди-да. Ҳайрон бўлиб менга қарадинг, ҳу, ўша оқшомда ҳам худди шундай таклифингга дарров кўна қолиб, сени ҳайратда қолдиргандим.

– Ҳозир ҳам майлими? – деб бир қадар қатъиятсизлик билан савол бергандинг:

– Ҳа, майли, – деб жавоб бердим, – қани, кетдик, – дедим-да, мантомни олиш учун кийим осадиган жойга қараб юрдим.

Кийимларимизнинг номери дўстимда қолгани эсимга тушди. Қайтиб, бирон сабаб кўрсатмай номерни олиб чиқиши маҳол эди, лекин сен билан биргаликда ўтказадиган бир соатлик фурсатни – шунча орзу қилиб кутган фурсатни қўлдан беришга ҳам асти кўнглим бўлмади. Ўйлаб-нетиб ўтирмаи, кўйлагим устидан шол рўмолимни ташлаб, рутубатли тун қўйнига ўзимни урдим, мантом ҳам, мени жонидан азиз кўрган раҳмдил дўстим ҳам кўзимга кўринмади. Ҳолбуки, бир неча йилдан буён ўшанинг пули билан кун кўриб келаётгандим, энди уни иснодга қолдириб, шармандага шерик қилдим: ахир, икки йилдан буён бирга турган жазмани ҳамманинг кўз олдида қандайдир бир одамнинг пинжига кириб қочиб кетса-я! Бу ишим нақадар пасткашлик, кўрнамаклик, шармандалик эканини ўзим ҳам яхши билардим; ножўя иш қилаётганимни, обрўли, содиқ дўстимни иснодга қолдириб хафа қилаётганимни тушуниб турардим, энди ёлчиб кун кўриб турганимда, яна ишим чаппасидан кетишига ақлим етарди-ю, лекин бетоқат истагимни қондириш, яна лабларингдан бўса олиш, эркалатиб айтадиган ширин-ширин сўзларинг олдида булар ҳеч нима эмасди. Сенга муҳаббатим шу қадар зўр эди: бўлар

иш бўлиб ўтди, энди сенга буларни бемалол айтсам бўлаверади. Назаримда, агар ўлим тўшагида ётган тақдиримда чақирсанг ҳам орқангдан эргашиб кетишга қурбим етадигандек эди.

Ташқарида экипаж турган экан, уйингга жўна-дик. Яна ўша таниш овозингни эшилдим, яқинли-гингни ҳис қилдим, биринчи учрашганимиздек, бу гал ҳам бошим осмонга етиб, ёш боладай суюндим. Ўн йилча муддатдан кейин яна зинапоянгга би-ринчи қадам қўйиб, юқорига кўтарилидим. Йўқ, шу пайтда ҳамма нарсани – ўтмишни ҳам, ҳозирни ҳам икки ҳисса куч билан ҳис қилганимни, ўшанда ҳам ёлғиз сени ҳис этганимни айтишга тилим бормайди. Хонанг илгари қандай бўлса шундай турибди, янги суратлар, китоблар, бир оз янги анжомлар кўшилибди, холос, ўша-ўша ўзим кўрган нарсалар бари жой-жойида турибди. Ёзув столингдаги ва-зада гул турибди – бу гулларни туғилган кунингга атаб кечагина ўзим юборгандим, шу онда лаби ла-бингга, қўли кўлингга тегиб ёнингда турса ҳам сен танимаган бир бечора хотираси учун юборганди. Нима бўлганда ҳам гулларимни сақлаб қўйганингни, атрофингда «мен»инг заррам, муҳаббатим нафаси уфуриб турганини кўриб ниҳоятда қувондим.

Мени қучоқладинг. Яна тун бўйи сенинида қолдим. Шунда ҳам мени танимасанг-а! Мен бўлсам ўзимни баҳтиёр сезиб, эркалатишларингдан яйраб кетдим. Билсам, маъшуқангга ҳам, сотқин ўйна-шингга ҳам муҳаббатинг бир экан, табиатинг ўзи шунаقا бепарво, ҳотамтойлигидан нафсинг қурбо-нига айланган экансан. Тунги ресторондан бошлаб келган аёлни суйиб шунча эркалатдинг, дўстона самимият билдириб шунчалар мардонавор иззат-икром ва меҳрибонлик кўрсатдинг, айш-ишратга эҳтирос билан берилдингки, ўн йил илгаридаи бу

галги илтифотингдан ҳам бошим айланиб кетди, ўзингга хос икки ёқламалигингни – норасидалигим вақтида мени мафтун қилган ишқ өхтироси бобидаги оташин шавқ-завқингни яна бир бор ҳис этдим. Бир дақиқалик роҳатни деб шунча шавқ оловини исроф қилувчи, пинҳон дил хазиналарини бошиқа кимсага шунча сахийлик билан тухфа этувчи ўғлонни умримда биринчи кўришим эди, аввалига шундай ўқтамсану, кейин эвоҳ, ҳаммасини табиатга хилоф, қандайдир бепоён фаромуш дарёсига фарқ қилиб юборасан. Лекин мен ҳам ўзимни унудиб юборгандим. Сенинг ёнингда, бу қоронги кечада кимман ўзи? Маъшуқсангми, ё фарзандинг волидаси ёки ресторанма-ресторан юрадиган бегона аёл? Оҳ, роҳат берувчи эркалатишларинг илгари бошдан кечирганларимга ўҳшарди-ю, лекин бунда киши ҳеч ҳам қониқмайдиган бир янгилик ҳам бор эди! Шу туннинг охири бўлмаса кошкийди, деб тилак тилаб чиқдим.

Бироқ тонг ҳам етиб келди, ўрнимиздан турганимизда алламаҳал бўлиб қолган экан; мени нонуштангга таклиф этдинг. Кўзга кўринмас меҳрибон қўллар тайёрлаган нонушта вақтидаги сұхбатимиз ҳам ширин бўлди. Бу гал ҳам оғзингдан бирон ножӯя гап чиққани йўқ, қизиқсиниб савол ҳам бермадинг, апоқ-чапоқ гаплашиб ўтирдик. Кимлигимни ҳам, қаерда туришимни ҳам сўрамадинг, назарингда, мен тўсатдан оёғинг тагидан чиқиб қолган саргузашт, ҳавога тарқалиб кетадиган тутун сингари хотирдан кўтариувчи бир дақиқалик бемаъни ҳавас эдим, холос. Яқинда икки-уч ойга Шимолий Африкага жўнаб кетсам керак, дединг; юрагим «шув» этиб, ичимдан титроқ турди, шодлик ўрнини маъюслик олди, чунки: «Тамом, энди ҳаммаси унут бўлиб кетади!» – деган сўзлар қулогим тагида жаранглаб кетди. Ўзимни оёғингга

ташлаб: «Мени ҳам олиб кетсанг-чи, шунча йилдан сүнг, ниҳоят, кимлигимни билардинг!» – деб фарёд күттаргим келди. Лекин менда журъат етишмасди! Итоатли қулинг эдим! Мен фақат: – Афсус! – дедим.

Сен илжайиб менга қарадинг-да:

– Чиндан ҳам афсусланасанми? – деб сўрадинг.

Шу пайт ўзимни тутолмай қолдим, юрагим дукиллаб кетди. Ўрнимдан туриб, сенга узоқ тикилиб қарадим, сўнгра:

– Менинг севгили ёrim ҳам ҳамиша жўнаб кетарди, – деб қўзингга тик қарадим. «Ҳозир, мана ҳозир мени танийди!» – деган умид билан қўрқа-писа кутиб қалтирардим. Лекин менга бир илжайиб қўйдингу, тасалли бериб:

– Кетганларнинг, ахир, қайтиб келиши ҳам борку, – дединг.

– Ҳа, – дедим мен, – лекин қайтсалар ҳам унутиб қайтадилар.

Бу сўзларни бошқачароқ оҳангда айтган бўлсам керак, улар қандайдир ғайритабиий, зўр эҳтирос билан жаранглади шекилли, сен ҳам ўрнингдан туриб, ажабланиб, меҳр билан юзимга қараб қолдинг. Қўлларинг билан икки елкамдан тутиб:

– Яхши нарса унуглимайди, сени ёдимдан чиқармайман, – дединг, худди суратимни хотирангда сақлаб қоладигандай қўзларимнинг ич-ичларига назар ташлаб. Бир нарсани қидиргандай қўзларимга тикилган, бутун вужудимни ўзига сингдирив олмоқчи бўлган шу назарингни ҳис этиб: «Ҳа! Қўзларини тўсиб турган парданинг тушар куни ҳам бор экан-а!» – деб хаёлимдан ўтказиб қўйдим. «Энди мени танийди, энди танийди!» – деган фикрдан дилим шу қадар севинчга тўлдики!

Ҳайҳот, мени танимадинг. Таниш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч қачон сенга бунчалик ёт кўринмаган бўлсам керак, йўқса, орадан бир неча дақиقا ўтгач,

құлған қилифингга нима дейсан? Мени ўпдинг, яна бир марта қаттиқ қучиб ўғандинг, түзғиб кетган сочларимни яна эплаб тузатиб олишим лозим бўлиб қолди. Бир вақт ойна олдида туриб қарасам муфтамга икки дона катта қоғоз пулни секин қистириб қўйяпсан, уялганимдан ҳанг-манг бўлиб, йиқилиб тушишимга сал қолди. Бақириб юборищдан, юзингга шапалоқ уришдан ўзимни қандай тутиб қолдим, билмайман, болалигимдан меҳр қўйиб севганману, яна болангнинг онаси бўлсаму, бир кеча ётганим учун менга ҳақ тўласанг-а, ноинсоф! Мени Табарендан келган фоҳиша деб билиб, бир кечалик ҳақимни тўладинг-а! Унутиб юборганинг етмагандай, мен фаридни яна ерга уришинг бормиди?!

Шошилиб нарсаларимни йифиштира бошладим. Ишқилиб, шу ердан тезроқ йўқолай, дедим, дилим қаттиқ жароҳатланганди. Шляпамни қўлимгага олдим, у ёзув столида, ўзим юборган оқ гуллар солинган ваза ёнида турганди. Шу онда яна бир истак мени қамраб олди ва уриниб кўришга қарор қилдим.

– Оқ гулларингдан биттасини менга берсанг-чи, дедим.

– Жоним билан, – дея жавоб бердинг, дарров вазадан бир дона гул олиб.

– Бу гулларни сени яхши кўрадиган бирон аёл совға қилиб юборган бўлса-чи? – дегандим.

– Балки, билмадим, – деб жавоб бердинг.

– Совғага келган гулку-я, лекин ким юборганини билмайман. Шу важдан бу гуллар менга азиз, дединг. Шу онда сенга бир қараб олдим.

– Ким билсин, бу гулларни ҳам сен унутиб юборган бирон аёл юборгандир!

Ажабланиб менга қарадинг. Мен эса кўзингга тик қараб туравердим. «Танисанг-чи, ақалли энди танисанг-чи», – дея фарёд қиласарди кўз қарашларим. Аммо қарашларингда меҳр билан бехабарлик

аломатлари бор эди, холос. Яна бир марта лабимдан ўпдинг. Лекин мени танимадинг.

Шоша-пиша эшик томон қадам қўйдим, кўзларимдан тирқираб ёш оқишига сал қолди, лекин зинҳор кўз ёшимни сенга кўрсатмасликка аҳд қилгандим. Ўқдек отилиб чиқиб кетдим, йўлакда оз бўлмаса хизматкорингга ўзимни уриб олардим. У лип этиб ўзини четга олди, зўр илтифот билан менга эшик очиб турди. Худди шу лаҳзада, эшитяпсанми, худди шу лаҳзада ёшли кўзим билан кекса хизматкорингга қарагандим, унинг кўзида қандайдир бир нур порлади. Эшитяпсанми? Иоганн ёшлигимдан буён шу дамгача мени бирон марта кўрмаган бўлса ҳам, шу биргина лаҳзада у мени таниди. Мени танигани учун тиз чўкиб қўлларини ўтгим кедди. Мени шармандаи шармисор қилган пулингни муфтамдан олиб хизматкоринг қўлига тутқаздим. Уни титроқ босди, олазарак бўлиб менга боқди. Бутун умр бўйи сен эсламаган мен гарифнинг ҳолини хизматкоринг шу лаҳзада пайқади шекилли. Ҳамма мени жонидан азиз кўрарди, меҳрибон эди, фақат сен, ёлғиз сенгина мени эсламадинг, фақат сенгина танимадинг мен шўрликни!

Фарзандимиз жон берди, энди бу дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Лекин менга ким ҳам бўлардинг, сен, ҳеч қачон мени танимаган, ҳамиша ёнимдан тиниқ сув ёнидан ўтгандай ўтиб кетган тошни босиб ўтгандай юзимга оёқ қўйган, ҳижрон ўтига ташлаб, бир умр куттирган сен ким ҳам бўлардинг менга? Назаримда, бир гал сени топиб олгандай ҳам бўлдим, лек бу сенинг фарзандинг эди: у ҳам раҳм-шафқат қилмай мени ёлғиз ташлаб, саётига жўнаб кетди, муштипар онасини унутди, энди сира қайтиб келмайди. Яна бу дунёда ёлғиз ўзимман, яна баттар гарibi нотавонман, қўлимда сендан бирон ёдгорлик ҳам йўқ: на болам бор, на ўзинг, на

сўзинг, на бир сатр мактубинг, на бирон нишонинг; номим қулогингга бориб етганда ҳам у сенга бирон маънони билдиримайди! Сен учун ўлик эканман, нега ўлим тиламайин ўзимга, сен мени ташлаб кетган экансан, нега мен ташлаб кетмай сени? Йўқ, севгили ёrim, сендан гина қиладиган еrim йўқ, шодлик тўла уйингни фамхонага айлантириш ниятим йўқ; қўрқма, ортиқ жонингга ҳам тегмайман; кечир мени, болагинамнинг жон берганини қўриб, юрагимни бўшатиб олмасдан иложим бўлмади. Сенга бир марта гина дарди аламларимни изҳор қилмасам бўлмасди, кейин яна зим-зиё йўқолиб кетаман, ҳузурингда ҳамиша гунг эдим, яна гумдон бўламан-қоламан. Хотирингни жам қил, тириклигимда дод-фарёдимни эшифтмайсан, сени ҳаммадан яхши кўрган, лекин сен, асло тан олмаган, умр бўйи йўлингда зор-интизору, ёнига чақиравмикан, деб кўзи тўрт бўлиб кутган аёл васиятномаси ўлганимдан кейин қўлингга бориб тегади. Эҳтимол, ўшандা ёнингга чорлайсану, лекин у биринчи марта сенга бевафолик қиласди: тўримда даъватинг қулогимга бориб етмайди. Сенга бирон сурат ҳам, бирон хотира-нишона ҳам қолдиримайман, сен ҳам менга аatab бирон нарса қолдирганинг йўқ-ку, ахир; ҳеч қачон мени билмадинг, бундан буён ҳам билмайсан. Тириклигимда қисматим шу эди, майли, ўлганимда ҳам шу бўла қолсин. Умримнинг охирги дақиқаларида сени ёнимга чорлаб нима қилдим, мен бу дунёдан бош олиб чиқиб кетаман, номимни ҳам билмай, юз-кўзларимни ҳам кўрмай қолаверасан. Осонгина жон бераман, нега деганда, олисда буни сезмайсан ҳам. Ўлимим сенга оғир туюлганда, жон беришими жуда малол бўларди.

Ортиқ ёзишга мадорим қолмади... бошим зилдай оғир тортиб кетди... аъзойи баданим қақшаяпти, иссиғим баланд... Ётмасам бўлмайдиганга ўхшай-

ди. Бир оздан сүнг ҳаммаси тамом бўлар, эҳтимол, бир мартагина тақдир менга раҳм-шафқат қилиб, болагинамни қандай олиб кетишларини кўрмасман... Ортиқ ёзишга мадорим йўқ... Алвидо, севгилим, раҳмат сенга. Нима бўлган бўлса, ҳаммаси яхшиликка бўлди, майли... сўнгти нафасимга қадар сендан миннатдорман. Дилемдаги ҳамма дардими ни айтиб, енгил тортиб олдим, сен ҳаммасидан хабардорсан, йўқ, сенга муҳаббатим қанчалик зўр бўлганини фақат тусмоллаб биласан, холос, лекин муҳаббатимнинг сенга оғирлиги тушмайди. Соғиниб қийналмайсан ҳам, бундан ҳам кўнглим тўқ. Гўзал, порлоқ ҳаётингда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди... ўлимим ҳаётингга доғ туширмайди... бунга кўнглим тўқ, азизгинам.

Лекин, туғилган кунларингга аatab энди ким оқ гул юбориб туради? Вазанг бўшаб қолади, ҳаётимнинг йилда бир бор сенга келиб турган шабадаси ҳам таралиб, йўқ бўлиб кетади! Азиз ёrim, қулоқ сол, илтимос қиласман... биринчи ва сўнгти илтимосим... мени десанг, шу илтимосимни бажо келтир: ҳар йили туғилган кунингга аatab гул сотиб олиб, кўк вазангга келтириб қўй, ахир ҳар бир кимса ҳам туғилган куни ўзини ўйлади-да. Азизгинам, шу илтимосимни бажо келтир, бошқалар оламдан ўтган азиз кишиларни йўқлаб дуо-фотиҳа қилгандари сингари, сен ҳам менга аatab гул сотиб ол. Лекин мен ортиқ худога ишонмайман, дуосининг ҳам менга кераги йўқ, сенга ишонаман холос, сени севаман... оҳ, йилда бир мартагина, ҳеч кимга билдиримай, эшиттирмай умримни сенинг қошибингда ўтказганим сингари... вужудингда яшагим келади. Илтимосимни бажо келтир, азиз ёrim... бу менинг ҳам биринчи, ҳам охирги илтимосим... раҳмат сенга, севгили ёrim, севгилим... алвидо...

Ёзувчининг қўллари титраб кетди, мактубни бир чеккага суриб қўйди. Сўнгра узоқ хаёлга чўмди. Фира-шира хотиралар хаёлида жонланди – қўшни бола, қизча, тунги ресторанда учратган аёли, хотиралари худди сув остида жимиirlаб турган тош суратидай ноаниқ эди. Бир соя ўрнини иккинчиси олиб туради-ю, лекин бирон аниқ сиймо кўринмасди. Унинг қалбида ниманинг хотираси сақланарди-ю, лекин ниманинг хотираси эканини эслай олмасди. Назарида буларнинг барини ўқтинг-ўқтинг тушида, фақат тушида кўргандай бўларди.

Тўсатдан олдида, ёзув столида турган кўк вазага кўзи тушди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта туғилган куни ваза бўш қолганини кўриб, бир сесканиб тушди; тўсатдан фойиб эшиги очилиб, тинч хонасига бошқа бир оламдан совуқ шамол босиб киргандай бўлди. Ўлим нафасини ҳам, ўлмас муҳаббат нафасини ҳам ҳис қилди; қалбида нимадир очилгандай бўлди-ю, бесамара шарпадай, узоқ эҳтиросли таронадай ўтиб кетган ҳаётини ўйлаб қолди.

Шариф Толибов
таржимаси

БИР АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҮРТ СОАТ

Урушдан ўн йил аввал Ривьерадаги кичик бир пансионда дам олаётгандим. Бир куни даврамизда қизғин баҳс бошланиб, ҳатто жанжал чиқишига сал қолди. Аксарият одамларнинг хаёл кучи заиф бўлади, шу сабабли узоқроқ ерда содир бўлган ҳодисаларнинг уларга дахли бўлмайди ёки сал-пал таъсир қиласди, холос, лекин кўз олдиларида бирон арзимаган кор-ҳол юз берса, дарҳол жазавалари тутиб кетади. Бундай ҳолларда улар одатдаги бепарвониларининг ҳиссасини бебошлиқдан ва ортиқча ҳовлиқмаликдан чиқарадилар.

Бизнинг хуштавозе улфатларимизнинг ҳам бошига худди шу савдо тушганди: тушки овқат устида small talk¹ енгил-елпи асқия қилиб ўтирадик-да, кейин ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, бир зумда тўрт томонга тарқалиб кетардик: эр-хотин немислар фотоаппаратларини олиб сайри ҳавога кетишар, хушфеъл, мулойим даниялик қармоқ ташлаган жойига қараб жўнар, инглиз хоним китобини қўлига олар, эр-хотин итальянлар Монте-Карлога қараб югуриб қолишар, мен бўлсанм сават креслога ястаниб бекорхўжаликдан қўлим бўшамас ё бўлмаса ишимга ўтирадим. Лекин бу гал бир-биримиз билан қаттиқ айтишиб қолдик. Ўрнимиздан турганда одоб юзасидан узр изҳор этиш учун эмас, азбаройи зардамиз қайнаганидан сакраб кетардик, баҳсимизнинг охираша эса сан-манга ҳам бориб қолардик.

¹ Бамайлихотир. (Ингл.).

Сирасини айтганда, даврадагиларни бунчалик ҳаяжонга солған нарса шунчаки воқеалардан эмас. Биз етти нафар улфат истиқомат қилиб турган пансион хусусий вилладай бир жой эди, деразаларимиздан қояли дөнгиз соҳили кўриниб турарди. Аслида бизнинг пансионимиз «Палас-отель» номли катта меҳмонхонанинг бир бўлаги эди, холос, пансион билан меҳмонхона ораси боф эди. Бизлар алоҳида бир уйда истиқомат қилсак ҳам, отелдагилар билан борди-келди қилиб турардик. Мана шу отелда куни кечада қизиқ бир воқеа содир бўлди. Кундузи соат 12 дан 20 дақиқа ўтганда (вақтини аниқ кўрсатмаса бўлмайди, негаки, содир бўлган воқеада ҳам, қизғин баҳсимиизда ҳам вақтнинг роли катта) поездда ёш бир француз келиб, деразалари дөнгизга қараган бир хонали уйга тушди; бу йигитнинг бадавлатлигини шундан ҳам билса бўларди. У фақат олифталиги билангина эмас, келишган қадди-қомати билан ҳам ҳамманинг диққатини ўзига тортарди. Заифона чўзинчоқ юзлари, сезгир лаблари, ипакдек майинmalla мўйлови пешанасига тушиб турган қўнғир соchlari, бахмал янглиf тиниқ кўзлари – ҳаммаси қандайдир маккор, жозибали эди. Бир қарагандан мода магазинлари витринасида қўлларига олифта таёқча тутиб, кеккайиб турган қўғирчиқ одамларга ўхшаса ҳам, киши яқиндан танишганида унинг олифта, ҳавойилиги тарқалиб, мулоим тортар, бу ўзига хослик табиий ва тугма фазилат эди. У йўлида учратган ҳар кимса билан одоб сақлаб салом-алик қилас, бундан кишининг қўнгли қувонарди. Гардеробга бораётган хонимни кўриб қолса, юргургилаб бориб унинг пальтосини қўлига олиб, кутиб турар, болаларнинг эса ғамхўри эди; қисқаси, у очиқлигим ва йигитлик жозибам ҳаммани мафтун қиласди, деган ишонч билан ўзини янада дилбарроқ сезувчи бахтиёр йигитлардан эди. Мўйсафид ё хасталарга,

– бу ердагиларнинг кўпчилиги шундай кишилар эди, – унинг салом-алиги бамисоли шифобахш малҳамдай туюларди.

Хуллас, навқиронлиги, хушчақчақлиги билан, дилбар кишиларга хос мафтункор жилваси билан у дарҳол ҳаммани ўзига ром қилди-кўйди.

Бу ерга келганига икки соат бўлар-бўлмас, лионлик хушфеъл семиз фабрикантнинг қизлари – ўн икки яшар Аннет ва ўн уч яшар Бланш билан теннис ўйнади, уларнинг онаси – қадди-қомати келишган, оғир табиатли, нозик Анриэтхоним бўлса ҳали қаноти чиқмаган қушчаларининг нотаниш йигитга нодонларча ишва қилаётганликларига қараб жилмайиб ўтиради. У кечқурун бир соатча шахмат ўйинимизни томоша қилиб турди, қизиқ-қизиқ латифалар айтиб берди, денгиз соҳилида Анриэтхоним билан узоқ сайр қилиб юрди, ошнаси, намюрлик фабрикант билан домино ўйнади, кеч алламаҳалларда эса мен отелнинг нимқоронги конторасида унинг котиба қиз билан эски танишлардек суҳбат қуриб ўтиргани устидан чиқиб қолдим. Эртасига эрталаб у балиқ овига кетаётган даниялик ошнасини кузатиб борди. Балиқ овида ҳам унинг билмаган нарсаси йўқ экан, сўнгра лионлик фабрикант билан сиёsat бобида узоқ суҳбатлашди, бунда ҳам ўзини кўрсатди шекилли, денгиз тўлқинининг шовиллаши орасидан семиз фабрикантнинг қаҳ-қаҳ уриб кулган овози эшитилиб турди. Тушки овқатдан кейин (мен аниқ бўлсин деб унинг қандай вақт ўтказишини атайлаб батафсил кўрсатяпман) бир соатча Анриэтхоним билан қаҳваҳурлик қилгач, унинг қизлари билан теннис ўйнади, отель даҳлизида эр-хотин немис билан суҳбатлашди, соат олтида ҳат жўнатиш учун вокзалга боргандим, ўша ерда қуриб қолдим. У шошилиб менга пешвоз келәётганди, тўсатдан уни чақириб қолишди, узр сўраб яна

икки қундан кейин қайтиб келаман, деганча қайтиб кетди. Кечки овқатга, дарҳақиқат, келмади, аммо унинг майин ва ёқимли табиати ўтирганларнинг оғиздан тушмади.

Кечқурун соат ўн бирларга яқин, – хонамда китоб ўқиб ўтиргандим, – боф томондан бақирган одамнинг ҳаяжонли хитоблари эшитилиб, отелда шовқин-сурон бошланиб кетди. Қизиқсинишдан кўра кўпроқ ташвишлангандан боқقا чиқиб, овоз келган томонга югурдим, қарасам, меҳмонлар ҳам, хизматчилар ҳам қаттиқ ташвищда. Ҳар қуни оқшом пайти эри ошнаси билан домино ўйнаб ўтирганда денгиз соҳилида сайд қилувчи Анриэтхоним бутун қайтиб келмабди. Шунга бирон кор-ҳол юз бердимикин, деб хавотир олишибди. Одатда шошмай, савлат билан оғир қадам ташлаб юрадиган бу кенг яғрин одамнинг соҳилда қўтос сингари ўзини қаёққа уришини билмай: «Анриэт! Анриэт!» – дея ҳаяжондан қалтираб, узиб-узиб бақириши ўласи қилиб яраланган ёввойи ҳайвоннинг даҳшатли бўкиришини эслатарди. Кельнерлар билан югарудак болалар физиллаб бир зумда отелдагиларнинг ҳаммасини уйғотишиди, полицияга хабар қилишди. Жилет тутгалари ечишган семиз одам тўрт томонга зир югуриб, зим-зиё қоронфида беҳудадан-беҳудага: «Анриэт! Анриэт!» – деб бақиришини қўймади. Қизлари уйғониб кетиб, тунги кўйлакларида дераза ёнига келиб, улар ҳам оналарини чақириша бошлади. Ота шўрлик болаларини овутиш учун шошганча юқорига чиқиб кетди. Шу пайт ифодалаб бўлмайдиган бир даҳшат юз берди, нега деганда, ўтакетган руҳий изтироб дақиқаларида инсоннинг бутун қиёфасида фожия нишоналари шу қадар кўп намоён бўладики, буни на оддий қалам билан ва на мўйқалам билан тасвирлаб бўлади. Семиз одам зилдай оғирлигидан қисир-қисир қилувчи

зинапоялардан пастга тушиб келди, унинг мадори қуриб, ҳолдан кетганлиги ва айни замонда ғазаби тошганлиги ранги рўйидан кўриниб турар, қўлида бир мактуб бор эди.

– Қайтаринг ҳаммани, – деди у отель мудирига эштилар-эштилмас. – Одамларни қайтаринг, овора бўлишмасин. Хотиним мени тарк этибди.

Ўлар ҳолатда жароҳатланган бу одам атрофига тўпланган одамларга сир бой бермаслик учун ўзини қўлга олиб зўр матонат кўрсатди, йифилган одамлар аввал қизиқсиниб ундан қўз узмай қараб туриши-да, кейин нимадандир хавфсираб уялганларидан ўз иши билан бўлиб кетди. У бўлса нафасини ютганча ҳеч кимга боқмай қироатхонага кириб чироқни ўчирди; бир оздан сўнг зилдай оғир гавдаси гуп этиб креслога тушгани, ўпкаси тўлиб ҳўнграб йифлагани эштилди, умрида йифи нималигини билмаган одамгина шундай йифлаши мумкин. Бу табиий мусибат бизларнинг ҳаммамизни ларзага келтирди, ҳатто ичимиздаги ҳеч нарсага арзимаган одамларнинг ҳам кўнглини ғаш қилиб қўйди. Кельнерлардан ва бу воқеага қизиқиб йифилган меҳмонлардан биронтаси кулишга ёки у бечоранинг кўнглини кўтаришга юраги дов бермади. Ҳаммамиз чурқ этмай бу ҳис-туйгулар қақшатқич зарбасидан хижолат бўлган одамлардай бирин-кетин уй-уйимизга кириб кетдик. Анави дард қолган одам эса қоронги қироатхонада ёлғиз ўзи нималарнидир шивирлар, оҳ-воҳларга тўла шу муazzзам уйдаги чироқлар бирин-кетин ўчганда ҳам хўрсишиб-хўрсиниб йифлаб ўтиради.

Табиийки, қўз олдимизда яшин сингари содир бўлган бу воқеа бир маромда, бамайлихотир ҳаёт ке-чиришга ўрганиб қолган одамларни қаттиқ ҳаяжонга солиб қўйди. Столимиз атрофида пайдо бўлган ва сал бўлмаса ҳақорат деган мана бунақа бўлади, деб

бир-бирларини ҳақорат қилишгача етиб борган қат-тиқ баҳснинг боиси мана шу қизиқ воқеа бўлса ҳам, лекин баҳснинг асосий сабаби чуқур ихтилофларда, ҳаётга бошқа-бошқа кўз билан қарашларнинг тўқнаш келиб қолғанилигида эди.

Анриэтхонимнинг эри азбаройи ғазаби ғолиб келиб, ўзини тутолмай қолганидан фижимлаб ерга улоқтириб ташлаган хатни камтарликдан хабари йўқ оқсоч хотин ўқиб олган экан, шу туфайли Анриэтхоним бир ўзи эмас, ёш француз билан топишиб, жўнаб кетганлиги маъдум бўлди ва қўпчиликнинг ёш француздан кўнгли совиди.

Бир қараганда, бу иккинчи «Бовари хоним»-нинг қадди-қомати келишган, чиройли йигитни деб қишлоқи тахлит семиз эрини ташлаб кетиши ажабланарли эмасди. Лекин бу уйдагиларнинг ҳаммаси – на фабрикант ва на унинг қизлари, ҳатто Анриэтхонимнинг ўзи ҳам илгари ҳеч қачон бу хотинбозни кўришмаган экан, деган хабарни эшитиб доғда қолиши ва ғазаблари қайнади, бундан чиқди, ўттиз уч яшар туппа-тузук хотиннинг орадан бир кун ўтар-ўтмас эри билан икки қизини ташлаб, орқа-олдини ўйламай етти ёт бегона бир одамга эргашиб кетавериши учун денгиз соҳилида кечқурун икки соат сайри ҳаво қилиши, сўнгра боғда ўтириб бир соат қаҳваҳўрлик қилиши кифоя қилибди-да. Очиқ-оидин бўлиб ўтган шу ҳодисани даврадаги жўраларимиз бир оғиздан рад қилиб, бунда жазманлар догоулилик қилишган; Анриэтхонимнинг аллақачонлардан буён бу йигит билан хуфия алоқа қилиб келганлиги ўз-ўзидан маълум ва улар бу ерга гапни узил-кесил бир ерга қўйиб, қочиш ниятида келган, дейишиди. Жўраларнинг ҳаммаси ҳалол хотиннинг уч соатлик танишишдан кейин биринчи даъватгаёқ қулоқ солиб тўсатдан қочиб қолиши ҳеч ақлга сифмайдиган гап, дейишиди.

Эрмак бўлсин деб мен ҳам баҳсга аралашиб, эри билан узоқ вақт умргузаронлик қилиб жони роҳат кўрмаган, биринчи дадил ҳамлага жон деб бағрини тутиб беришни кўнглига тугиб юрган хотиннинг тўсатдан шундай қарорга келиши мумкин, дедим, ҳатто шундай қарорга келиши муқаррарлигини зўр бериб ҳимоя қилдим. Менинг кутилмагандан ўртага ташлаган эътиrozларим, оловга мой қуйгандай, бир четда турганларни ҳам баҳсга торти: ҳар иккала эр-хотин немислар ҳам, итальянлар ҳам *coup de foudre*¹ ни бемаънилик ва разил романтика удуми деб очиқдан-очиқ ҳақоратомуз ҳазар билан инкор қила бошлаганларида баҳс қизиб, чўққисига етди.

Шўрва тортилишидан то ҳазми таом пудингга қадар давом этган даҳанаки жангни ҳамма тафсиотлари билан баён қилишнинг лузуми йўқ. Улфатлар орасида гапга усталаригина ҳаммани ўз оғзига қаратади, энди стол атрофида бўладиган тасодифий баҳс авжига чиққанда одамларнинг келтирадиган далиллари кўпинча чучмал, тўғри келганича, томдан тараша тушгандай гап бўлади. Бизнинг баҳсимиз бу қадар тез фурсатда бундай заҳарханда тус олиб кетганинг сабабини айтиш ҳам маҳол, фикримизча, иккала эрнинг ўз хотинларининг бундай енгилтаклик қилиши ва уларга бундай хавф таҳдид қилиши мумкинligини беихтиёр инкор қилишларидан шундай бўлган бўлса керак. Афсуски, улар менга, бўйдоқ эркакнинг ови юриб, тасодифий, енгил-елпи иш ўнгидан келганига қараб ҳукм қилувчи одамгина аёллар ҳақида шундай ўйлаши мумкин, деб эътиroz билдиришдан бошқа бирон тузукроқ важ топиб айтишолмайди; лекин шу гаплар ҳам менинг жигимга тегди, энди бу етмагандай немис хоним катта кетиб, асл хотинлар бор, табиатан бузуқ хотинлар ҳам бор, менга қолса

¹ Бир кўргандан ошиқ бўлиш. (*Франц.*).

Анриэтхоним мана шу бузук хотинлар тоифасидан, деб менга ақл ўргата бошлаган эди, сабрим тугаб мен ҳам ҳужумга ўтдим.

Айтдимки, биз ўз истакларимиздан, ўзимизнинг жоҳиллигимиздан қўрқишимиз важидан очиқ ва равшан бир нарсани – аёл киши ўз ҳаётининг айрим соатларида сирли кучлар таъсирида эрки ва идрокини қўлдан бериб қўйишини инкор қиласиз, баъзилар ўзларини васвасага осонлик билан майл қўядиган одамлардан афзал биладилар, менимча, эрининг қўйнида ётиб, уни алдагандан кўра кўнгли тортгани билан очиқ-ойдин муносабатда бўлгани яхши, дедим. Бошқалар Анриэтхонимга қанча разаб билан ҳужум қиласалар, мен шунча қизғинлик билан уни ҳимоя қилдим (сирасини айтсам, бу гапларим кўнглимга тутиб қўйган эътиқодларимга унча мос келмас эди). Менинг сўзларим худди қилич тифидай ҳар иккала эр-хотинларнинг нақ юрагига бориб санчилгандай бўларди. Улар бўлса, созланмаган квартет сингари менга шу қадар шиддат билан ҳужум қилишдики, бизларнинг баҳсимизни кузат-таётган хушфеъл даниялик футбол ўйинида қўлига секундомер тутиб судьялик қилаётгандай вақти-вақти билан столни тақиллатиб: «Gentlemen please»¹ бизларни огоҳлантиришга мажбур бўларди. Лекин бу огоҳлантиришлар фойда бермасди. Эрлардан бири қисқичбақа сингари қип-қизариб уч марта ўрнидан даст туриб кетди, ҳар гал хотини ўртага тушиб ялинганидан кейин яна аста ҳовуридан тушарди; агар К. хоним баҳсимизнинг шиддатли олов тўлқинларига тўсатдан мой қўймаганда, сал бўлмаса баҳсимиз муштлашишга айланиб кетарди.

Ёши бир жойга бориб қолган, соchlари оппоқ қордай басавлат К. хонимни ҳаммамиз столимиз фахри, жўрабошиси деб билардик. К. хоним қад-

¹ Жаноблар, илтимос (ингл.).

дини тик тутар, барчага баравар такаллуф қилас, оз гапириб, одамларнинг сўзларига мароқ билан қулоқ солиб ўтирас эди. К. хонимнинг савлатиниёқ кўрган одам уни эъзозламасдан иложи йўқ эди. У осойишталик, зодагонларга хос сиполик тимсоли эди. Ҳеч кимни унчалик ўзига яқин келтирмасди, лекин айни замонда ҳеч кимни ўз эътиборидан холи ҳам қилмасди; кўпинча қўлида китоб, бодга ўтирас, баъзида рояль чаларди, аҳён-аҳёнда одамларга келиб қўшиларди ё бўлмаса қизғин сұхбатда қатнашарди. Унинг орамизда ҳозир бўлганини зўрға сезардик-ку», лекин ҳозир бўлдими, ҳаммамиз беихтиёр унга бўйсунардик, бу гал ҳам у гап қотганида шовқин-сурон кўтариб бебошлиқ қилиб ўтирганимиздан ўзимиз жуда уялиб кетдик.

К. хоним ҳалиги немиснинг шарт ўрнидан туриб, яна дарҳол хотинининг сўзига кириб итоатгўйлик билан ўтираётганидаги сукунатдан фойдаланди. У қаддини ростлаб тараддуллангандай менга бир қараб олди-да, сўнгра баҳс мавзуумизга сиполик билан аниқлик киритди:

– Демак, мен сизнинг гапларингизни агар тўғри тушунган бўлсан, сиз айтмоқчисизки, Анриэтхоним... хотин киши кутилмагандаги, фирибагарликка учиши, бир соат илгари ўзига ҳеч ақл бовар қилмайдигандай кўринган нарсаларга яна ўзи журъат қилиши мумкин. Бунда унга айб қўйиб бўлмайди, дейсиз, шундайми?

– Хоним, бунга имоним комил, – деб жавоб бердим мен.

– Бундан чиқди, сиз ҳар қандай ахлоқ, одоб мезонини инкор қиласиз, сизнингча, ҳар қандай ахлоққа хилоф ишни оқдаш мумкин экан-да, агар сиз француз айтмоқчи *crime passionel*¹ни ҳакиқатан жиноят деб билмасангиз, бундан чиқди, давлат,

¹ Ҳирсий жиноят (*франц.*).

адолат сўзи умуман нокерак нарса экан-да, ундоқ бўлса ҳеч қийналмасдан, – сиз бўлсангиз астойдил меҳнат қиласиз, – деб кулиб қўшимча қилди К. хоним, – ҳар қандай жиноятда эҳтирос борлигини аниқдаш мумкин ва шу эҳтирос ёрдами билан жиноятни оқقا чиқариш мумкин экан-да.

К. хоним фикрнинг маромига қараб гоҳ осойишта, гоҳ ҳушчакчақдик билан гапирав эди. Унинг бу хилда гапириши менга шу қадар ёқдики, мен ҳам унинг жиддий оҳангда айтган, гапларига беихтиёр тақдид қилиб ярим ҳазил, ярим чин қилиб жавоб бердим:

– Давлат олий суди бундай масалаларни, шубҳасиз, мендан кўра жиддийроқ ҳал қиласди; унинг бурчи – жамоат ахлоқини ва жамоат одобини сақлашдан иборат, давдат одил судини шу бурч оқлаш ўрнига, қоралашга мажбур қиласди. Мен бир шахс бўлганимдан устимга прокурорлик ролини олишни ўзим учун лозим деб билмайман: мен ҳомийлик касбини афзал кўраман. Бу шахс сифатида одамларни ёмонотлиқ қилгандан кўра, уларнинг кўнглини олишни ўзимга савоб иш деб биламан.

К. хонимнинг тиниқ кўк қўзлари бир дақиқа менга тикилиб қолди; у жавоб беришга шошилмади ҳам. Мен уни гапларимга тушунмайди, деб хаёл қилиб, айтган гапларимни такрорламоқчи бўлиб тургандим, имтиҳондан ўтказаётгандай менга яна жиддият билан савол устига савол бера бошлади.

– Аёл бўла туриб, биринчи дуч келган эркак ҳатто унинг меҳрига арзиш-арзимаслигини ҳам билмасдан, эрини ва икки боласини ташлаб, унинг орқасидан эргашиб кетиши, сизнингча, шармандалик эмасми? Аблаҳлик эмасми? Ёши ўтиб қолган, жилла бўлмагандага болаларининг юзини қилиб, ўз иззатини поймол қилмай қадам ташлаб юриши лозим бўлган аёлнинг бундай енгилтаклик ва бепарволик қилишини наҳотки сиз оқласангиз?

– Такрор айтаман, хоним, – деб жавоб бердим. – Мен ҳұм чиқариш ёки қоралашдан үзимни тияман. Сизга бир оз бўрттириб гапирдим, деб чин юракдан айтишим мумкин, шўрлик Анриэтхоним, албатта, қаҳрамон эмас, ҳатто кучли ҳис-туйғуга ташна бўлган одам ҳам эмас, довюракли, оташин табиат унга ундан ҳам камроқ насиб бўлган. Билишимча, у расмана ожиз аёллардан бўлиб, қўнгли тусаган нарсага жазм этиб, жасорат қилгани учун унга бир қадар ҳурмат назари билан қарамайману, лекин бугун бўлмаса, эртага жуда баҳтсизлик гирдобига тушиб қолишини билганимда унга янаям кўпроқ раҳмим келади. Қўйған қадами эҳтимол тентаклигидандир ва ўйламай-нетмай қўйилган қадам бўлиши ҳам шубҳасиз, лекин зинҳор унинг бу қадамини разолатга, пасткашликка йўйиб бўлмайди. Шу важдан мен бу баҳти қаро шўрлик хотинга таҳқир кўз билан қараашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ деб биламан ва шу сўзимда қаттиқ тураман.

– Сиз ўзингиз-чи? Сиз ўзингиз унга ўша-ўша ҳурмат назари билан қарайсизми? Сиз ўзингиз ўтган куни ҳамсуҳбат бўлган туппа-тузук аёл билан кеча биринчи дуч келган эркакка эргашиб кетган аёл ўртасида ҳеч қандай фарқ ўйқ деб биласизми?

– Ҳеч қандай, мутлақо ҳеч қандай, заррача ҳам фарқ ўйқ.

– Is that so?¹ – деди хоним инглизча беихтиёр: афтидан, бу суҳбатга у жуда ҳам қизиқиб қолганди. Бир дақиқа ўйланиб туриб, тиниқ кўзларини менга тикди-да, яна савол назари билан қаради. – Борди-ю, эртага сиз Анриэтхонимни Ниццада шу йигитча билан қўл ушлашиб бораётганини кўриб қолсангиз, унга салом берармидингиз?

– Бўлмаса-чи.

– У билан гаплашармидингиз?

¹ Шундайми? (ингл.)

– Ҳа, гаплашардим.

– Агар ўзингиз уйланган бўлсангизу, хотинингизни шу аёл билан ҳеч нима бўлмагандай таништи-рармидингиз?

– Албатта таништирадим.

– Would you really?¹ – деб яна у инглизча савол берди, лекин унинг овозида ишончсизлик ва ҳайрат оҳангси сезилиб турарди.

– Surely I would², – деб мен ҳам унга инглизчалаб жавоб қайтардим.

К. хоним жим қолди. Қаттиқ ўйга чўмганди. Бир вақт жасоратидан ўзи ҳайратда қолгандай, менга қараб деди:

– I don't know, if I would. Perhaps I might do it also³.

Шу билан иззат-ҳурматни жойига қўювчи инглизларга хос ажойиб бамайлихотирилик, лекин қатъият билан ўрнидан туриб, менга қўлинни дўстона узатди. Унинг ҳамсуҳбатлиги туфайли икки ўртага осоийшталик чўқди. Тобора ишкаллашиб бораётган муҳитни юмшатгани учун унга дилимизда миннатдорлик изҳор қилгач, енгил-елпи ҳазил-мутойиба билан ҳаммамиз бир-биrimизнинг ҳурматимизни бажо келтириб, хайр-хўшилашиб тарқалдик.

Баҳсимизнинг оқибати жентльменларча тамом бўлган бўлса ҳам, лекин ўша можародан кейин мен билан хонимлар орасига маълум бир совуқлик оралаб қолди. Эр-хотин немислар номигагина кўришадиган бўлиб қолишиди, итальянлар бўлса ҳар куни мени кўрганларида «cara signora Henrietta»⁴ ҳақида бирон янги гап эшитганингиз йўқми, деб пичинг отиб, тегажаклик қилишадиган бўлишиди.

¹ Ростдан-а? (ингл.)

² Албатта (ингл.).

³ Билмадим, мен нима қиласдим. Эҳтимол, мен ҳам шундай қиласдим (ингл.).

⁴ Азиз Анриэтта хоним (италь.).

Бир қараганда, даврамизда одоб, назокат бордай күрингесе ҳам илгариги самимиilik өсөйиштаппикдан асар ҳам қолмади.

К. хонимнинг менга алоҳида илтифот билан қараши туфайли мухолифларимнинг истеҳзоли, совук, муносабатлари аниқ сезилиб қолди. Одатда даврадагилар билан бўлар-бўлмасга сұхбатлашавермайдиган К. хоним энди мен билан боғда тез-тез гаплашадиган ва ҳатто бошқалардан қандайдир фарқ қиласидиган бўлиб қолди, қисқа муддатта бўлса-да, у билан ҳамсуҳбат бўлиш эса алоҳида илтифотига сазоворликни биљдирарди. Очигини айтганда, у менинг пайимдан бўлиб бораарди, бунинг учун ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланаар, ҳаракатлари шу қадар равшан сезилиб турардики, агар у соchlари оқарган кекса аёл бўлмаганды, ким билсин, хаёлимга нималар келмаган бўларди. Лекин сұхбатимиз нима ҳақда кетмасин, албаттa ўша Анриэтхонимга бориб тақаларди; назаримда, сұхбатдошим ўз бурчини эсдан чиқариб қўйган аёлни бевафолик ва суюқоёқликда айблаб ҳузур қилаётгандай туюларди. Лекин шу билан бирга қадди-басти келишган Анриэтхонимга хайриҳоҳлик билдирганим ва бундан мени қайтариш асло мумкин эмаслигини билгач, кўнгли ўсарди. Хоним гапни ҳамиша шу томонга бураарди. Шу важдан мен тушкунликка гирифтор одамларда бўладиган бу қизиқ саркашликтин нима деб ўйлашимни билмай қолдим.

Беш-олти кун шу тахлитда ўтди, бу сұхбат хонимни бу қадар қизиқтириши сабабини сўрамадим. Бир куни сайри ҳаво қилиб юрганимизда: «Сафарим қариб қолди, эртадан кейин йўлга чиқмоқчиман», деб гапнинг учини чиқариб қўйгандим, хоним безовталаниб қолди. Одатда сир бой бермайдиган вазмин боқишиларида ҳаяжон акси кўринди-ю, кўк кўзларини ғам пардаси босгандай бўлди:

– Афсус сиз билан дардлашадиган анча-мунча гапларим бор эди, – деди дарднок.

Шу дақиқадан бошлаб вужудини қандайдир бир фикр чулғаб олганини тушундим. Назаримда, ўзи ҳам бу ҳолатини пайқади шекилли, суҳбатимизни кесиб, қўлимни қисди:

– Айтмоқчи бўлган нарсамни аниқ ифода қилишга ҳозир ўзимни ожиз сезиб турибман, яхшиси, буларни сизга хатимда ёза қолай, – деди.

Шундай деди-ю, одатини тарк қилиб тез-тез қадам ташлаб уйига равона бўлди.

Дарҳақиқат, кечқурун, овқат олдидан уйимда қатъиятлик билан ёзилган мактуб турибди. Минг афсусларки йигитлик чоғларимда енгилтаклик қилими, мактуб, ҳужжатларга эътибор бермаганман, шу сабабдан унинг мактубини айнан келтиришим амри маҳол; мактуб мазмунини баён қилишга ҳаракат қиласман. У мактубини: «Жуда ғалати иш қилаётганимни ўзим ҳам яхши биламан, – деб бошлаб, – ўз ҳаётимдан бир ҳодисани сизга ҳикоя қилсан бўладими», – деб сўраганди. Бу воқеа аллақачонлар бўлиб ўтган, ҳозир унинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, лекин сиз эргадан кейин жўнаб кетадиган одам бўлганингиз учун йигирма йилдан буён тинчимни бузиб қийнаётган нарсани сизга айтиш менга осон кўчади. Шу сабабдан агар сиз бу ишмни хиралик деб билмасангиз бир соат вақт ажратишингизни илтимос қиласман», деганди.

Мазмунини қисқача баён қилаётганим бу мактуб жуда қизиқтириб қўйди: инглизча ёзилишининг ўзиёқ унга алоҳида бир равшанлик ва қатъийлик бахш этарди. Бу мактубга жавоб ёзиш ҳам менга осон бўлмади, уч бор ёзилган хомаки мактубни йиртиб ташлаб, охири бунисини ёздим:

«Менга билдирган ишончингиздан бошим осмонга етди, шу сабабли агар истасангиз сидқидилдан жавоб беришга ҳаракат қиласман. Албатта, ўзингиз хоҳлаганингиздан кўра кўпроқ айтинг, деб сиздан

талааб қилишга ҳақим йўқ. Лекин ҳикоянгизда менга ҳам, ўзингизга ҳам бор гапни ҳалол гапириб беринг. Такрор айтаман, менга билдирган ишончингизни ўзим учун катта шараф деб биламан».

Хатим кечқурун унинг қўлига тегди, эртасига эрталаб жавоб олдим:

«Фикрингизга қўшиламан – энг муҳими, ҳақиқат бўлиши, бўлганда ҳам ярим-ёрти эмас, бутун бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мен ўзимдан ва сиздан ҳеч нарсани яшириб қолмасликка ҳаракат қиласман. Тушки овқатдан кейин хонамга келинг. Олтмиш етти ёшимда гап-сўздан қўрқмасам ҳам бўлади. Боғда ёки одамлар олдида гапириш эса ноқулай. Гапимга ишонинг. Бу қарорга келиш ҳам менга осон бўлмади».

Кундузи биз дастурхон устида у-будан гаплашиб ўтиридик. Бир вақт боғда тасодифан у билан учрашиб қолган эдим, хижолат бўлиб ўзини четга олди, сочлари оқарган бу кампир хотиннинг худди қиз боладай ҳадиксираб ва уялинқираб хиёбон томон бурилиб кетганини кўриб юрагим орзиқиб кетди.

Кечқурун тайинланган вақтда унинг эшигини қоқдим. Эшик дарҳол очилди, хона нимқоронги бўлиб, кичкина стол чироғи ёниб турар, теварагига сариқ доира шаклида ёруғ сочарди. К. хоним бамайлихотир менга пешвоз чиқди-да, креслога ўтиришни таклиф қилиб, ўзи қаршимга ўтириди; ҳар бир ҳаракати олдиндан ўйлаб қўйилганини сезиб турардим; шундай бўлишига қарамай, унинг истагига қарши чиққандай ўргадаги сукут тобора оғирлашди; гап бошлишга журъат этолмадим, чунки суҳбатдошимнинг юрагидаги кучли ирода билан унга қарши куч ўртасида қаттиқ кураш кетаётганини сезиб турардим. Пастдаги меҳмонхонадан узуқ-узуқ вальс садолари эшитилиб турарди; мен орадаги вазиятни юмшатиш ниятида унга қулоқ солиб турардим. Чўзилиб кетган бу сукунатнинг

диққатпазлигини афтидан хонимнинг ўзи ҳам сезган бўлса керакки, худди сакрашга тайёрланган одамдай ўзини ростлаб гап бошлади:

– Бошлаш қийин. Бор гапни оқизмай-томизмай астойдил гапириб беришга қарор қилганимга икки кун бўлди; сўзимнинг устидан чиқа оларман, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммасини сизга, мен учун бутунлай бегона бўлган бир одамга не сабабдан ҳикоя қилаётганимни эҳтимол сиз ҳозирча тушунмаётган бўлсангиз керак. Лекин ҳар куни, ҳар соатда ўша ҳодисани ўйлаганим-ўйлаган; мен кекса одамман. Шу сабабдан гапимга ишонаверинг, бутун умрингни ҳаётингда рўй берган биргина ҳодисага, биргина қунга боғлаб қўйиш оғир бўлади. Нега деганда, сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганим воқеа йигирма тўрт соат ичида содир бўлган, ҳолбуки, олтмиш етти йилдан буён умр кўриб, ақалли бир марта нодонлик қилган эканман, бунинг нимаям аҳамияти бор, деб ўйлайвериб бошим гангид кетади. Лекин бизлар парда ичига олиб, виждан деб атовчи нарсамиздан қутулиш эса унча осон гап эмас, шу важдан сизнинг Анриэтхоним воқеаси устида бемалол қилган мулоҳазаларингизни эшитганимда: «Эҳтимол, ҳаётимдаги мана шу бир кун тўғрисида бирортаси билан очиқчасига гаплашишга ва шу билан ўтмишим ҳақидаги беҳуда хаёл суришларим, ўзимни уззукун қамчилашларим барҳам еб кетар», – деб ўйладим. Мен англикан динида бўлмай, католиклар динида бўлганимда эди, бор гапларни тавба-тазарру билан аллақачон юрагимдан бўшатиб олган бўлардим, лекин булар бизларга насиб бўлмаган. Шунинг учун ҳам мен жуда қизиқ бир иш қиляпман, шу воқеани сизга айтиб, ўзимни оқлаб олмоқчиман. Биламан, булар ҳаммаси оддий гаплар, лекин сиз менинг таклифимни тараддулланмай қабул этдингиз, бу ишингиз учун сизга ташаккур изҳор қиласман.

Илгари айтганимдай, ҳаётимдаги бир кунни сизга тасвирлаб бермоқчиман, қолганлари эса аҳамиятсиздай күринади, бошқалар учун ҳам қизифи бўлмаса керак. Қирқ икки ёшгача кечирган ҳаётими ни икки оғиз сўз билан айтсан бўлади. Ота-онам бадавлат лендлордлардан эдилар. Шотландияда катта-катта завод ва ер-сувларимиз бор эди. Ўша ерлардаги қадимий зодагон оиласлар сингари биз йилнинг кўп қисмини мулкларимизда, қиши мавсумини эса Лондонда ўтказардик. Ўн саккиз ёшимда бўлажак қаллиғим билан танишдим, у зодагон Р. лар оиласида тўнғич ўғил бўлиб, Ҳиндистонда ўн йиллик офицерлик хизматида эди. Орадан кўп ўтмай, бизларни никоҳ қилдилар, шу билан ўз даврамиз кишилари сингари беташвиш ҳаёт кечира бошлидик: уч ой Лондонда бўлсак, уч ой ер-мулкларимизда бўлардик, қолган ойларда Италия, Испания, Франция бўйлаб саёҳат қилардик. Оилавий ҳаётимиз изга тушиб, иккала ўғлим аллақачонлар балофатга етганди. Минг афсуски, ёшим қирқдан ошганда, эрим тўсатдан ва-фот қилди. У тропикларда жигар касалига йўлиқиб, икки ҳафта ўтар-ўтмас жон берди. Ўша кезларда катта ўғлим флотда хизмат қиларди, кичиги коллежда ўқирди, шундай қилиб, бир кечада етим қолищи, яқин кишим билан шунча йил бирга умр кўргандан кейин бундай ёлғизлик мен учун оғир мусибат бўлди. Ҳамма нарса суюкли эримни эслатиб, ҳувиллаб қолган бу уйда бир кун ҳам туришга сабрим чидамади, шу билан ўғилларим уйлангунча вақтимни саёҳатда ўтказишга қарор қилдим.

Ўша пайтдан бошлиб ҳаёт бемаъни ва кераксиздай бўлиб қолди. Йигирма икки йил турмушнинг аччиқ-чу-чугини баҳам кўриб келган эрим дунёдан ўтди, болаларимнинг эса менга муҳтоҷлиги йўқ. Фамгинлик ва маъюсликларим билан уларнинг кўнглини чўқтиргим келмади. Менда на умид, на бирон ҳавас қолганди.

Дастлаб Парижга жүнаб кетдим, у ерда азбаройи зе-рикканимдан магазинма-магазин юрдим, музейларни томоша қылдим, лекин шаҳардан ҳам, харид қылган буюмлардан ҳам күнглим таскин топмади, ўзимни одамлардан четда олиб юрардим, негаки, уларнинг иззат-икром билан менга таъзия билдиришларига тоқатим йўқ эди. Мана шу дарбадар ўтган ойларимни ҳикоя қилишга тилим ожизлик қиласа керак; гангид кўр бўлиб қолгандим, дунё кўзимга қоронғи кўриниб, ўлимимни орзу қиласардим, аммо ўша машъум дақиқани эслаганим сари юрагим орқага тортиб кетарди.

Бевалигимнинг иккинчи йили, ёшим қирқ иккига етганда, вақтни қандай ўтказишни билмай, азбаройи ёлғизлик жонимга тегиб кетганидан март ойида Монте-Карлога бориб қолдим. Ростини айтсам, бўшаб қолган қалбимни бирор ташқи таассурутдан тўлдириш ниятида боргандим у ерга.

Юрагим сиқилиб, аҳволим оғирлашгани сайин, ҳаёт гардиши тезроқ айланиб турадиган жойлар мени ўзига шунча кўпроқ даъват этгандай бўлаверди; бедард маҳлуқларга бошқаларнинг изтироби театр ёки мусиқа сингари таъсир қилиб уларни ҳаяжонга солгандай.

Шу сабаб казинога тез-тез кириб турадиган бўлдим. Қиморбозларнинг шодлиги ёки ҳафсаласи пир бўлганлигини кўрганимда ҳузур қиласардим; уларнинг ҳаяжони, безовталигини кўриб, ўз дардаламларимни бир оз бўлса-да, унутардим. Раҳматлик эрим енгилтак одам бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, қиморхонага қатнаб турарди, мен эса унинг ўша одатларига беихтиёр ҳурмат билан тақлид қилдим; ҳар қандай қимор ўйинидан ҳам ошиб тушиб, ҳаётимда ҳанузгача доф бўлиб турган йигирма тўрт соат мана шу тариқа бошланиб кетганди.

Ўша куни тушки овқатимни қариндошим герцогина М. билан бирга едим; кечки овқатдан кейин

чарчоқ сезмаганим ва уйқум келмагани туфайли казинога бордим. Қимор ўйнамадиму, лекин қимор столлари орасида одамларга алоҳида бир назар ташлаб юрардим. Алоҳида назар дейишимнинг боиси шуки, ҳамиша бир хил одамларни: қачон қарасанг соатлаб пойлаб ўтириб, охири зўрга таваккал деб пул тикувчи ўша ажиндор кампирлару, пихини ёрган қиморбозлар ва ҳамиша ҳозир сатанг фоҳишаларни *fleur d'élegance*¹ ва Европа аристократияси сингари шубҳали, ранг-баранг ҳалойиқни, bemaza романлардагидан кўра ҳам жонсиз ва романтик ҳалойиқни кўрасан холос, деб зорланганимда, марҳум эрим менга шундай назар ташлаб айланиб юришни ўргатганди. У пайтлар бу ерда асл тилла пулларда ўйналарди, банкнотлар шарақлаб, наполеондорлар ярақлаганда беш франклиқ тиллаларнинг жаранглаши эшитилиб турган ўша казинонинг шавқи қаёқда-ю, ҳозирги сурбет туристлар пулга алиштирган жетонларни ланжлик билан зўрга тикадиган усти ялтироқ қиморхона қаёқда! Айтганча, ўша вақтларда ҳам қиморбозларнинг эҳтиоросиз юз-кўзлари мени бир оз қизиқтиарди. Лекин хиромантияга² қизиқиб қолган эрим менга ўзининг мушоҳада илмини ўргатганди, қарасам, бу усул шунчаки қимор ўйинини томоша қилишдан кўра қизиқ ва мароқли бўлиб, уларнинг юзига қарамасдан, балки тўрт бурчак столга, ўшандা ҳам қиморбозларнинг қўлларига, уларнинг ҳаракатларига разм солиб туриш керак экан.

Сиз маст одамдай гир айланиб юрувчи ролетто соққасига ва столдаги қалин майса сингари қофоз пуллар, тилла ва кумуш тангалар ўйилиб ётган тўрт бурчакли катакларга ёки крупье қўлидаги куракчаси билан силтаб бутун ўлжани супуриб олишига ё

¹ Ўта нафис (*франц.*).

² Фолбинлик (*тарж.*).

унинг бир қисмини омади келган қиморбознинг олдига суриб қўяётганига кўзингиз тушганми, йўқми, билмайман. Аммо шундай назар билан қараганда қўк стол ортида бирдан-бир жонли нарса – қўлларни: кўпдан-кўп қўллар, оппоқ қўллар, серҳаракат, эҳтиёткор қўлларни, уядан бош чиқариб тургандай енгларидан чиқиб турган қўлларни кўрасиз; бу қўлларнинг бари човут солишини кутиб турган йиртқичдай, ҳар бирининг сурати бошқа, ранги бошқа: бир хиллари ялангоч, бир хилларига узук тақилган ёки занжирча жаранглайди; баъзилари худди йиртқич ҳайвондай бесўнақай, бошқа хиллари илонбалиқ сингари силлиқ ва питрак, лекин ҳаммаси ўлгудай сабрсизлик билан титраб-қақшаб туради. Бошимга ҳар гал беихтиёр отчопар билан таққослаш келарди. Чунки у ерда қизиб кетган отларни отилиб чиқиб кетмасин, деб старт ёнида зўрга ушлаб туришади. Булар ҳам худди шундай қалтираб энтикишар, оёқларини осмонга кўтаришарди.

Шу қўлларга, пул тутишига, шошмай ҳаракат қилишига разм солиб туриб, ҳамма нарсани: тамагирни – чангак бармоқдаридан, исрофгарни – бамайлихотир ҳаракатидан, тежаб-тергайдиганини – бармоқдарининг шошмасдан ҳаракат қилишидан, мушкул аҳволга тушиб қолганини – бармоқдарининг титрашидан билиб олса бўлади; пулни қай тарзда ушлашлари билан улар бир зумда ўз сирларини баралла очиб қўядилар; бир хиллари пулни фижимлаб олади-да, асабийлик билан столни чертиб ёки мажоли қуриб, бармоқдарини ёзганча стол устида тутиб, бир ўйинни ўтказиб юборади. Одам боласи қиморда сир бой бериши ҳақиқат эканлигини ўзим ҳам биламан. Лекин одамнинг қўли унинг сирини яна ҳам кўпроқ очиб беради. Чунки ҳамма қиморбозлар ёки деярли кўпчилиги юз-кўзларини идора қилишни биладилар, оқ ёқа устида фақат

совуқ *impassibelité*¹ ниқобигина кўриниб туради, холос, улар оғизлари ёнидаги ажинларини силлиқдаб, тишларини тишларига қўйиб турадилар, безовталикларини ҳатто кўзлари ҳам пинҳон тутиб туради; улар мушакларини учмасликка ўргатадилар ва уларга хотиржамлик ифодасини бахш этадилар. Лекин улар, энг муҳими, юзларини идора қилиш пайидан бўлиб, бутун иқтидорини шунга сарф қилганлари сабабли қўлларини унутиб қўядилар. Улар қўлларига разм ташлаб турувчи ва ясама табассум, сунъий хотиржамликларини яширмоқчи бўлганликларини шу қўлларидан билиб олувчи одамлар борлигини унутиб қўядилар. Ҳолбуки, қўллари беҳаёлик билан бутун сир-асрорларини очиб қўядилар, чунки шундай пайт келадики, зўрга овутилиб, энди мудрай бошлаган бармоқдар ўзлари сезмаган ҳолда уйғониб кетадилар: рулетка соққаси уяга тушиб, крупье бақириб номерни айтганда, ҳатто юзларча қўлларнинг ҳар бири инстинкт билан беихтиёр фақат ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайди. Агар эримнинг ишқибозлиги туфайли менга мұяссар бўлган мана шу томошага киши ўрганса, турли хил темпераментларнинг бундай ранг-баранг намоён бўлиши уни театр ёки мусиқадан ҳам кучлироқ ўзига жалб қиласи; қиморбозларнинг қўллари ҳар хиллигини тасвиirlаб беролмайман; олтин тангаларни худди ўргимчак сингари бармоқдари билан сидириб оладиган, юнгдор чангалийиirtқич бармоқ дейсизми, зўрга юрак ютиб пулга қўл теккизадиган, тирноқларидан қони қочган, асабий, қалтироқ қўллар дейсизми, яна олижаноб ва пасткаш қўллар, дағал ва қўрқоқ қўллар, айёру, лекин шу билан бирга ҳадиксировчи қўллар – крупъенинг тўрт-беш жуфт қўлидан бошқа ҳар бири бир нав, ҳар бирининг ўзига хос ҳаёти бор. Бу қўллар чинакам автомат,

¹ Эҳтиrossизлик (франц.).

улар счётчикнинг шилқ-шилқ қилиб турувчи пўлат затвори сингари ҳаракат қилиб турадилар. Улар ҳам бепарво, ҳам ишchan қўллар; лекин мана шу бедор қўллар очкўз ва бадқимор оға-иниларига қиёсан, жуда ажойиб таассурот қолдиради; назаримда, улар мундир кийган полицайлар сингари шовқин-сурон кўтарган ҳаяжонли оломон ўртасида тургандай.

Бу қўлларнинг одати ва қилиқдарини билиб олишим менга алоҳида бир ҳузур бағишлади; икки-уч кундан сўнг эса булар орасида таниш-билишларим чиқиб қолди, мен ҳудди одам каби чиройли ва хунук қўллар деб ҳар бирига ном бердим: баъзиларининг безовта ва очкўзлигини кўриб шу қадар ёмон кўриб қолдимки, ҳудди уятсиз нарсадай улардан юз ўтирадиган бўлдим. Столда пайдо бўлган ҳар бир янги қўл мен учун янги бир кечинма бўларди: баъзан эгасининг сирини фош қилувчи бу бармоқларга разм соламан, деб ҳатто смокингнинг крахмалланган кўкраги устида ёки бўлмаса бриллиантлар ялтираб турган қомати устида совуқ зодагонлар никобидай қаққайиб турган юзларига кўз ташлашни ҳам унутиб қўярдим.

Ўша куни оқшом залга кириб, одам лиқ тўла икки стол ёнидан ўтгач, учинчи стол олдига бордим. Портмонедан тилла пулларимни чиқариб тургандим, ҳолдан тойган соқقا икки рақам орасида югуриб-елиб турганда ҳар гал юз берадиган ғовур-ғувур, сукунат ичида тўсатдан ҳудди бўғинларнинг қарсилаб синиши сингари бир ниманинг фалати овози эшитилиб қолди. Беихтиёр бошимни кўтариб қарагандим, рўпарамдаги қўлга кўзим тушиб, қўрқанимдан юрагим «шув» этиб кетди, умримда бунақа қўлларни кўрган эмасдим: бу қўллар қутурган йиртқич ҳайвонлардай бир-бирига тирмавиб, жазавалари тутгандай бир-бирини эзид, сиқиб турибди, бармоқлардан ҳудди ёнғоқ чаққандагидай қарс-қарс овоз чиқиб турарди. Бу қўллар

камдан-кам учрайдиган нозик, чиройли қўллар эди, лекин шу билан бирга мушакдор, жуда ингичка, узун, оппоқ қўллар эди – тирноқ учлари қонсиз, садаф сингари товланиб турарди. Шу оқшом кўзимни ундан узолмай қолдим, улар мени ҳайратга солди; лекин шуниси ҳам борки, бу қўлларнинг ҳаяжони, мажнунона эҳтироси, титраб-қақшаб бир-бирига тармашиб жанг қилишларини кўриб юрагимни ваҳима босди. Мен шу онда бу одамнинг турган-битгани эҳтирос экану, шу эҳтиросдан ёрилиб кетмайин деб бутун қучларини бармоқларининг учига тўплаган экан-да, деб ҳис қилдим. Соқقا уяга келиб қисқагина дук этди-да, унга тушгани ва крупъенинг бақириб номерни айтгани заҳоти бу қўллар бир ўқдан жароҳатланган икки йиртқичдай тап этиб йиқилди. Улар ҳолдан кетган каби эмас, йўқ, ўлик сингари йиқилди, тарвузлари қўлтифидан тушиб умидсизлик, нажотсизлик ботқоғига ботдиларки, бу ҳолатни тасвиrlашдан тилим ожизлик қиласди. Нега деганда, ҳар бир мушаги фарёд қилувчи ва эҳтирос ҳар бир ҳужайрасида баралла намоён бўлиб турувчи бунақа тили бор қўлларни илгари ҳам, кейин ҳам асло кўрган эмасман. Бу қўллар бир лаҳза денгиз тўлқини соҳилга чиқариб ташлаган медуза сингари кўк мовут устида bemажол ётди-да, кейин ўнг қўлига бармоқларининг учидан секин-аста жон кира бошлади: қалтираб орқага тисарилди, бир неча сония столда жонсарак бўлиб тургач, асабийлик билан жетонни бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқ орасига олиб худди фидирак-чадай айлантира бошлади. Сўнг йўлбарс важоҳат билан қаддини букиб, юз франклиқ жетонни худди чекиб бўлган папиросини ерга ирғитгандай қора алвоннинг ўртасига шарақ этиб ташлади. Шу пайт маст уйқуда ётган чап қўлига сигнал берилгандай у ҳам сесканиб, ўрнидан турди, жетон ташлаб чар-

чагандай синглисининг ёнига сездирмасдан сирғалиб борди-да, икковлари ёнма-ён ястаниб олишди, совуқдан тишлар такиллагандай бу қўллар ҳам сесканиб столга билаклари билан сал-сал уриб қўйи-шарди; йўқ, мудҳиш ҳаяжонни бу қадар ажойиб, яққол ифода қилувчи қўлларни мен умримда кўрган эмасман. Безатилган залдаги бу ғовур-ғувурлар, крупъенинг бақириб-қийқиришлари, танда қўйган одамлар баланддан ташланиб энди жило берилган даврасимон қубба тагида телбадай сакраб ётган соққа – кўз олдимда лип-лип этиб турган ранг-бранг таассуротларнинг барчаси тўсатдан мана бу қалтираб, титраб, жон ҳолатда нафас олаётган, ниманидир кутиб, сесканиб, чўчиб турган, мени сеҳрлаб ўзига ром қилиб олган қўллар олдида қотиб қолган ўликдай кўринди, назаримда.

Мен ортиқ ўзимни тийиб туролмай қолдим: мана шу сеҳргар қўллар соҳибининг юз-кўзларини кўрмасликка иложим қолмагач, ҳадик билан, ҳа, ҳадик билан, – чунки бу қўллар юрагимга ваҳима солганди, – нигоҳим енгларни пайпаслаб тор елкалар томон кўтарила бошлади. Мен яна бир сесканиб тушдим, чунки унинг юзи қўллари сингари бетиним, ўтакетган танглик билан гапириб турганди; унинг нозик ва аёлларники сингари сўлим юzlари ҳам яна ўша ажиб эҳтирослар ўйинидан дарак бериб турарди. Мен ўзини бу қадар йўқотиб қўйган, паришон юзни умримда кўрмаганман, ниқоб ёки кўзсиз ҳайкалга қарагандай унга разм солиб бемалол қараб туришим мумкин эди, чунки бу юздаги кўзлар ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нимани пайқамасди. Шишисимон қоп-қора кўз қорачиги сеҳрли тўқ қизил соққанинг акси сингари айланиб турарди. Такрор айтаман, бунаقا ўтакетган безовта, маъноли юзни ҳеч учратган эмасман. Бу салгина чўзиқ, нозик юз соҳиби йигирма беш ёшлар чамасидаги

йигитча эди. Құллари сингари юзи ҳам мардлик ва жасоратдан дарак бермай, қиморбозликка мукка-
сидан кетган ёш ўсмирнинг юзига үхшаб кетарди;
лекин буларни мен кейинчалик пайқадим. Чунки
үша пайтда бу юзларда фақат әхтирос ва жазава
үйнар, юпқа лаблари, мұйжазгина оғзи хиёл очиқ
туради. Қалтирашдан такиллаган тишларини ўн
қадам нарида туриб әшитса бўларди. Бир тутам нам
малла сочи пешанасига ёпишиб қолган, оппоқ бада-
нида майда-майда тўлқинлар чайқалиб тургандай,
бурун катаклари атрофида бир нима бетиним учиб
туради. Сал эгик боши беихтиёр олдинга эгилиб,
ҳадемай рулетка гирдобига тушиб кетадигандай
туюларди, нима учун қўлларининг томири тортиб
қолгандай мушт қилиб олганини энди тушундим. У
шундай қаршилик кўрсатиб қўл томирларининг шу
тахлитда сиқилиб туриши туфайлигина гавдасини
йиқилиб тушишдан сақлаб турган экан.

Эхтирос бу қадар очиқ, яланғоч ва беҳаёлик
билан акс этиб турган юзни умримда ҳеч учратма-
гандим, шу сабабдан соққанинг сакрашлари, гир
айланишларига мафтун бўлиб қолганим сингари
унинг бу телбалиги ҳам мени сеҳрлаб, кўзимни ун-
дан узолмай қолдим. Шу дақиқадан бошлаб атро-
фимда нималар бўлаётганини пайқамай қўйдим;
порлаб, ёниб турган шу юзлар олдида ҳамма нарса
хира, рангпар бўлиб қолди, бошқа одамлар борли-
гини ҳам унутиб, бир соат чамаси шу одамга, унинг
ҳар бир ҳаракатига разм солиб турдим. Мана, унинг
қўзларида нур чақнади, туганак бўлиб қисилган
қўллари худди портлашдан ўқдай отилиб, қалтироқ
бармоқлари очкўзлик билан чўзилди – крупье унинг
олдига йигирма дона тилла тангани суриб қўйди.
Шу дақиқа унинг юзлари бирдан ёришиб, бир лаҳ-
зада ёшариб кетди, ажинлари йўқолиб, кўзларида
чақмоқ чақилди, тиришқоқ тутгандай бесўнақай

бўлиб қолган гавдаси суюнгандай ростланди-қўйди; у ютуқдан маст бўлган чавандоз сингари қаддини ростлаб бемалол ўтиради. Бармоқлари шўхлик ҳузури билан жарангдор тилла пулларни ўйнар, уларни бир-бирига уриб ўйин тушишига ва ёқимли жаранглашга мажбур қиласади. Кейин у яна безовталаниб бошини ўғирди, из қидирувчи ёш овчи ит сингари кўк столга бир назар ташлаб олди-да, тўсатдан олдида уйилиб ётган ҳамма тилла пулларни тўрт бурчаклардан бирига шартта ташлади. Яна ўша сергаплик, яна ўша безовталик билан толени кута бошлади, яна лабларидан бурнига томон майдада-майдада титроқ тўлқинлар ўрмалай бошлади, қўллари тиришиб қисилди, йигитнинг юзи фойиб бўлди-қўйди. У бетоқат очкўзлик ифодаси остига яшириниб олди, бу бетоқат очкўзлик ўрнини бир зумда умидсизлик эгаллади; йигитлик ҳаяжони жўш уриб турган юзлар сўлиб, қарашлари сўнди, ранги ўчиб бир ҳолатда бўлди-қолди – буларнинг ҳаммаси соққа унинг номерига тушмагандан бир лаҳзада содир бўлди. У бой берган эди; бир неча сония ҳеч нимага ақди етмай қолган одамдай гаранг бўлиб ўтиради, лекин крупъенинг бақирган овозидан ҳушшига келгандай, бармоқлари бир неча олтин тангаларни тутди. Бироқ ишонч уни тарк қилганди, дастлаб тангаларни бир жойга ташлади-да, сўнгра бу ниятидан қайтиб, бошқасига қўйди, соққа айлананиб юрганда тўсатдан пайдо бўлган қандайдир истакка бўйсуниб ўша тўрт бурчакка яна фижимланган икки дона қофоз пул ташлади.

Шу хилда куйиниб-суйиниб, гоҳ ютиб, гоҳ бой бериб бир соатча ўйнади, шу вақт ичида мен нафасимни ичимга ютиб эҳтирослари қайнаб-тошиб мудом ўзгариб турган юзлардан мафтун қарашларимни бир лаҳза ҳам узмай тикилиб туравердим. Ҳар бир мушаги ўзгариб ҳаяжонли манзараларни

нафис ифода қилиб турган бу сөхргар қўллардан қандай қилиб кўзимни уза олардим. Мен умримда ҳеч қачон театрда артистнинг юзига бу қадар тикилиб қараган эмасман. Бу юзда ўзгариб турувчи барча ранглар ва ҳис-туйғулар гаммаси ландшафтдаги нур ва сойлар сингари кўз олдимдан юргурилаб ўтиб турарди. Мен умримда ҳеч қачон бегона одам ҳаяжонининг инъикосига бу қадар мафтун бўлмаганман; агар шу пайт бирон киши мени кузатиб борганда қимир этмай тикилиб, безовта қараб турганимни гипноз таъсирига йўярди; шуниси ҳам борки, бутунлай танг қолишимга ўзим ҳам лол қолган эдим; бу юздан кўзимни узолмас, залдаги ҳамма нарсалар – чироқлар, одамлар, шовқин ва қулгиларни гира-шира, гўёки сариқ тутундай ҳис қилардим. Оловлар ичидаги олов бўлган бу юз шу сариқ тутун; орасида чараклаб, назаримда, ёниб тургандай эди. Қулоғимга ҳеч нима кирмасди, ҳеч нимани сезмасдим, атрофимда зич турган одамларни ҳам, тўсатдан чўзилиб пул ташловчи ёки супуриб оловччи бошқа қўлларни ҳам пайқамай қолгандим; соққа ҳам кўзимга кўринмай, крупъенинг овози қулоғимга кирмай қолганди, лекин шу билан бирга бу одамнинг эҳтиросли ҳаяжони туфайли шу қўлларга ва шу юзга қараб туриб содир бўлаётган ҳамма ҳодисаларни, худди тушдагидай, тошойнада кўргандай аниқ кўриб турардим; соққа қорага тушдими, қизилга тушдими, айланяптими ё бўлмаса тўхтаб турибдими, буни билиш учун рулеткага кўз ташлашимнинг кераги йўқ эди: ҳамма-ҳаммаси – ютиш ҳам, ютқазиш ҳам, умид ҳам, умидсизлик ҳам унинг хатти-ҳаракатларида акс этиб турарди.

Бироқ даҳшатли дақиқа энди бошланди: юрагим гаш бўлиб, қўрқиб турган нарсам, босиб келаётган момақалдироқ сингари ваҳима солаётган нарса тўсатдан қақшаб турган асабларимга зарб билан

урилди. Соққа анча дириллаб тургач, чуқурчага шўнғиди, юзлаб кишилар нафасларини ичига ютиб қолишиди, сукунатда ниҳоят крупъенинг «ноль» деган овози эшитилди-ю, чаққон куракчаси билан тилла ва қоғоз пулларни супуриб олди. Шу пайт қаттиқ қисилган қўллар даҳшатли ҳаракатга келди; улар йўқ нарсани тутиб олмоқчи бўлгандай сакраб кетдилар-да, яна ҳолдан кетиб шилқ этганча стол устига тушдилар. Кейин уларга тўсатдан жон кириб, столдан қочдилар-да, ёввойи мушуклар сингари бутун аъзойи бадани узра бир юқорига, бир пастга, бир ўнгга, бир сўлга ўрмалаб бирон танга қолиб кетмаганимикан, дегандай титраб-қақшаб чўнтакларини кавлашга тушдилар. Қўллар ҳар гал чўнтакдан қуруқ чиқар ва яна беш баттарроқ титраб-қақшаб беҳуда, бефойда қидиришларини бошдан бошлардилар, рулетка бўлса айланиб, ўйин давом қиласди. Тангаларнинг жаранг-журунги, стулларнинг тарақ-туруқи, мингларча одамларнинг оҳиста, турли-туман овозлари зални тўлдириб турди. Мен даҳшат ичида қалт-қалт титрардим: мен буларни шундай аниқ ҳаяжон билан бошдан кечирардимки, гўё улар ақалли бир дона танга топиш учун ҳамёнларим ва фижимланган кийимларим қатламини зўр бериб кавлар, бармоқлар менинг бармоқларимдай туюларди. Бир вақт рўпарамда ўтирган одам кўнгли айниб, томогига бир нима қадалиб қолгандай сапчиб ўрнидан турди, стул тарақлаб ерга йиқилди, лекин у ҳеч нимани пайқамади. Қўрқиб ҳайрон бўлиб унга йўл берган одамларга ҳам эътибор бермай гандираклаб, қоқилиб залдан чиқиб кетди.

Мен қотиб қолгандим. Унинг қаёққа йўл олганига дарров ақлим етди: у ўлими сари қадам ташлаб кетаётган эди. Бу аҳволдаги меҳмонхонага, ресторанга, хотин кишининг ёнига, темир йўл станциясига ёки бирон тирик жон ёнига бормайди. У

тикка бориб ўзини нобуд қиласы. Бу жаҳаннамда тошюрак бўлиб кетганлар эса унинг на уйида, на банкда, на ота-оналарида ҳеч вақоси йўқдигини, у охирги пулинни, ҳаётини қиморга тикканини, энди у борса келмас бирон жойга қараб дайдиб кетганини тушунишлари керак эди.

Мен ҳамма вақт шундан қўрқиб юардим, бунда гап қиморда ютиш ёки бой беришдан кўра муҳимроқ нарса устида бораётганлигини бир қа-рашимдаёқ сезиб олгандим. Голиб келган бу эҳти-рос ўзини барбод қилишини ҳис қилиб туардим. Лекин тўсатдан унинг кўзларида ҳаёт сўниб, шу қадар жонли юзларини қора ажал пардаси қоплаб олаётганини кўргач, қора қуюн кўзларимни кўр қилиб қўйгандай бўлди. Маънодор ҳаракатлари-нинг таъсир кучи шу қадар зўр эдики, ўрнидан сапчиб туриб гандираклаганча шитоб билан чиқиб кетганда мен беихтиёр устунни ушлаб қолибман; шу дамгача бутун вужудим билан унинг ашаддий қиморбозлигини ҳис қилиб турганимдан бу бежо ҳа-ракатини дарров сездим. Шу пайт менга бир нима туртки бергандай, оёқларим беихтиёр ўзидан ўзи юриб кетди, унинг орқасидан боришим керак эди, бу ишинга ўзим ҳам тушунмай қолдим. Ҳеч кимга эътибор бермай, ўзимни ҳам унутиб йўлакдан эшик томон югуриб кетдим.

У кийимларимиз илиниб турган жойда туарди. Қўллари ўзига бўйсунмай қўйганидан хизматкор унга худди касал одамга қарашаётгандай енгла-рини кийишга ёрдамлашиб юборди. Хизматчига майда пул бериш учун у беихтиёр жилемет чўнтағига қўл суққанини кўриб қолдим, лекин чўнтақда ҳеч вақо йўқ эди. Шу он бўлиб ўтган ҳодиса хотирига тушди-ю, хижолат тортиб бир нималар деб минфи-лади-да, маст одамдай оғир қадам ташлаб казино зинапоясидан пастга қараб туша бошлади, хизмат-

чи унга аввал жиркангандай қаради, сүнгра бир нимага ақли етгандай жилмайиб қўйди.

Бу шу қадар даҳшатли манзаралар эдики, унинг ортидан кузатиб бораётганимдан ўзимдан-ўзим уялиб кетдим. Театрда бегона бир кишининг азоб-уқубатини кўриб чидолмаганимдай юзимни ўгириб олдим, лекин шу он яна қандайдир бир куч менга далда берди. Мантомни елкамга ташлаб, уятни йифиштириб қўйиб автомат сингари беихтиёр шу бегона одам орқасидан зим-зиё қоронфилик томон шошганча югуриб кетдим.

К. хоним бир лаҳза тўхтади. У қимир этмай ўтирап, афтидан, тайёрлик кўргани ва бўлган воқеаларни яхши эслаб қолганидан ўзига хос осоийишталик билан ҳеч сукут қилмай кетма-кет ҳикоя қиласарди. Ҳозир биринчи марта тили тутилиб, ҳикоясини тўхтатди.

– Ўзимга ҳам, сизга ҳам, – дея ҳаяжонланиб гап бошлади у, – ҳаммасини очиқ-ойдин гапираман, деб ваъда қилгандим. Шу важдан менга тўла ишонч билдиришингизни ва ҳаракатларимдан пинҳоний ниятлар қидирмаслигингизни илтимос қиласман, бундай ниятлардан ҳозир, эҳтимол, уялмасдим ҳам, лекин ўшанда бундай хаёл калламда йўқ эди. Так-рор айтаман: мушкул аҳволга тушиб дард қолган қиморбоз орқасидан кўчага югуриб чиққанимда унга меҳрим тушганди, эркаклигини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмагандим; ёшим қирқдан ошиб, эrim ўлгандан кейин бирон эркакка кўз ташламагандим. Бунақа нарсалардан бутунлай умидимни узиб қўйгандим; сизга шуни айтиб қўйишим керак, бўлмаса кейин содир бўлган ишларнинг қанчалик оғир эканини сезишингиз маҳол бўлади. Рост, ўшанда у баҳти қаронинг орқасидан бу қадар мутелик билан боришига мажбур қилган ҳис-туйғуларимни белгилаб

тарозига солиб олишим қийин эди; бунда синчковлик ҳам йўқ эмасди, лекин биринчи навбатда даҳшатли бир нарсадан юрагимни ваҳима босганди, буни мен биринчи дақиқадаёқ сезгандим. Бу – йигитнинг тепасида пайдо бўлган кўз илғамас қора булатлар ваҳимаси эди. Лекин бу ҳолатни бўлак-бўлак қилиб таҳдил қилиши мумкин эмас, сабаби, улар кутилмаганда, тўсатдан пайдо бўлиб, кишини қаттиқ исканжага олиб қолади, эҳтимол, менинг бу жўшқинлигим шунчаки ёрдам кўлинни чўзиш инстинкти бўлган бўлиши мумкин, автомобилга қараб югуриб келаётган болани ҳам шу тахлитда югуриб бориб кўтариб бир чеккага чиқариб қўядилар. Ўзи сузишни билмайдиган одамлар чўкиб бораётган одамни қутқармоқчи бўлиб, ўзларини сувга ташла-моқчи бўлганликлари сабабларини ҳам тушунтириб бўлармикин. Улар қалб амри билан иш кўрадилар. Бу куч уларни сувга ташлатади, бу ишлари нақадар хавфли ва беҳудалигини ўйлаб туришга ҳам имкон бермайди. Менам шундай, ўйламай-нетмай ўшанда унинг орқасидан қиморхона залидан вестибюлга чиқдим, ундан казино олдидаги майдонга югурдим.

Имоним комилки, сиз ҳам ва бошқа ҳар қандай сезгир одам ҳам шундай қилган бўларди, бунга мен аминман, чунки маstdай гандираклаб, худди кекса одамдай оёқларини судраб зинапояядан тушиб бораётган йигирма бешдан ошмаган бу ёш йигитнинг ҳолидан ҳам даҳшатлироқ бошқа бир манзарани киши тасаввур қилиши мумкин эмас. Пастга тушгач, гуп этиб ўзини ўриндиқча ташлади. Мени яна титроқ босди, чунки бу одамнинг ҳоли вой бўлганини яққол кўриб туардим. Жароҳатланган ёки ҳаётдан бутунлай умидини узган одамгина шундай йиқилади. Боши ўриндиқ суюнчигига қийшайиб, кўллари икки ёнига шалвираб тушган, чироқнинг хира нурида ўзини ўзи пешанасидан отган одамга

ўхшарди. Билмадим, кўз олдимда қаёқдан пайдо бўлди, лекин тўсатдан бу манзарани ушлаш мумкиндан бутун даҳшати билан намоён бўлди: кўзимга у ўзини-ўзи отиб қўйгандай кўринди; ёнида тўппончиши бор, эртага шу ёки бошқа бирон ўриндиқда қора қонига бўялган ўликни топиб олишади, деб негадир қаттиқ ишонгандим. У то жар тагига етгунча тўхтамай гизиллаб борадиган тош сингари йиқилиб тушганди; мен ҳеч қачон бир гавда ҳаракати билан бутун мажолсизлик ва изтиробни ифодалаб кўрса-тиш мумкиндири, деб ўйламасдим.

Мен бу шўрлик қимир этмай ётган ўриндиқдан йигирма ё ўттиз қадам нарида нима қилишимни билмай турадим, бир ёқдан, унга ёрдам бергим келса, иккинчи томондан, кўчада нотаниш одам билан гаплашишдан қўрқардим, шундай тарбия олганман ва бу нарса қонимда бор. Булутли осмон тагида неон чироқлар хира ёниб турар, онда-сонда лип этиб йўловчилар ўтиб қоларди; тун яrim бўлай деб қолгану, шу соядай қорайиб турган вужуд билан иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ. Беш-үн марта унинг ёнига боришга хезландиму, лекин ҳар гал уят, номус деган нарса мени бундан қайтариб турди, ё бўлмаса қандайдир сирли қўрқув бунга йўл қўймадими: жаҳаннамга қулаётган киши кўпинча уни қутқармоқчи бўлган одамни ҳам ўзига тортади, шу важдан бемаъни ва қизиқ аҳволга тушиб қолганимни ўзим ҳам билиб турадим, аҳволим танг эди. Гапимга ишонарсиз, деб ўйлайман, кўз етмас мовий денгиз вақт ўтаётганини билдириб тинимсиз шовуллаб туришига қарамай шу бир соат, узундан-узоқ шу бир соат ичида одамнинг маҳв бўлиш манзарасидан ҳайратга тушиб, нима қиласимни билмай ерга қадалиб тураверибман.

Бирон гап айтиш ёки чора кўришга жасорат қилолмасдим, ким билсин, туннинг қолган ярмини

ҳам шу турганча ўтказармидим, ёки андиша қилиб кетиб қолармидим, билмайман. Охирги қарорга келиб энди кетмоқчи бўлиб турганимда табиат кучлари бу ишга аралашиб, тараддудимга хотима берди, ёмғир бошланди. Бутун оқшом шамол денгиздан вазмин кўклам булуларини ҳайдаган ҳаво дим эди, осмон жуда пастлаб қолганлиги сезилиб туарди, тўсатдан ёмғир томчилади-да, унинг кетидан шамол жала ҳайдаб келди, жаладан қочиб ўзимни киоска бостирмаси тагига урдим, лекин зонтиларни тутиб олганимга қарамай, шиддатли қуюн кийимларимни шалаббо қилиб юборди. Ёмғир томчилари шиддат билан ерга урилиб совуқ сув тўзони юз-кўзларимга сачрарди.

Лекин ҳалиги фарид жала тагида, ўриндиқда қимир этмасди – бу шу қадар даҳшатли эдики, орадан йигирма беш йил ўтгач эсласам ҳам юракларим эзилиб кетади. Ҳамма тарновлардан қулқуллаб сув оқиб туар, шаҳардан извошларнинг гуриллаган овози эшитиларди, ўнг ва сўл томонда ёқасини кўтариб олган одамларнинг қораси кўриниб қоларди; жони бор нарсаки, яшириниш, чопиш, ўзини панага олиш пайдан бўлиб бошпана қидирарди, одамларнинг ҳам, ҳайвонларнинг ҳам бу қутурган табиий офатдан кўрқиб ваҳимага тушиб қолганлиги сезилиб туарди, фақат мана шу гужанак бўлиб ётган шарпагина қимир этмас, салгина бўлса-да, қўзғалиб қўймасди. Унинг кечинмаларини ҳаракат ёки нозик имо-ишоралар билан ифодалашидек сеҳргарлик фазилатига эга деб айтгандим, лекин ҳеч ким умидсизлик, тарки дунёчилик, тириклайн ўлишлик, ҳиссизлик, мажолосизлик, лоқайдликни ҳам бу қадар яққол ифода қилиб беролмасди. Бирон ҳайкалтарош, бирон шоир, на Микеланжело, на Данте бу қутурган табиий офатдан ўзини сақлаш учун заррacha бўлса-да, ҳаракат қилишдан ожиз, эзилиб етган шу тирик инсончалик мени ҳаяжонга

солған эмасди, ортиқ бардош беролмадим; шивалаб турган ёмғир остида отилиб унинг одига бордим-да, елкасидан тутиб: «Юринг!» – дедим. Хира кўзларида нимадир ялт этгандай бўлди-ю, қўлини сал қўмирлатиб қўйди, лекин гапимга тушунмади. Ҳўл енгидан қаттиқ тортиб, зарда аралаш: «Юринг!» – дедим. Шунда у секин, беихтиёр ўрнидан турди. «Нима дейсиз?» – деб сўраганди, мен нима деб жавоб беришмни билмай қолдим. Чунки уни қаерга олиб боришмни ўзим ҳам билмасдим, ишқилиб уни шу ердан, шу совуқ жаладан, умидсизликдан, бемаъни ўлимдан, ўз жонига ўзи зоминликдан нарироқ олиб кетиш эди ниятим! Унинг қўлини қўйиб юбормасдан, ихтиёрсиз бу гавдани нарироқча, киоска томон тортиб бордим. Киоска бостирмаси қутуриб савалаётган ёмғир ва шамолдан бизларни бир оз бўлса-да, пана қилиб турарди. Бошқа ҳеч нимани ўйламасдим, бошқа ҳеч қандай ниятим ҳам йўқ эди. Бу одамни бостирма тагига, қуруқроқ жойга обориб олсан бўлгани эди.

Икковимиз шу торгина ерда ёнма-ён турибмиз; орқамизда киосканинг ёпик қопқалари, тепамизда энсизгина бостирма, тўхтамай шиддат билан қуиб турган жала кийим ва юз-кўзларимизга совуқ ёмғир зарраларини уриб турибди. Аҳволимиз тобора оғирлашарди. Шалаббо бўлиб ивиб кетган бу бегона одам ёнида ортиқ туришимга ўзимни ноқулай сеза бошладим. Лекин бу ерга судраб келганимдан кейин бир оғиз ҳам гап айтмасдан ташлаб кетишм ҳам инсофдан эмасди. Нима бўлганда ҳам бирон иложи топилиши лозим эди, шу туфайли бу воқеага ақл кўзи билан қарашга ўзимни мажбур қилдим. Ниҳоят, энг яхиси, уни аравада уйига олиб бориб қўйиб, кейин меҳмонхонамга қайтарман, эртага ўз йўлинни топиб олар, дедим-да, ёнимда қўмир этмай зим-зиё қоронфиликка қараб турган одамдан:

– Қаерда турасиз? – деб сўрадим.

– Квартирам йўқ... Кечқурун Ниццадан келганман... Меникига бориб бўлмайди.

Унинг сўнгги сўзларини мен дарров тушунолмадим. Кейин билсам, у мени... фоҳиша деб, омади келган қиморбоз ёки бирон маст одамни авраб пул олиш ниятида кечалари казино олдида тўп-тўп бўлиб дайдиб юрадиган хотинлардан биттаси деб билган экан. Бошқа нима ҳам деб ўйлаши мумкин – ахволимнинг жуда гайритабиий ва хаёлийлигини фақат ҳозир, буларни сизга ҳикоя қилиб турганимда сезяпман, холос; дарҳақиқат, ўйламай-нетмай уни ўтирган жойидан турғизиб, орқамдан судраб келгандаги қўполлигим бамаъни хотин ҳатти-ҳаракатига сира тўғри келмасди-да. Лекин ўшандা бу ҳолда ўйламагандим; унинг мен тўгримда бу қадар хато фикрда бўлганини кейинчалик, жуда кеч пайқадим. Йўқса, ўртамиздаги англашилмовчиликни фақат беш баттар чуқурлаштириши мумкин бўлган сўзларни асло тилимга ҳам олмасдим. Мен унга:

– Бўлмаса отеддан бир хонали уй олиш керак. Бу ерда қолишингиз мумкин эмас, бирор бошпана топишингиз керак-ку, – дедим.

Унинг даҳшатли ҳатосини шундан кейингина тушундим, нега десангиз, у ҳатто юзини менга ўгирмасдан мазахнамо:

– Йўқ, менга хонанинг кераги йўқ, умуман, ҳеч нарса керак эмас, овора бўлмай қўя қол, мендан ҳемири ҳам чиқмайди. Манзилдан янглишибсан, менда пул нима қиласди, – деб жавоб берди.

Усти боши шалаббо, ўлгудай хароб ҳолда шалвираб, деворга суюниб турган бу одам шунақанги бепарволик билан айтдики, мен ҳатто бачканалик, тентаклик қилиб ундан хафа бўлишга ҳам улгуромай қолдим, изтиробим шу қадар ошиб-тошганди, мени биринчи дақиқадаги, у залдан гандираклаб

чиққандаги ҳис-туйғуларим қамраб олган бўлиб, бу туйғу то сўнгти даҳшатли соатгачайин мени тарк этмаганди: нафас олиб турган ёш жонивор ажал гирдобига тушиб қолгану, уни омон сақдаб қолишим керак эди. Унга яна ҳам яқинроқ бориб:

– Пулдан ташвишланманг, юринг. Бу ерда қолишингиз мумкин эмас, бир амаллаб жойлаб қўяман, ҳеч ниманинг ташвишини қилманг, лекин тезроқ юринг, – дедим.

У бошини менга ўғирди, ёмғир шивалар, тарновлардан оёқларимиз остига сув оқиб тушарди, қоронфида биринчи марта юз-қўзларимга қарамоқчи бўлганини пайқадим. У сакта касалидан секин-аста қутулиб кўзи очилаётгандай қимиirlаб қўйди.

– Ихтиёринг, – деди бўшашиб, – менга бари бир. Хўп, бўпти, юр, кетдик.

Мен соябонимни очгандим, ёнимга келиб билагимдан тутди. Тўсатдан бундай бетакаллуфлик қилгани фашимни келтирди, даҳшатга солди, қўрққанимдан юрагим зирқирагандай бўлди. Унга танбеҳ беришдан қўрқардим, агар уни ҳозир ўзимдан нари итарсан ҳалок бўлиб кетиши турган гап эди, бутун қилган ҳаракатларим бехуда кетарди.

Биз казинодан бир неча қадам нари кетдик. Шунда бошимга хўш, ундан кейин нима қиламан, деган хаёл келди. Яххиси, дарҳол уни бирор отелга олиб бориб қўлига пул қистираман, тунаб чиқсин-да, эртасига уйига жўнаб кетсин, деган қарорга келдим; ундан нарёғи нима бўлишини ўйламадим ҳам. Казинога кетма-кет экипажлар келиб турарди, ўшалардан биттасини чақирдим, иккаламиз чиқиб ўтиридик, кучер қаёққа, деб сўрганди, дастлаб нима дейишимни билмадим. Бу аҳволдаги ҳамроҳимни қиммат меҳмонхоналардан биронтаси ҳам олмаслигини билардим, бунақа ишларда суюгим қотмагани ва аҳволимнинг ноқулайлигини ўйлаб ҳам ўтирмай кучерга:

– Мундоқроқ бирон меҳмонхонага, – дедим.

Кучер парвойи фалак отларини ҳайдаб кетди. Ҳамроҳим миқ этмай бораради; арава гилдираклари гулдурап, ойнасини ёмғир саваларди. Тобут сингари бу тор эшикка қамалиб, ўликни олиб кетаётгандай ҳис қиласадим ўзимни. Ақли ҳушимни йифиб, бу оғир сукунатта барҳам бериш ниятида бирон нима демокчи бўлардиму, лекин калламга ҳеч гап келмасди. Бир неча дақиқадан кейин извош тўхтади. Оддинроқ тушиб, ҳамроҳим уйқусираб арава эшигини ёпгунча кучернинг ҳақини тўладим. Қарасам, нотаниш кичик бир меҳмонхона олдида турибмиз; торгина шиша бостирма зим-зиё тунни қийқимлаб, шивалаб ёғиб турган ёмғирдан бизни пана қилиб турарди.

Ҳамроҳим ўз танасининг вазминлигидан мажоли қуриган одамдай деворга суюниб турар, ҳўл бўлиб кетган шляпаси билан ғижимланган кийимларидан сув томчиларди. Гўё ҳозиргина уни ариқдан тортиб олишгану, ҳали ҳушига келмагандай эди.. Оёғи остида сув худди ариқдай оқар, у эса ҳатто силкиниб қўйишга, бошидан шляпасини олишга ҳам ҳафсала қиласди, унинг парвойи фалак эди. Бу одамнинг дилхасталиги мени қанчалик ҳайратга согланини баён қилиб бериш ҳали ҳам қўлимдан келмайди.

Лекин бирон тадбир кўриш керак эди.

– Мана сизга юз франк, бир хонали уй олинг-да, эрта билан Ниццага қайтиб кетинг, – дея сумкамдан пул олиб узатдим.

У таажжубланиб менга қаради.

– Қиморхонада сизни кузатиб тургандим, – деб сўзимни давом эттирдим унинг тараддувланиб қолганини пайқаб. – Бор-будингизни бой берганингиздан хабарим бор, бирон тентаклик қилиб қўймасангиз, деб қўрқяпман. Бирордан ёрдам олишнинг ҳеч бир уятлиги йўқ! Мана, олинг!

Лекин у қўлимни шартта итариб юборди.

– Офарин сенга, – деди у, – лекин пулингни шамолга совурма. Менга энди ҳеч қандай ёрдамдан фойда йўқ. Бугун тунда ухлайманми, ухламайманми, эртага бари бир ҳаммаси тамом бўлади. Менга энди ёрдамдан наф йўқ.

– Йўқ, бундай деманг, олинг, – деб қистаб туриб олдим. – Эртага бошқача ўйлайсиз, ҳозир юқорига чиқингда, тўйиб ухланг. Кундуз куни ҳамма нарса қўзингизга бошқача кўринади.

Шундай деб унга пул узатгандим, дарғазаб бўлгандай қўлимни итариб ташлади.

– Кўйсанг-чи, фойдаси йўқ деяпман-ку! Қоним билан одамларнинг уйини булғатгандан кўра, кўчада... бўлгани яхши. Юз франк билан мен нажот топмайман, минг франк ҳам менга ҳеч гап эмас. Бари бир, эртага яна казинога бораман-да, ҳаммасини бой бергунимча ўйнайман. Янгидан бошлашнинг нима кераги бор? Бўлди, тўйдим.

Бу дилхаста юрагимни қанчалик ларзага солганини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ёнингизда чиройли, келишган йигитча сиз билан ҳамнафас бўлиб турса-ю, озгина бепарволингиз туфайли бир неча дақиқадан сўнг бу нафосат рамзи оламдан бутунлай кўз юмса. Шу онда мени мана шу беҳуда қаршиликни енгиш истаги – фоят зўр ва шиддатли истак қамраб олди. Шартта қўлидан тутиб:

– Бас! Юқорига чиқиб бир хонали уй олинг, эрталаб сизни вокзалга ўзим олиб бориб қўяман. Бу ердан жўнаб кетишингиз, эртагаёқ уйингизга жўнаб кетишингиз керак, қўлингизга билет тутқазиб, поездга ўтиргизиб қўймагунимча кўнглим тинчимайди, – дедим. – Арзимаган бир неча минг франкни бой бериб, аламига ўз жонига қасд қилиш сиздай ёшларга асло ярашмайди, бунинг отини

күркөклик, жазава, бемаънилик ва жаҳолат дейдилар. Гапларим қанчалик ҳақ эканлигига эртага ўзингиз ҳам тан берасиз.

– Эртага! – ғамгин истеъзо билан такрорлади у.
– Эртага... Эртага қаерда бўлишимни билсанг эди! Қанийди буни ўзим ҳам билсам, аломат иш бўларди, йўқ, азизим, уйингга боравер, овора бўлма ва пулни бекорга совурма!

Бироқ мен бўш келмадим. Жазавам тутиб, қандайдир савдойи одамдай бўлиб қолгандим. Қўлидан қаттиқ ушлаб банкнотлар тутқиздим.

– Пулни олиб, дарҳол юқорига чиқасиз, – дедим-да, шартта қўнғироқ ёнига бориб, уни чалдим. – Ҳозир дарбон чиқади, сиз юқорига чиқиб ухлайсиз, эртага эрталаб роса соат тўққизда сизни шу ерда кутаман, вокзалга олиб бориб қўяман. Бошқа ҳеч нимани ташвиш қилманг, уйингизга етиб оласиз, ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Энди чиқиб, тўйиб ухлашингиз керак. Бошқа ҳеч нимани ўйламанг!

Шу пайт чиқ этиб эшик очилди.

– Юр, – деди қатъий оҳангда ҳамроҳим тўсатдан зарда билан. Бир вақт унинг бармоқдари темир ҳалқадай қўлимни қисиб олганини сезиб қолиб, кўрқиб кетдим. Шу қадар қаттиқ кўрқдимки, бир нимадан гаранг бўлгандай ақдим хирадашди, қаршилик кўрсатмоқчи, унинг қўлидан чиқмоқчи бўлдим, лекин ихтиёrim қўлимдан кетганди, шу билан мен... сиз аҳволимга тушунасиз... мен... ахир бу бегона одам билан қандай қилиб олишиб ўти-рардим, бизларнинг ичкарига киришимизни кутиб эшик олдида турган дарбондан уялардим-да. Шу билан... меҳмонхонага кириб қолдим. Бир нима демоқчи, тушунтиromoқчи бўлдим. Лекин бир сўз ҳам айттолмадим; у оғир қўлини қўлимга қўйиб олганди... у мени зинапоядан олиб чиқаётганини фира-шира сезардим... калитнинг шарақдаган овози эштилди.

Бу бегона одам билан ёт бир хонада, ҳозиргача ҳам номини билмайдиган қандайдир меҳмонхонада иккимиз ёлғиз қолдик.

К. хоним яна жим қолди-да, сўнг ўрнидан турди. Унинг сирларини овози очиб қўйгандай эди, у дера-за ёнига бориб, бир неча дақиқа сукут сақлаб кўчага қараб турди, эҳтимол совуқ дераза ойнасига пеша-насини тираб тургандир, қарашга ботинолмадим, кекса хотинни бундай ҳаяжонда кўришдан хижолат тортиб, қимир этмай, савол ҳам бермай, бир оғиз сўз ҳам айтмай кутиб ўтирдим. Бир вақт кресло ёнига қайтиб келиб, бамайлихотир қаршимга ўтирди.

– Ҳа, энг қийинини айтиб олдим-а. Агар муқаддас билган нарсаларим – номусим ва болаларимни ўтарга қўйиб, шу дамгача бу бегона одамга яқинлашиш хаёлимга ҳам келмаганини, теп-текис ҳаёт йўлимга қўйилган тузоқقا илингандай, ўз ихтиёrimдан ташқаригина эмас, бутунлай беҳуш ҳолда бу аҳволга тушиб қолганимни изҳор этсан, такрор қасам ичсан сўзимга ишонарсиз, деб умид қиласман... сўзим бошида ўзимга ҳам, сизга ҳам чин кўнгилдан очиқ гапиришга қасамёд қиласман. Шу сабабдан такрор айтаман... дилимга маҳкам жо бўлиб олган ёрдам кўрсатиш истаги туфайлигина мен бу фожиа гирдобига тушиб қолгандим; ҳеч қандай шахсий ҳис-туйғулар ёки майллар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди.

Ўша хонада, ўша тун нималар кечганини ҳикоя қилишдан мени озод қиласиз. Ҳаммаси эсимда қолган, ҳеч бирини ёддан чиқаргим келмайди. Ўша куни туни билан мен бу шўрликнинг ҳаёти учун у билан хўп курашиб чиқдим. Такрор айтаман, гап ҳаёт-мамот устида борганди. Сувга чўкиб бораёт-ганинг умиди чўпда бўлгани сингари, ўлим ёқасига бориб қолган бу одамнинг ҳам ўлиб-тирилиб тирмашаётганини аниқ сезиб турадим. Жаҳаннамга

құлаб бораётган бу кимса бутун жон-жаҳди билан менга ёпишиб олаётганди. Мен бўлсам бор кучими, бутун борлиғимни ишга солиб уни қутқариш пайидан бўлардим. Бундай соатлар ҳаётда фақат бир марта, ўшанда ҳам миллионларча одамларнинг фақат биттасига насиб бўлади; шу мудҳиш воқеа бўлмаганда, қатордан қолиб расво бўлган одамнинг қизғин ҳаётининг сўнгги томчи лаззатидан нақадар ташналиқ билан титраб-қақшаб баҳра олишини бир умр билмай кетардим; мен шу дамгача турмушнинг қора кучларидан бехабар келаётган маҳдуқ эдим, шу мудҳиш воқеа бўлмаганда, табиатнинг олов билан музни, ҳаёт билан мамотни, шодлик билан дард-аламни бир нафасда ғоят зўр куч ва ажойи-ботлик билан бир-бирига жамлаш қудрати борлигига сира ақдим етмай, дунёдан ўтиб кетардим. Бу кураш сўз ва эҳтиросга, ғазаб ва нафратга, кўз ёши тўкиб ёлворишилару маст-аластликларга шу қадар бой эдикни, назаримда, ўша тун минг йилдай туюлди. Бизлар жаҳду жадал билан орқа-олдини ўйламай ўзимизни жаҳнанам қаърига ташладигу, бу ажал бағридан онадан тугма бўлгандай янги ўй-фикрлар, янги ҳис-туйғулар билан чиқдик. Лекин мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Бирон ҳолатни таъриф қилиш қўлимдан келмайди, таъриф қилмайман ҳам. Фақат ўйқудан кўз очганимдаги дастлабки дақиқа ҳақида гапирмоқчиман. Оғир тушдан уйғониб, илгарилари асло бошимдан кечирмаган тубсиз тун кишинларини устимдан олиб ташладим. Анчагача кўзимни очолмай ётдим, дастлаб кўзимни очиб кўрган нарсам бошим устидаги бегона шифт бўлди, кейин нотаниш, қандайдир исқирип бир хонанинг чизиқ ва бурчаклари кўзимга кўринди, бу ерга қандай келиб қолганимни ҳам ўзим билмасдим. Дастлаб, бу тушим, шунчаки енгил-елпи тушим бўлса керак, деб ўзимга-ўзим тасалли бермоқчи ҳам бўлдим, ўша

диққинафас, чалкаш воқеадан кейин шундай туш кўрган бўлсам керак, деб ўйладим; деразадан кўзни қамаштирадиган қуёш нурлари тушиб турарди, пастдан кўча шовқини, фидирак овози, трамвайлар қўнғироғи ва одамларнинг овозлари эшитилиб турарди. Шундан кейин уйқуда эмаслигимни, булар ҳаммаси ўнгим эканини сездим. Қаердалигимни эслаш ниятида беихтиёр жойимдан қўзғалдим, бир вақт, – шу пайт кўнглимни қандай даҳшат қамраб олганини мен сизга ҳеч ҳам тасвиirlаб беролмайман, – кенг каравотга, ёнимда ётган бегона одамга бутунлай бегона, нимяланғоч ётган нотаниш бир одамга кўзим тушди...

Йўқ, бу даҳшатни тасвиirlашдан тилим ожиз. Ҳолдан кетиб, бошимни яна ёстиққа қўйдим. Лекин бу нажотбахш ҳолсизлик беҳушлик эмасди, аксинча, шу зум бошимдан кечган бутун даҳшат-ваҳшатлари ёдимга тушди-ю, бу шармандалик ва ифлослиқдан ўлимни афзал кўрдим. Нима бўлиб мен бу фисқ-фужур кимса билан ётибман! Шу он юрагим уришдан тўхтаб қолгани аниқ эсимда, нафасимни ҳам ютдим. Бу билан гўё умримга яқун ясаб, онгимни, аниқ-равshan, ўлгудай равshan онгимни ҳамма нарсага тушуниб турган бўлса-да, лекин бирон маъни сига етолмай қолган онгимдан ранжидим.

Шу тахлит донг қотиб қанча турганимни бир умр билолмасам керак, – назаримда, мурдалар тобутда шундай ётишса керак, – мен фақат кўзимни юмиб парвардигорга, фалак кучларига ёлвориб, илойим бу тушим бўлсин, хаёлим бўлсин, деб тилак тилағанимни биламан, холос. Лекин таранг тортган туйгуларимнинг алданиши мумкин эмасди. Қўшни хонадаги одамларнинг овози ва сувнинг шалоплашини эшитиб турардим, йўлакда қадам товуши эшитилди, бас, булар барчаси ҳақиқат, бераҳм ҳақиқатлигидан далолат бериб турарди.

Бу изтиробли ҳолат қанча давом этганини айтиш маҳол. Бундай кезлар вақт секин ўтади. Лекин тўсатдан товонимдан кириб, миямдан чиқувчи, муздай совуқ, бошқа бир даҳшат қамраб олди мени: «Бу бегона одам уйкудан уйғониб, мен билан гаплашиб қолмаса гўргайди!» – деб юрагимни ваҳм босди. Шу важдан уйғонмасдан кийиниб қочишим кераклигини, ортиқ унинг кўзига кўринмаслигим, у билан гаплашмаслигим, фурсатни бой бермай қочиб қолишим лозимлигини тушундим. «Қоч тезроқ бу ердан. Ўз ҳаёт йўлингга, ўз меҳмонхонангга бориб ол, биринчи поезд билан бу лаънати жойдан, бу юртдан йўқол! Энди у билан учрашма, гувоҳ, айбловчи ва шерик орттирма!» Шу фикр менга куч бағишлади: авайлаб, эҳтиётлик билан пусиб худди ўғри одамдай дюймма-дюйм ҳаракат килиб (уйғотиб қўймасам гўргайди), каравотдан кийимларим турган жойга бориб олдим. Аъзойи баданим қалт-қалт титраб, уйғониб қолмасайди, дея жуда эҳтиёткорлик билан кийиниб оёқ учida юриб бориб энди каравотнинг оёқ томонидаги шляпамни оламан, дегандим ҳамки, бехосдан... мен бошқача қилишга ҳеч иложим йўқ эди: ҳаётимга худди карниздан тушган гуваладай қулаган бу одамнинг юзига яна бир бор, факат бир мартагина кўз ташлагим келди; энг қизизи шундаки, уйқуга гарқ бўлиб ётган бу йигит, дарҳақиқат, менга бегона эди; дастлаб мен унинг юз-кўзидан ҳам танимадим. Ҳирсият-ла буришган, чангак бўлиб қолган кечаги юзлари силлиқ тортган, юз-кўзлари бутунлай бошқача, болаларга, гўдакларга хос маъсум ва беғубор, кечаги дам-бадам тишланиб, қисилган лаблари мулоим, хаёлчанлик билан очилиб кулимсирагандай; жингалак-жингалак оқ малла соchlари текис пешанасига тушиб, бир маромда нафас олиши ўйноқи тўлқиндай кўкрагини дам-бадам тўлдириб турарди.

Эсингиздами, сизга бу йигитнинг жон-жаҳди билан қимор ўйнаши юз-кўзларидан баралла кўриниб турарди, мен шу пайтгача бундай қиморбозни умримда учратган эмасман, дегандим, энди эса шу нарса аён бўлдики, ухлаётган фаришталарда ва бегуноҳ норасидаларда ҳам бу қадар нурафшон, роҳат-таскин ифодасини кўриш мумкин эмасди. Энг нозик ҳис-туйғуларни ўзида мужассам этган бу чехра шу лаҳза жамики дарду аламлардан халос бўлгандай эди. Кутимагандা содир бўлган бу манзарани кўрганимда ҳамма даҳшат ва хавотирликлар гўё вазмин қора плаш сингари устимдан сидирилиб тушгандай бўлди – энди ортиқ уятни йиғиштириб кўйдим, ҳатто унутиб ҳам кўйдим. Ақл бовар қилмайдиган мудҳиши нарсалар тўсатдан маъно касб этди. Ўзимни қурбон қилмаганимда, мана шу кўз ўнгимдаги гунчани – бегам, тинч чўзилиб ётган нозик, сўлим ёш йигитни бирон қоя тагидан қип-қизил қонига беланган ҳолида, юзлари дабдала, кўзлари косасидан чиқиб кетган ҳолида топиб олишармиди, деган фикр хаёлимдан кечганида бағри дилим шодликка тўлиб, гурур ҳисси чулраб олди вужудимни; у ҳалокатдан қутулиб қолди, уни бу ҳалокатдан мен кутқардим. Парвойи фалак ухлаб ётган бу йигитга худди она назари билан қараб турардим (бошқача деб айтишга одам ожизлик қиласди), уни мен ўз болаларимни туққандагидай ҳам минг чандон кўпроқ қийноқ тортиб, онадан янги туғма бўлгандай ҳаётта қайтардим. Бу қулоқча кулгили бўлиб туюлиши мумкин, лекин бу қоронги босган хонада, хунук, ифлос меҳмонхонада ўзимни гўё ибодатхонада сезгандай бўлдим, мени мўъжиза ва муқаддас туйғулар қамраб олгандай эди. Бу мудҳиши дақиқадан жуда ажойиб, мунаvvар бир бошқа ҳаёт пайдо бўлгандай бўлди назаримда.

Бирон нарсага тегиб кетдимми, ё бехосдан бирон сўз дедимми, йигит бир вақт кўзини очди. Кўрқقا-

нимдан бир сапчиб тушдим. У ҳам мен сингари зилдай оғир ва даҳшатли тушини устидан силкиб ташлагандай ҳайрон бўлиб тўрт томонга қаради. Шу ҳайронликда бу бегона хонага олазарак кўз югуртириб чиқди-да, яна шу ҳайрат билан менга қараб қолди. Лекин у оғзини очмасдан мен ўзимни ўнглаб олгандим: ишқилиб унга оғиз очиртираслик, ҳеч қандай саволу бачканаликка йўл қўймаслик, кеча ва бугун тунда юз берган ҳодисалардан оғиз очмаслик пайидан бўлдим!

– Мен кетишим керак, – дедим шошилиб. – Сиз кийининг; соат ўн иккода казино эшиги олдида учрашамиз, кейин у ёғини ўзим бир иложини қиласман.

Шундай дедиму, жавобини ҳам кутмай кўрарга кўзим қолмаган бу хонадан ташқарига интилдим; у ердан орқамга қарамай югуриб чиқиб кетдим. Туни бирга ўтказган бу кишининг исмини билмаганим сингари, бу меҳмонхонанинг ҳам номини билмасдим. К. хоним бир дақиқа ҳикоясидан тўхтади. У яна гап бошлаганди, овозида ортиқ изтироб сезилмади. Тепаликка қийинлик билан кўтарилиб, пастга енгил ва тез тушиб борган арава сингари сўzlари бемалол ва равон қуишиб турарди.

Тонг нурлари сочилиб турган кўчалардан ўтиб, ўз меҳмонхонамга қараб югуриб кетдим; кечаги жаладан кейин ҳаво мусаффо, нафас олиш беҳад енгил эди. Боя айтганимдай: эrim вафот қилгандан кейин мен ҳам ҳаётдан совигандим; болала-рим менга муҳтож эмасди, ўзим ўзимга оғир келиб қолгандим, муайян бир мақсад бўлмагандан кейин ҳар қандай турмуш ҳам кишига бемаъни нарсадай бўлиб қолади. Энди бўлса, биринчи марта зиммамга шундай вазифа юкланган эди: мен бу одамни кутқарпакнман, бутун иродамни ишга солиб, уни ўлим чангалидан олиб қолдим. Яна баъзи бир тўсиқларни енгсам, мақсадимга етардим. Меҳмонхонамга югу-

риб келганимни кўриб дарбон ҳайрон бўлди; ахир мен хонага эрталаб соат тўққизда қайтиб келгандим-да; лекин бўлиб ўтган воқеадан унча қайғурмадим, на номус ва на пушаймон қийнади бағримни. Аксинча, яшамоқ истаги, кимгадир керагим ҳам бор экан-ку, деган ички энтикишдан қоним қизиб ҳаяжонга тушдим.

Хонамга кириб шошилинч кийимларимни алмаштирдим, беихтиёр, мотам кийимимни ечиб (буни кейин билдим), оқ кийиндим, пул олиш учун банкка, кейин поезд қачон келишини билиш учун вокзалга бордим; бундан ташқари яна баъзи бир ишларимни ҳам зўр иштиёқ билан битказдим. Тақдир қучогимга отган бу кишини эсон-омон жўнатиб юборсам бўлганийди.

Лекин у билан учрашиш осон эмасди, нега деганда, кечаги ҳодисалар қоронги кечада, шалола қўпшиб ташлаган икки тош тўсатдан келиб бир-бирига урилгандай гирдоб ичида содир бўлганди; бир-биримизни; тузукроқ кўрмагандик ҳам, шу сабабли мени танишига имоним комил эмасди. Кечаги бу бир кўр-кўrona ҳодиса, зўр ҳаяжонда қолган икки кишининг маст-аластлиги, мажнунлиги, бугун эса ўзимни унга кечагидан кўпроқ очиб таништиришим, мана шу аёвсиз ёғилиб турган кун ёғдусида унинг кўз олдида қандай бўлсам шундай – жонли бир аёлдай намоён бўлишим лозим эди.

Лекин бу нарса мен ўйлагандан осонроқ кўчди. Тайинланган соатда казино ёнига келдим, йигит сапчиб ўрнидан туриб, шошиб мен томон келаверди, унинг ҳамиша дадил ҳаракатларида қанчадан-қанча шодиёна таажжуб, гўдакларга хос соддалик сезилиб турарди! У келиб ўзини менга отди, унинг кўзларида шодлик, айни замонда эҳтиром ташаккурлари чақнаб турарди, бу кўзлар менинг хижолат бўлганимни кўрганида уялинқираб

ерга қадалди. Инсонларда бундай ташаккур изҳори камдан-кам учрайди, энг миннатдор бўлғанлари эса ташаккур изҳор қилгани сўз тополмай қолишади; улар хижолат тортиб туриб қоладилар, ҳис-туйғуларидан ўзлари уялиб, уларни яшириш ниятида кўпинча пала-партиш гапириб юборадилар. Лекин худо сеҳргар ҳайкалтарош сингари қалбидаги түғён ураётган ҳамма ҳаракатларни жуда яққол, сезиларли ва чиройли ифодалаш истеъоди ато қилган бу одамнинг бутун вужудидан оташин ташаккури ёғилиб туради. У кўлимга норасида бошини камоли эҳтиром билан эгиб, бармоқдаримга лабларини сал теккизаркан, бир дақиқа тош қотгандай бўлди, сўнгра тисарилиб, ҳол сўради: унинг сўзларида, кўз қарашларида шу қадар камтар эҳтиром ҳислари сезилиб турадики, бир неча дақиқа ичida ҳамма шубҳаларим тарқалиб кетди. Нур бўлиб сочилган бу ҳис-туйғуларнинг инъикоси сингари борлик зулматдан халос бўлиш шарафига шодиёна қилгандай бўлди: кеча қовоқ солиб, даҳшат туғдирган денгиз бугун тиниб-тинчиган, енгилгина мавжланиб турган сув остидаги ҳар бир тош оқарип кўриниб туради; жаҳаннам қаъри бўлган бу казино ўз мавритания фронтомларини пўлат янглиф мусаффо осмонга чўзиб туар, кеча биз жаладан қочиб бошпа-на топган киоскада бўлса гул дўкони очилиб, унда кўм-кўк майсалар орасида уйилиб ётган оқ, қизил, сариқ гуллар, гунчаларни олачипор қўйлак кийган ёшгина бир қиз сотиб туради.

Мен унга кечроқ бирор ресторанда бирга овқат-ланишни таклиф қилгандим, ёш йигитча у ерда ўзининг фожиали саргузаштини ҳикоя қилиб берди. Мен дастлаб кўйк мовут устидаги титраб-қалтираб турган қўлларини биринчи дафъа кўрганимда нима хаёл қилган бўлсан, ҳикояси шу тахминларимни батамом тасдиқлади. Насл-насаби галициялик қадимий поляк оқсуякларидан экан. Ота-онасининг

истаги билан уни дипломатлик хизматига тайёрлаб келишаётган экан. Венада таҳсил олиб, бундан бир ой муқаддам биринчى имтиҳондан муваффакиятلى ўтган экан. Шу кунни нишонлаш ниятида амакиси (у генерал штаб-офицери бўлмиш амакисиникида истиқомат қилиб тураркан) уни Пратерга ўзи билан бирга олиб кетибди-да, сўнг пойгага боришибди. Амакисининг омади келиб уч бор қаторасига ютиб олибди; сўнгра бир пачка ютуқ пулни ёнларига солиб, ҳашаматли бир ресторанга боришибди. Эртасига имтиҳонни яхши топширгани учун бўлғуси бу дипломатга отаси бир ойлик моянасини юборибди, икки кун илгари бу пуллар унга жуда кўп кўриниши мумкин эди. Лекин энди осонгина мўмай пул ютиб олишганларидан кейин, отасининг юборган пулинин назарига ҳам илмабди. Тушки овқатдан кейин у яна пойгага бориб, у ёқ бу ёқни ўйламай, қизиқиб кетганидан қиморга пул тикаверибди, бир вақт омади келибми ёки шўри қурибми, пойга охиригача Пратерда бўлиб отасидан олган пулинин уч баравар кўпайтирибди. Шу-шу қиморга берилиб, тўғри келган жойда: ипподромдами, қаҳвахонадами, клублардами қиморга муккасидан кетиб вақти, куч-қуввати, асабларини, энг муҳими, пулинин бой берибди. Шу даражага етибдики, қимордан бошқа нарса миясига кирмайдиган, энг муҳими, тизгинини ушлаёлмайдиган бўлиб қолибди: бир кун кечаси клубда бор-будини бой бериб, уйига қайтиб, ечинаётганида ёнидан фижимланган бир қофоз пул топиб олибди. Юраги ҳовлиқиб, яна дарҳол кийиниб кўчама-кўча кезиб, қандайдир бир қаҳвахонада доmino ўйнаб ўтиришган икки-уч қиморбозни топиб, улар билан тонг оттирибди. Бир марта у судхўрлар қўлига тушиб қолганида эрга чиққан синглиси унинг қарзини тўлаб қутқариб олган экан; судхўрлар машҳур аристократ оила меросхўрига жон деб

қарз беріб туришаркан. Шундан кейин аввалига омади юришибиди-ю, лекин күп ўтмай баҳт ундан юз ўғириб, күпроқ бой берган сари муҳлати ўтган тилхатларни қутқариб олиш ва қарзларини тұлаш учун мұмайроқ ютуқ унга шунча зарур бўлаверибди. У соати, костюмларини аллақағон гаровга қўйиб, пировардида, энг даҳшатли қадамдан ҳам ўзини тиёлмай, кекса холасининг шкафидан камдан-кам тақиб юрадиган марварид зирағини ўғирлабди. Бирини катта пулга гаровга қўйиб, ўша қуниёқ тўрт баравар кўпига ютиб олибди. Лекин гаров пулни тўлаб, зиракни олиш ўрнига яна ҳамма пулни гаровга тикиб ютқизибди. Зиракнинг ўғирлангани ҳали ошкор бўлмаган экан, иккинчи зиракни ҳам гаровга қўйибди-да, тўсатдан юраги ҳовлиқиб кетиб, тилаб юрган бойлик қўйида Монте-Карлога поездда жўнаб қолибди. У жомадони, кийим-бошлари ва соябонини сотиб бўлган; тўрт дона ўқи бор тўппончаси билан уни чўқинтирган княгина X. тортиқ қилган тошли кичкинагина хочдан бошқа ҳеч вақоси қолмаган экан. Бу хочни сотишга анча вақтгача кўзи қиймасдан, ниҳоят, уни ҳам кечқурун ҳаёт-мамот ўйинининг ҳузурини тотиб кўриш ниятида эллик франкка сотган экан.

Мана шу воқеаларнинг ҳаммасини у жуда жонли ва мароқли қилиб ҳикоя қилиб берди. Мен ҳам унинг гапларини ҳаяжонланиб эшилдим. Рўпарамда ўтирган бу одам аслини суриштирганданда ўғрилигини билсан ҳам, лекин унга аччик қилишни хаёлимга ҳам келтирмадим. Ўтмишига гард юқмаган, ўз даврасида, тенгқурлари орасида зодагонларнинг расм-русумларига қаттиқ амал қилишни талаб қилиб келган мендай хотинга кеча бирон киши ўғлинг тенги одам билан, яна бунинг марварид зирак ўғирлаган одам билан апоқ-чапоқ, ҳамсуҳбат бўласан, деганда уни жиннига чиқаардим. Лекин бу

йигит ҳикоя қилаётганда мен ҳеч қандай қўрқинч сезмадим, у жиноятни эмас, балки шунчаки бирон касални, алаҳсираб айтилган гапларни тасвирлаётгандай сўзлари жуда табиий, ишонарли эди. Шуниси ҳам борки, мен сингари кутилмаганда бундай зўр ҳаяжонни бошидан кечирган одамга «мумкинмас» деган сўзнинг ҳеч бир маъниси қолмаган эди. Мана шу ўн соат ичида ҳаётни осойишта ўтган қирқ йиллик умримдагидан кўра кўпроқ билиб олдим.

Лекин мана шу арзи ҳол вақтида бошқа бир нарсадан: қиморбозлигини ҳикоя қилаётганда кўзларининг худди иситмалагандай чаракдаб кетишидан юрагимга ваҳима тушди. Юзи гўё электр токидан титрагандай эди, назаримда. Бирор саргузашти эсига тушиб қолса, бас, ҳаяжони кучайиб, қиморнинг ҳамма алам ва ҳузурлари ҳаракатларида яққол акс этиб турарди. Беихтиёр нозиккина бармоқди чиройли қўллари, асабий қўллари, худди овчилар изига тушган ҳайвонлар сингари кўк мовут тортилган стол устидагидай дастурхон устида бесаранжом бўлиб қолди; ўзи гапириб турибди-ю, қўллари бирдан қалтираб-тиришиди, кейин яна ёзилиб, яна бир-бирига чангакдай ёпишиб олди. Гавҳарни ўғирлаганини айтганида сесканиб кетдим, унинг қўллари тўсатдан сапчиб, шошилиб бир нимани ушлагандай бўлди. Бармоқлари гавҳар устига ташланганини кўрдим, яққол кўрдим, кафти бўлса худди гавҳарни ютиб юборгандай бўлди. Шундан кейин бу одам бутун вужуди билан қиморга берилганини тушундиму, даҳшатга тушдим.

Унинг ҳикоясида мени даҳшатга солган нарса табиатан парвойи фалак, софдил бу ёш йигитнинг ҳалокатли ҳирсиятга қулдай тобе бўлиб қолганлиги эди. Тақдирнинг менга дучор қилган бу осий бандасидан ҳар қадамда бир вассваса учраб турадиган Монте-Карлодан дарҳол жўнаб, гавҳар ўғирлагани ҳали очилмасдан, ўзини шармандаи шармисор бўй

лишдан сақлаб қолиши учун тезда ота-оналари ёнига бориши кераклигини дүстона илтимос қилиб ёлвордим. Йүлкирасига ва гавҳарни гаровдан қутқарип олишига пул беришга ваъда қилдим, лекин шу бугуноқ жүнаб кетиб, бундан бүён қўлига қарта олмасликка ва умуман ҳеч қандай қимор ўйнамасликка қасамёд қилишини шарт қилиб қўйдим. Бу асов одамнинг аввал итоатгўйлик билан, сўнгра юз-кўзлари ёришиб, оташин ташаккур изҳор қилгандай гапимга қулоқ солиб, унга ёрдам беришга ваъда қилганимда гапларимни худди ташна одамдай ютиб тургани асло-асло ёдимдан чиқмайди; бир вақт тўсатдан стол устидан қўлини узатиб, менга аҳди паймон қилгандай, иззат-икром билан қўлимни ушлади. Унинг оппоқ, одатда бир оз хира кўзларида ёш кўринди, ҳаяжони ва бахтиёрглигидан бутун гавдасига титроқ кирди. Мен унинг жуда сермазмун ҳаракатлари ва юз-кўз ифодаларини сизга тасвирлаб беришга бир неча бор уриниб кўрдим, лекин ўша дақиқадаги кўз қарашларини тасвирлашга ҳануз ожизман; унда шу қадар мамнунлик, шу қадар шавқ-завқ туйғулари жўш уриб туардики, инсон боласининг юзида бундай туйғулар камдан-кам на-моён бўлади; уни баъзан уйқудан кўз очганингда, лип этиб ўтиб кетадиган оқ соя билан тенглаштирса бўлади, бундай ҳолларда фариштанинг юзини сал кўриб қолгандай бўласан киши.

Яширмайман: унинг қарашларига бардош беролмадим. Ташаккур ҳамиша дилга шодлик бағишлияди, унинг бундай ёрқин ифодасини кўриш эса камдан-кам кишига насиб этади, босиқ ва хушёр бўлганимдан бу енгилтаклик менга қандайдир ҳузур бағишлиди, қарангки, бу шўрликнинг ҳаётга қайтиши билан табиятга ҳам жон кирди. Биз ресторандан чиққанимизда тинчиб қолган денгиз ярақлаб, мавжурар, кўм-кўк денгиз сатҳи балиқчи күшлар парвоз

қилиб юрган мовий осмонга қўшилиб кетганди. Сиз ҳам Ривьера манзараларини биласиз-ку. У ҳамиша дилрабо, гўзал, лекин суратли открытика сингари бачкана, у тўқ ранглари билан кўз олдингизда намоён бўлади; бу – мудровчи, ялқов гўззалик, у маҳрамлардай серҳашам, сўлим аёллар сингари бегона одамга ўзини кўз-кўз қиласеради. Лекин жуда камдан-кам шундай кунлар бўладики, бу гўззалик гўё фафлат уйқусидан бош кўтариб, сиртга отилиб чиқади, чарақлаб турган бўёқлари билан қаҳр-ғазаб-ла сизнинг номингизни тилга олгандай бўлади. Ранг-баранг товланиб турган гулларини юзингизга фолибона улоқтириб, ҳис-туйғулари жўш уриб аланга олади. Чақмоқ чақиб, ҳайқирган ул тўс-тўполон тундан кейин шундай шод-хуррам кун туғилган эди; кўчалар ёмғирларда ювилган, мовий осмон чарақлар, унда-мунда гуллаётган буталар – тўйиб сув ичган сершира кўкаlamзор орасидаги ранг-баранг машъялларнинг ёниши кўзга ташланиб қоларди. Қуёш нурига чўмилган ҳаво шу қадар шаффоф эдики, унга гарқ бўлган тоғлар, чамаси, бир-бирига яқинлашгандай, улар гўё қизиқсиниб, пардоз берилиб чарақлаган шаҳарча атрофига йиғилиб қолишгандай; борликда табиатнинг бардам қилувчи тинмас наъраси янграб турар, юраклар беихтиёр энтикиб кетарди.

– Извош олиб, соҳилни томоша қиласиз, – дедим мен.

У суюниб бош иргади, йигитча бу ерга келганидан бўён илк бор табиатга кўзи тушиб, уни пайқаган бўлса керак. Шу дамгача у димиққан, сассиқ ҳид ўтириб қолган казино залидан, пул дардида ранги бир ҳолатга келган тўп-тўп одамлардан, шувиллаб турган кўримсиз, бадқовоқ денгиздан бошқани кўрмаганди. Ҳозир бўлса, кўз олдимизда қуёшга гарқ бўлган денгиз қирғоги каттакон очиқ

еллигичдай ястаниб ётарди, шундай бўлгандан кейин киши нигоҳини чараклаб турган узоқ-узоқлардан қандай қилиб уза олсин. Биз извошда (у замонларда ҳали автомобиль йўқ эди) чиройли қўчадан, беҳисоб қасрлар ёнидан ўтиб борардик – бир манзара кўздан гойиб бўлиб, ўрнини иккинчиси оларди, қишин-ёзин кўм-кўк игнабарг пиния дарахтларига бурканган ҳар бир уй, ҳар бир қаср олдида, шовқин-сурондан холи, тинч, осойишта ҳаёт кечирса бўладиган жойлар экан, деган пинҳоний орзу тинмай пайдо бўларди кишида...

Умримда бирон марта шу пайтдагидай баҳтиёр бўлганмидим? Билмадим. Кечагина ўлим сиртмоғида типирчилаб ётган, бутун эса қуёш нурларига маст йигитча ёнимда борарди; у бир неча йил яшарив кетгандай бирпасда гўдакка айланиб, хушчақчақ, лекин шу билан бирга иззатимни бажо келтирувчи ёқимтой болага айланди-қолди. Ҳаммадан ҳам сезгирилиги мени ҳайратга солди: тикка йўлда отлар қийналиб қолганда сакраб тушиб, извошни итариб борди. Йўл ёқасида очилиб турган гулни тилга олишим биланоқ, дарров уни юлиб келиб менга тутди. Кечаги ёмғирга учиб инидан чиққан ва йўлда оҳиста судралиб бораётган кичкинагина курбақани от, арава босиб кетмасин, деб қўлига олди-да, авайлаб майса устига олиб бориб қўйди; йўл-йўлакай жуда беозор, кулгили ҳодисаларни ҳикоя қилиб борди, бу қулги, аслини олганда, унинг жонига ора киради, нега деганда, акс ҳолда у ашула айтиши, шаталоқ отиб сакраши, ё бўлмаса бирон жиннилик қилиши ҳам мумкин эди, чунки у шод-хуррамлигидан маст бўлаёзган эди.

Тоғ устидаги кичкинагина бир қишлоқдан ўтиб кетаётгандик, у камоли эҳтиром билан шляпасини қўлига олди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим: бу ерда, етти ёт бегоналар орасида у кимга салом бердийкин? Саволимга жавобан бир оз қизариб, ўзини оқлагандай черков ёнидан ўтганлигимизни, уларнинг юрти

Польшада эканлигини ва у ерда ҳам барча католик мамлакатларидағидай ёшлик чоғидан ҳаммани ҳар бир черков, ҳар бир ибодатхона олдида бош кийимни құлға олишдан қатъий таълим берилишини айтди. Динга бундай эҳтиром менга қаттиқ таъсир қилди; унинг ўз оғзидан чиққан хоч ҳақидаги сүзи ёдимга тушди-да: «Худога ишонасизми?» деб сўрадим, у бир оз хижолат тортиб: «Марҳаматига умидим бор», деб жавоб берганди, бошимга бехосдан бир фикр келди:

– Тўхтанг! – деб кучерга қичқирдим-да, шошиб аравадан тушдим. У ҳайрон бўлиб орқамдан бораверди.

– Қаёққа кетяпсиз? – деб сўради у.

– Кетимдан юраверинг, – дедим.

Орқага бир неча қадам босиб кичкина бир фиштин ибодатхонага яқинлашдик. Ибодатхона эшиги очиқ экан. Бир боғлам сариқ нур нимқоронги хонага ўқдай ёриб кирган, мўъжазгина меҳробда эса икки дона шам милтилларди. Хонадан бухўр ҳиди анқир, сувоқ қилинган деворлари қорайиб кўриниб турарди. Ҳамроҳим шляпасини қўлига олди, табаррук сув солингган косага қўлини солди-да, сўнгра уни юзига келтириб ибодат қилиб тиз чўкди. У ўрнидан тургач, қўлидан ушлаб:

– Юринг, – дедим, – меҳроб ёки сиз муқаддас билган авлиё олдига борамиз-да, ўша ерда мен айтиб тураман, сиз қасамёд қиласиз.

У ажабланиб, ҳатто қўрққандай менга бир қараб қўйди, лекин дарҳол ниятимни тушунди, тахмонлардан бири олдига бориб, хочга чўқинди-да, итоаткорлик билан тиз чўкди.

– Менинг айтганларимни такрорланг, – дедим ҳаяжондан қалтираб, – мен айтганларимни такрорланг: «Қасамёд қиласман...»

– Қасамёд қиласман, – деб такрорлади у.

Мен давом этдим:

«...Қанақаси бўлмасин, бундан буён, зинҳор ҳеч қандай қимор ўйнамайман ва шу қимор балосини деб ҳеч қачон жоним ва виждонимни таҳлика остига қўймайман».

Бу сўзларимни у титроқ овоз билан такрорлади, бўм-бўш черковда бу сўзлар аниқ, гуриллаб эши-тилди. Сўнгра бир лаҳза ўртага сукунат чўқди, шу қадар эдики, ташқаридан шамолда шитирлаган баргларнинг овози эштилиб турарди. Шу пайт у худди тавба-тазарру қилаётган гуноҳкор одамдай тўлқинланиб, сажда вакътдагидай поляк тилида менга нотаниш сўзларни лаби лабига тегмай қаҳр билан тез такрорлай бошлади. Бу жўшқин тоат-ибодат, шукронга тавба-тазарру эди, чунки бу тавба-тазарруда у ювош, мўминлик билан ер ўпиди таъзим қиласи, оғзидан нотаниш сўзлар тобора қучлироқ жазава билан қуйиларди, шу бир сўзни у тобора қизғин, янада зўрроқ жазава билан такрорларди. Мен бунгача ҳам, ундан кейин ҳам дунёдаги бирон ибодатхонада бундай жўшқинлик билан қилинган тоат-ибодатни кўрган эмасман. У ёғоч ўриндиқ суюнчиини титроқ қўллари билан чанглаб олган, ички галаёнидан бутун вужуди ларзага келганди. Кўзига ҳеч нима кўринмас, караҳт бўлиб қолганди; гўёки бошқа бир дунёда, ўзга қиёфага киритувчи ва мусаффо қилувчи қандайдир бир оловда ёнаётгандай ёки бўлмаса бошқа ўлкаларда, тоғу тошларда дарбадар юргандай эди. Ниҳоят, аста-секин ўрнидан турди, қўлинни юзига тортиб чўқинди-да, ҳоргинлик билан юзини менга ўтирди. Ҳолдан кетган одамдай тиззалири дир-дир титрар, ранги ўчиб кетганди. Бироқ менга қараган ҳамон кўзлари порлаб, сўлғин юзларига чиндан-да соф тақводорлик табассуми юргургандай бўлди, яқинроқ келиб, ер ўпиди таъзим қилди, қўлларимдан тутиб, эҳтиром билан лабига яқин келтириб ўпди.

– Сизни менга тангримнинг ўзи юборган, унга ҳазор баро шукурлар айтдим.

Мен нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Қани энди шу тобда пастак гумбазлар остида бирдан орган овози янграса эди, деб астойдил тилак тиладим. Нега деганда, ниятимга етиб, бу одамни умрбод балодан омон сақлаб қолганимни ҳис қилгандим.

Черковдан қуёш нурига гарқ бўлган ёруғ кўчага чиқдик; ҳеч қачон дарё кўзимга бугунгидай гўзал кўринган эмасди. Биз тепаликлар орасидан илон изи бўлиб буралиб ўтган чиройли йўлдан яна икки соат чамаси извошда сайр қилиб юрдик, ҳар бир муйилишда кўз олдимиизда янги-янги роҳатбахш манзаралар намоён бўларди. Бизлар жим борардик. Бундай ҳис-туйгулар туғёнидан кейин ҳар қандай гап-сўз ҳам сохта бир нарсадай кўриниб қоларди. Бир вақт кўзларимиз тасодифан учрашиб қолди-ю, хижолат тортганимдан юзимни ўгириб олдим, қилган мўъжизам манзараси мени шу қадар ҳаяжонга солиб қўйганди.

Оқшом соат бешларда Монте-Карлога қайтиб келдик. Мен қариндошларим ҳузурига ташриф бу-юришим лозим, бормасликнинг асло иложи йўқ эди. Очигини айтсам, бугунги ҳаяжонларимдан кейин кўнглим фақат оромга ташна эди – баҳт хазинам тўлиб-тошганди. Мен умримда биринчи бор тортган бу лаззатдан сўнг тин олишим лозимлигини ҳис қилдим. Шу важдан асрандимдан мен тушган отелга бир дақиқа кириб чиқсан, деб илтимос қилдим; у ерга киргач, йўлкирасига ва қимматдорларнинг ҳақини тўлаб қайтариб олишига пул бердим. Ўзи бориб билет оладиган ва соат еттида, Генуя орқали ўтадиган поезд жўнашидан ярим соат илгари вокзал айвонида учрашадиган бўлдик. Унга беш банкнот узатгандим, лаблари оппоқ оқариб кетди.

– Йўқ, йўқ... пул керакмас... илтимос қиласман, пул керакмас... – у паст овоз билан фудурлади титроқ қўлларини тортиб олиб, – пул керакмас, пул керакмас... пулни кўрарга кўзим йўқ, – деди худди жиркангандай ёки бир нарсадан қаттиқ қўрқиб кетгандай.

Мен унга тасалли бериб:

– Сизга қарз беряпман, агар олишдан уялсангиз тилхат беришингиз мумкин, – дедим.

– Ҳа,... ҳа-я... тилхат, – деб минғирлади у, – кўзини олиб қочаркан қофозларни худди бармоқларига ёпишиб қолган ёпишқоқ бир нарсадай фижимлаб. У пулларга қарамасдан чўнтағига солди-да, шошилиб бир варак қофозга катта-катта қилиб бир неча оғиз сўз ёзди. Бошини кўтарганди, қарасам, тердан пешанаси хўл бўлиб кетибди – уни худди безгак қалтиратадай эди; қофозни менга чўзаркан, аъзойи баданидан электр токи юргургандай титраб кетди, мен беихтиёр сапчиб тушдим, у тиз чўкиб кўйлагимнинг баридан ўпди. Ҳаракатларида ҳис-туйфу шунчалар зўр эдики, менинг ҳам вужудим қалтираб, ғалати бир саросималик чулғаб олди, зўрга:

– Менга шунчалар ташаккур билдирганингиз учун сиздан миннатдорман. Лекин худо хайрингизни берсин, энди кетинг. Соат еттида вокзал айвонида хайрлашамиз, – дейишидан бошқага ҳолим қолмаганди.

У менга боқди: меҳри товланиб кўзига ёш келди, назаримда, бирон нарса демоқчи эди. Гўё шу тобда ўзини мен томон ташлаётгандай бўлди хаёлимда. Бироқ у яна бош эгиб таъзим қилди-да, хонадан чиқиб кетди.

К. хоним яна ҳикоясини узиб қўйди. Ўрнидан туриб дераза ёнига борди, қимир этмай узоқ вақт кўчага кўз ташлаб турди; елкалари билин-билинмас қалтиради. Бир вақт шартта бурилди: шу дамгача

ҳаракатсиз, бепарво қўллари тўсатдан кескин, шиддатли ҳаракатга келди, худди бирор нарсани шартта йиртгандай бўлди. Сўнгра гўёки даъват қилгандай менга кўзларини қаттиқ тикиб давом этди:

– Рўйи рост гапираман, деб ваъда берганман. Бундай ваъда бериш нақадар зарур эканлигини ҳозир сезиб турибман. Ўшанда фахмлаб олмаган кўп нарсаларни энди, ўша кунги ҳодисаларни бирин-кетин тасвирлашга ўзимни биринчи бор мажбур этиб, фира-шира ҳис-туйгулар чигилига аниқ-равshan сўзлар либоси кийдиришга ҳаракат қилаётганимда тушуниб турибман, шунинг учун сизга ҳам, ўзимга ҳам бор гапни очиқ-оидин ва қатъий қилиб айтмоқчиман: ўшанда, у хонадан чиқиб кетиб, мен ёлғиз ўзим қолган дақиқада юрагимга ханжар зарби урилгандай ҳис қилдим, кўз олдимни қоронфилик босди; нимадир менга беомон алам етказгандай бўлди, лекин асрандимнинг менга кўрсатган бу қадар иззат-икроми менда шунчалар дард қолдиргани сабабини билмасдим, ёки билишни хоҳламасдим.

Бироқ ҳозир гўёки ўтмишга четдан назар ташлаб, хотирамдан шу ўтмишни шафқатсизлик билан қидириб топишга ўзимни мажбур қилиб, сизни гувоҳликка таклиф қилган эканман – ҳеч нарсани яшириб қолишга, икror бўлишдан уялиб, ҳис-туйгуларимни қўрқоқлик билан сир сақлашга ҳақим йўқ экан, энди менда шубҳа қолмади: ўшанда дилимни шунчалар оғритган нарса умиднинг пучга чиққанлиги эди... бу йигит... ҳеч қандай эътиrozсиз, мен билан бирга бўлишга уриниб ҳам кўрмасдан... итоатгўйлик билан хонадан чиқди-кетди... мени бағрига босиш ўрнига лом-мим демай, жўнаб кетинг, деган илтимосимга бўйсуниб қўя қолди... У мени йўлида дуч келган бир авлиёдай иззат-икромга лойиқ кўрди-ю, лекин аёллигимни унутди, мени тушунмади.

Бу умиднинг пучга чиқиши эди, ҳа, пучга чиқиши, лекин мен ўша пайтда ҳам, ундан кейинлари ҳам бунга иқорор бўлмадим, бироқ хотин киши ҳамма нарсани дили билан, сўзсиз англаб олади. Нега деганда... энди мен ўзимни ортиқ алдамайман – агар бу одам ўша дақиқада мени бағрига босгандা, юр деганда эди, унинг орқасидан дунёниг нариги бурчагига боришга ҳам тайёр эдим, ўзимни, болаларимнинг номини иснодга қолдиришдан ҳам тоймасдим... Одамларнинг мишишларини ҳам, нидосини ҳам писанд қилмасдан, кечагина нотаниш ёш француз билан қочиб кетган Анриэтхоним сингари, у билан қочардим... Қаёққа ва қанчага деб сўраб ҳам ўтирумасдим, ҳатто ўтмишим билан хайр-маъзур қилиш-чун ҳам қиё боқмасдим... Мен бу кишини деб обрўйимдан ҳам, мол-мулкимдан ҳам, номусимдан ҳам кечардим... Гадойлик қилишдан ҳам тоймасдим, эҳтимол, уни деб қулоқ эшиитмаган разиллик кўчаларига киришдан ҳам қайтмасмидим. Агар у бирор оғиз сўз айтса, бир қадам мен томон ташласа, ўз ёнида қолдиришга сал бўлса-да, уриниб кўрсайди, одамлар уят ва эҳтиёткорлик деб айтадиган нарсаларнинг ҳаммасини йиғишириб қўя қолардим, чунки ўша пайт бутун ихтиёrim унинг қўлида эди.

Бироқ... мен сизга айтганимдай... бу телба одам ортиқ менга хотин киши деб қарамади, мен бўлсам бутун вужудим, садоқатим билан унга талпинардим, ёлғиз ўзим қолгандагина буни ҳис қилдим, ҳозиргина унинг равшан, ҳақиқатан самовий нигоҳида шавқ-завқ ялт этиб кетганда, баҳам кўрилмаган ҳис-туйфулар кўкрагимни зилдай эзиб янчгандай бўлди.

Мен зўрга ўзимни кўлга олдим, қариндошларим ҳузурига боришни ўйлаб кўнглим фаш тортди. Назаримда, бошимда темир қалпогу, у пешанамни қисиб мени ерга эгиб тургандай ва ниҳоят қариндош-

ларим тушган қаршидаги отелга борганимда фикрим чигал тортиб, оёқдарим ҳадеганда бир-бирига чалишиб кетаверди. Хушчақчақ кишилар орасида тумтайиб ўтиридим, ҳар гал тасодифан бошимни күтариб, уларнинг ўлик чеҳраларини кўрганимда юрагим бир орзиқиб кетарди, бу юзлар гўёки нур билан соялар ўйинидай завқли юзлар билан таққосланганда кўзимга худди қотириб кўйилган ниқобдай кўринарди. Теварагимни мурдалар ўраб олгану, бу одамларда ҳаётдан асар ҳам қолмагандай эди; ҳолбуки, чашкага қанд солиб паришонлик билан гаплашиб ўтирганимда, ҳар гал юрагим урганда кўз олдимда бошқа бир сиймо пайдо бўлар, унга кўз ташлаб ўтириб ўзимни баҳтиёр ҳис қиласдим ва лекин, – бу қандай даҳшатки! – икки соатдан кейин уни охирги марта кўришими бўлади. Мен беихтиёр хўрсинган ёки инграб юборган бўлсам керак, эримнинг амакиваччаси менга бошини яқин келтириб:

– Нима бўлди, тобингиз қочдими, бирон нарсадан ранжигандай юзингиз оқариб кетди-я, – деди.

Мен шу он унинг саволини баҳона қилиб:

– Қаттиқ бош оғриқ касалим бор, – дедим-да, киши билмас секин чиқиб кетишга рухсат сўрадим.

Мен яна ўзим билан ўзим бўлиб отелимга қараб йўл олдим, ёлғиз қолганим ҳамоно яна ўзимни ташлаб кетилгандай ҳис қилдим, бутун мен умрбод хайрлашадиган ёш йигитни қўмсанг ҳисси уйфонди менда, безовта бўлиб хонада ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, бекордан-бекорга жавон эшикларини очдим, кийимимни ўзгартиридим, сочимга янги лента бойладидим; кейин ўзимни ойнага солдим: «Бу ясан-тусаним билан уни ўзимга ром қилсан ажаб эмас», деган хаёл ўтди кўнглимдан. Бир вақт ниятим нималигини фаҳмлаб: «Майли, ҳаммасига кўнаман, ишқилиб кетклизмасам бўлгани», деган тилагим ўшал машъум дақиқада қарорга айланди-қолди. Пастга тушиб отель

маъмурига: «Кечки поезд билан жўнаб кетаман», деб айтиб қўйдим. Шошилишим керак: нарсаларимни жойлаштириб беришни айтиб ходимага телефон қоқдим. Бақт жуда зиқ эди; иккимиз шошилиб, худди ким ўзар қиласандай кийим-бошларим ва бошқа у-буларимни жомадонга жойлаштираётуб: «Уни кузатиб, сўнгги, энг сўнгги пайтда у қўлинни чўзиб мен билан хайрлашганда уни ҳайрон қолдириб, у билан бирга купега кираман, бу тунни, ундан кейинги тунни ҳам, – у қанча хоҳласа шунча тунни у билан бирга ўтказаман», дея орзу қиласардим. Мен қандайдир роҳат ва лаззат гирдобида эдим; кийимларимни жомадончага ташлар эканман, ходимани ҳайратда қолдириб бекордан-бекорга қаттиқ-қаттиқ кулар, ўзимни йўқотиб қўйганимни элас-элас англардим. Отель ходими юкларимни олиб чиққани келганида, ҳайрон бўлиб унга қарадим: азбаройи ҳаяжонимдан, ўзимни йўқотиб қўйганимдан бу оддий нарсалар ҳақида ўилаш менга амри маҳол эди.

Кеч қолишдан жуда қўрқардим: чамаси, соат еттилар бўлса керак, кўпи билан поезднинг жўнашига йигирма дақиқа қолганди. Лекин мен: «Хайрлашишга кетаётганим йўқ-ку, бирга кетишга қарор қиласан эканман, хоҳлаганча ҳамроҳлик қилиб боришим керак», деб яна ўзимга-ўзим тасалли берардим. Ходима жомадонларимни олиб чиқиб кетди. Мен ҳақ тўлаш учун отель кассасига югурдим. Отель мудиридан қайтимини олиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганимда, тўсатдан бирор мулойимлик билан елкамга қўл уриб қолди. Сапчиб тушдим. Бу холаваччам эди: ўзимни бетоб қилиб қўрсатганимдан хавотирланиб хабар олгани келган экан, кўз олдимни қоронғилик босди. Уни қабул қилишга ҳеч имконим йўқ: бир дақиқа кечиксам ҳам оқибативой бўларди; лекин унга тескари қараб кетиш ҳам одобдан эмасди.

— Дарҳол кириб ўрнингга ётишинг керак, — қистаб туриб олди у, — иссифинг бор.

Чиндан ҳам икки чаккам лўқиллаб кўз олдиларимни кўк ҳалқалар босиб кетган — ҳушимдан кетишингга сал қолганди. Хонамга кириб ётишдан бош тортдим, ҳар бир сўзи юрагимга ботиб, кўкрагидан итариб ташлагим келиб турган бўлса ҳам жонкуярлиги учун ташаккур айтдим. Бироқ чақирилмаган меҳмоним кетмай, тураверди; атир ҳидлатмоқчи бўлди, эринмасдан чаккаларимни силади, мен бўлсам, бутун фикри хаёлим ҳалиги йигитда эди. Бу азоб берувчи меҳрибончилигидан қутулиш йўлини қидириб, кўпроқ безовта бўлганим сари унинг ташвиши ортарди; зўрлик қилиб бўлса ҳам мени номерга олиб чиқиб, ўрнимга ётқизиб қўймоқчи бўлди. Лекин шу пайт даҳлиздаги осиглиқ соатга кўзим тушиб қолди: соат еттидан йигирма саккиз дақиқа ўтганди; поезд эса еттидан ўттиз беш дақиқа ўтганда жўнайди! Дағал лоқайдлик билан шартта холоваччамнинг қўлидан тутиб: «Хайр, мен кетишим керак», дедим-да, ҳайрон бўлиб қараб турганига ҳам қарамай, ажабланиб турган хизматкорлар ёнидан лип этиб кўчага чиқдиму, вокзалга қараб югурдим. Перронда, юкларим ёнида мени бетоқат бўлиб кутиб турган хизматкорнинг имо-ишорасиданоқ шу заҳоти кечикиб қолганимни фаҳмладим. Лекин шунга қарамай, ичкарига ташлангандим, текширувчи тўхтатиб, билет суриштириб қолди. Ўтказиб юборишини илтимос қилиб ялиниб-ёлвориб турганимда поезд ўрнидан қўзгалди: «Деразалардан бирида ҳеч бўлмаса нигоҳини, бош чайқаб мен билан хайрлашганини кўриб қоларман», деган умид билан аъзойи баданим қалтираб тикилиб турдим. Бироқ поезд юриши тезлашгач, юзларни ажратолмай қолдим. Вагонлар бир зумда кўздан узоқлашиб, унинг

булутдай сузиб юрувчи қоп-қора тутунидан бошқа ҳеч нарса қолмади.

Тош қотгандай шу алпозда узоқ туриб қолибман, хизматкор бир неча бор менга гап қотишга уриниб күргану, юраги бетламаган, үзимга келавермагач, ахири ёнимга келиб құлымдан тутмоқчи бўлганда үзимга келибман. «Юкларимни қайтариб отелга олиб бориб қўйсаммикин», дедим ҳам. Лекин эсимни йифиб олгач, бу фикримдан қайтдим. У ердан худди жинни одамдай чиқиб кетганимдан кейин яна қайтиб борганим нимаси – йўқ, бу асло мумкин эмас! Бетоқат бўлаверганимдан ёлғиз қолиш истагида юкларимни камерага топширишни буюрдим. Сўнг вокзалдаги ютур-югурулар – бири кетиб, бири келиб турган минг хил башаралар гирдобида мени бўғаётган разаб, қўймасаш ва умидсизлик туйғуларидан қутулишга чора изладим, негаки, сўнгги учрашувни ўз айбим билан бой бердим, деган фикр қиздирилган темирдай бағримни куйдирарди. Хўрлигим кучайиб, бетоқатликдан бақириб юборишдан үзими ни зўрга тийиб турдим. Кишиларда ҳирсиятнинг тоғ қулагандай тўсатдан бўрон сингари шиддат билан отилиб чиқиши ҳодисалари улар ҳаётининг такрорланмас дақиқаларида гина содир бўлиб, шу дамларда бутун бошдан кечган йиллар, сарф қилинмасдан қолган зилдай кучлар одам бошига ёпирилиб қуйилса керак.

Қалтис қадам қўйишига, ниҳоятда эҳтиётлаб келган, осойишта ҳаётимни бир зарб билан ағдар-тўнтар қилиб ташлашга қарор қилган дақиқамда умидларимнинг чилпарчин бўлганини, ожизона дарғазаблик ҳиссини сездимки, бунгача ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч қачон бу аҳволга тушмагандим, мен тўсатдан енгиб бўлмайдиган бемаъни бир деворга дуч келиб қолдимки, бутун туйғуларим мана шу бенажот деворга бориб урилаверди.

Кейин нима бўлди? Албатта, кейин ҳам шундай беҳуда иш қилдим; бу телбалик эди, у ҳақда гапиришдан ҳатто уяламан ҳам, лекин ҳеч нарсани яшириб қолмаслик ҳақида ўзимга ҳам, сизга ҳам ваъда берганман: мен... мен уни ёнимга қайтармоқчи бўлдим... яъни у билан бирга ўтказган онларимни қайтармоқчи бўлдим... кеча биз бирга бўлган жойларга, уни мен кўтариб турғизган исканжага, уни биринчи марта кўрган қиморхонага, ҳатто ўша бузуқхонага боргим келаверди, ишқилиб, яна бир марта ҳаммасини бошдан кечирсан бўлганийди. Эртаси куни экипаж олиб дарё бўйидаги йўлдан, ўша биз бирга юрган йўлдан сайд қилмоқчи бўлдим, ишқилиб, шу йўлдаги ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат менда жонланса бўлгани дедим, ҳа, мени шу қадар қучли, гўдак фулгуласи босганди! Лекин бу ҳодисаларнинг яшиндай тез содир бўлганини бир ўйлаб кўринг-а, мен уларни тил тортирилар зарбадай ҳис қилгандим-да. Эндиликда бир тасодиф туфайли кўзим очилиб, ширин дақиқалар барҳам топгач, биз хотиралар дегувчи сеҳрли ўз-ўзини алдаш ёрдами-ла ўша дақиқалардаги саргузашт завқини яна бир бор, қатрама-қатра татиб кўргим келди; бу истакни тушуниш ҳаммага ҳам насиб бўлган эмас; эҳтимол, буни тушунмоқ учун олов юрак бўлиш керакмикин.

Хуллас, у одатда ўтирадиган столни қидириб топиш ва бошқа қўллар орасидан унинг қўлига ўхшашини кўз олдимга келтириш ниятида аввало казинога бордим. Залга кирдим. Дастлаб кўрганимда қаерда ўтиргани ёдимда қолганди; бу иккинчи хона, чап томондаги чап стол эди. Унинг ҳар бир ҳаракати кўз олдимда аниқ намоён бўлгандай, ўтирган жойини кўзимни юмиб пайпаслаб ҳам топсан бўларди. Ўша ёқقا қараб юрдим. Бир вақт... эшик ёнида туриб одамларга кўз югуртиргандим, алланечук бўлиб кетдим... У мен тасаввур қилган ўша жойда

ўтирибди... бу нима, безгак алаҳсирашими, қора хаёлми?.. Ўша... ҳозиргина хаёлимда қандай тасаввур қылган бўлсан, нақ ўшандай... кеча қандай бўлган бўлса, шундай, кўзларининг соққалари ўйнаб чиққан, ранги мурдадай... Ўша, ҳа, ўшанинг ўзи...

Азбаройи қўрқанимдан бақириб юборишимга сал қолди. Бироқ бу хаёлот шу қадар бемаъни, шу қадар bemаза эдики, мен дарҳол ўзимни қўлга олиб, кўзимни юмдим. (Жинни бўлдингми... алаҳсираяпсан... иссиғинг баланд... – дердим ўзимга ўзим. – Бундай бўлиши мумкин эмас, кўзингга шундай кўриняпти... ярим соат илгари жўнаб кетди-ку!) Шундан кейин кўзимни очдиму, бу хаёлотнинг йўқ бўлиб кетмаганини кўриб баттар даҳшатга тушдим, у ўз ўрнида ўтиради... Минг-минглаб қўллар орасидан бўлса ҳам бу қўлни танирдим... Йўқ, бу хаёл эмас, ҳақиқатан ўшанинг ўзи эди. У менга жўнаб кетаман, деб онт йчган бўлса ҳам кетмабди, бу телба яна ўша жойига қайтиб келибди, йўлкирасига берган пулларимни бу ерга, кўк мовут сирилган столга тўкибди-да, яна ҳамма нарсани эсдан чиқарибди, бутун вужуди билан ўша ҳисрсият ботқофига ботиб, яна қиморга берилибди, мен бўлсан оёғи куйган товуқдай типирчилаб, бутун вужудим билан унга талпиниб юрибман-а.

Оташин ғазаб борлиғимни қамраб олди; бўлиб ўтган воқеалар яна кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлиди: қасамини бузган, ишончимни шунчалар ҳаёсизлик билан ерга урган, ҳис-туйғуларимни, ва-фодорлигимни оёқ ости қылган бу маҳлуқни бориб ҳалқумидан тутишимга сал қолди: аммо ўзимни қўлга олдим, атайн оҳиста қадам ташлаб (бу менга осон бўлмади!) столи ёнига бориб, рўпарасида тик туравердим; қандайдир бир жаноб илтифот қилиб менга ўрнини берди, орамизни икки метрли кўк мовут ажратиб турарди, бас, мен театр ложасида ўтиргандай унга разм солишим, бундан икки соат

илгари миннатдорчилик нурлари порлаб, илоҳий фарогат-ла ёниб турган, ҳозир бўлса яна қиморнинг изтиробларидан буришиб-тиришиб кетган нигоҳини bemalol кўздан кечиришим мумкин эди. Бу қўллар, бутун кундузи табаррук аҳди паймон ила ибодат курсисининг суюнчифини чангаллаб олган қўллар эндиликда чийралиб, қонхўр сингари очкўзлик ила пул саралаш билан овора эди. У ютган бўлса керак, чамаси, катта пул ютган: олдида жетонлар, луидорлар ва банк билетлари уюлиб ётарди – булар бутун бир хазина, титроқ асабий бармоқлари эса уюлиб ётган шу пуллар устида керишиб, чўзилиб, худди чўмилаётгандай бўларди. Бу қўлларнинг қоғоз пулларни ардоқлаб, текислаб тахлаганини, тилла тангаларни суриб у ёқ бу ёғини айлантириб қўрганини, сўнгра тўсатдан унинг бир қисмини квадратлардан бирига ташлаганини кўриб ўтиравердим. Шу он яна бурун катаклари уча бошлади, қиморбоши – крупъенинг қичқиригини эшишиб, чақнаб турган оч қўзларини пулдан узиб тақ-тақ овоз чиқариб турган соққаларга тикди, у гўё тирсаклари билан кўк столга қоқиб қўйилгандай эди. Чунки бу кеч унинг ашаддий қиморбозлиги ўтган оқшомгидан ҳам даҳшатлироқ, қўрқинчлироқ намоён бўлаётганди, ҳар бир ҳаракати эса енгилтаклик билан қалбимга жо бўлиб, гўё олтин супада нур сочиб турган анави бошқа сиймосига ўлим зарбаси бераётгандай эди.

Орамиз икки метр эди, унга тикилиб ўтиради-му, лекин у мени кўрмасди. У ҳеч кимни кўрмасди: қўзлари тахлоғлиқ банкнот ва тилла тангалардан узилиб, соққаларга ўтганда, изтироб билан унга тикилар, кейин эса яна нуллари билан овора бўлиб кетарди. Унинг фикри зикри қиморда эди. Бу савдойи назарида бутун олам, бутун башарият квадратларга бўлинган бир парча кўк мовутдай бўлиб

қолғанди. Бу ерда соатлаб ўтирсам ҳам у пайқамас-лигини сезардим. Лекин ортиқ сабрим чидамади. Тұсатдан бир қарорга келиб, стол теварагини ай-ланиб чиқдим-да, унинг ортидан келиб елкасидан қаттиқ ушладим. У қайрилди-ю, эндигина туртиб үйқудан үйғотилған, чала үйқу одамдай ҳайрон бўлиб бақрайиб қолди. Кейин таниган бўлса керак, титроқ лаблари хиёл очилғанча суюниб менга сир айтгандай шивирлади:

– Ҳаммаси жойида бўляпти... бу ерга кириб, унинг шу ердалигини кўрганимда худди шундай бўлишини билгандим... шундай бўлишини билгандим, – деди.

Мен гапига тушунмадим. Қиморга маст бу тел-банинг ҳамма нарсани – ичган қасамини ҳам, шартимизни ҳам, мени ва бутун дунёни эсдан чиқариб юборганига ҳам кўзим етиб турарди. Мен ҳатто унинг телбалигига ҳам бардош беролмай, беихтиёр унга итоат қилдим-да, ҳайрон бўлиб ким ва нима тўғрисида гапираётганини сўрадим.

– Ҳув анави кекса чол, қўлсиз рус генерали, – бу ажойиб сир, ҳеч кимнинг қулоғига етмасин, деб менга яқинроқ келиб шивирлади. – Кўряпсизми, ба-кенбардлари оппоқ, стули орқасида хизматкори тик турибди. У ютгани-ютган, мен кеча ҳам разм солиб ўтирдим, ўзининг бирон тизими бўлса керак, ҳар гал у қаерга пул тикса, мен ҳам ўша ерга тикаман... У кеча ҳам нуқул ютди... аттанг, мен хато қилиб қўйдим, у кетгандан кейин ҳам ўйнайвердим... хато иш қилиб қўйдим... у кеча йигирма минг франкча ютди, бугун ҳам ютяпти, ҳар гал ўшанинг тиккан ерига тикипман, энди...

Тұсатдан сўзи узилиб қолди – крупъенинг: *Faites votre jeu¹* деб бақыргани эшитилғанди, у савлат тўкиб лоқайд ўтирган рус оқсоқоли томон тикилиб қолди;

¹ Қани, тикинглар! (франц.)

генерал шошмасдан тўртинчи номерга аввал бир тилла қўйди, кейин бир оз фурсат ўтказиб яна бир тилла қўйди. Шу ондаёқ менга таниш титроқ қўллар уюлиб ётган пул томон илдам ҳаракат қилиб, ўша квадратга бир сиқим тилла ташлади. Бир дақиқадан кейин крупье ноль деб эълон қилди, куракчанинг бир ҳаракати билан столдаги ҳамма пулларни супуриб олганди, менинг танишим ўзидан нари кетаётган тилла пулларига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Шу онда сиз уни менга қарагандир, деб ўйларсиз? Қаёқда, у мени тамомила унутиб юборганди, хаёлидан кўтарилиб, йўқ бўлиб кетгандим; у энди бутун вужуди билан рус генералига маҳлиё, генерал бўлса қайси рақамга қўйсам экан, деб икки тиллани кафтида ўйнатиб ўйланиб ўтиради.

Фазабу ожизлигимни сизга айтиб беришга тилим лол. Бироқ менинг шу тобда қандай алам гирдобига тушиб қолганимни бир кўз олдингизга келтирсангиз эди: шу одамни деб бутун ҳаётимни қурбон қилсаму, унинг олдида ҳатто эринчоқлик билан ҳайдаладиган пашибадай қадрим бўлмаса. Яна фазабим ловиллаб кетди. Бор кучим билагидан тутгандим, бир сесканиб тушди.

– Ҳозир ўрнингиздан турасиз, – деб оҳиста, лекин амирона шивирладим. – Бугун ибодатхонада қасамёд қилганингиз ёдингиздан чиқдими, эсиз одам, қасам ургур!

У ҳайрат ичida менга боқди-ю, бирдан ранги бўзариб, кўзларида гуноҳкорлик аломатлари пайдо бўлди. Лаблари титради: бирдан ҳаммаси эсига тушиб, даҳшат чулгади.

– Ҳа... ҳа...! – деди гўдиллаб, – Ё раббий, ё раббий!.. Ҳа... ҳозир... кечиринг... – Унинг қўллари пулни аввал жадал, кескин ҳаракатлар билан супурди, сўнгра ўқтин-ўқтин, кейин бирон нарса унга халақит бергандай ҳаракатлари тобора секиналашди. Кўзи яна

пул тикаётган рус генералига тушди. Бир дақиқа сабр... – генерал пул тиккан квадратта у ҳам беш тилла ташлади. – Шу биргина ўйинни... худо ҳақи, ҳозир чиқиб кетаман... фақат шу ўйинни... охиргиси...

У жим қолди. Соққа айланиб уни ўз кетидан эргаштириди. Яна бу савдойи жингиртак соққа қутуриб юмалаб турган ялтироқ ғилдирак гирдобига тушиб, кўлимдан чиқиб кетди, ўз-ўзидан қочди. Яна крупъенинг овози янгради, яна куракча беш тилласини супуриб олди: у бой берди. Лекин қайрилиб қарамади ҳам. Қасамини ва бундан бир дақиқа илгари менга берган сўзини қандай унутган бўлса, мени ҳам шундай унутди. Унинг қўли яна баракаси учиб бораётган пул уюмига чўзилди, маству маҳдиё нигоҳи рўпарасидаги баҳт келтирувчи кўк мовутга худди магнитга ёпишгандай мафтун бўлиб қолганди.

Тоқатим тоқ бўлди. Яна елкасидан ушлаб, бу гал қаттиқроқ силкидим.

– Туринг! Дарҳол... шу ўйин ўтсин, дегандингиз-ку...

Бироқ у менинг сўзларимга жавобан шартта бурилди: юзида энди на мўмин-қобилликдан ва на уятдан асар бор эди; бу ғазаби қайнаган одамнинг юзи эди, кўзлари порлаб, азбаройи асаби қақшаб кетганидан лаблари дир-дир титрарди.

– Қўйинг ўз ҳолимга! – деди ўшқириб. – Кетинг ёнимдан! Сиз келдингизу омадим кетди. Кеча ҳам шундай бўлганди. Бугун ҳам яна шундай бўляпти. Кетинг ёнимдан!

Бир дақиқа тош қотиб қолдим. Унинг дарғазаблиги менинг ҳам қаҳримни ошириб юборди.

– Ҳали мен туфайли омадингиз юришмайдиган бўлиб қолдими? – дедим. – Сиз каззобсиз, ўгрисиз, сиз менга қасам ичгандингиз...

Шу пайт шартта туриб атрофимизда шов-шув кўтарилганини ҳам пайқамасдан мени силтаб юборди.

– Ўз ҳолимга қўйинг! – ўзини йўқотиб қўйиб бақирди у. – Керакмас менга меҳрибончилигингиз... Мана... мана олинг берган пулингизни! – Шундай дея менга бир неча юз франк улоқтирди. Энди ўз ҳолимга қўйсангиз-чи!

У ўзини йўқотиб қўйиб атрофидаги юзлаб кишиларга ҳам эътибор бермасдан овозининг борича бақиради. Залдагиларнинг кўзи бизга қадалиб, шивир-шивир, илжайишлар бошланди, ҳатто қўшни залдан ҳам одамлар қизиқсиниб қараб қўйиши. Назаримда кийимларимгача шилиб олишгану, бу таажжубланган халойиқ олдида қип яланғоч қолгандайдим.

«Silence, madame, s'il vous plaît»¹ – шу пайт крупье қаттиқ ва амирона оҳангда деди-ю, куракча билан столга бир уриб қўйди. Бу абраҳминг бақириб айтган гаплари менга, менга қаратилганди, уятдан аъзойи баданим ловиллаб, илжайишиб бир-бiri билан шивирлашаётган томошаталаб халойиқ олдида юзига бир сиким пул отиб юборилган қиздайин забун туардим. Икки юз, уч юз одам сурбетлик билан менга безрайиб қараб туарди... бу хўрлик ва шармандалиқдан юрак-бағрим эзилиб, бошқа томонга бурилгандим, даҳшатда тош қотган кўзларга кўзим тушди, қарасам, у – оғзи очилиб, бир нарсадан қаттиқ чўчигандай кўли билан ўзини пана қилиб қараб турган холаваччам экан.

Уни кўриб мен ҳам қотиб қолдим: у ўзига келмасидан бурун залдан отилиб чиқиб кетдим; кеча бу телба йиқилган ергача чопиб боришга зўрға мажолим етди ва мен ҳам ҳолдан кетиб, беихтиёр, худди беҳуш одамдай ўзимни ўша қаттиқ ўриндиққа ташладим.

Ўшандан буён орадан йигирма беш йил ўтди, лекин бир тўда бегона одамлар орасида ундан ҳақорат

¹ Илтимос, хоним, секинроқ! (франц.).

эшитиб, тупроққа қоришганим эсимга тушиб қолса, ҳали-ҳали қутим ўчиб, томирларимда қон тұхтаб қолғандай бўлади. Бизлар баландпарвоз номлар билан атовчи жон, руҳ, ҳис-туйғулар азоб-уқубатлар топтаган жисмни, ёнаётган баданни тилка-пора қилолмас, яшин урган дараҳтдай гупиллатиб йиқитиши ўрнига, ҳануз кўзимиз очиғу, нафас олаётган эканмиз, улар нақадар ожиз, қанчалик аянч, разил нарсалар экан-ку, деган хаёлга бораман. Зеро, бутун вужудимни суюк-суюкларимгача қақшатган оғриқ мени бир дақиқагина ўриндиққа олиб бориб ташлади-ю, ўлимдан бошқа ҳеч нарса миямга кирмай, нафасим тұхтаб, қотиб қолдим. Лекин ҳали мен айтгандай, ҳар қандай дарду алам қўрқоқ бўлади, у баҳайбат ҳаёт наъраси олдида чекинади, ҳаётнинг вужудимиз устидан қиласиган ҳукмронлиги руҳимиз устидан қиласиган ҳукмронлигидан кучлироқ бўлади – булар ҳаммаси ўлим вассасасидир, холос.

Шундай ҳаяжон ва изтироблардан кейин қандай қилиб ўрнимдан туролганимга ўзим ҳам ишонмасдим; ҳарна бўлганда ҳам ўрнимдан турдим, лекин нима қилишим кераклигини билмасдим. Жомадонларим вокзалда эканлиги эсимга тушиб қолди-ю, ялт этиб бошнимга бир фикр келди: бе ерлардан, бу лаънати жойлардан нари кетиш керак, тезроқ нари кетиш керак! Ён-веримга қарамай вокзалга югурдим, яқин ўртада Парижга қачон поезд кетишини сўрадим; швейцардан соат ўнда жўнашини эшитиб, шу ондаёқ юкларимни багажга топширдим. Соат ўнда – демак, ўша машъум учрашувдан кейин орадан роппа-роса йигирма тўрт соат ўтганда, ички дунёимни бир умр вайрон қилган, бу қадар жўшқин қарама-қарши ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган йигирма тўрт соат ўтганда жўнаб кетарканман; икки чаккам лўқиллаб:

– Кет! Йўқол! Йўқол бу шаҳардан, ўз-ўзингдан нари кет, уйингга, яқин ёру дўстларинг ёнига,

илгариги ҳаётингга кет! – деган сўзлардан бошқа ҳеч нарсани сезмасдим. Эрта билан Парижга етиб келдим, у ердан тўғри Булонга жўнадим, Булондан Луврга, Луврдан Лондонга, Лондондан – ҳеч қаерда тўхтамасдан ўйлаб-нетиб ўтирмай тўппа-тўғри ўғлимнинг ёнига етиб бордим; қирқ саккиз соат уйқусиз, сўзсиз, овқатсиз ўтди, шу қирқ саккиз соат мобайнида фидираклардан ўша: йўқол, кет, нари кет, деган садолар эшитилиб турарди.

Ниҳоят, кутилмаган, ўйламаган вақтда ўғлимнинг шаҳар чеккасидаги уйига кириб борганимда ҳамма қўрқиб кетди: афтидан, кўринишимида, кўз қарашларимда сиримни фош қиласидиган бирор аломат кўриниб турган бўлса керак. Ўғлим келиб мени қучиб ўпмоқчи бўлганди, бир сапчиб ўзимни ундан олиб қочдим: ҳаром бўлган лабларимга ўғлимнинг лаблари тегишига асло чидаб туролмасдим. Саволларга жавоб бермасликни кўнглимга тушиб, ванна тайёрланг, деб буюрдим, холос. Чунки йўл чанг-тўзонлари билан бирга бу ярамас, телба одамнинг оташин эҳтирослари ҳақидаги сўнгги хотираларни ҳам аъзойи баданимдан ювиб ташлагим келарди. Кейин ўз хонамга чиқиб, ўн икки-ўн тўрт соатча тош қотиб ўликдай ухладим, умримда бунақа қаттиқ ухламагандим, кейин тобутда мурда бўлиб ётиш нималигини шу уйқудан тушуниб қолдим. Қариндошларим худди бетобга қарагандай парвариш қилишди, лекин уларнинг эркалаб қилган меҳрибончиликлари қайтага кўнглимни ранжитарди; уларнинг иззат-икромларини кўриб уялардим, ҳаммаларига бевафолик қилганимни, бир кутурган телбани деб уларни эсдан чиқариб юборганимни юзларига айтиб, бақириб юборишдан ўзимни ҳарқадамда зўрга тийиб юрдим.

Сўнгра Франциядаги биронта ҳам танишим бўлмаган хилват бир шаҳарчага жўнаб кетдим, нега

деганда, одамлар бир қараашдаёқ шармандалигимни, мендаги ўзгаришни сезиши мумкин, деган фикр миямга қаттиқ ўрнашиб, тинчимни бузиб қўйганди, ўзимни шу қадар шармандаи шармисор ҳис қиласдим. Баъзан эрталаб уйғониб кетган чоғларимда, аъзойи баданим музлаб, живирлашиб кетар, кўзимни очишга юрагим ботинмасди. Бегона, яrim ялангоч эркак ёнида тўсатдан уйғониб кетган ўша тун тўсатдан эсимга тушиб кетарди-да, ўша онда бўлгани сингари, фақат ўлимимни хоҳлаб қолардим. Бироқ вактнинг қудрати зўр, кексалик эса ҳар қандай юрак ўтини босиб қўяди. Ўлимнинг яқинлиги сезила бошлайди, йўл устига унинг қора кўланкаси тушади, равshan нарсалар хирадаша бошлайди ва унчалик кор қилмай қўяди, пайт пойлаб турган хавф-хатарлар ҳам камайиб қолади. Чеккан изтиробларим жароҳатлари тобора тузалиб, орадан бир неча йил ўтгандан кейин Австрия сафирхонасининг атташеси, бир ёш поляқдан ўша қариндошининг ўғли ўн йил муқаддам ўзини отиб ўлдирганини эшитганимда, мен ақалли салгина бўлса-да, сесканганим ҳам йўқ. Руҳан азобланмадим ҳам: қайтага, – худбинлигимни яширишнинг нима кераги бор, – журсанд бўлдим, чунки энди у билан учрашиб қолишимдан кўрқмасам ҳам бўлади. Энди ўз хотирамдан бошқа менга бирон кимсанинг гувоҳлик бериши мумкин эмасди. Шу кундан бошлаб хотирим жам бўлди. Кексаймоқ – ўтмишингдан кўрқиши бас қилмоқ демакдир.

Ўзим ҳақимда, ҳаётимдаги шу воқеа тўғрисида сиз билан суҳбатлашишга аҳд қилганимни энди тушунган бўлсангиз керак. Сиз Анриэтхонимни жуда жўшқинлик билан ҳимоя қилиб, йигирма тўрт соат хотин кишининг тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин, деганингизда гап мен тўғримда бораётгандай туолганди, сиздан миннат-

дор бўлдим, чунки биринчи марта ўзимни оқданган одамдай ҳис қилдим. Шундан кейин ичимдагини бир тўкиб солай, хотираларимдан лаънат тамфаси олиб ташланса-ю, шу билан мен эртагаёқ у ерга бориб, ундан ҳам, ўзимдан ҳам нафратланиб юрмасдан тақдиримга тушган ўша зал остонасини босиб ўтарман, деб ўйлаб қолдим. Ана ўшандада бағримни эзизб-қийнаб ётган тошлардан халос бўламану, у бутун оғирлигини ўтмишимга ташлайди, шу билан бу ўтмиш асло қайтиб келмайди. Яхшиямки, буларнинг ҳаммасини сизга айтиб қущдай енгил тордим, кўнглим ҳам хушнуд бўлгандай... Шунинг ўчун сизга кўпдан-кўп ташаккур.

К. хоним ўрнидан турди. Шу билан ҳикоя тамом бўлганини сездим. Бир оз хижолат тортиб нима дейишини ҳам билмай қолдим. Буни у пайқади шекилли, дарҳол:

– Йўқ, илтимос, керак эмас... Менга жавоб қайтариш ёки бирон нарса дейишингизнинг ҳожати йўқ... Саргузаштимга қулоқ солиб ўтирганингиз учун ташаккур, сизга оқ йўл, – деди.

Хайрлашар экан, қўлинин чўзди. Очиқ юз билан уялинқираб турган бу кекса аёлнинг нигоҳида шафқат бағишловчи гўзаллик барқ уриб турарди. Ўтмишдаги ошкора туйфулар шуъласими, ё саросималикми, оқ соchlарининг то илдизигача, бутун юз-қўзларига ҳазил югурди, худди ёш қизлардай хотираларидан ҳаяжонланиб, кечирмишларини тан олганидан уялиб турарди. Кўнглим бузилиб, унга иззат-ҳурматимни изҳор қилгим келди-ю, лекин нимадир ҳалқумимдан бўғиб турарди. Нихоят оғир сукунатдан сўнг чуқур таъзим қилиб, унинг хазон барглари каби сўлиб, сал титраб турган қўлинин камоли эҳтиром билан ўпдим.

Ўткір Ҳошимов таржимаси

КУЙГАН КҮНГИЛ ФАРЁДИ

Инсон юрагини абгор қилиш учун қисмат ҳар доим бор күч-құдрати билан уравермайды. Арзимаган баҳона билан кишини ўлимга маҳкум қилиш тақдирнинг енгилмас иродасидир. Биз ўзимизнинг оддий тилимизда тақдирнинг дастлабки ожизгина шарпасини шунчаки баҳона деб атаймиз. Кейин эса қисматнинг илк зарбаси нақадар құдратли оқибатларга олиб келганини күриб, ҳайрон қоламиз. Лекин касаллик зохир бўлишидан анча илгари пайдо бўлгани сингари, инсон қисмати ҳам қўзга яқъол ташланган дақиқада эмас, анча олдинроқ туғилади: тақдиримиз бизларга рўбару келишидан илгари вужудимизнинг энг тийран жойларида, қонимизда яшириниб ётади. Кейин киши бирдан ўз-ўзини таниб қолади. Бу – ўз-ўзига қарши курашиш билан баравар. Ўз-ўзига қарши курашиш эса ҳамиша кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлади.

* * *

Қария Соломонсон (ватанида уни коммерция маслаҳатчиси Соломонсон деб аташарди) кунлардан бирида Гард кўли соҳилидаги мусофирихона ҳужрасида тунда уйгониб кетди. У бу ерга пасха байрамини ўтказиш учун оиласи билан келган эди. Чол қаттиқ оғриққа чидолмас, гўё нимадир қорнини мижиглаётгандай бўлар, кўкраги қисилиб, аранг нафас оларди. Уни ваҳима босди: жигари касал, ўқтинг-ўқтинг санчиб турарди. Бунинг устига врачларнинг: «Карлсбадга бориб шифоланинг», дейишига қарамай, оиласи билан жанубга келишни

маъқул кўрган эди. Чол яна жигар касалим қўзғаб қолдимикин, деган хаёлга бориб қўрқиб кетди. Даҳшат ичида мешдай қорнини пайпаслаб кўрди. Аммо оғриқ пасаймаса-да, бирмунча таскин топди. Биқини санчиб оғрир эди. Чамаси, бу ернинг овқатлари зўрлик қилган бўлса керак. Балки ошқозони бир оз заҳарлангандир. Италияга келадиган туристлар тез-тез шундай оғриб туришади-ку. У хийла тинчланиб, титроқ қўлларини қорнидан олди. Аммо оғриқ ҳамон пасаймас, нафас олишга йўл қўймай чанглаб олганга ўхшарди. Шунда у туриб юрсам босилармикан, деган умидда инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Чиндан ҳам оёққа туриб, бир неча қадам юрган эди ҳамки, аҳволи анча енгиллашгандек бўлди. Лекин ҳужра тор, бунинг устига қоронги эди. Чол ёнидаги каравотда ухлаб ётган хотинини уйғотиб юборишдан ийманди. Уйгониб қолса, безовта бўлади, деган ўйда елкасига халатини ташлади-да, сарпойчан оёғига тунлик шиппагини кийиб, бир оз кезиб келиш мақсадида йўлакка чиқди.

У эшикни очганди, йўлакнинг ланг очиқ деразаларидан черков қуббасида жаранглаган соат зангининг садолари ёпирилиб кирди. Тўрт марта янграган занг овози кўлнинг нариги соҳилига урилиб, юмшоққина акс садо берди-ю, сукунат қўйнига сингиб кетди: соат тунги тўрт бўлганди.

Йўлак қоп-қоронги эди. Аммо чол унинг тўғри, лекин анча узунлигини эсларди. Шундай бўлса ҳам чол йўлакнинг у бошидан бу бошига бориб келар, чукур-чукур нафас олар, оғриғи борган сари пасаяётганидан қувонарди. У эндинигина ўз ҳужрасига қайтиб кирмоқчи бўлиб турганди, тўсатдан сезилар-сезилмас шовқинни эшитиб тўхтаб қолди. Қаердадир, яқингинада бир нима гийқиллади, кимларнингдир пичир-пичир гаплашгани эшитилди.

Кия очилган эшикдан тушган ингичка нур бир лаҳза зулматни кесиб ўтди. Бу нима бўлди? Чол беихтиёр бурчакка қисилиб олди. Албатта, у нима бўлаётганини билишга қизиққанидан эмас, бирор унинг уйқусизлик касалига мубтало одамдек ярим кечада йўлакда тентираб юрганини кўриб, гап қилишдан чўчигани учун шундай қилди. Йўлакка нур тушган пайтида ўша очилган эшикдан оппоқ, кўйлак кийган бир аёл чиқиб, йўлакнинг нариги бошига ўшунғиб кетганини кўриб қолди. Ё унга шундай туюлдими, биломади. Йўқ, адашмаган экан. Чиндан ҳам йўлак охиридаги эшиклардан бирининг тутқичи шиқирлади. Кейин яна ҳамма ёқ зулмат қўйнида сукутга чўмди.

Чол юрагига бирор найза санчгандек бирдан қалқиб кетди. Ахир йўлак бошида, эшик тутқичи хоинона шарақлаган жойда унинг ҳужралари жойлашган-ку. Уч хонали ўша номерни оиласи билан ижарага олган ўзи эмасмиди? Хотини ўлиқдек ухлаб ётибди. Ҳозиргина ўша ердан чиқди-ку! Демак бу... адашиши мумкин эмас, бу – бирорнинг ҳужрасидан яширинча чиқиб кетган аёл Эрна. Эндингина ўн тўққизга тўлган суюкли қизи Эрна экан-да!

Чолнинг аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб, қалтираб кетди. Бу, Эрна – унинг қизалоги, шўх-шаддод эркаси. Йўғ-э, адашди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Адашди, албатта адашди. Ундай деса, нега у бирорларнинг ҳужрасига кириб юрибди. Чол бу фикрни елкасига миниб олган шайтонни ҳайдагандек хаёлидан қувди. Лекин ўша эшикка кириб кетган аёл унинг миясига маҳкам ўрнашиб олди. Йўқ, бу хаёлни юлиб ташлаб бўлмайди. Бу аёлнинг кимлигини билиши керак. Адашдими, йўқми? У нафаси бўғзига тиқилиб, деворни пайпастаганча қизининг ҳужрасига – ўз хонаси билан ёнма-ён ҳужра эшигига етиб борди. Етиб борди-ю, унинг тирқишидан ингичка

нур тушиб турганини, эшик зулфидан хоинларча зиё тараалаётганини кўриб аламидан доддаб юборай деди.

Соат тўртда қизининг хонасида чироқ ёниб турибди! Мана, тагин бир далил: включатель шиқиллади, ингичка нур зулмат қўйнида эриб кетди. Йўқ, йўқ, энди ўз-ўзини алдаши бефойда. Эрна, унинг қизи Эрна ярим кечаси бегона ҳужрадан яширинча чиқиб, ўз хонасига кириб кетди.

Чол безгак тутгандек қалтирап, совқотар, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетган эди. Эшикни бузиб кираман, уриб пачақдаб ташлайман шармандани! Аввало у шундай хаёлга борди. Лекин бир қадам ҳам юролмай, оёқлари чалишиб кетди. Ниҳоят, ҳужрасига бир амаллаб етиб олди-да, ўлар ҳолатда яраланган жонивордек тўшакка муккасидан йиқилиб тушди.

* * *

Чол қимир этмас, кўзларини катта-катта очганча зулматга тикилиб қолганди. Аввалига у пишиллаб ухлаётган хотинини туртиб уйғотгиси, ҳозир ўзи кўрган даҳшатли воқеани айтиб бергиси, бутун газабини тўкиб солгиси келди. Лекин бу шармандали воқеани қай юз билан, қай тил билан гапирсин? Йўқ, асло, асло гапиромайди. Унда нима қиласди? Нима қилсин? У фикрини бир ерга тўплаб олишга уринар, хаёллари эса кўршапалаклар сингари мијасида тўхтовсиз чарх урадди. Ахир, ахир бу даҳшат-ку! Эрна, меҳрибон кўзлари порлаб турган, ноzikкина, эркатой қизалоги... Куни кеча эмасмиди, алифбе варагидаги ҳарфларни тушунолмай жажжи, қизгиш бармоқдари билан сўзларни ҳижжалаб ўқиб ўтиргани. Куни кеча эмасмиди, у мактабдан олиб келиш учун борганида зангори кўйлагининг этагини ҳилпиратиб истиқболига югуриб чиққанлари. Ўшанда у йўл-йўлакай қандолатчининг дўконига

кириб, қизига пирожний олиб берарди. Шира теккан гўдак лабининг бўсасини ҳамон унугани йўқ, ахир. Буларниң ҳаммаси куни кеча бўлмаганмиди? Йўқ, орадан анча йиллар ўтиб кетди. Анча йил... Йўғ-э, кечагина болаларча эркалик билан витринада турган, олдига зар уқа тутилган зангори свитерни олиб берасан деб харҳаша қилмаганмиди! «Дадажон, жон дада, хўп дейқол», деганича кафтларини жисплаштириб, қувонч билан жилмайиб турган эди-ку. Ҳар сафар қизи шундай ишонч билан қулиб турганида унинг юзидан ўта олармиди! Энди бўлса, қизи унинг ҳужрасидан икки қадам наридаги бегона эркак хонасига кирди, унинг тўшагида ётди.

«Ё худо, ё худо! – беихтиёр инграб юборди чол – Бу қандоқ шармандалик! Қандоқ шармандалик! Менинг болагинам, нозиккина, суюкли қизалогим бегона эркак билан... Ким билан? Ким бўлди у? Бу ерга келганимизга бор-йўғи уч кун бўлди. Илгари у қирриги чиққан бу олифталарнинг ҳеч қайсисини – олмабош граф Убалъдинни ҳам, италъян офицерини ҳам, мекленбурглик анави баронни ҳам билмасди... Келганимизнинг эртасига танцада танишишиди. Бугун бўлса, дарров уларниң биттаси билан... Йўқ, бу иш энди бўлаётгани йўқ. Чамамда, бу илгарироқ бошланган. Уйда... Мен аҳмоқ, мен алданган қари аҳмоқ... Фаҳмим етмапти-я. Ростаданам улар тўгрисида нима биламан ўзи? Кун бўйи шуларни деб ишласам. Идорада ўн тўрт соатлаб ўтирсам. Бир вақтлар сотиладиган молларниң нусхаси солинган жомадонни қучоқлаб поездларда ҳам санғиганман. Пул учун, ҳаммасини пул учун қиласдим. Шулар чиройлироқ кўйлак сотиб олсин, тўқ юрсин деб... Кечқурунлари итдек чарчаб уйга келсам булар йўқ; гоҳ театрда, гоҳ баллда, бир қарасанг меҳмондорчиликда. Буларни мен қаёқдан билай. Кун бўйи нима ишлар қилишини туш кўриб ўтирибманми? Энди

бор-йўғи битта нарсани биламан: менинг қизим суюқоёқ хотинларга ўхшаб кечалари эркакларга ўзининг ёш, покиза танини тақдим этаркан! Э худо, қандоқ шармандалик!»

Чол оғир-оғир инграр, фикри қуюлгани сайин яраси янгиланиб бораради. Назарида кимдир унинг бош қопқоғини очиб қўйгану қон босган миясида қип-қизил қуртлар фимираётганга ўхшарди.

«Шундай экан, нега буларнинг ҳаммасига чидаяпман? Нега энди мен бу ёқда ўз ёғимга ўзим қоврилиб ётаману, анави беҳаё хотиржам ухлаши керак? Нимага ўшандаёқ олдига кириб, шармандалигини юзига солмадим? Нега суяк-суягигача майдалаб ташламадим? Негаки, ожизман, қўрқоқман... Мен ҳамиша уларнинг олдида ожиз бўлиб келдим. Нима дейишса кўндиндим... Аммо... Ўзим ит азобида яшасам ҳам, шуларнинг ҳаётини енгиллаштириб берганимдан фахрланардим-ку! Ҳар бир пфенингга¹ тиш-тирногим билан тирмашардим. Шуларнинг хурсандчилиги учун ҳар қандай азобу уқубатларга ҳам тайёр эдим. Энди, уларни бадавлат қилиб қўйтганимдан кейин она-бала мендан ҳазар қиладиган бўлиб қолиши. Хунукман, саводсизман... Қаёқдан саводхон бўлай? Ўн икки ўшимда мактабдан тортиб олиб, ишга солдилар. Мен пул ишлашим керак эди. Пул, пул, пул ишлашим... Намуналар солинган жомадонни қўлатиқлаб аввал қишлоқма-қишлоқ, кейин шаҳарма-шашар кездим. Ўзим идора очмагунча озмунча дайдидимми? Сал жир битиб, ўз уйига эга бўлганидан кейин, менинг пок номим, яхши отим ёмонга чиқди. Мендан уяладиган бўлиб қолиши. Она-бала яширин коммерция маслаҳатчиси деган унвонни сотиб оласан, деб мажбур қилиши. Фрау Соломонсон, деган ном уларга ярашмасмиш, кибор бўлгилари кеп қопти. Киборлар эмиш! Уларнинг

¹ Пфенинг – чақа пул.

даъволарига қарши, «яхшилар давраси»га қарши гапирганимда, раҳматлик онам уй ишларини тинчгина, соддагина бошқарганини, ёлғиз отамизу бизлар учун яшаганини айтганимда масхара қилиб кулишди, қолоқсан, эски одамсан, дейишди... «Дадажон! Сен жудаям қолоқсан», деди анавиниси... Ҳа, мен эскиман, қолоқман... Ўзи бўлса бегона эркакнинг тўшагида... Қизалогим, менинг ягона, биттаю битта болагинам... Оҳ, қандоқ шармандалик, қандоқ шармандалил!»

Чол аламидан инграб юборганидан хотини уйгониб қолди.

– Нима бўлди? – деб сўради у уйқу аралаш.

Чол қимир этмай, нафасини ичига ютиб ётаверди. Шу ётганча ўз фам-андуҳларининг қоп-қора кафанига ўралиб, юрагини кемираётган қуртларга ем бўлган кўйи тонг отгунча қимирамади.

Чол нонуштага ҳаммадан олдин келди. У чуқур хўрсишиб стол ёнига ўтирди, аммо томоғидан ҳеч нарса ўтмади.

«Яна ёлғизман, – деб ўйлади у. – Қачон қарама ёлғизман. Эрталаб, идорага кетаётганимда улар театр ва баллардан чарчаб келиб, ноз уйқуда ётган бўлади. Кечқурун ишдан келганимда аллақайси гўрда – ўз даврасида вақтичоғлиқ қилишаётган бўлади. Мени албатта унақа давраларга олиб боришмайди. Оҳ, пул-а! Лаънати пул-а!

Уларни пул бузди. Пул туфайли бир-биримизга бегона бўлиб кетдик. Ҳаҳ, аҳмоқ-а! Нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул ишлай дебман-а! Хўш, оқибати нима бўлди? Ўзим гадога айланиб қолдим. Улар эса бузилиб кетди. Эллик йил эшакдек ишладим, дам нималигини билмадим. Энди бўлса ёлғизман».

Хотини билан қизи ҳадеганда келавермагач, унинг жаҳли чиқди. «Нега келишмаяпти? Хотин билан гаплашишим керак. Айтаман унга... бу ер-

дан кетишимиз керак. Кетмасак бўлмайди. Нега кела қолмайди-а? Ҳа, дам оляпти. Роҳатланиб дам оляпти. Менинг эса бу ёқда ичимни ит таталаяпти. Ўшанинг онаси-да... Соатлаб пардоз қилади. Ваннага тушади, маникюр, сартарошхона... Ўн бирсиз иши битмайди. Ҳа-я, онаси шундоқ бўлганидан кейин, қизи ундан ўтиб қаёққа борсин. Оҳ, пул-а, лаънати пул-а!»

Орқа томондан енгилгина қадам товуши эшилди.

– Салом, дадажон! Яхши ухлаб турдингми? – Майин лаблар унинг қизиб кетган чаккасига ёпишди. Чол беихтиёр бошини силтаб, четга одди. Коти атирининг чучмал исидан кўнгли беҳузур бўлди. Қолаверса...

– Нима бўлди, дадажон, яна кайфинг бузуқقا ўхшайдими? Менга қаҳва билан қўймоқ, қовурилган чўчқа гўшти олиб келинг... Дада, яхши ухламадингми, ё нохушроқ хабар эшитдингми?

Чол ғазабини ютди. Қизининг кўзига қарашга ботинолмай, бошини қуий солди-ю, миқ этмади. У қизининг дастурхон устида ўйнаб турган оппоқ, зотли овчи итнинг оёғига ўхшаш дўмбоққина тирсагини кўриб турар эди.

Вужудини титроқ босиб, қизининг гўдакларча нозик қўлларига ийманиб қараб қўйди. Куни кеча ҳар оқшом уйқуга ётишдан олдин мана шу қўллар уни қучиб хайрлашмаганмиди? У қизининг янги свитер остида бир текис кўтарилиб турган думалоқ кўкрагига разм солди. «Бегона эркак билан ялангоч ётган, – деб ўйлади чол алам ва азоб билан, – ўша абллаҳ уни силаган, эркалаган... Оҳ, менинг шўрлик болагинам, юрагимнинг мадори, оҳ, қизалофим... о, ярамас!» У инграб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Нима бўлди, дадажон? – деб сўради Эрна ташвиш ва меҳрибонлик тўла овоз билан.

«Нима бўлди, дейсанми? – деб ўйлади чол ғазаб билан. – Менинг қизим манжалақи чиқиб қолди. Ўзига айтай десам, журъат қилолмаяпман».

У шундай деб ўйлади-ю, эшитилар-эшитилмас гулдираб қўйди:

– Ҳеч гап, ҳеч нима... – У шошилиб газетани очди-да, савол назарида қараб турган қизига кўрин-маслик учун юзини тўсиб олди. Қизининг қўзига қарашга ботинолмади. Унинг қўллари қалтирап эди. «Ҳозир, ҳозир айтиш керак. Ҳозир икковимиз танҳомиз», – деб азоб чекарди чол. Лекин тили қалимага келмас, ҳатто қизининг қўзига тик қарашга ҳам жасорат тополмасди. Кейин стулни кескин силтаб, зўрга ўрнидан турди-да, бурилиб боқقا чиқиб кетди. У иродасига бўйсунмай юзидан йирик-йирик ёш томчилари оқиб тушаётганини сезиб қолган эди. Йўқ, қизи буни кўрмаслиги керак.

Паст бўйли, қалта-қалта оёқди чол боғда узоқ кезиб, кўлга диққат билан тикилди. Унинг тўкилай-тўкилай деб турган ёшлар билан хиралашган кўзлари, ҳарқалай, табиатнинг гўзаллигини пайқамай қолмади. Ям-яшил майсалар билан қопланган қирлар хотиржам ястаниб ётар, ора-чора учли найзалардек осмонга санчилган сарв дарахтлари қорайиб кўринар, ундан ҳам нарида эса кескин ва қиррадор тоғ чўққилари кўзга ташланар эди. Тоғлар жондан азиз болакайларининг ўйинини томоша қилаётган одамлар каби сипо, хотиржам бир қиёфада кўлнинг гўзаллигини кузатиб турарди. Гуллаган табиат меҳри-бонлик ва беозорлик билан қучоғини очар, ҳар кимни сахий ва бахтиёр бўлишга ундар, Хизр назар қилган жанубнинг абадий табассуми илоҳий бир нур таратиб турар эди.

«Бахтиёр бўлиш эмиш, – чол оғирлашиб кетган бошини алам билан чайқаб қўйди. – Ҳа, бу ерларда бахтиёр бўлса арзийди. Мен умримда бир марта,

фақат бир марта тантанаю дабдабалар билан дам олгим, ташвиш нималигини билмайдиган одамлар-нинг ҳаёти нақадар яхши бўлишини синаб кўргим келарди. Ҳисоб-китоблару майда-чуйда савдоларга эллик йиллик умримни сарф этганимдан кейин, биринчи марта, бор-йўғи бир неча кунга бу ерга ўша ниятда келувдим. Олиб бориб гўрга тиқишиларидан олдин бир марта бўлса ҳам ҳузур қиласам дегандим.

Ё худойим... Олтмиш бешни уриб қўйибман. Бир оёғим ерда-ю, бир оёғим гўрда... Энди пул ҳам, докторлар ҳам ёрдам беролмайди... Ҳеч бўлмаса ҳаётим сўнгида эркинроқ нафас олиб, ўз тўғримда ўйлаб қўришга ҳам имконим йўғ-а?! Раҳматлик отам: «Сен билан менинг пешанамга худо роҳатни битмаган. Бошинг гўрга киргунича тўрва халтангни орқалаб юравер», деб бекорга айтмаган экан. Куни кеча энди дам олсам бўлар, дея кўнглимга тутиб қўйгандим. Чиройли, хушчақчақ қизимга ҳавас билан боқиб, қувончига шерик бўлгандим... Бугун эса, худо қўшқўллаб урди. Ҳаммаси адойи тамом бўлди. Энди мен пушти камаримдан бино бўлган қизим билан на гаплаша оламан, на қўзига тик қарай оламан, шарманда бўлдим.... Энди ҳамма жойда – уйда ҳам, идорада ҳам, кечаси тўшакда ётганимда ҳам: ҳозир у қаерда, қаёқларда эди, нима қилиб келди, деган ўй тинчлик бермайди менга. Энди уйимга ҳам хотиржам қайтолмайман. Эсимда, у менинг истиқболимга югуриб келаётганида теримга сифмай кетардим. Энди эса бу лабларни яна кимдир ўпганини билиб тураман. Ёнимда йўқлигига хавотир олавераман, олдимда юрганида эса қўзига қаролмайман. Йўқ, бу хилда яшаб бўлмайди, асло яшаб бўлмайди».

Чол у ёқдан бу ёққа бориб келар, маст одамдек ҳадеб ўзига ўзи гапирап эди. Кўл томонга тез-тез нигоҳ ташлар, кўз ёшлари эса соқолидан тинимсиз оқиб тушарди. У пенснесини олди-да, намланиб

кетган шапқұр қўзларини қисганча тор сўқмоқда тўхтаб қолди. Чолнинг ҳозирги аҳволи шундай аборга аянчли эдики, ёнидан ўтиб кетаётган боғбон бола пиқ этиб кулганча, зимдан қараб турди-да, кейин мазах қилиб итальянча алланима деб қичқирди. Чол ўзига келиб, шошганича пенснесини кўзига тақди-да, одамлардан четроқда ўтириш учун боғичкарисига кириб кетди.

Лекин у ерда ҳам ўзига маъқул жой тополмади. Негаки, ҳамиша қадрдон бўлган, энди эса юрагини қиймалаётган кулги садоси уни чўчитиб юборди. Бу янгроқ овоз унинг қулоқларига ўн тўққиз йилдан буён оромбахш куйдек эшитиларди. У мана шу кулги учун Познанга, Венгрияга учинчи класс вагонларида, судралиб борар, шу кулгининг умри боқийлиги учун, пул деб аталувчи сариқ гўнгни унинг оёқлари остига тўкиб ташлар, у ҳам мана шу гўнгдан куч олиб, яйраб-яшнарди. Чол фақат мана шу кулги учун, унинг суюкли лабларидан ҳамиша кулги аrimаслиги учун яшаб келди, жигарини касалга чалинтирди. Энди бўлса, шу кулги, мана шу лаънати кулги унинг кўксини қиймалаяпти.

Ҳарна бўлганда ҳам бу вассвасалар чолни тўсиб қололмади. У яқинроқ бориб, теннис майдончасидаги қизга кўзи тушди. Қизалоги ялангоч қўллари-ла эркин ҳаракатлар қиласар, шўх кулгилари теннис коптоги билан бирга зангори осмонга парвоз қиласар эди. Уч эркак – кенггина спорт кийими кийиб олган граф Убальди ҳам, торгина ҳарбий тужуркадаги офицер ҳам, чиройли бриджка кийиб олган мекленбурглик барон ҳам унга суқданиб тикилиб туришарди. Мускулдор бу уч эркак типирчилаётган капалакни ўраб олганга ўхшарди. Чолнинг ўзи ҳам бу манзарадан кўз узолмай қолди, ё тангрим, мана шу калтагина оппоқ қўйлакда қизалоги мунчаям очилиб кетмаса, олтин ранг соchlари қуёшда мунчаям товланмаса!

Унинг ёш, маст қилувчи бадани юрганида, енгилгина сакраганида эркин, кескин ҳаракатлари билан шундай танг қолдирардики кишини! Ана, у, осмонга оппоқ коптокни ирғитди. Кейин иккинчи-сини, учинчисини улоқтириди. Келишган. қомати шунақаям эгилиб кетдики... Мана, у охири коптокни илиб олиш учун сакради. Чол қизини ҳеч қачон шундай ҳолатда кўрмаган эди. У ойнадек тиниқ кўлниңг тўлқинларидан чиқсан фариштага ўхшаб кетди. Майин, келишган гавдаси ҳеч қачон ҳозиргилик чаққон ва эркин ҳаракат қилмаган эди. Йўқ, у димиққан шаҳарда, тош деворлар ўртасида ҳеч қачон қизини шу аҳволда кўрмаган эди. Қизининг товушлари ҳеч қачон уйда ҳам, кўчаларда ҳам бу дунёning жами ташвишларидан холи бўлиб, бундай жарангламаган эди. Одатда, осмон-фалакда парвоз қилаётган тўрғай шундай яйраб-яйраб сайрайди... Йўқ, йўқ, у ҳечам ҳозиргидай очилиб кетмаганди! Чол мафтун кўзларини ундан узолмай қолди. У атрофидаги ҳамма нарсани унугиб, оппоқ аланга бўлиб ловиллаётган қизига тикилиб қолган эди. Чол қизининг тасаввури билан маст бўлиб, ундан бир умр кўз узмай тураверишга тайёр эди. Шу пайт қизи баланд сакради-да, ўзига улоқтирилган энг охирги тўпни ҳам чаққонлик билан илиб оди-ю, қизишиб кетганидан ҳарсиллаб, голибона табассум билан коптокни кўксига босди.

Уни қизиқиш билан кузатиб турган эркаклар опера ариясини эшитиб, мамнун бўлгандек қичқириб юбориши:

– Яшанг, балли!

Уларнинг гўлдираган овози чолни ҳушига келтириди. У эркакларга ғазаб билан қараб қўйди.

«Мана, ўша ярамаслар! – деган ўй урилди юрагига. – Мана улар! Лекин буларнинг қайсинаси? Шу уч олифтадан қай бири қизимга эга чиқди экан?

Сип-силиқ бўлиб атире сепиб олганини қаранг бу такасалтангларнинг! Бизлар буларнинг ёшида идорада йиртиқ-ямоқ шим кийиб ўтирадик. Харидорларнинг остонасига бош уравериб, чипта кавушимиз илма-тешик бўлиб кетарди. Ким билсин, балки оталари ҳалиям шулар одам бўлсин, деб эртаю кеч пешана терини тўкиб пул ишлаш азобида ётгандир. Булар бўлса дунёнинг айшини суриб, тараалабедод қилиб юрибди. Баданлари ҳам офтобда қизариб кетибди, сурбетлик билан илжайиб туришларини айтмайсизми. Дуч келган олифта қизга сал хушомад қилса бас, ошифи олчи. Нимагаям келишган, хушчақчақ бўлмасин. Аммо буларнинг қайси бири ўша? Ахир, биттаси ҳозир ҳам қизимни хаёлан ечинтириб, маза қилиб танглайнини такиллатиб турибди-ку! Ҳа, у қизимнинг ҳар бир тукигача кўрган, мана ҳозир ҳам кечаси тағин бирга бўлишини ўйлаб, кўз қисаётгандир. Ярамас, тентак! Итдек ўлдириб ташлайман!»

Майдончада турганлар уни пайқаб қолишиди. Қизи жилмайганча чол томонга қараб ракеткасини силкиб қўйди. Эркаклар таъзим қилишиди. Чол ҳеч кимнинг саломига алик олмади. Фақат фуур билан жилмайиб турган қизига қовоқдари шишиб кетган, қон тўлган кўзлари билан тикилиб тураверди. «Яна илжаяди-я, беҳаё! Балки ўша ифлос ҳам бу қари, аҳмоқ жуҳуд ниманинг фаҳмига борарди, тун бўйи тўшагида хуррак отиб чиқади. Мияси ачиган чол нималар бўлаётганини билсайди», деб илжаяётгандир. Ҳа-ҳа, биламан. Сизлар тупукни босиб олишдан ҳазар қилгандай мени четлаб ўтасизлар. Лекин қизим-чи? Ёқимтой қизча сенларнинг хизматингга тайёр. Онаси... рост, онаси семиз, кўпол. Пардоз-андоз билан одам бўлиб юрибди. Аммо ҳалиям қўлга илинаверади. Сўрасанг йўқ демайди... Рост, итлар, сенларнинг ўйлаганингда жон бор. Ахир уларнинг

ўзи сенларнинг кетингда илашиб юрибди-ку... Биронинг юраги абгор бўлаётгани билан сенларнинг нима ишинг бор. Ўзларинг вақтичоғлик қилсанг, анави суюқоёқларни хушнуд этсанг бўлди-да... Қани энди револьвер билан қоқ пешанасидан отиб ташласам, қамчи билан савалаб хумордан чиқсам. Нимаям қиласдим. Сенларнинг ўйлаганинг рост. Ҳеч ким бундок қилмайди. Сўлагини ичига ютган итдек аламимни, газабимни ичимга ютишдан бошқа иложим йўқ. Қўрқоқлик қиляпсан, қари аҳмоқ. Нимага беҳаё қизингнинг қўлидан судраб уларнинг орасидан олиб чиқмайсан. Ўз ёғингга ўзинг қоврилиб мум тишлаб турибсан, қўрқоқсан, юраксизсан, қўрқоқсан!»

Чол майдон четидаги сим тўрни чанглаб олганча разабдан титрарди. Тўсатдан ерга тупурди-да, гандираклаганча чиқиб кетди.

Чол шаҳарча қўчалари бўйлаб тентираб бораради. Бирдан у магазин витринаси олдида тўхтаб қолди. Дераза ортида ранг-баранг пирамида шаклида ва зиначали куббаларга ўхшатиб дид билан тахлаб қўйилган турли-туман майда-чуйдалар кўзга ташланарди. Улар орасида туристлар учун керак бўладиган ҳамма нарса – эркаклар қўйлаги ва қармоқлар, блузкалар ва илмоқлар, галстуклар, китоблар, ҳатто печеньегача бор эди.

Лекин чол мана шу қимматбаҳо ва чиройли майда-чуйдалар орасига ташлаб қўйилган ёлғиз бир нарсага – учига темир қопланган йўғон таёққа қараб турарди. Бундай таёқни маҳкам ушлаб бир урсами...

«Ўлдираман, итни!» – деб ўйлади чол алаҳлаган одамдек, деярли ҳузурбахш бир туйфуда ёниб. У дўконга кирди-да, ҳар ер ҳар ерида бутоқ кўзлари бўртиб турган оғир чўқморни арзимаган пулга сотиб олди. Таёқ дастасини кафтига қисиши билан кучига

куч қүшилганини сезди. Ахир ҳар қандай қурол ҳам жисмоний ожиз кишида маълум даражада ўз-ўзига ишонч уйғотади-ку! Чол таёқни қаттиқ қисиб олған, қўл мускуллари таранг тортилаётганини сезиб турарди. «Ўлдираман... ўлдираман итни!» – деб қайтарарди ўзига ўзи. Унинг оғир, ҳар лаҳзада қоқиляётган қадамлари беихтиёр қатъиyroқ, текисроқ бўлиб борарди. У бошини баланд кўтарганча чаққон борар, йўқ, соҳил бўйлаб юриб эмас, югуриб, нафаси қайтганча, терга ботганча келар эди. Шу тобда у тез юрганидан, ниҳоят, fazabi юзига тепганидан терлаб кетганди. Титроқ қўллари таёқнинг каттакон думалоқ дастасини ҳадеб қисарди.

Шу алпозда у салқин айвончанинг кўкиш соясига кириб борди-да, кўзлари билан нотаниш душманини ахтара бошлади. Ҳа, у адашмаган эди. Бурчакда қулай тўқима креслога ястаниб олганча хотини, қизи ва кунда-шунда уч эркак содали вискини найчадан шимириб, шодон гап сотиб ўтиришарди. «Қайси бири ўша? – деб ўйлади у таёқни кафтига маҳкам қисиб олганича. – Қайси бирининг бошини мажақлаб ташлай. Қайсинисининг, қайсининг?.. Лекин Эрна унинг кўзларидаги маънони тушуниб қолди шекилли, илдам турганича қаршисига югуриб келди.

– Қаёқда қолдинг, дадажон? Биз ҳамма ёқни қидириб чиқдик. Биласанми, жаноб фон Медвиц автомобильда сайр қилишга таклиф қиляпти. Дезен-џаногача борамиз, бутун кўлни айланиб чиқамиз. – У эркаланиб чолни столча томонга туртди. Чамаси, отам таклиф қилишгани учун ташаккур айтади, деб ўйлаган бўлса керак.

Эркаклар чол билан саломлашиш учун сертакал-луф қиёфада ўрниларидан туришди. Чол қалтираб кетди, лекин у ёнгинасида қизи турганини сезар, мулоийим эркалигини ҳис қилас, бу эса унинг қатъ-

иятини пучга чиқаарди. Унинг иродаси синди. Чол ўзига узатилган кўлларни кетма-кет қисиб қўйди-да, индамасдан ўтирди. Чўнтагидан сигара олиб, юмшоқ тамакини газаб билан чайнай бошлади. У келганда тўхтаб қолган французча суҳбат тағин давом этди, ора-сира қаҳқаҳа овозлари янграй бошлади.

Фужанак бўлиб олган чол, индамай ўтирар, сигарани шундай куч билан чайнардики, тамакининг жигар ранг суви тишларини қорайтириб юборди. «Ҳа, улар ҳақ, минг марта ҳақ... – деб ўйларди у. Ўша аблаш менинг башарамга тупуриб юборса арзийди. Ахир мен унинг қўлини қисдим-ку! Шу учаловидан бири – ўша ярамас эканлигини била туриб, битта стол қаршисида хотиржам ўтирибман. Ҳатто уролмадим ҳам. Йўқ, мен унга назокат билан қўлимни чўздим... Улар менинг устимдан кулишга ҳақи бор, тамомила ҳақи бор. Худди мен бу ерда йўқдек, аллақачон гўрда ётгандек. Бемалол гаплашишларини қара! Ахир уларнинг иккови ҳам – Эрна ҳам, онаси ҳам французча биттаям сўз тушунмаслигимни жуда яхши билишади-ку! Ақалли икковидан бири йўлига бўлса-да, мени бу шармандали аҳволда қолганимни кўра туриб, бир оғиз гапирмади-я...

Менга парво қиласликка уринишяпти. Улар наздида мен бир хокисоргина эмас, халақит бериб турган думга ҳам ўхшайман. Мендан ҳазар қилишади, уялишади. Фақат пул берганим учун чидаб ўтиришибди. Ҳа, пул-а, ифлос, жирканч пул-а! Худонинг қаҳрига учрагур шу пулларни бериб уларни йўлдан оздиредим. Ҳей, хотиним, ҳей, пушти камаримдан бино бўлган жувонмарг қизим, менга бир оғиз сўз қотсаларинг-чи, ақалли бир оғиз-а...

Йўқ, мана шу такасалтанглардан, олифталардан кўзларингни узолмаяпсанлар... Ҳар гапига қийқиргудек бўлиб кулаёттанингни қара... Мен бўлсам...

чида б ўтирибман. Ҳиринглашларингта қулоқ солиб, гарангман... Муштлаб абжалингни чиқариб ташлаш ўрнига, чида япман. Йўқ, кўз олдимда ҳар хил ҳунар чиқаришидан илгари мана шу таёқ билан урайми, тирқириатиб юборайми... Қизик... ҳаммасига йўл қўйиб, аҳмоқ бўлиб жимгина ўтирсам-а... Қўрқоқ ... юраксиз, қўрқоқ!..»

– Рухсат этинг, – деди итальян офицери чала-яrim немис тилида ва чолнинг зажигалкасига қўл чўзди.

Чуқур хаёллардан ўзига келган чол чўчиб тушди ва ҳеч нимадан ҳадиксирамай, тикилиб турган офицерга газаб билан қараб қўйди. Вужудини чида бўлмас нафрат эгаллади, титроқ қўллари беихтиёр таёқни қисди. Лекин шу ондаёқ лаблари қийшайиб, маъноносиз бир қиёфада илжайиб қўйди.

– О, албатта рухсат бераман, – деди у кескин, бўғиқ товушда. – Албатта, ҳе-ҳе, ҳе... ҳаммасига рухсат бераман... нима хоҳласангиз ўшанга... ҳе-ҳе-ҳе, менда нимаики бўлса ҳаммаси сизники... Менинг олдимда нима хоҳласангиз ҳаммасини қилишингиз мумкин.

Офицер унга ҳайрат билан қараб қўйди. Тилни яхши билмагани учун чолнинг ҳамма гапларини тушунмади. Лекин чолнинг бемаъни илжайиши уни ҳайрон қолдирди. Немис беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Иккала аёлнинг ранги докадек оқарди. Ўртага момақалдироқ олдида бўладигандек таранг сукунат чўқди.

Лекин чолнинг газабли илжайиши тезда фойиб бўлди: таёфи қўлидан сирғалиб тушиб, калтак еган итдек букчайиб қолди. Ўзининг жасоратидан қўрқиб ноқулай аҳволда кулиб қўйди. Эрна оғир сукунатни бузиш учун шоша-пиша алланима деди, немис барони ясама кўтаринкилик билан жавоб қайтарди ва орадан бир неча дақиқа ўтгач, узилиб қолган сўзлар тағин хотиржам чулдираб кетди.

Чол шодон гап сотаётган бу одамлар ўртасида чуқур хаёлга ботганча индамай турарди. Четдан қараганда ухлаб қолганга ўхшарди. Қўлидан сирғалиб тушган таёқ оёқлари остида ётар, кафтига қўйиб олган боши борган сари оғирлашар, лекин унга ҳеч ким эътибор бермасди: унинг фамгин сукунати устидан сўз тўлқинлари шовиллаб ўтар, ора-сира ҳазил кетидан кулги кўпиклари қайнаб чиқар, у эса чексиз-адосиз уят ва фам-андуҳ денгизининг қоп-қора тувида қимир этмай ётарди.

Эркаклар ўринларидан туришди. Эрна шоша-пиша уларга эргашди. Бир оздан кейин онаси ҳам шошилмай шундай қилди. Улар тўдалашиб меҳмонхонага йўл олдилар. Мудраб турган чолга алоҳида таклиф қилишни лозим топмадилар. Чол атрофи бирдан бўум-бўш бўлиб қолганини ҳис қилиб, кўзини очди. Одатда киши кечаси ухлаб ётганида устидан кўрпа сирғалиб тушиб кетиб, ялангоч бадани совқотиб қолса, шундай бўлади. У беихтиёр бўш креслоларга қараб қўйди. Лекин бу пайтда меҳмонхонадан жазнинг кескин овози янграй бошлаган, кулги ва хушомади ҳайқириқ товушлари эшитиларди. «Танца қилишяпти! Ҳа, танца қилиш, тиним билмай танца қилиш уларнинг қўлидан келади. Қайта-қайта қонини қизитишади, беҳаёларча бир-бирининг пинжига киришади. Кейин қарабсизки, мақсадига ҳам етишади. Такасалтанглар, аҳмоқлар кечқурун ҳам, кечаси ҳам, кундузи ҳам танца қилиб хотинларнинг бошини айлантиришади».

Чол яна фазаб билан таёфини қўлига олди-да, уларнинг орқасидан судралиб кетди, эшик олдига етгач эса тўхтаб қолди. Барон рақс тушаётганларни кўриш учун рояль олдида ярим бурилганча ўтириб, мода бўлган Америка қўшигини чала-чулпа чалар, Эрна офицер билан танца тушарди. Узун оёқли граф Убалъди эса унинг хўппасемиз кампири билан

анчагина қийналиб ўртада айланарди. Лекин чолнинг кўзи Эрна билан офицерда эди. Бу такасалтанг худди ўзиникидек қизининг елкаларига енгилгина урганча ўгринча кўл ташлаб олганини қара.

Қизи ҳам унинг бағрига кириб кетгудек бўляпти-я! Шундоққина кўз ўнгидә эҳтиросларини бир амаллаб босиб бир-бирига ёпишиб туриши-чи. Ҳа, бу ўша. Уларнинг ҳар бир ҳаракати шундан дарак бериб турибди. Ҳа, бу ўша, бошқаси бўлиши мумкин эмас. Чол унинг ярим юмуқ кўзларида яна ҳам тўлиқроқ роҳатнинг порлаб турган хотирасини уқиб одди. Ҳа, мана ўша ўфри. Ҳозир ҳилпирараб турган енгилгина кўйлак остида яшириниб турган нарсани кечаси эҳтирос билан силаган шу! Чол беихтиёр қизи томонга бир қадам ташлади. Шу тобда у офицернинг қўлидан қизини юлқиб олмоқчи эди. Лекин қизи у томонга қайрилиб қарамади ҳам. У бутун вужуди билан куй оҳангига берилиб кетган, ўзини бошқариб бораётган қўлнинг ҳар бир ҳаракатини сезиб турар, оғзини ярим очиб, бошини орқага ташлаганча куй оқимида хушсиз одамдек оқиб борар, маконни ҳам, замонни ҳам ҳис қилмас, қизариб кетган ғазабнок кўзларини ундан узолмай безгак туттандек қалтираб, энтикиб турган чолни сезмасди. У фақат ўзини, жўшқин куйга мос ҳаракат қилаётган ёш баданини сезарди холос. У фақат ўзини ва яқингинада турган эркакнинг иссиқ нафасини, қучиб олган кучли қўлларини сезар, мана шу туйғуга пешвоз чиқиб унинг голиб кучига таслим бўлишга қарши курашарди. Чол ҳам буларнинг барчасини аламли бир сезгирилик билан пайқаб турарди. Қизи айлана-айлана ундан узоқлашган сари уни бир умр йўқотиб қўяёттандек бўларди.

Куй айни қизиб турган пайтда сими узилган тордек тўсатдан тўхтади. Барон ўрнидан сакраб турди-да, кулганча француздалаб гапирди:

– Бўлди, мен сизлар учун чалиб бердим. Энди ўзим ҳам танца тушгим келяпти.

Жуфтлашиб танца тушаётганлар унга жавобан шодон кулишганча ажралишди, кичкинагина давра уйнинг ҳар томонига тарқалиб кетди.

Чол ўзига келди: нимадир қилиши, бир нима дейиши керак! Овсар одамдек бир чеккада турмаслиги, аҳмоқ бўлиб кетмаслиги керак! Хотини салгина энтикканча, аммо афтидан фоят мамнун қиёфада унинг ёнидан ўтиб кетди. Кўнгилдаги газаб чолнинг бир қарорга келишига ёрдам берди. У тўсатдан хотинининг йўлини тўсади.

– Юр! – деди у кескин оҳангда. – Мен сен билан гаплашиб олишим керак.

Хотини унга ҳайрат билан қаради. Чолнинг қони қочган юзидан тер қўйилар, кўзлари аланг-жалаанг эди. Нимага энди худди шу пайтда халақит бериши керак экан? У бирон-бир баҳона топиб қутулиб қўя қолиш учун оғиз очган эди, лекин чолнинг хатти-ҳаракатларида қандайдир файритабиий, одами чўчитадиган нарса борлигини пайқаб қолди-ю, боягина газаби қўзиганини эслаб, истар-истамас кетидан эргашди.

– Excusez, monsieurs, un unstant¹, – деди у эркаклардан узр сўраб. «Ўшалардан кечирим сўрайяпти-я, деб ўйлади чол ўкинч билан. – Улар-чи, столдан туриб кетишаётганида мендан узр сўрашмаганди-ку! – Улар мени ит деб хаёл қилиб, хоҳлаганча тепкиласа бўлаверади, дейишияпти. Мен эса чидаяпман, демак улар шундай дейишга ҳақли».

Хотини қошини чимирганча ундан гап кутар, чол эса муаллим қаршисида турган ўқувчидай гапиришга журъят этолмасди.

– Нима гап? – сўради хотини ниҳоят.

¹ Кечиринг, жаноблар, бир дақиқага. (франц.).

– Мен хоҳламайман, хоҳламайман, – деб гулдидари чол овози титраб. – Мен... мен... бу одамлар билан гаплашишларингни хоҳламайман...

– Қайси одамлар билан? – сўради хотини ҳақоратланган одамдек жаҳл билан чолга талмовсираб қараб.

– Анавилар билан, – чол ғазабланиб меҳмонхона томонга боши билан имо қилди, – булар менга ёқмайди, хоҳламайман.

– Нимага?

«Ҳамиша шунаقا ҳокимона оҳангда гаплашади, – деб ўйлади чол алам ичида, – худди мен хизматкоридай». Кейин ҳаяжондан тутила-тутила давом этди:

– Сабаби бор... Жуда жиддий сабаби бор. Менга ёқмаяпти. Мен Эрнанинг бу одамлар билан гаплашишини хоҳламайман... Мен ҳаммасини тушунтириб ўтиришга мажбур эмасман.

– Ундоқ бўлса – ғоят афсус, – деди хотини кибр билан. – Лекин мен уйимизда ўралашиб юргандан кўра, ниҳоятда одобли ва ҳурматга сазовор шу йигитлар даврасида бўлиш яхшироқ деб ҳисоблайман.

– Ҳурматга сазовор йигитлармиш! Булар бориб турган такасалтанглар, билдингми! Булар... булар, – чол гапиролмас, аламидан томоги хиппа бўғилиб қолган эди. У тўсатдан ер тепинди. – Мен хоҳламайман, ман этаман, билдингми?

– Йўқ, – деди хотини хотиржамлик билан, – мен ҳеч нимага тушунолмаяпман. Ҳайронман, нега энди қизнинг тинчини бузишим керак экан?

– Тинчини эмиш! Тинчини! – Чол қалтак егандек қалқиб кетди. Юзи ёниб пешанасидан муздек тер қалқиб чиқди. Суяниб қолиш учунми, уриш учунми, кўлинини таёқ томонга чўзди. Аммо таёқни унутиб қолдирган экан. Бу уни дарров ҳушига келтирди. Ўзини босиб олди. Бирдан юрагига илиқ қон югурди. У хотинининг ёнига келиб қўлларидан тутмоқчи

бўлди. Овози юмшаб, деярли ўқинч оҳангидагапира бошлади:

– Қулоқ сол. Сен мени тушунмаяпсан... ахир мен ўзим учун сўраётганим йўқ-ку... ўзимгамас... Бу менинг сендан сўраётган биринчи илтимосим: кетамиз. Флоренцияга, Римга, қаёққа десанглар борамиз, мен ҳаммасига розиман. Ўзларинг айтинглар. Қаёққа десанглар, қаёққа хоҳласанглар... Фақат бу ердан кетамиз. Илтимос қиласман сендан. Кетамиз, бугуноқ кетамиз. Мен бунга ортиқ чидолмайман, чидолмайман...

– Бугун? – хотини ҳайрат билан унга қараб қовини солди. – Бугун кетамиз дейсанми? Бу қандоқ хомхаёл гап. Бу одамлар сенга ёқмагани учун, борйўғи шунинг учун кетамизми? Ундоқ бўлса, улар билан кўришмай қўя қол. Ким сени мажбур қиласпти.

Лекин чол кетмади. У ночор қиёфада хотинига икки қўлини чўзиб, илтижо қилди.

– Мен чидолмайман. Эшитяпсан-ку, чидолмайман, чидолмайман. Нималигини сўрама... Илтимос... Лекин, ишонсанг-чи, ахир, тоқатим қолмади... Ақалли умримда бир марта, бир мартағина менинг ҳам гапимга киринглар.

Қўшни хонада яна рояль даранглаб кетди. Хотин аламидан қийналиб кетаётган эрига ачингандек қараб қўйди. Шу тобда унинг юзи қизариб кетган, кўзлари шишган, қисқа енгидан чиқиб турган қўллари титраётган бу кичкинагина семиз одам шундай кулгили аҳволга тушгандики, унинг аянч қиёфасини кўришнинг ўзи оғир эди. Аммо хотин юрагининг бир бурчидаги үйғонган шафқат туйгусини босиб, совуққина жавоб берди.

– Йўқ, иложи йўқ. Бугун биз улар билан машинада сайр этамиз, деб ваъда қилганмиз... Уч ҳафтага деб ижарага жой олиб қўйиб, эртага кетсак, масхара

қилишади... Кетишимизга бирон-бир сабаб ҳам йўқ... Мен шу ерда қоламан, Эрна ҳам...

– Мен кетаверсам бўлади-а? Мен бу ерда... бу ерда мен... Сенларнинг кўнгилхушлигингга халақит беряпман. Шундайми? – қичқирди чол овози хирриллаб. У шартта қаддини ростлади, қўллари мушт бўлиб тугилди. Пешана томирлари бўртиб кетди. Чамаси, у нимадир дегиси ёки нимадир қилгиси келарди. Лекин индамай силтаниб бурилди-да, гавдасини у оёғидан бу оёғига ташлаганча, майда одимлар билан зина одига борди. Орқасидан бирор қуваётгандек шоша-пиша зинапояларни тез-тез босиб чиқиб кетди...

Чол ҳарсилларди. Тезроқ ўз хонасига ета олса, танҳо ўтириб, ўзига келса, ҳушини жойига келтириб олсайди! Мана, у ниҳоят юқори қаватга чиқди. Чиқди-ю, тўсатдан унинг ичини аллаким ўткир тирноқлари билан чанглаб олгандек ранги оқариб, деворга суюниб қолди. О, куриб кетсин бу даҳшатли оғриқ! Бақириб юбормаслик учун тишини-тишига босиб инграр, санчик аламидан фужанак бўлиб олганди.

У нима бўлаётганини дарҳол тушунди. Жигар оғриғи тутиб қолганди. Кейинги йилларда бу касал тез-тез қўзиб турарди. Лекин ҳеч қачон ҳозиргидек қаттиқ азоб чекмаган эди. «Ортиқча ҳаяжонланманг, – деб ўйлади у врачнинг маслаҳатини эслаб. Лекин оғриқ азобига қарамай яна ғазаб билан ўз-ўзини қийнай кетди. – Ҳаяжонланманг, ташвиш чекманг, эмиш. Айтишга осон. Бошига шундай иш тушса, ташвиш чекмай кўрсинг-чи ўша жаноб профессорнинг ўзи ҳам. Оҳ... оҳ...»

Ўтли тирноқлар яраланган юрагига яна ҳам ботар, чол эса бор овози билан инграр эди. У хонасига бир амаллаб етиб бориб эшикни очди-ю, диванга йиқилиб, ёстиқни тишлаганча ётиб қолди. Оғриқ

анча пасайгандай бўлди. Қизиб кетган тирноқдар энди унинг ярасига аввалгидек чуқур ботмасди. «Компресс қўйиш керак, – деб ўйлади у. – Дори томизиб ичсам, дарров қайтади». Лекин ёнида унга ёрдам берадиган ҳеч кими йўқ эди, ҳеч ким. Нариги хонага ёки ақалли қўнфироқ тугмасигача етиб боришига эса кучи етмас эди.

– Ҳеч ким йўқ, – деб ўйлади у ўксиниб. – Бир кунмас, бир кун итдай ўламан-кетаман... Сезиб турибман, оғриётган жигарим эмас. Ажалим етганга ўхшайди. Энди ҳеч қандай профессор ҳам, дорилар ҳам асраб қололмайди. Олтмиш бешда оғриган одам тузалмайди. Ич-ичимни эзғилаётган оғриқ – бу ажал. Қолган икки-уч йиллик умрим эса, ўлиш бўлади. Секин-секин ўлиш... Лекин қачон, қачон яшадим ўзи? Қачон инсонларга ўхшаб турмуш ке-чирдим? Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Умр бўйи шу лаънати пулнинг кетидан қувдим! Уни ҳам бошқалар учун йиғдим. Энди улар менга ёрдам бера олармиди? Ҳа, менинг хотиним бор эди. Уни қиз олганман, яхши кўриб уйланганман. У туғиб берди. Неча йиллар бир ёстиққа бош қўйиб яшадик, бир ҳаводан нафас олдик. Энди-чи? Унинг турқини ҳам, овозини ҳам таниёлмай қолдим. У менга бегона одамдек гапиради. Ҳаётиму туйғуларим, ўйлаган ўйлариму, азобларим билан иши йўқ. У аллақачон бегона бўлиб кетган. Мехру оқибатлар қаёқларда қолди? Қаёққа фойиб бўлди? Қизи-чи? Кези келганда йўргаклаб ўстирдим, янгича яшашга интилдим, пешанангга битилган ёруғ кунлар ҳам келади, ўлсанг ҳам орқангда чироғингни ёқадиган боланг бор, дедим ўзимга-ўзим. У бўлса кечалари кўзимни шамғалат қилиб эркаклар билан ётиб юрибди... Бўлди, энди ўлсанг орқангда қоладиган одам йўқ. Бошқалар учун мен ўлиб бўлганман. Э худо, ўзинг мадад қил, ҳеч қачон ҳозиргидек фарид бўлмагандим!»

Шафқатсиз оғриқ ҳамон чолнинг баданини ғијимлаб қўяр, кейин бир оз қўйиб юборар, аммо бошқа бир нарса унинг чаккаларини борган сайин кучлироқ қисарди. Хаёллар, қизиб кетган чақмоқ тошлар сингари бераҳмлик билан пешанасини ёндириарди. Энди бундан қутула олмайди. Чол сюртуги билан жилемининг тугмаларини ечди. Қаппайиб кетган кўйлаги остида қорни лопиллаб туради. У оғриётган ерини қўли билан авайлаб босиб қўйди. «Бор-йўғим фақат шу, – деб ўйлади у, – ўша иссиқ тери остида, ичимда оғриётган нарсагина меники.Faқат ўша нарса менга тегишли. Бу менинг касаллигим, ажалим... Faқат шу нарса ўзимники... Йўқ, энди коммерция маслаҳатчиси ҳам, хотини ҳам, қизи ҳам, пули ҳам, идораси ҳам – ҳаммаси адойи тамом бўлди. Менинг бор-йўғим бармоқларим тегиб турган шу қорниму ичимни ёндириб юбораётган бедаво оғриқ... Қолганлари ўткинчи гаплар. Энди уларнинг мен-чун ҳеч бир аҳамияти йўқ. Бу азобу ташвишларим эса ёлғиз ўзимники. Улар энди мени тушунишмайди, мен ҳам уларни тушунмайман. Мен бутунлай ёлғизман, ғарибман. Буни ҳеч қачон бунчалик очиқ-оидин ҳис қилмагандим. Афсуски, энди, ажалга рўпара келиб қолганимда билдим. Ёшим олтмиш бешга кирганда, эрта-индин ўлишим муқаррар бўлиб қолганда сездим, жуда кеч сездим. Анави шармандалар бўлса танца тушиб, вақтиофлик қилиб, илакишиб юришибди. Бутун умримни шу яхшиликни билмайдиган, одам қадрига етмайдиганларга сарфлаганимни, ўзим эса бир дам ҳам рўшнолик кўрмаганимни энди тушундим. Бор-е, менга нима, нима ишм бор улар билан? Ўз отасини, жуфти ҳалолини ўйламаган имонсизлардан шафқат тилагандан кўра, ўлганим афзал эмасми?»

Оғриқ пасая бошлади. Оловли тирноқлар энди унчалик азоб бермас, лекин ниманидир сезиб ту-

парди. Бир нарса уни бўғиб келар, ичини таталарди. Чол кўзларини юмганча ётар, ўзида бўлаётган аллақандай ўзгаришга диққат билан қулоқ соларди. Назарида қандайдир бегона, кўзга кўринмас бир куч аввалига ўткир, кейин эса тўмтоқ бир қурол билан унинг ич-ичини таталар, баданининг қайсиdir толаларини битта-битта сууриб ола бошлаган эди. Оғриқ тўхтаганди. Бояги даҳшатли азоблар ҳам йўқ эди. Аммо ичида нимадир эзилиб оқар, нимадир ўла бошлаганди. У нимаики билан яшаган бўлса, ниманики севган бўлса, бариси мана шу – оҳистагина ёнаётган оловда куйиб кўмирга айланиб, кул билан қопланганча, бепарволикнинг зулмат тўла ёпишқоқ балчиғига чўкиб бораарди. Чол фира-шира сезиб турарди: нимадир бўляпти. У мана шу ерда – диванда ётиб ўз ҳаётини армон билан эслаётган бир пайтда нимадир рўй беряпти. Нимадир адо бўлди. Нима ўзи? Чол ҳамон жимгина ётганча қулоқ соларди.

Юрагининг сўниши чолда ана шундай бошланди.

Чол нимқоронги хонада кўзларини ярим юмиб ётарди. Аста-секин унинг кўзи илинди. Хиралашган тасаввурида тушидами, ўнгидами, аллақаеридан, қандайдир кўз илгамас ярасидан алланечук намхуш, иссиқ бир нарса силқиб чиқиб, томирларига қўйилаётгандек, қонига қўшилиб кетаётгандек, аммо ташқарига эмас, ичкарига оқиб кираётгандек туюларди. Лекин яраси оғримас, унинг қаердалигини ўзи ҳам билмас эди. Йўқ, унинг ҳеч қаери оғримас, бу ҳолат секин, жуда сокинлик билан рўй берарди. Унсиз, илиқ кўз ёшига ўхшаш томчилар тўппа-тўғри юрагига томарди, аммо унинг юраги заррача ҳам парво қилмас, шу бегона томчиларни лаблари билан сассизгина сўриб олаётгандек бўлар, ҳар дақиқа оғирлашиб-оғирлашиб бораарди. Мана, у йириклишиб, шишиб кетди. Кўкрак қафасига сифмай ҳам қолди. Ана, у ўз оғирлиги билан пастга

қараб осилиб тушиб боряпти, тўқималарни парчинлаб, таранг тортилган мушакларини силтаб ташлаяпти. Яраланган, каттакон юрак борган сайин чидаб бўлмас даражада сўрилиб, кўксига тиқилиб қоляпти. Бирдан... бирдан, оҳ... шундай оғриқ бошланди-ки! Ақл бовар қилмас даражада оғирлашиб кетган юрак жойидан силжиб, секин-аста пастга тушиб кетяпти. Бирданига эмас, силтаниб эмас, оҳистагина, майнингина узилди-да, энди пастга тушиб боряпти. Тепадан отилган тош ёки пишиб шохидан узилган мевага эмас, йўқ, оғир, намхуш булат парчасига ўхшаб мавхум бир бўшлиқ томон сузиб кетяпти. Танидан чиқиб, аллақандай зулмат қўйнига сингиб боряпти. Тўсатдан даҳшатли сукунат чўкди. Ўша ер бўм-бўш, совуқ ва ваҳимали бир нарсага айланиб қолди. Энди юракнинг уриши эшитилмас, бояги илиқ томчилар томмас, ҳаммаси ўлган, жимиб қолган эди. Кўтарилиб-тушиб турган кўкрак ичида ўша қўл етмас бир нарса ўзининг қора тобутида ётганга ўхшарди.

Чол уйку аралаш ўзини алаҳдатаётган бу чуқур саросимани шу қадар аниқ сездики, уйгониши билан юраги борми ёки йўқлигини аниқдаш учун беихтиёр чап қўксини ушлаб қўйди. Худога шукур! Унинг бармоқлари остида нимадир секин, тартибизиз гупиллар, лекин бари бир бу бўғиқ гупиллаш бўшлиқдан келаётгандек, юрак эса ўз ўрнида йўқдек туюларди. Чол фалати бир нарсани ҳис қилас, гўё танаси юрагидан ажралиб кетганга ўхшарди. Энди уни ҳеч қандай оғриқ безовта қилмас, азобланиб келган асабларини қақшатмас, бутун вужуди қотиб қолганга ўхшарди. «Бу қанақаси бўлди? – деб ўйлади чол. – Ҳозиргина чидаб бўлмас азобда тўлғанаётгандим, ичимда нимадир ёниб кетаётгандек, бир нима бўлаётган эди-ку. Асабимнинг ҳар бир толаси қақшашётганди-ку! Менга нима бўлди?» У

ўзининг вужудидаги бўшлиқقا қулоқ тутди: бирон нарса узилиб кетмадимикин? Лекин ҳеч қандай товуш эшитилмас, қоннинг оқиши ҳам, юракнинг уриши ҳам сезилмас, ҳаммаси бўшлиқقا сингиб кетган эди.

У қулоқ солиб ётаверди-ётаверди: йўқ, ҳаммаси тамом бўпти, ҳаммаси сўнибди. Қилт этган товуш йўқ. Энди ҳеч нима томоғидан бўғмай қўйди, ҳеч нима қисилмайди, азоб ҳам бермайди. Ўша азоб бераётган жой ёниб кулга айланган дарахтнинг ўзагидек қоп-қора ва бўм-бўш бўлиб қолганга ўхшайди. Чолнинг томирларида қон шу қадар унсиз айланардики, назарида, ўзини-ўзи ўлиб қолган ёки аллақайси ери ўлган деган хаёлга борди. Ўзининг бадани ўзига ўликникидек совуқ туюлгани учун чол иссиқ қўлларини бирон жойига теккизишдан чўчир эди.

Чол зўр бериб тинглар эди. Кўл томондан келган соат занги садоларини эшитмас, оқшом қуюқлашиб бораётганини билмас эди. Тун ёпирилиб келар, оқшом қоронғиси хонадаги нарсаларни аста-секин зулмат пардасига ўраб бораарди. Ниҳоят, деразанинг бир чеккасидан кўриниб турган осмоннинг бир парча оқиши бўлаги ҳам сўнди. Чол ўзини ўраб олган тун зулматини пайқамас эди. У фақат ўз зулматини ўйлар, ўзининг ички бўшлиғига қулоқ солар, ажалини кутгандек ўша бўшлиқдан овоз кутарди.

Тўсатдан қўшни хонага шодон кулги садоси ёпирилиб кирди. Қия очиқ эшикдан чироқ нури сачради. Чол қўрқув ичида сакраб туриб кетди. Хотини билан қизи келди. Ҳозир улар диванда ётганини кўриб қолиб, сўроққа тутишади. У шошилиб жилети билан сюргутининг тутгамаларинн қадади. Ҳушидан кетиб қолганини улар билиб нима қиласди. Нима иши бор уларнинг?

Аммо она-бала чолни излашмади. Улар шошилишаётгани кўриниб турарди. Шошилинч занг то-

вушлари учинчى марта янграб, кечки овқатта чорлар эди. Чамаси, улар кийинишияпты шекилли. Чол эшик тирқишидан она-боланинг ҳар бир ҳаракатини сезиб турарди. Ана, улар жавон тортмасини очиб-ёпишди, узукларини олиб мarmar умивальникнинг супачасига жаранглатиб қўйишидди, ботинкаларини тарақлатиб ечиб ташлашидди. Ана, бир нафас тиним билмай бир-бирларига гап маъқуллашяпти. Уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар сўзнинг ҳар бир бўғини чолнинг динг қулоқларига ўлим азобини берувчи аниқдик билан эшитилиб турарди. Улар аввалига ўз жазманлари тўғрисида гапиришидди, уларни масхара қилиб кулишди, сайр қилишаётганда рўй берган қизиқ воқеани эслашшидди, шошиб ювиниб-тарангандча ўзларига оро бераётлиб, бир-бировига қисқа-қисқа гап ташлаб қўйишидди. Кейин бирданига гап чолга қўчди.

– Дадам қаёқда қолди? – деб сўради Эрна отасини шунчалик кечикиб эслаганидан ўзи ҳам ҳайрон қолиб.

– Қаёқдан билай? – деб жавоб қилди онасининг овози. Эрини эслашнинг ўзи унинг жигига текканлиги товушидан билиниб турарди. – Пастда бизларни кутиб Франкфурт газетасида чиққан биржা бюллетенини юзинчи марта ўқиётгандиндир-да. Шундан бошқа қизиқадиган нарсаси борми унинг. Бу ерга келганидан буён бирон марта кўлни томоша қилган бўлса отимни бошқа қўяман. Бу ерга ёқмаётган эмиш. Бугуноқ кетишимизни хоҳлаб қолибди.

– Бугун? Нимага энди? – деган товуши эшитилди Эрнанинг.

– Билмасам. Унинг калласидагини мен қаёқдан билай. Бу ердаги давра уни қаноатлантирумайтганмиш. Бизнинг танишларимиз унга ёқмасмиш. Уларнинг даврасига мос эмаслигини ўзи билаетгандиндир-да... Бетига қарашга тоқатим йўқ. Қачон қарасанг костюми фижимланиб кетган, ёқавайрон.

Сенинг гапингга киради, айтиб қўйгин, ақалли кечқурун дурустроқ кийиниб юрсин. Бутун эрталаб бўлса... Лейтенантга ташланиб қолганини кўрдингми? Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадим.

– Ҳа-я, нима бўлди ўзи? Сендан сўрайман деб хаёлимдан кўтарилибди. Дадамга нима жин тегди? Ҳеч қачон авзойи бунчалик бузилмаганди... Кўрқиб кетдим.

– Нима бўларди, кайфи бузуқдир-да. Биржаларда нарх-наво тушиб кетган бўлса керак. Балки бизлар французча гаплашаётганимизга жини қўзигандир. Бошқаларнинг қувончини кўролмайди ўзи. Сездингми, танца тушаётганимизда дараҳт орқасига беркингган қотилдек турганди, эшик олдида. Кетамиз, ҳозироқ кетамиз, эмиш. У кишига шуниси маъқул бўлиб қолибди. Бу ер унга ёқмаса ёқмас. Бизларнинг қувончимизга нега тўсқинлик қиласди? Майли, мен унинг инжиқдигига парво қилмайман. Билганини қиласерсин!

Она-боланинг гапи узилиб қолди. Чамаси, улар кечки пардозини тугатишди шекилли, йўлак эшиги очилди, қадам товушлари эшитилди. Включатель шиқиллаб чироқ ўчди.

Чол диванда қимир этмай ўтиради. У она-боланинг ҳамма гапини эшиитди. Қизифи шундаки, юраги қилт этмади. Яқиндагина чидаб бўлмайдиган азоб бериб кўкрагида чиқиллаб турган соат механизми сокин ва хотиржам бўлиб қолди. Чамаси, синиб қолган бўлса керак. Ҳозиргина юрагига урилган аламдан кўнгли заррача таъсиrlаймади. Унинг fazаби ҳам, нафрати ҳам қўзимас, ҳеч нима, ҳеч нимаси қолмаган эди. Чол костюмини текислади, зиналардан секин-секин тушиб, хотини билан қизининг олдига худди бегонадек бориб ўтирди.

* * *

Овқат устида чол она-бола билан гаплашмади. Улар эса қисилган мушт каби бу шафқатсиз су-кунатга эътибор ҳам бермадилар. Чол улар билан хайрлашмасдан ўз хонасига кирди-да, чироқни ўчириб ётди. Орадан бир оз вақт ўтгач, оқшомни күнгилли ўтказган хотини келди. Эрини ухлаб ётибди, деб хаёл қилди шекилли, қоронғида ечинди. Кўп ўтмай чол унинг вазмин, текис нафас олаётганини эшилди.

Чол ўзи билан ўзи ёлғиз қолганча қўзларини катта очиб, тун қаърига тикилиб қолганди. Унинг ёнида нимадир ётар ва зулматда чуқур-чуқур нафас оларди. У ўзи билан бир ҳаводан нафас олаётган бу аёл қачондир ёш ва эҳтиросли бўлганини, унга бола туғиб берганини, сирли бир яқинлик билан қон-қонигача ўзига сингишиб кетганлигини эслашга ҳадеб уринарди. У шундоққина ёнида – қўл чўзса етгудек жойда ётган мана шу иссиқ ва юмшоқ тана бир вақтлар ҳаётимнинг мазмуни эди, деган ўйни ўз-ўзига уқтиришга ҳаракат қиласарди. Лекин қизик, ўтмиш хотиралари унда қилча ҳам туйфу уйғотмади. Кўл тўлқинларининг қирғоқдаги шағалларга урилиб деразадан кириб турган шовиллаши қандай эшитилса, хотинининг пишиллаб нафас олиши ҳам шундай туюлар эди унга. Ҳаммаси тамом бўлган, ҳаммаси ўтиб кетган, тасодифий, бегоналарча бир ёстиқдошлиқ қолганди ўрталарида. Албатта, ҳаммаси тамом бўлган, бир умрга адо бўлганди.

У яна бир марта, атиги бир марта сесканиб кетди: қизининг хонасидаги эшик секин, ўгринча фийқиллади. «Демак, бугун тағин...» – деб ўйлади у. Аллақачон жонсиздек бўлиб қолган юраги салгина саншиб кетди. Бир дақиқа юрагининг аллақаерি узилаётган асад толасидек оғриди. Лекин бу ҳам ўтиб кетди. «Билганини қилмайдими, менга нима!»

Чол шундай хаёлга бориб яна ўзини ёстиқقا ташлади. Унинг қизиб кетган бошини зулмат энди анча майнинлик билан чулғаб олди, қонига меҳрибон, ёқимли шабада урилди. Тез орада қүш уйқусидек зийрак уйқу толиққан онгини хира туманик сари етаклаб кетди.

* * *

Эртасига эрталаб уйғонган хотини чолнинг кийиниб олганини кўриб:

– Қаёққа? – деб сўради уйқу аралаш.

Чол қайрилиб қарамади ҳам. У хотиржамлик билан тунлик кўйлагини жомадонга жойлар экан:

– Ўзинг биласан-ку. Мен уйга қайтяпман. Энг зарур нарсаларни олдим. Қолганини жўнатиб юборарсизлар, – деди.

Хотин қўрқиб кетди. Нима гап ўзи? У эрининг шу алпозда, тишларини фижирлатиб, совуқ, кескин овозда гапирганини эшитмаган эди. У ўрнидан сакраб турди.

– Наҳотки кетмоқчи бўлсанг? Шошма, бизлар ҳам кетамиз. Эрнага ҳам шундай деганман.

Лекин чол кўнмади. Бетоқатлик билан бошини чайқади.

– Йўқ, йўқ, керакмас. Қолаверинглар, – у хотинига қарамасдан эшик олдига борди. Тутқични ушлаш учун жомадонни ерга қўйишга тўғри келди. Мана шу қисқа бир дақиқа ичida кўп нарсаларни эслади. У ўзга бир эшик олдида харидор билан хайрлашар экан, ҳар сафар молларнинг намунаси солинглан жомадонни минг марталаб худди шундай оstonага қўйганча қўлинни кўксига босиб ўз хизматини тавсия этар эди. Лекин унинг ишлари энди тамом бўлди. Шунинг учун ҳам у хайрлашишни лозим топмади. Чол бир оғиз ҳам сўз айтмади, хайрлашиш маъносида қараб ҳам

күймади, ўзи билан ўтмиш ҳаёти ўртасида турган эшикни қарсиллатиб ёпди.

Она-бала нима воқеа юз берганини пайқамай қолиши. Аммо чолнинг тўсатдан ва шу қадар кескинлик билан кетиб қолиши уларни ташвишга солиб қўйди. Улар ўша заҳотиёқ Германия жа-нубидаги шаҳарларига чолнинг кетидан майин, меҳрибонлик оҳанглари билан тўлиб-тошган хатлар ёзип, рўй берган англашибиловчиликларни батафсил тушунтирдилар. Она-бала чолнинг қандай етиб боргани, саломатлигини суриштиришар, ҳатто чет элдан дарҳол қайтишга ҳам тайёр эканликларини таъкидлашарди. Чол жавоб қилмади. Улар яна хатлар ёзиши, телеграммалар жўнатиши, жавоб бўлмади. Бир хатда пул сўраб ёзишган эди, пул келди. Фирма муҳри босилган пул қофозида бирор оғиз ҳам салом-алик йўқ эди.

Аҳволнинг бундай мавҳум ва мушкул вазияти уларни тезроқ қайтишга мажбур қилди. Она-бала етиб келадиган кунларини одинданд маълум қилган бўлсалар-да, вокзалда ҳеч ким кутиб олмади. Уйда ҳам ҳеч нарса тайёрлаб қўйилмаган экан. Хизматчи аёл чолнинг ҳардамхаёллик билан телеграммани столга ташлаб чиқиб кетгани ва ҳеч қандай буйруқ бермаганини айтди.

Кечқурун улар овқатланиб ўтиришганида, ниҳоят, кўча эшик тарақлаб очилди. Она-бала сакраб ўринларидан туриб, чолнинг истиқболига югуришиди. Чол уларга ҳайрон қараб қолди. Телеграмма ёдидан чиқиб кетган бўлса керак. Лекин унда ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Биргалашиб емакхонага кирди ва она-боланинг гапларига бепарво қулоқ солиб ўтирди. У ҳеч нима сўрамас, сигарасини жимгина сўпар, саволларга қисқа-қисқа жавоб қилар, кўпинчча эшитиб ҳам ўтирмасди. У худди кўзлари очиқлигича ухлаётганга ўхшарди. Кейин

қийналиб ўрнидан турди-да, ўз хонасига кириб кетди. Кейинги кунларда ҳам аҳвол шундай давом этаверди. Қаттиқ ташвишга тушиб қолган хотин эри билан гаплашишга ҳаракат қилар, у қанчалик ёпишса, чол шунчалик қайсарлик билан жавоб беришдан қочар эди. Нимадир чолнинг қалб сандигига қулфланиб қолган, энди уйдагиларнинг унга қўли етмас эди. Чол ҳамон она-бола билан бир стол атрофида ўтириб овқатланар, меҳмонлар келса, меҳмонхонага чиқар, лекин ўз хаёллари билан бўлиб, жимгина ўтираверарди. Энди у ҳамма нарсага бепарво қарап, суҳбат устида чолнинг кўзига кўзи тушган одамнинг юраги ачишиб кетар, негаки, олис бўшлиқларга тикилган бу маъюс кўзлар атрофдаги ҳеч нарсани илғамас эди. Чолнинг ғалати аҳволга тушиб қолганини тезда бошқалар ҳам билишди; танишлари чолни кўчада учратиб қолишиша, ёнида кетаётган ҳамроҳларини туртиб имо қилишарди. Шаҳарнинг энг бой ва ҳурматли одамларидан бўлган чол фижимланиб кетган қийшиқ шляпа кийиб юрар, сюргути сигара кули билан қопланган бўлар, у гадой сингари деворга қалишиб, ҳар қадамда гандираклаб борар ва ҳамиша ўз-ўзича алланималарни фўлдираб юрарди. Агар унга таъзим қилишиша, чол қўрқув аралаш қараб қўяр, гап сўрашса, суҳбатдошига бепарво тикилар ва қўл бериб сўрашишни ҳам унутар эди. Аввалига кўпчилик одамлар чолнинг қулоги оғир бўлиб қолибди, деган андиша билан ҳар гапни баландроқ овозда такрорлайдиган бўлишди. Бироқ чолнинг қулоги оғир эмасди. У суҳбатдошининг гапини тушуниши учун уйқудан уйғонгунча анча вақт ўтар, лекин гапнинг ярмига келганда у яна хаёлот оламига шўнғиб кетар, кўзлари бир нуқтага тикилиб қолар, суҳбатдошини ҳайратда қолдирганча, гапини бўлиб хайрлашарди-да, шошилиб жўнаб қоларди. Хаёллар дунёсидан уйғони-

ши мاشаққат эканлиги, ўзи билан ўзи оворалиги, унинг учун дунёда ҳеч ким қолмаганлиги кўриниб турарди. Уйида ҳам у ҳеч кимни суриштирмас, хотинининг жимгина аччиқданишларини, қизининг ҳайратта ботганини гўё сезмас эди. Унинг бепарвонлик қасри атрофини ўраб олган деворни ақалли бирор дақиқага тешиб ўтишга қодир бирон сўз, бирон савол йўқ эди. Ҳатто шунча йиллик умрини хазон қилган иш ҳам унинг учун бегона бўлди-қолди. У онда-сонда идорага кириб қолар, лекин кирганда чолни ҳамиша бир вазиятда – стол ёнидаги креслода ўтирганча ҳамон ўқилмаган хатлардан кўз узмай турган вазиятда кўрар эди. Ниҳоят, чол бу ерда ўзининг ортиқчалигини тушунди-да, келишни иғифишириб қўйди.

Аммо бутун шаҳарни ҳайратда қолдирган нарса бошқа эди. Жамоатнинг художўй аъзоларига бирор марта яқинлашмаган чол бирданига тақводор бўлиб қолди. Ҳеч қачон овқатга ҳам, амалий суҳбатга ҳам вақтида етиб келмайдиган одам энди яҳудийлар ибодатхонасига бир дақиқа ҳам кечикмай кела-диган бўлди. У қора шойи тақия кийиб, елкасига оқ ёпинғич ташлаб олганча ҳамиша бир ерга – бир вақтлар отаси ибодат қиласидиган жойга келиб туриб олар ва оғир-оғир силкинганча қироат билан ибодат оятларини ўқирди. Қулоқлари остида бегона ва бўғиқ сўзлар янграётган мана шу деярли кимсасиз ибодатхонада у ўзини айниқса танҳо ва эркин ҳис қилар, сокинлик ва хотиржамлик унинг аламларини сал бўлса-да, енгиллаштирап, қалбидаги зулмат бирмунча камроқ эзғилаётгандек бўларди. Дуолар ўқилганда чол ўлик тепасида йиглаб, марҳумга аза тутганча худодан унинг гуноҳини сўраётган қариндош-уруғлари, дўстларини тасаввур қилар, кўзлари намланиб кетарди. У оиласда ўзининг кенжака фарзанд эканини билар эди. Бари бир ҳеч ким

унинг гуноҳини сўрамайди. Чол бутун вужуди билан берилиб оят ўқир экан, ўзини ўлган ҳисоблар эди.

Бир куни кечқурун у одатдагидек шаҳарда тентираб уйига қайтаётганида ёмғир ёғиб қолди. У паришонлик билан соябонини унугиб қолдирган экан, извошчилар озроқ пул берсангиз, уйингизга элтиб қўямиз, деб таклиф қилишарди. Уйларнинг йўлаклари ҳам, магазинлар тепасидаги соябонлар ҳам чолни тўсатдан ёғиб қолган селдан сақланиш учун ўз бағрига чорлаётгандай бўлар, лекин дарвиш чол шалаббоси чиқиб кетганига қарамай, ҳеч нимага парво қилмай, кўча ўртасидан бораради. Фижимланиб кетган шляпасининг чуқурчасига сув тўлиб кетди. Костюмининг енгларидан оқсан ёмғир жилгалардек оёғи остига шовиллаб туша бошлиди. Лекин чол бунга парво қилмас, деярли бўй-бўш кўчада ёлғиз бораради. У ҳашаматли уйига унинг эгаси эмас, кўчада қолган дайдиларга ўхшаб шилта-шалаббо бўлиб етиб келди. Шу пайт чироқлари ёқилган автомашина лойқа сачратиб ёнидан ўтди-да, дарвоза олдида тўхтади. Машина эшиклари очилди. Нурга тўлиб машина ичидан хотини, унинг бошида илтифот билан соябон кўтариб турган, башанг кийинган меҳмон йигит ва яна бир жаноб тушиб келишди. Чол улар билан нақ дарвозанинг ёнида тўқнашди. Хотини уни кўриб таниди-ю, даҳшатга тушди. Бошдан-оёқ жиққа ҳўл, шимлари фижимланиб кетган, сувга тушган мушукка ўхшарди. У беихтиёр четга қаради. Чол хотинининг меҳмонлар олдида мулзам бўлганини тушунди-ю, хафа ҳам бўлмади, ғазабланмади ҳам. Хотинини, ўзини меҳмонлар билан таништиришдек мушкул вазифадан халос қилиш ниятида, бурилиб, бир неча қадам юрди-да, мулоимлик билан орқа эшикдан кириб кетди.

Шу кундан бошлаб чол орқа эшикдан кириб, тор зиналардан юрадиган бўлиб қолди. Бу ерда у ҳеч кимни учратмаслигига имони комил эди. Бу ерда унга ҳеч ким халал бермас, ўзи ҳам ҳеч кимга ха-лақит қилас мэдди. Энди у емакхонага ҳам кирмас, қари хизматчи аёл овқатни хонасига келтириб бе-рарди. Хотиними, қизими кириб қолса, чол бир оз хижолат чекиб, аммо қатъият билан уларни чиқариб юборарди. Ниҳоят, она-бала чолни тинч қўйишиди, аҳволидан хабар олмайдиган ҳам бўлишиди. Чол ҳам уларни суриштирмай қўйди. Қўпинча девор ортидан чолнинг қулоқларига кулги ва куй садолари эшитилиб қолар, у ярим кечагача эшик олдига келиб-кетаётган экипажларнинг шовқинини эшитиб турарди. Энди девор ортидаги хоналар унга бегона эди. У деразадан кўчага қайрилиб ҳам қарамасди. Фақат онда-сонда ҳамма унуган хўжасининг олдига ит келиб қолар ва каравоти қаршисида ётиб олар эди.

Чол энди тамомила ўлиб бўлган қалбида оғриқ сезмас, лекин юрагига ёпишиб олган қора зулук ҳамон ўз ишини давом эттириб, даҳшат соларди. Ҳафта сайин юрак тутқалоги тез-тез такрорла-надиган бўлиб қолди. Ниҳоят, азоблардан адойи тамом бўлган чол докторнинг гапига кириб, ўзини яхшилаб текширитириди. Профессор нохуш қиёфада эди. У беморга операция қилиш зарурлигини ётифи билан тушунтириди. Бироқ чол қўрқмади. У фақат ғамгин жилмайиб қўйди. Худога шукур, ниҳоят ўладиган бўлдим, ниҳоят ҳар куни ўлиш тамом бўлади, саодатли ўлим яқинлашяпти. У операция ҳақида оиласига хабар қилишларингни тақиқлай-ман, деб докторга тайинлади, операция кунини белгилашларини сўраб тайёрлана бошлади. Сўнгти марта ўз идорасига борди. Энди бу ерда уни ҳеч ким кутмас ва унга худди бегонадек қарашарди. Чол ўттиз йиллик қора чарм креслосига ўтириди-да,

чек дафтарчасини олиб, вараклардан бирини тўлдирди. У чекни хазинанинг кўплигидан оғзи очилиб қолган жамоат оқсоқолига топширди. Бу пул савоб ишлар қилиш ва ўзининг мозорига қараб туриш учун қолдирилган эди. Чол ўзига миннатдорчилик билдиришларидан қўрқиб, шошилиб чиқиб кетди. Қаердадир шляпаси тушиб қолган эди, уни олишга ҳам сабри чидамади. Бош яланг, заъфарон юzlари буришган, кўзлари хиралашган ҳолда (ўткинчилар унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолишарди) сандироқлаганча гўристонгга, ота-онасининг қабрига етиб борди. Бу ерда ҳам одамлар унга ҳайрат билан боқишарди. У мотор босган сафана тошлари билан худди тирик одамлардай узоқ гаплашди. Балки яқин орада ёnlарингга келаман, дегандир. Балки рози-ризолик тилашгандир, унинг сўзларини ҳеч ким эшитмади. Фақат оят ўқиётган лаблари қимирлар ва боши тобора эгилиб бораарди. Тиланчилар атрофини ўраб олишганда, чол чўнтагидан қофоз ва танга пулларини уларга улашди. Пули тугаганда эса юзини ажин босган, қадди букилган бир кампир ёнига келиб қўйл чўзди. Саросимага тушиб қолган чол чўнтакларини титкилади-ю, бироқ ҳеч нима тополмади, фақат бармоғини оғир ва кераксиз бўлиб қолган нарса – олтин никоҳ узуги қисиб турарди. Чолнинг хаёлида аллақандай хира хотиралар йилт этди. У шошилиб узукни бармоғидан суғуриб олди-да, ҳайратда қолган кампирга узатди.

Шундай қилиб, у ҳамма нарсасидан айрилиб, гадо ҳолига тушган ҳолда жарроҳнинг пичогига кўксини тутиб берди.

* * *

Чол наркоздан кейин ҳушига келганида, докторлар беморнинг аҳволи оғирлигини ҳисобга олиб, хотини ва қизига операция бўлиб ўтганини хабар

қилиб, чақыртирдилар. Чолнинг кўкиш қовоқдари аранг очилди. «Мен қаердаман?» – деган назар билан таниш хонанинг оқиши деворларига тикилди.

Қизи унинг рангсиз, озғин юзи устига эгилди. Шунда сўнгти бор кўз қорашибарида аллақандай чўф ялтираб кетди. Мана у, севимли қизи, мана у, Эрна, нозиккина, гўзал болагинаси! Чолнинг аламдан қисилган лаблари секин, жуда секин қимиirlади. Уларда аллақачон унutilган сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди. Қиз чолнинг мана шу ожиз, ночор қувонч ифодасини берувчи табассумидан таъсиrlаниб, унинг қонсиз юзидан ўпиш учун эгилди.

Лекин бирдан ўтмиш хотираларини эсга солувчи шайтон васваса қилдими ёки мудроқ онгида унutilган олис хаёллар уйғондими, беморнинг ҳозиргина баҳт ифодаси порлаб турган юзи кўрқинчли даражада буришиб кетди. Кўкарған лаблар ғазаб билан юмилди, кўрпа остидаги қўллар қандайдир жирканч нарсани итариб ташламоқчи бўлгандек типирчилади, азобланган вужуд ҳаяжондан титрай бошлади.

– Йўқол! Йўқол! – деб пицирлади ҳаёт ифодаси сўнган лаблар паст, аммо аниқ товушда. Ўлаётган беморнинг ҳаракатларида шундай нафрат ва ноиложликдан азобланиш бор эдик, докторнинг унга раҳми келиб, хотинларни нарига итариб ташлади.

– Бемор алаҳдаяпти, – шивирлади у. – Яххиси, уни танҳо қолдиринглар.

Хотини билан қизи кетган замони беморнинг чеҳрасида аввалгидек чарчоқлик ва хотиржамлик ифодаси пайдо бўлди. У ҳамон нафас олар, бутун тирик мавжудот оладиган ҳавони хириллаб кўксига тортар, кўкраги борган сайин баландроқ кўтарилиб тушар эди. Лекин кўп ўтмай беморнинг кўксига аччиқ насибани симирмай қўйди. Доктор чолнинг кўксига қулоқ соганида, энди юраги унга азоб беришни тарк этган эди.

Маҳкам Маҳмудов таржимаси

УЧИНЧИ КАБУТАР ҲАҚИДА АФСОНА

Оламнинг яралиши ҳақидаги китобда тубсиз тўфон манбалари ва осмон деразалари ёпилиб, ёғингарчилик ҳам тингач, Нуҳ¹ кемадан қўйиб юборган биринчи кабутар ҳамда иккинчи кабутар тўғрисидаги ривоят келтирилади. Аммо учинчи кабутарнинг қисмати нима билан тугалланганини ким билади? Тўфон балосидан омон қолган жамики жонзотларга бошпана бўлмиш халоскор кема Аракат тоғининг² чўққисида тўхтади, шунда Нуҳ алайҳиссалом атрофига боқиб, фақат ўркач-ўркач тўлқинларни кўрди ва биринчи кабутарни қўйиб юборди. У булулардан тозаланган осмон остининг бирор жойида ер кўринадими-йўқми билмоқчи эди.

Китобда айтилгандаи, биринчи кабутар қанот қоқиб, осмони фалакка кўтарилиди. У шарқ томонга учди, ер кўринмади, у фарб томонга учди, ер кўринмади. У ҳеч қаерда оёқ қўйиб дам оладиган жой тополмади, аста-секин қанотлари тола бошлади. Шунда кабутар ер юзида жон сақлаш мумкин бўлган бирдан-бир жойга – кема тарафга қараб учди ва тоф чўққисида тин олган кема атрофида айланаверди. Нуҳ алайҳиссалом икки кўлини узатди, кабутар унинг кафтига қўнди. Нуҳ уни кемага олиб кирди, жой берди.

Нуҳ алайҳиссалом етти кун сабр айлади ва бу етти кунда ер юзига ёмғир қўймади ва сув аста-секин

¹ Беруний Нуҳнинг Одам Атолик даъво қилгани ҳақида ёзади

² Берунийда Нуҳ кемаси Месопотамиядаги Жудий тоги чўққисида тўхтайди. (*Таржимон изоҳлари*).).

ердан қайта бошлади; ана шунда Нуҳ иккинчи кабутарни қўлига олди ва учириб юборди. Тонгда учеб кетган кабутар шомда маконига қайтди, кабутар тумшуғида зайдун баргини олиб келган эди, бу ер юзининг тўфондан халос топғанлигини англатувчи биринчи аломат эди. Нуҳ алайҳиссалом билдики, дараҳтларнинг учлари сувдан чиқибди, оғир синов поёнига етибди.

Нуҳ алайҳиссалом яна етти кун сабр айлади ва учинчи кабутарни ҳавога қўйиб юборди, кабутар парвоз қилиб, дунё кезиб кетди. Кабутар тонгда учеб кетди-ю, шомда қайтиб келмади. Нуҳ алайҳиссалом бир кун кутди, келмади, икки кун кутди, келмади. Шунда Одам алайҳиссалом билдики, ер юзидан сув қайтибди. У шундан бери учинчи кабутардан дом-дарак эшилтмади, бани башар ҳам ҳозиргача, шу кунларгача ундан дарак эшилтмади.

Мана энди, учинчи кабутарнинг кечмишлари ва қисмати ҳақидаги қиссани тингланг. Тонг-ла у ҳавоси димиқдан, ҳайвонлар сабри тоқати тугаб, норозилик билдираётган, туёқ ва тирноқдарнинг тақиллаши, ваҳший ҳайвонларнинг бўкириши, вишиллаши, ҳуриши, хуштаги эшилилаётган қоронги кемадан учеб кетди. У диққинафасликдан поёнсиз кенглика, зулматдан ёруғликка учеб чиқди. У ёмғир ҳиди анқиган ҳавода қанот қоқиб парвоз қилиши билан кўксига теккан эркинлик шабада-сидан, чексизлик фарогатидан маст бўлди. Куйида сувлар ялтирар, нам пўпанакдай яшил ўрмонлар кўринар эди, ўтлоқлардан тонгти ҳовур кўтарилар, ўсиб бўй чўзаётган майсаларнинг ширин-шарбат ҳиди анқир эди. Тиниқ осмон шишаси ярқирав, эндингина балқиган қуёш тог чўққиларининг ўркачларини юзлаб тонг шафақларига бўяр, бундан денгиз қип-қизил бўлиб товланар, яшнаётган ер қайноқ қондай кўпирар эди. Кабутар қанот ёзиб

парвоз қиларкан, шуларнинг ҳаммасига ҳайрат билан боқар эди, у денгизлар ва қуруқликлар узра порлоқ туш кўриб учар ва ўзи қанотли тушга айланар эди. У фалокатдан халос бўлган ер юзига худди тангири таоло янглиф биринчи марта назар ташлади. У оламга қараб тўймас эди. У оқсоқол бобо не мақсадда кемадан қўйиб юборганлигини ҳам аллақачон унугтган, қайтиш кераклигини ҳам аллақачон эсдан чиқарган эди. Чунки энди олам унга – ватан, осмон – қадрдон маскан бўлиб қолган эди.

Учинчи кабутар – ҳазрати Одамнинг вафосиз элчиси шу аснода олам саҳролари устида учаверди, баҳт қуюни, фараҳбахш сабрсизлик шамоли уни тобора узоқ-узоқларга учирив кетаверди, ниҳоят, кабутарнинг қанотлари толди, қўргошиндай оғирлашди. Ер қудрати билан уни ўзига тортарди, унинг ҳоргин қанотлари тобора пастлаб борарди. Энди унинг қанотлари ҳўл дараҳтларнинг учларига тега бошлади. Ва ниҳоят, иккинчи куннинг поёнида кабутар ном-насабсиз бир ўрмонзор ичига тушди. Олам яралиш вақтида ҳамма нарса шундай ному насабсиз эди. Кабутар олис парвоздан сўнг ором олиш мақсадида дараҳтларнинг қалин шох-шаббалари орасига кўмилди, шоҳлар уни ҳимоя қилишар, шамол аллалар, ўрмон даргоҳида, қалин барглар орасида кундузи салқин ва тунлари илиқ эди. Тез орада у шамол эсаётган осмонни ҳам, фусункор кенгликларни ҳам унугтди, кўм-кўк дараҳтлар гумбази унга ёпинчиқ бўлди, сонсиз-саноқсиз йиллар эса унинг устига қатланаверди.

Кабутар ўзига маскан қилиб танлаган ўрмон бизга яқин оламнинг ўрмони эди, бироқ у ерда ҳали одамлар яшамасди ва мана шу танҳоликда кабутарнинг ўзи ҳам аста-секин тушга айланди. Кабутар ям-яшил зулмат огушига чўмди ва йиллар унинг ёнидан физ-физ ўтиб кетаверди ва ўлим ҳам

уни эсдан чиқарди, чунки тұғонга қадар оламни күрган ва ҳар наслдан биттадан қолган жонзотлар ўлиши ва овчилар ҳам уларни маҳв этиши мумкин эмас. Улар ер либосининг эзгу қатларида күзга ташланмай маскан құргандай, қабутар ҳам ўрмон тубига яширинди. Тұғри, ахён-ахёнда у одамлар қадами етиб келганини сезарди: гоҳо ўқ товуши чиқар, бу овоз яшил гумбаз остида юз қатла акс садо берар, гоҳо ўтинчи дараҳт кесар, ўрмон тубида болтанинг дараҳт танасига қарсиллаб урилиши, гоҳо хилват сүқмоқларда құчоқдашиб юришган ошиқ-маъшуқларнинг қүш сайроғидай майин кулгиси эшитилар, гоҳо олисда ўрмон меваларини тергани келган болаларнинг ашулалари янграр эди. Шох-шаббаларга ва үйқу тұшагига ўралган, үзини унуган қабутар гоҳо оламнинг мана шу товушларини эшитиб қолар, аммо уларга ташвишсиз, хотиржам қулоқ солар ва үзининг қоронғи масканини тарк этмас эди.

Бироқ шундай кун келдики, бу кун бутун ўрмон шовқин-суронга тұлди, ерни тарс иккиге ёриб юборгудай момақалдироқ гумбуzlади. Ҳавода темир кесаклар чийиллаб уча бошлади, улар қаергаки тушса, дағшатли чанг-тұзон күтарила, дараҳтлар чалпакдай бурдаланаρ әдилар. Турли олакуроқ либосдаги одамлар бир-бирларини ўлим чоҳига итарар, махлуқ – машиналар ўқышиб, оғзидан ёңгин алантасини пуркар әдилар. Ердан буралиб күтарилган яшин-чақынлар булултар сари ўрлар, осмон момақалдироқлари уларға жүр бўлар эди; гўё ер парчаланиб осмонга учеб кетмоқчидай ёки осмон узилиб ерга тушмоқчидай эди. Қабутар чўчиб үйғонди. Унинг тепасида ўлиму вайронгарчилик ғужгон ўйнарди; бир вақтлар тұғон тұлқинлари қутурғандай энди олов тұлқинлари қутурған эди. Қабутар қанотини силкитди ва баланд осмонга парвоз қилди, у форат этилган, ҳалокатта уч-

раган ўрмондан қочиб, бошқа, тинч маскан топишни үйлади.

Кабутар тобора юксаликка кўтарилди ва ер юзида тинчлик излаб парвоз қилаверди, аммо у қаерга учиб бормасин, ҳамма ёқда одамлар яшин чақнатиб, момақалдироқ гумбулратишар, ҳамма ёқда уруш алангаланаар эди. Бир вақтлар ер юзини тўфон босганидай, олов ва қон сели оламни тутди, яна жаҳонни тўфон босди ва кабутар бизнинг юртларимиз устида тинимсиз учиб, оромли, тинч жой топишга, сўнгра Одам алайҳиссалом ҳузурига парвоз қилиб, умид нишонаси – зайдун баргини олиб боришга интилди. Бироқ у шу кунларда ҳеч қаёқдан зайдун баргини тополмади, ҳалокат тўлқинлари ер юзини фарқ айлади, ёнғинлар алангаси борлиқни ямлай бошлади. Кабутар шундан бери осойиш топмади, инсоният тиним билмади, кабутар шундан бери уйига қайтолмай, мангур сарсон-саргардон бўлиб қолди. Шу кунларгача тинчлик излаб бошимиз устида учаётган, шовқин-тўполонлардан қўрқиб қолган ва ҳолдан тойган, адасиб юрган сирли кабутарни ҳеч ким кўрмади. Фақат аҳён-аҳёнда тунлари тўсатдан уйғониб қолганингизда аллақайси осмон остида ташвиш ва алам билан тинчлик излаб, шошиб қанот қоқаётган кабутарнинг шарпаси эшитилиб қолади. Ўшал кабутарнинг қанотлари бизнинг нохуш ўйларимиз билан оғирлашган, унинг ҳар қанот қоқишида бизнинг орзу-армонларимиз қалтираб-қақшайди, зеро, ер ва осмон оралифида қалтираб учаётган ўшал адашган кабутар, кечмиш давларининг ўшал бевафо элчиси инсоният наслининг Одам Атосига бизнинг ҳозирги қисматимиздан дарак элтмоқда. Ва яна, минг йиллар аввалгидай, бутун олам кимнингдир кабутарга пешвоз чиқиб, қўл узатиб синовларга чек қўйиш зарурлигини айтишини жон ҳовучлаб кутмоқда.

*Маҳкам Махмудов
таржимаси*

ЭГИЗАК ҚИЗЛАР РИВОЯТИ

Жанубдаги шаҳарлардан бирида (номини айтишини лозим топмадим) шом пайти жин кўчадан ўтиб, муйилишга етишим билан баланд, қўш минорали қадимий бинога кўзим тушди. Бу миноралар оқшом фира-ширасида шу қадар ўхшаш кўринардики, бири иккинчисининг кўзгудаги акси деб ўйларди одам. Афтидан, бу черков ҳам эмас, қадимги замонлардан қолган сарой ҳам эмас, салобатли, баҳайбат деворлари билан ибодатхонани эслатса-да, бироқ шакли-шамойили кўнгил очар эди. Ҳайтовур, иморатнинг не мақсадда қурилганлигини билиш қийин эди. Чогроқ қаҳвахона айвончасида стакандан каҳрабо ранг май ҳўплаб ўтирган икки юзи қип-қизил кишига шляпамни хиёл кўтариб, тавозе билан салом бердим, ундан: «Қўшни уйларнинг пастак томлари узра улуғвор қад кўтарган бинонинг қандай иморат эканлигини айтиб беролмайсизми?», – деб илтимос қидим. Суҳбатдошим менга ажабланиб қараб қўйди ва мийифида жилмайганича шошилмай гап бошлади.

– Аниқ бир нима дейиш қийин. Шаҳар планида иморат бошқача номланса керак, аммо биз иккала минора бир-бирига жуда ўхшагани учунми, ёинки бошқа сабабданми, бу бинони эскичасига «Опа-син-гил уйи» деймиз...

Ҳамроҳим жимиб қолди. Энди кулмай, юзимга жиддий тикилди. Гўё у мени қанчалик қизиқтириб қўйганлигини билмоқчи эди. Унинг чала жавоби албатта мени бу бино тарихига баттар қизиқтирди. Иккимиз тез тил топишдик ва мен унинг бир стакан

нордон олтин ранг май ичинг, деган таклифини жон-дилим билан қабул қылдым. Күз олдимизда аста балқиб чиқаётган ой ёруғида минораларнинг нақшлари сирли ялтирай бошлади. Оқшом ҳавоси илиқ, май ҳам ёқимли эди. Ҳамшишам гапириб берган әгизак опа-сингил ҳақидағи ривоят ҳам мароқли эди. Шу ерда ҳамроҳимдан эшитганим ривоятни оқизмай-томизмай айтиб бераман. Аммо бу гапларда қанчалик тарихий ҳақиқат борлигига мен жавобгар әмасман.

– Император Феодосий қўшинлари Аквитанинг ўша вақтдаги пойтахтида қишлош учун уй-уйларига жойлашди. Узоқ йўл босиб ҳориган отлар расмана дам олишгач, яна сағрилари ялтираб, олмосдай товлана бошлади. Аскарлар эса бекорчиликдан зерикиб қолдилар. Шундай пайтда отлиқ аскарларнинг йўлбошчиси Херилунт шаҳар четида шириналар ва асалли кулчалар сотувчи соҳибжамол баққол қизга ишқи тушиб қолди. Лашкарбоши шу қадар ошиқу бекарор бўлиб қолдики, эҳтироси зўрлигидан қизни тезроқ оғушига олиш учун, унинг насл-насаби пастлигига ҳам қарамай, дарҳол тўй-томуша қилиб, бозормайдондаги князъ уйида гўзали билан яшай бошлади. Улар бегоналарнинг назари тушмайдиган хилват гўшада кўп кунлар, ҳафталарни ўtkазишиди. Ошиқ-маъшуқдар айш-ишрат билан бўлиб, одамларни ҳам, вақтни ҳам, император ва урушни ҳам унугишиди. Бироқ улар эҳтирос оловида ҳар кеча бир-бирларининг оғушида уйқуга кетар эканлар, вақт ҳам қараб турмади. Тўсатдан жануб тарафдан баҳор насими эсиб, қайноқ нафаси билан дарёларнинг музларини эритиб юборди, баҳорнинг майин шабадаси эсиб ўтган ўтлоқларда бинафша ва чучмомалар очилди. Кўз очиб юмгунча дов-дараҳтлар яшнади. Мудраган новдалар уйғониб, нам дўнгликларга ўхшаш кур-

таклар чиқара бошлади. Ердан кўтарилиган баҳор ҳовури билан бирга уруш ҳам гумбурлаб қолди. Бир куни тонгда дарвоза олдида чалинган жанг довули ошиқ-маъшуқлар уйқусини аёвсиз бузди: император фармонига кўра лашкарбоши дарҳол қуролланиб йўлга чиқиши керак эди. Бозормайдонда ногоралар жанг бонгини чалди, байроқлар шамолда ҳилпираб, эгарланган отларнинг туёқлари дупурлади. Шунда Хериунт «Қишлиқ» хотинининг эрка ноз-ишвали қайноқ қучоғидан бўшалиб, унинг нозик билакларини бўйнидан олиб, шоша-пиша йўлга отланди. Негаки, лашкарбошининг шуҳрат-парастлиги ва эркакларга хос жангга чанқоқдиги ва алангаси муҳаббат оловидан ҳам баландроқ туриллар эди. Хонимнинг кўз ёшлирига парво қилмаган лашкарбоши ўзини кузатишга ҳам қўймай, ёш келинчакни ҳайҳотдай уйда ёлғиз қолдирди. Отлиқ лашкарларга бош бўлиб, арабларнинг юртига бостириб кирди. У етти жангда душманни тор-мор келтирди, гайридинларнинг қасрларини оловли супурги бўлиб супуриб ташлади. Уларнинг шаҳарларини забт этди ва мамлакатни дengиз соҳилига қадар ғозиларча талон-торож қилди. У мўл-кўл ўлжаларни ватанига жўнатиш учун елканли кемалар ва қайиқлар ёллашга мажбур бўлди. Ҳеч қачон бу қадар яшин тезлигида ғалаба қилинмаган, ҳарбий юриш бу қадар қойилмақом бўлмаган эди. Мамнун император забт этилган мамлакатнинг шимоли ва жанубини арзимаган хирож билан лашкарбошига инъом этиши бежиз эмас эди. Лашкарбоши бу ерларда иқтадор тариқасида ҳукмронлик қилар эди. Шу вақтгача уй-жойини ҳам, ватанини ҳам эгарга алмаштирган лашкарбоши энди қолган умрини роҳат-фароғатда ўтказиши мумкин эди. Аммо лашкарбошининг шуҳратпарастлик нафси қонмаган, аксинча, шиддатли ғалабалардан кейин

баттар иштаҳаси карнай бўлган эди: у энди ўз подшосининг фуқароси бўлишни ва хирож тўлашни хоҳдамай қолди. У энди хотинининг порлоқ манглайига фақат қироличалик тожигина муносиб, деган фикрга келди. У ўз қўшини орасида императорга қарши ғалаён уйфота бошлади. Бироқ хоинлик туфайли фош этилган фитна амалга ошмай қолди. Янги уруш бошланмай туриб мағлуб бўлган, черков лаънатига учраган, чавандозларидан айрилган Хериунт тоғлар орасига қочишга мажбур бўлди. У ерда дехқонлар мўмай мукофот эвазига баҳти қаро лашкарбошини ухлаб ётганида дўппослаб ўлдирдилар.

Римлик жангчилар саройда, похол тўшакда исёнчининг қонга бўялган жасадини топиб, кийим-кечакларини ва қимматбаҳо буюмларини ечиб олиб, ялангоч гавдасини ахлатхонага улоқтиришган дақиқада, эрининг ўлимидан бехабар хотини қасрда, ҳашаматли кимхоб-шойиларга ўралган тахтиравонда қўшалоқ фарзанд кўрди. Халойиқ йифилди, тантанавор вазиятда эгизак қизларга епископнинг ўзи София ва Елена деб исм қўйди. Аммо ҳали черков қўнфироқларининг садолари ва базмдаги кумуш қадаҳларнинг жаранги тиниб улгурмай, бирдан Хериунтнинг исёни ва ҳалокати ҳақидаги хабар келиб қолди. Бир ноҳуш хабар изидан иккинчиси келди: император маълум ва машҳур қонунга мувоғиқ, исёнчининг молу мулкини давлат хазинасига топширилишини талаб қилди. Шундай қилиб, баҳтининг умри қисқа бўлган соҳибжамол баққол ҳали тўлғоқ азоблари босилмай туриб, яна жулдузвоқи кўйлагини кийиб, шаҳар чеккасидаги заҳ кўчага тушишга мажбур бўлди. Аммо аввалги камбағалчилик азоблари устига энди баҳтсизлик алами ва икки фарзандни боқиши фам-ташвиши ҳам қўшилди. У энди яна эртадан кечгача баққоллик дўконидаги

пастак курсида ўтириб, қўшниларига шириనликлар ва асал қулчалар сотиб олинг, деб ялинарди, энди унга майда чақаларга қўшилиб аччиқ ҳақорат ва хўрлик ҳам тегадиган бўлди.

Фам-кулфат онанинг кўзлари нурини сўндириди, соchlарига бевақт қиров тушди. Бироқ она ўзининг жозибали гўзаллигини мерос қилиб олган эгизак қизларининг дилни мафтун этувчи ўхшлигини ва шириналлигини кўриб, чеккан барча азоб-уқубатларини унутар эди; опа-сингилнинг қошу кўзлари ҳам, тили бийронлиги ҳам шу қадар ўхшаш эдики, бирининг мафтункор қиёфаси иккинчисининг кўзгудаги аксига ўхшар эди. Уларнинг ниҳоятда ўхшашлигидан, бегоналар у ёқда турсин, онаси ҳам тоҳида қай бири Елена, қай бири София эканлигини ажратолмай қолар эди. Қизларнинг юзига қараб ёки овозини эшитиб ажратолмагани учун онаси Софиянинг билагига бўз тасма тақиб қўйди.

Бироқ опа-сингилга онасининг ҳаммани мафтун этувчи гўзаллиги билан бирга, отасининг тийик-сиз-тизгинсиз шуҳратпарастлиги ва ҳукмпарастлиги ҳам ўтган эди; опа-сингил ҳамма нарсада бир-биридангина эмас, балки тенгдошларидан ҳам ўзсак дейишарди. Жажжи болалар одатда мулоим ва беғубор ўйинлар ўйнайдиган пайтдаёқ опа-сингил бу ёшда нимага тутинишса рақобат ва баҳиллик келтириб чиқаришарди. Бирор киши қизалоқлардан бирининг гўзаллигига мафтун бўлиб, бармоғига узукча тақиб қўйса ва иккинчи-си бундан қуруқ қолса ёхуд бирининг пириллоғи бошқасиникидан узоқроқ айланса, она узукчадан қуруқ қолган ёки пириллоғи кам айланган қизалогининг полда чўзилиб, фазабидан муштчасини оғзига тиқиб, оёқларини типирчилатиб ётганини кўрар эди. Опа-сингилдан бири мақтов ёки мулоим сўз эшитса, иккинчисининг рашки келарди;

одамлар бу қизларни бир-бирига ўхшашлигидан ҳазиллашиб, «кўзгучалар» дейишса ҳам, улар ҳасад ўти билан ёниб бир-бирига азоб беришар эди. Она-нинг бир-бирига душманлик қилаётган опа-сингил ўртасидаги ҳасад-адоват оловини ўчиришга, улар ўртасида абадий таранг тортилган рақобат торларини бўшаштиришга уринишлари зое кетар эди; она қизларининг қони-жонига отасининг машъум хислати сингиб кетганлигига энди ишонди: фақат мана шу тинимсиз рақобат туфайли опа-сингил барча тенгқурлари орасида энг моҳир ва чаққон бўлиб ўсаёттанигина унга тасалли берар эди. Опа қандай ишга қўл урса, сингил ўша ишда ундан ўзишга интиларди. Шу аснода, иккала қиз табиатан чаққон, зеҳни ўткир бўлгани учун, тез орада аёлларга хос нимаики фойдали ва ёқимли ҳунар бўлса, ҳаммасини – чунончи, сурп тўқиши, газлама бўяшни, жавоҳирлардан узук, балдоқса кўз ясашни, най чалишни, товусдай хиромон рақс тушишни, маънодор шеърлар ёзишни ва уларни соз чалиб куйлашни пухта эгаллаб олишди; опа-сингил ҳатто сарой ҳокимлари билмаган латин тилини, геометрияни, олий фалсафа фанларини бир соғдил, кекса диакондан ўрганиб олишди. Тез орада бутун Аквитанияда гўзалликда, камолотда ва ўткир зеҳнда баққолнинг қизларига тенглаша оладиган бирорта қиз топилмай қолди. Аммо ҳеч ким бир-бирига ҳаддан ташқари ўхшайдиган бу опа-сингилнинг қай бири – Елена ўткирми, ёки София ўткирми эканлигини билмасди, чунки ҳеч ким уларни чеҳрасидан ҳам, хатти-ҳаракатидан ҳам, гап-сўзларидан ҳам ажратолмасди.

Аммо иккала қиз нафис санъатларга меҳр қўйиб, жисм ва руҳни тор хонадондан руҳий оламнинг беспоён кенгликларига парвоз эттирувчи барча нарсаларни ўзлаштирар экан, кўнгилларида онанинг фақирона турмушига қарши норозилик олови кун

сайин алангалана бошлади. Опа-сингил академияда олимлар билан мунозара қилиб, нозик далиллар билан уларнинг фикрини рад этиб ёки ҳали мусиқа садолари қулоқларидан кетмай туриб уйларига қайтишар экан, тор кўчада тутундан кўзлари ачишиб қора кечгача бир ҳовуч қалампир уруғи ёки бир неча занг босган чақа учун харидорлар билан талашиб-тортишиб, мадори қуриган оналарини кўришарди.

Улар ўзларининг ночорлиги, фақирлигидан уялишар, қайноқ қизлик баданларига тикандай ботадиган юпқа увада тўшакларда уйқулари ўчиб, шу кунларга солган толега минг лаънат ўқишишар эди, чунки гўзалликда ва ақл-фаросатда ҳар қандай мартабали хонимлардан устун бўлган бу қизлар атлас-кимхобларга бурканиб, ёқут, бриллиант зеб-зийнатларни жаранглатиб юриш ўрнига, сичқоннинг инидай тор ва зах ковакда хор-зорликда кун кечиришаётгани жуда алам қиласарди. Улар жуда баҳтлари чопса, ўнг томондаги қўшниси бочкасозга ёки чап томондаги қўшниси қуролсозга турмушга чиқишилари мумкин эди; ахир томирларида шоҳона қон оқаётган ва кўнгиллари ҳукмронлик тилаб турган буюк лашкарбошининг қизлари бундай фарибликка чидашармиди? Улар ҳашаматли кўшк-равоқларда, тўп-тўп қароллар, чўрилар қуршовида, мол-дунё ичида, қудратини ҳаммага кўрсатиб яшашга орзуманд эдилар. Мабодо тўсатдан улар олдидан қимматбаҳо мўйналарга ўранган мартабали бирор хоним қушчилар ва соқчилар қуршовида тахтиравонда чайқалиб ўтиб қолса борми, ҳасаддан опа-сингилнинг юзлари худди оғизларидаи тишларидаи оппоқ оқариб кетар эди. Шон-шавкатнинг, мол-давлатнинг борига шукур қилмаган, камтарин тақдирни раво кўрмаган исёнкор отанинг шуҳратпарастлиги қонларида жўшиб,

кўпириб турган опа-сингил кечаю кундуз фақат қандай қилиб бунақа ғарибона турмушдан қутулсак экан, деб ўйлаб, ўйларининг охирига етишолмасди.

Ажойиб кунлардан бирида эрталаб София уйғониб қараса, синглисининг ўрни бўшаб қолипти. Бу воқеа фавқулодда бўлса ҳам, аммо сабаби аён эди: Софиянинг эгизи, барча орзу-истакларининг кўзгуси Елена тунда ғойиб бўлган эди. Саросимада, даҳшат ичида қолган онанинг кўнглида бирорта йигит қизни зўрлаб олиб қочиб кетмадимикин, деган савол туғидди, негаки, жуда кўп обрў-эътиборли йигитлар опа-сингилларнинг қўш чиройидан кўзлали қамашиб, ақдан озишгача борган эдилар. Она апил-тапил кийиниб, император номидан шаҳарда ҳокимлик қилаётган ноиб ҳузурига югурди, қизимни олиб қочган ёвузни тутиб беринглар, деб ялиниб-ёлворди. Ноиб ёрдам қилишга ваъда берди. Лекин эртасигаёқ эндиғина севги учун етилган Елена ўз ихтиёрича насл-насабли бир йигит билан қочиб кетибди, йигит қизни деб отасининг сандиқ ва қутиларининг қулфини бузиб, мол-дунёсини йифиштириб кетипти, деган хабар тарқалди. Бу хабар онани шармандаи шармисор қилди. Ҳафта ўтиб биринчисидан ҳам даҳшатли иккинчи хабар тарқалди: қўшни шаҳарда ёш танноз ўз хуштори билан, қароллари, лочинлари ва хорижий юртлардан келтирилган гаройиб ҳайвонлари қуршовида, мўйна ва парчаларга бурканиб, барча покиза аёлларни йўлдан ургудай дабдабали яшаётган эмиш. Одамларнинг тиним билмас жағлари бу хабарни чайнаб тугатмай туриб, унинг кетидан яна бир, аввалгидан ҳам даҳшатлироқ хабар тарқалди: Елена ҳали мўйлови ўсмаган боланинг қопу қанорларини ва ҳамёнларини шип-шийдам қоқиб тугатгач, у ердан кетиб қолипти ва мункиллаб қолган хазиначи чолнинг қасрига бориб олипти. У ёш, дуркун бада-

нини зиқна-хасис деб ном чиқарған чолга сотиб, аввалгидан юз чандон дабдабаю асъаса билан, унинг молу мулкини шафқатсиз совуриб яшаётган экан. Яна бир неча ҳафтадан сўнг Елена хазина-чининг олтин патларини юлиб олиб тугатгач, уни худди куйдирилган хўроздай ташлаб юбориб, ўзига бошқа ўйнаш топиб олипти; бу ўйнаш ўрнини янада бадавлатроқ бошқа ўйнаш эгаллапти ва тез орада худди онаси уйида ширинлик ва қандолатлар билан қандай савдо қилса, Елена ҳам қўшни шаҳарда ўзининг ёш, дуркун бадани билан бундан ҳам зиёда савдо қилаётганлигига ҳеч кимда шубҳа қолмади. Боёқиши бева она йўлдан озган қизининг ҳузурига чопар кетидан чопар юбориб, отасининг арвоҳини бу қадар шаккокларча ҳақорат қилмаслигини сўраб, ялиниб-ёлворишлари зое кетди. Бу ҳам етмагандай, бир куни кўчада дабдабаю асъаса билан тантанавор саф-саф бўлиб, олақуроқ либос кийган масхарабозлар, улар кетидан катта мансабдорни кузатиб келаётгандай тўп-тўп чавандозлар, уларнинг ўртасида эса ўйноқи форс тозилари ва гаройиб маймунлар қуршовида ёшгина соҳибжамол Елена мағрур ўтиб қолганида онанинг оҳи фалакка етди. У худди адаши, бир вақтлар қўп мамлакатларга favfo солган гўзал Еленани, худди Қуддусга тантана билан кириб борган мажусийлар маликаси Савскаяни эслатар эди. Бекорчилар тўпланишди, узун тиллар ишга тушди, ҳунармандлар устахоналаридан югуриб чиқишидди, мирзалар пергаментларини ташлаб қўйишидди, томошагўйлар оломони сафларни ўраб олди; сўнг чавандозлар ва қароллар фахрий учрашув ўтказиш учун бозор майдонда янгидан саф тортишидди. Ниҳоят, парда кўтарилиб, ёшгина фоҳиша бир вақтлар отасига қарашли бўлган қасрга такаббурлик билан қадам қўйди; Еленанинг янги хуштори исрофгарчилик қилиб уч кечали қизгин

айш-ишрат учун қасрни давлат хазинасидан сотиб олган эди. Елена худди ўз мулкига қадам қўяёт-гандай муҳташам оромгоҳга кириб келди, онаси атлас-парчаларга ўралган худди шу ўринда уни туққан эди. Кўп йиллар ҳувиллаб ётган оқ уйлар тез орада яна қимматбаҳо мажусий ҳайкалчалар билан безанди, тахта зиналарга мармар ётқизилди, поллар мазойика лавҳалар билан қопланди, деворларга турли одамлар ва қизиқ воқеаларнинг суратлари акс этган тўқима гиламлар осилди; тантанали базмларда олтин қадаҳларнинг жаранги мусиқа садолари билан уланиб кетди. Барча санъатларни эгаллаган, гулдай ёшлиги ва ақл-фаросати билан ҳаммани мафтун қилиб қўйиган Елена тез орада энг машҳур ва энг бадавлат гетерага¹ айланди. Еленанинг шакар лабларининг лаззатини ақалли бир татиб кўриш учун унинг оромгоҳига қўшни шаҳарлардан ва хорижий юрглардан насронийлар ҳам, мажусийлар ҳам, даҳрийлар ҳам оқиб кела бошлиашди. Елена ҳаммага куч-қудратини кўрсатиб қўйишига ўчилиги жиҳатдан отасини ҳам орқада қодиргани учун, у ошиқларини темирдай исканжасида тутар, эҳтирос ва ҳирслар дорининг арқонини шафқатсиз тортиб бўғиб, хушторларини хонумонидан айирмагунча қўймас эди. Ҳатто шаҳар ноибининг ўғли ҳам Еленанинг тузогига тушиб, бир ҳафталик айш-ишратдан сўнг судхўрларга ва қарзчиларга бор буд-шудини тўлаб адo қилди, ҳамон лаззатга қонмай, айни вақтда қаттиқ азоблар билан ҳушига келгач, фоҳишанинг кучофини ва уйини тарк этди.

Табиийки, Еленанинг бундай беҳаёларча хулқи шаҳардаги покиза аёлларнинг, айниқса, ёши ўтган хотинларнинг қаҳр-ғазабини келтирди. Черковларда ваъзхонлар Еленанинг зино ишларини лаънат-

¹ Қадимги дунёда оила қурмай эркин яшовчи гўзалларни гетера дейишган.

лашар, бозордаги аёллар ғазаб билан муштларини қисишиар, тез-тез тош отилиб, қаср ойналари жа-ранглаб синиб турап эди. Аммо иффатли аёллар – эри ташлаб кетган хотинлар, сүққабош бевалар қанчалик ғазабланмасин, ўз ҳунарларыда пихини ёрган қарироқ фоқишишалар лаззатли ўтлоқларига түсатдан кириб қолган байталга қанчалик қаҳри келмасин, буларнинг ҳаммаси қаҳр-ғазаб ўтида ўртаниб-ёнаётган опаси София олдида ип эшолмас эдилар. Йўқ, у синглиси гуноҳга ботгани учун азоб чекмасди, балки иззат-обрўли бир йигит унга ҳам шундай айш-ишрат қиласи, деганида, таклифи ни ерда қолдиргани, ғанимат фурсатни бой бергани учун пушаймон еб, ўз ёғида ўзи қовурилар эди.

Мана энди, у ҳамиша пинҳон орзу қилиб кел-ган ҳамма нарсалар – одамларга ҳукм ўтказиш, дабдабали ҳаёт синглисига насиб қилди, у эса ҳамон ҳувиллаган, онасининг ғудурлаши билан изфирин шамол басма-басига увлайтган муздай ковакда ўтирипти. Тўғри, Елена ўзининг мол-дав-латига маҳлиё бўлиб, мақтаниш учун опасига неча марталаб қимматли, асл кийим-кечаклар юборди, аммо Софиянинг ғурури баланд келиб, бу хайр-са-дақаларни олмади. Йўқ, Софиянинг иззат-нафси жасур синглисига шармандаларча тақлид қилиш билан қаноатланмас эди, у худди болалик чоғларида синглиси билан ширин кулча талашгандай, энди хушторларни талашиб юлишишни хоҳдамас эди. У ғалабанинг яримтасини эмас, бутунини хоҳлар эди. У туни билан мижжа қоқмай, қандай қилиб одамларни ўзимга тиз чўқтирсам ва синглимдан ҳам машҳур бўлиб кетсам экан, деб ўйлаб чиқар эди. София эркакларнинг унга жуда катта эътибор билан қараётганини сезиб, ўзида сақлаб қолган камтарин фазилат – қизлик иффати ва ҳали доғ тушмаган обрўсидан ҳам ажойиб қармоқ сифатида

фойдаланиши, ақдли аёл бу нарсалардан анча-мунча фойда орттириши мумкинлигига ишониб қолди. Мана шунинг учун, синглиси эҳтиётсизлик билан елга совурган гавҳарни у хазинага айлантиришга ҳамда фоҳиша синглиси ўз баданини кўз-кўзлағани сингари, у ўзининг покизалигини кўз-кўзлашга жазм қилди.

Модомики, Елена мағрур дабдабаси билан шуҳрат топган экан, София фақирона сабр-бардоши билан донг таратади. Ҳали гийбатчиларнинг тили тийилмай туриб ажойиб қунлардан бирида шаҳар аҳолиси гаройиб янгиликдан ҳайратга тушди: фоҳиша Еленанинг опаси София синглисининг беҳаёларча туриш-турмушидан уялгани учун ва унинг гуноҳдарини ювиш мақсадида осий бандалар оламини тарқ этиб, покиза тақводорлар тариқатини қабул қилипти ва ўзларини майиб, мажруҳдарни парвариш қилишга бағишлиған жамоага соме бўлиб қўшилипти.

Кечиккан ошиқлар тахи бузилмаган хазинани қўлдан чиқариб юборгандарни учун аламдан соч-соқолини юлишди. Аммо барча художўй одамлар ҳақ ийлига хизмат қилувчи фусункор гўзаллик сиймосини шаҳватпарастликка қарши қўйиш учун мислсиз намуна топилганидан бошлари осмонга этишди. Шунинг учун улар бу хабарни бутун оламга тарқатиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишди. Тез орада бутун Аквитанияда ҳамма ёғини яра-чақа қоплаган беморларни, ҳатто моховларни ҳам ҳазар қилмай кечаю кундуз фидойилик билан парваришилаётган гўзал Софияни мадҳ этмаган бирор қиз қолмади. Аёллар қордай оппоқ дурра танғиган София киприкларини юмиб, ерга қараб ёнларидан ўтиб қолса, тиз чўкиб таъзим қилишарди, епископ ҳазратларининг ўзи ваъз айтётганида бу қизни аёллик иффатининг энг олижаноб наму-

наси, деб қайта-қайта мақтарди, болалар эса унга янги қүёш пайдо бўлгандай ҳаяжон билан қарашар эди. Еленанинг аламдан бармоқларини тишлаганини тасаввур қилинг – ахир тўсатдан бутун мамлакат ундан юз ўгириб, ўзгалар гуноҳини тилаб оловчи, дўзах азобидан қўрқиб, оқилона итоаткорликнинг баланд тоғлари узра кабутардай парвоз этаётган фидойи қизга мафтун бўлиб қолса, алам қилмайдими одамга.

Чиндан ҳам кейинги бир неча ой давомида ҳайратда қолган бутун мамлакат – осий бандалар учун ҳам, покиза одамлар учун ҳам опа-сингиллар шуҳрати худди эгизак юлдузлар туркумидай порлай бошлади. Чунки осий бандалар дилдор Еленадан жисмоний лаззат топсалар, покиза одамлар яхши фазилатлари билан порлаб турган София қиёфасини кўз олдига келтирганларида руҳий лаззат олар эдилар. Мана шу иккига ажралиш туфайли дунё яратилганидан бери Аквитанияда биринчи марта тангри таоло салтанати билан шайтони лайн салтанати шу қадар очиқ-оидин фарқлана бошлади. Виждонли, диёнатли одам Софияни балолардан асрорчи малак деб билса, гуноҳларга ботган одам унинг номуносиб синглиси оғушида лаззатга фарқ бўлар эди. Аммо осий бандалар кўнглида яхшилик ва ёвузлик, вужуд ва руҳ ўртасида пинҳоний сўқмоқлар борки, улар қаердан ўтишини билиш мушкулдир. Шунинг учун, худди шу иккиланиш кутилмаганда одамлар учун лаззат манбаига айланиб қолди. Чунки опа-сингил эгизакларнинг туриш-турмуши боягидай ҳар хиллигига қарамай, уларнинг ўзи – бўйи бастлари ҳам, қош-кўзлари ҳам, жилмайиши ҳам, фусункор жозибаси ҳам худди икки томчи сувдай бир-бирига ўхшар эди; бино-барин, жуда кўп эркакларнинг уларни кўрганда саросимага тушиб қолиши бежиз эмас эди. Баъзан

йигитлар шундай ғалати ҳолга дуч келишарди: улардан бири Еленанинг қайноқ оғушида тунни ўтказгач, эрталаб тезроқ унинг ҳузуридан кетишга, тезроқ руҳидаги гуноҳдарни ювишга интиларди, аммо Софияга кўзи тушиб, бирдан анграйиб қотиб қоларди – ўзини худди шайтон йўлдан оздиргандай, кўзига худди жин-пари кўрингандай туюлар эди. Чунки касалхона боғида нафаси қисаётган, азобдан юзлари буришган чолнинг креслосини фидиратиб, тишлари тўкилган bemорнинг оғзидағи сўлагини ҳазар қилмай, итоаткорлик ва меҳрибонлик билан артаётган, фақирона кўйлак кийган ювош ҳурлиқони кўрган йигит худди кеча кечқурун бирга ётишган, тўшакда қолдирган жувонни кўргандай бўларди. Йигит унга диққат билан тикилар экан, худди ўша шаҳду шакар лабларни, худди ўша мулоим, нозик ҳаракатларни кўради. Тўғри бу ҳаракатларда ер фарзандига эҳтиросли мойиллик эмас, балки осий бандаларга самовий эҳтирос, шафқат, мурувват бор эди. Йигит диққат билан тикилар экан, кўзлари ёнар ва назарида аста-секин роҳибалик либоси шаффофлашиб, унинг хаёлида нозанин гуноҳкорнинг жуда таниш гулдай бадани кўринар эди. Аксинча, ҳозиргина покиза Софиянинг bemорларни парвариш қилаётганлигини кўриб қойил қолган йигит касалхонадан чиқиши билан, муйилишда яна шу қизга – мухлислари ва қароллари даврасида базмга бораётган, шоҳи-атласлар кийган, кўкраклари очилган, ҳайрон қоларли даражада ўзгарган қизга дуч келар эди. Бу Елена, София эмас, деб ўйлашарди йигитлар, аммо бари бир, итоаткор покиза қизга боқишар экан, унинг ялангочлигини тасаввур қилишар ва покизалик олдида ҳам улар гуноҳли фикрларга ботишар эди. Мана шу иккиланиш одамларнинг туйгуларини шу қадар ғалаёнга келтирдики, кўпинча уларнинг ҳоҳишлари, иродаларига қарши бузуқ йўлларга кира бошлади. Шунга

бориб етишдики, бузук сингилни қучоқлаб ётган йигитлар унинг покиза опасини орзу қилишар, соғдил самария қизига¹ дуч келишганида эса, унга ҳирс билан қарашар эдилар. Чунки оламни бунёд этган тангри эркакларни яратаетганда, алланимада адашган кўринади, чунки улар аёллар нимани таклиф этса, шунинг тескарисини талаб қилишади, агар аёл осонлик билан рози бўлса, эркаклар миннатдор бўлиш ўрнига, фақат пок қизларни покиза дил билан севишм мумкин дейишади. Агар қиз бола поклигини сақлашни хоҳласа, эркаклар у асраб-авайлаётган бу хазинани ҳар қанақасига тортиб олишга уринишади. Шу зайдада эркаклар ҳеч қачон ором топмайдилар, зеро, уларнинг истакларидаги қарама-қаршилик туфайли вужуд билан рух абадий курашдан тўхтамайди. Бу ерда ҳам аллақандай қизикчи шайтон икки ёқлама тугун тутиб қўйган эди, негаки, фоҳиша билан роҳиба – Елена билан София шу қадар бир-бирига ўхшар эдики, иккисини худди бир аёл дейиш мумкин эди ва одамлар булардан қайси бирига интилишини ўзлари ҳам билмас эдилар. Охири иш шунга бориб етдики, шаҳарнинг ишратпараст йигитлари майхоналардан кўра касалхона дарвозасида қўпроқ уймалашиб қолишиди ва хотинбоз йигитлар эса бузук қизга олтин бериб, ишқий эрмак учун унга фақирона роҳибалик либосини кийдириб қўйишиб, гўё мағрур Софияни қучоқдаяпмиз, деб тасаввур қила бошлишди. Бутун шаҳар, бутун мамлакат аҳли озми-кўпми, мана шу ўз-ўзини алдашдай аҳмоқона, шайтон ўйинига берилиб кетишиди ва на епископнинг панд-насиҳатлари, на шаҳар ҳокимининг ўйтлари ҳеч кимга кор қилмай, шаккоклик кун сайин авж олаверди.

¹ Самария қизи – Инжила тасвирланишича, Самарияда учраган биринчи аёл Исо тариқатини қабул қилган. (Таржимон изоҳи.)

Энди опа-сингилларнинг иккаласига ҳам таъзим ва таҳсинлар ёғилар, иккаласининг ҳам шуҳрати оламни тутган эди. Энди опа-сингиллардан бири шаҳарда энг бадавлат, иккинчиси энг покиза аёл эканлиги билан қаноатланишлари, иккаласига ёғилган шуҳратни тенг бўлишиб олишлари мумкин эди: бироқ иккаласини ҳамон иззатпараматлик қурти кемирар, иккаласининг юраги қаҳр-ғазабга тўлиб, фақат қандай қилиб бир-бирларига заарар етказишни ўйлашар эдилар, холос. Синглиси гуноҳларга ботганига қарамай, риёкорлик билан опасининг покиза ҳаётини масхара қилаётгани ҳақида хабарлар қулогига етиб келганида София аламдан лабларини тишларди; Елена эса шаҳарга ҳар ёқдан каъбатиллога келгандай, опасига топиниш учун одамлар ёғилаётганини, аёллар опаси қадамининг изини кўзларига тўтиё қилаётганлигини эшишиб, қаҳр-ғазабдан қаролларини аёвсиз қамчиларди. Аммо улар бир-бирига қанчалар ёмонлик тиласа, бир-биридан қанчалар нафратланса, дилларидаги ҳақиқий туйғуларини шунчалик пухтароқ яширишга ҳаракат қилишар, зоҳиран ўзларини бир-бирига жуда раҳмдил қилиб кўрсатишарди.

Базм устида Елена йигламсираб, опаси ҳаётнинг барча лаззатларидан кечиб, ўзининг гулдай ёшлигини бехуда хазон қилиб, ажали аллақачон етган мункиллаган чолларга бағишлигани ақддан эмас, деб оҳ чекарди; София эса ҳар шом тоатибодатини: «Бу дунёнинг ўткинчи лаззатларини деб умрини хайр-саҳоватли ишларга ва худо йўлига бағишлишдай олий лаззатдан маҳрум бўлган, ақди қосир, гуноҳкор, осий бандаларингни ўзинг кечир», – деган сўзлар билан тугатарди. Бироқ бир-бирига юборилган элчилар ҳам, айгоқчилар ҳам уларни бир марта тушиб олган йўлларидан қайтаролмаслигига ишонч ҳосил қилишгач, опа-сингил аста-секин янга яқинлаша бошладилар. Улар гўё ўзларини бепарво

тутса ҳам күзлари ва қўллари билан қақшатқич зарба беришни мўлжаллаган полвонларга ўхшар эдилар. Улар бир-бирлариникига тез-тез борадиган, бир-бирига ниҳоятда меҳрибонлик қиласидиган бўлиб қолишиди, аммо ҳар бири ўзгасига зарар етказиш учун жонини беришга ҳам тайёр эди.

Бир куни покиза София кечки тоат-ибодатдан сўнг синглисими яна бир бор таъсирили далиллар билан нопок йўлдан қайтаришга уриниб кўриш учун унинг уйига келди. София яна тилидан бол томиб, Елена худо берган баданини бузуқ ишларга сарфлаб, гуноҳи азимга ботаётганлигини сабри тоқати тугаб бораётган синглисига узоқ тушунтириди. Елена эса худо берган баданини мушк-анбарлар суртаётган чўриларига тутиб, яна гуноҳи азимга ботишга чоғланиб ўтирас экан, опасининг сўзларини гоҳ ним разаб, гоҳ ним кулги билан эшитар ва жонига теккан ваъзхон опасининг тағин ҳам фифонини кўкка чиқариш учун шаккок гаплар айтсаммикин ёки уни ёмон саросимага тушириш учун оромгоҳига жонон йигитлардан бир нечасини чақирсаммикин, деган ўйларга борар эди. Шу пайт, – Еленанинг чаккасига аста фувиллаётган пашиб тегиб ўтгандай, – унинг хаёлига ялт этиб ниҳоятда шаккокларча ва маккорларча бир фикр келдики, бу фикридан ҳузур қилиб, хаҳолаб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди. Елена ўзининг беҳаёларча хулқини дарҳол ўзгартириб, чўриларини ва ҳаммом ҳодимларини ҳайдаб чиқарди-да, опаси билан бир ўзи қолгач, оловли нигоҳини итоаткорона ёпилган киприкли-ри орасига яшириб, тавба-тазарру қила бошлади. Учига чиққан мунофиқ, риёкор Елена опасига бундай зино қилиб, гуноҳга ботиб яшаётганидан ўзи ҳам хижолат чекаётганлигини тушунтириди. У эркакларнинг ҳайвоний шаҳватга ўчлигидан неча марта нафратланганлигини, гуноҳ ишлардан бутун-

лай воз кечиб, ҳалол, камтарона ҳаёт кечираман, деб ўз-ўзига неча марта сўз берганлигини айтди. Бироқ бу йўлдан қайтишга, қаршилик қилишга ҳар қандай уриниш бефойда экан. Эркак зотининг қудрати шунчалар зўрки, дунёда муҳаббат лаззатини тотган, ишқ сиридан хабардор бирорта аёл унинг сехрига дош беролмас экан. Вужуди лаззат оддида сувдай эриб кетувчи Елена заифликни билмайдиган, иродаси кучли Софияга эркак зоти қудратининг чексизлигини тасаввур ҳам қилолмаслигини уқтириди. Ох, Софиянинг бахти бор экан, негаки у эркаклар куч-қувватининг нақадар енгилмаслигини, аёлларнинг ихтиёрини олиб қўювчи эркак куч-қувватида қанчалар тавсифлаб бўлмас лаззат борлигини билмайди.

Мол-дунёга ва айш-ишратга ўч бўлган синглисинг оғзидан кутилмаганда бундай тавба-тазарруни эшитган София анграйиб қолди ва шу заҳоти яна тилидан бол томиб Еленани зино йўлидан қайтишишга урина бошлади.

– Нихоят, сенинг дилингга ҳам худонинг раҳмати ёғилибди, – дея панд-ўгит бера бошлади София, – зеро, гуноҳ ишлардан нафратланиш – ҳақ йўлига қайтишдан далолатдур. Аммо, синглим, вужуд лаззатидай шайтон вассасасини енгиш мумкин эмас, деб ишониб беҳуда руҳсизликка тушмагин. Агар руҳ яхшилик йўлида қайтмас ирома билан тўлса, бу ирома ҳар қанақа нафс балосидан қутқара оладиган темир қўргонга айланади, мажусийлар ва насронийлар тарихида бунга лак-лак мисоллар бор.

Бироқ Елена қайфуга тушиб, бошини қўйи солди.

– О, албатта, мен ҳам дарвишларнинг ишқ-эҳтирос шайтонига қарши шавкатли кураши ҳақидаги китобларни ўқиганман. Аммо тангри таоло эркакларга фақат қудратли вужуд ато қилиб қолмай, уларга қудратли руҳ ҳам берган, уларни ҳақ йўлида

рози жангчилар қилиб яратган. Заифа боёқиши эса, – оғир хўрсишиб, гапини давом эттириди Елена, – эркакларнинг қувлигию маккорликларига бардош беролмайди. Эркак кишининг қатъиятли истагига ва эркалашларига учмаган аёлни умримда бирор марта кўрмаганман.

– Бундай дейишга қандай тилинг боради? – жизилади София гурури ҳақоратланганидан газабланиб. – Ахир метин иродали аёл эркакларнинг хуружига қарши тура олишининг энг ёрқин, тирик тимсоли менинг ўзим эмасми? Нопок эркаклар тўдаси эртаю кеч атрофимдан кетмайди, улар изимдан қувиб, ҳатто касалхонагача кириб келишади, кечалари ётогимдан абраҳона алдовлар, хушомадлар билан тўлиб-тошган ишқий мактубларни топаман. Аммо уларнинг бирортасига кўз қиrimни ташлаганимни ҳеч ким кўрганми? Чунки иродам мени ҳар қанча хушомадларга учишдан асрайди. Сенинг сўзларингда зифирча ҳақиқат йўқ: токи аёл зоти зинодан чинакамига ҳазар қилар экан, у ҳеч қачон эркак кишига берилмайди, бунга мисол мана менинг ўзим.

– Эҳ, сенинг баҳтли, омадли қиз эканлигининг биламан, шу вақтгача номусингни асраб юрибсан, – қалбаки итоаткорлик билан жавоб берди Елена опасига кўз қирини ташлаб. – Аммо, шунинг учун омадисанки, роҳибалик либоси ва қаҳрли-қировли бурчни зимманнга олганинг сени асраб қолади. Покиза ҳамшираларнинг бутун муқаддас жамоаси сени ҳимоя қилиб юради. Сен мен сингари якка-ёлғиз эмассан, ҳимоясиз эмассан! Пок яшашимнинг сабаби – фақат ўзимнинг қаттиқлигим, деб ўйламагин. Менинг ҳатто ишончим комилки, София, сен ҳам йигит билан ёлғиз қолсанг, унга қаршилик кўрсатиш учун мажолинг ҳам, истагинг ҳам қолмайди. Биз заифалар ҳаммамиз қандай рози бўлсак, сен ҳам ҳўп деганингни билмай қоласан.

– Ҳеч қачон! Ҳеч қачон хўп демайман! – ғазаб билан қичқириб юборди София. – Мен ҳатто ҳимоячи лиbosларимсиз ҳам, фақат иродам билан ҳар қандай хуружга бардош бера оламан.

Еленага худди шу керак эди, холос. У қадам-бақадам ўзи тўқиган тўрларга опасини яқинлаштириб, Софиянинг сўзларини ўжарлик билан рад этаверди. Ниҳоят, Софиянинг сабр-бардоши тугаб, ўзи синов ўтказишни талаб қила бошлади. У бундай синов ўтказишни хоҳлайди, йўқ, талаб қилади, зеро, Софиянинг номусли қиз эканлиги ташқи ҳимояларга боғлиқ бўлмай, фақат ўзининг куч-иродасига боғлиқлигини имони заиф синглиси ўз кўзлари билан кўриб қўйисин. Елена эса ўзини гўё Софиянинг сўзларига ўйланиб қолгандай кўрсатиб, атайлаб узоқ сукут сақлаб турди, аслида, унинг юраги сабрсизлик ва ёвуз шодлик билан ёнарди; у, ниҳоят, аста бундай деди:

– Кулօқ сол, София, сени синаб кўришнинг йўли осон. Эртага кечқурун бутун мамлакатдаги энг дилбар йигит Сильвандр келади, бирорта аёл унинг истагини рад этолмайди, аммо унинг менга ишқи тушиб қолибди. У мени деб отида йигирма саккиз миль йўл босиб келади, у бир кеча менинг кўнглимни олиш учун етти қадоқ соф олтин ва бошқа совға-саломлар олиб келяпти. Бироқ у ҳатто қуруқ келганида ҳам мен уни қучоқ очиб кутиб олардим, аксинча, у билан бир кеча ҳамдам бўлиш учун ўшанча олтин ҳадя қиласдим, негаки, ундай жонон ва дилкаш йигит дунёда йўқ. Худо сен билан иккаламизнинг юзимизни ҳам, овозимизни ҳам, қадди-қоматимизни ҳам шунчалар ўхшаш қилиб яратганки, агар менинг лиbosларимни кийсанг, ҳеч ким бу ўзгаришни пайқамай қолади. Эртага уйимда Сильвандрни менинг ўрнимга сен кутиб ол ва у билан таомни баҳам кўр. Агар у сени мен деб ўйлаб,

эркалашларингни талаб қиласа, ҳар қандай баҳона топиб ўзингни узоқроқ тут. Мен эса қўшни хонада кузатиб, пойлаб тураман, қани, сен ярим кечагача номусингни асрай олармикинсан? Лекин, опа, жуда эҳтиёт бўл, унга яқинлашган аёл хавф остида қолади, аммо биз аёлларнинг кўнглимиз бўшлиги тағин ҳам хавфлироқ. Сен, опа, хилватнишинликда яшаб ўргангандан қиз, соддадиллик билан унинг тузогига тушиб қолишинг мумкин, шунинг учун сенга ёлбориб айтаман, бундай қалтис ўйиндан қайтгин.

Маккора сингилнинг Софияни гоҳ эритувчи, гоҳ огоҳлантирувчи аврашлари фақат оловга яна мой қуйгандай бўлар эди.

— Агар шундай майда, аҳамиятсиз иш синов бўлса, — деб мағрурлик билан жавоб қилди София, — ишончинг комил бўлсинки, мен бунга бемалол бардош бераман ва ярим кечагача эмас, ҳатто тонггача йигитга қўлимни ҳам тутқазмайман; фақат ҳар эҳтимолга қарши йигит зўрлик қиласа ўзимни ҳимоя этиш учун менга бирорта ханжар бериб қўйгин.

Елена опасининг бундай такаббурона сўзларини эшитиб, гўё сажда қилгандай тиз чўкди, аслида у кўзларида чақнаган ёвуз шодликни яшириш учун шундай қилган эди. Шу тариқа опа-сингил шартлашиб олишди, эртасига покиза София оромгоҳда Сильвандрни кутиб оладиган бўлди. Ўз навбатида агар опаси шаҳват лаззатига учмаса, Елена ҳам абадиян зинога ботиб яшашдан воз кечишга қасамёд қилди. София шошиб роҳибалар ёнига қайтди, зеро, у бу дунё лаззатларидан юз ўтириб, ҳаётини бечоралар ва ногиронларга бағишилаган художўй аёллар орасида анча тетик бўлиб олмоқчи эди.

София аввалгидан ҳам қаттиқроқ саъй-ҳаракат билан энг ожиз мажруҳ касалларга меҳрибонлик кўрсатди, уларнинг оғир дардларини кўриб, бу оламнинг бебақолиги ҳақидаги фикрларни хаёли-

дан ўтказди: ахир тириклай чириб-сасиб бораётган бу шўрлик мажруҳлар қачонлардир севган-севилган эмасми, ҳирс-эҳтиросларга берилган эмасми? Мана энди ўшалардан нима қолди? Не нозанинлар ўтди жаҳондан, не гулбаданлар бўлдилар тупроқ. Энди улардан фақат ҳаёт чўғи мильтираб турган бир ҳовуч кул қолган, холос.

Бироқ Елена ҳам қўл қовуштириб ўтиrmади. Ишқ-эҳтирос тангриси Эросни чақириш ва уни асраб туришинг барча қувликларини ипидан-игнасиғача билган бу ўзх пари аввало ўзининг Жанубий Италиядан келган ошпазига ҳиссиёт-ҳирсни қўзғатувчи турли-туман ширинликлар қўшилган таомлар ҳозирлашни, қийма гўштга қундузнинг тухумини, хумор қилувчи илдизларни ва испан қалампирини қўшишни; шаробга мингдевона ва бошни айлантирувчи, ақлни туманлаштирувчи, уйқу кетирувчи бошқа гиёҳларни аралаштиришни буюрди. Албатта, Елена мусиқани, майнин шабада сингари кўнгилини орзиқтирувчи бу мангу қўшмачини ҳам унутмади. Қўшни хонада, одамлар назаридан четда яширинган найлар ва цимбалларнинг нафис садолари туманлашган туйгуларни галаёнга келтирувчи энг хавфли рақиб эди. Ҳамма нарсани олдиндан мўлжаллаб, шу тариқа шайтон тўрларини ёйиб қўйган Елена ўзининг покизалиги билан ниҳоятда фуурланувчи опасини тоқати тоқ бўлиб кута бошлади. Ўзини кутаётган, ўз ихтиёри билан чақирган хавфдан ҳаяжонланиб, тунни уйқусиз ўтказганидан ранглари оқариб кетган Софияни бир тўп ёшгина канизаклар кутиб олишди; улар ҳайратда қолган итоаткор қизни хушбўй сувли ҳовуз ёнига олиб келишди. Бу ерда улар уятдан қизариб кетган Софиянинг рангсиз роҳибалик либосларини ечиб олишди ва унинг силлиқ елкалари, хипча бели ва куракларини гул япроқлари, хушбўй дорилар

қүшилган мойлар билан ишқалай бошлашды. Улар қизнинг баданини шунчалар мулойим ва қаттиқ ишқалашди, қони оловланиб, вужудига қизиллик югурди. Чаққон құллар Софиянинг баданига тоx муздай, тоx илиқ сув қүйишиб, нарғис мойи билан намлашиб, мулойим эзғилаб, мушук мўйнаси билан ишқалаб, шундай ялтиратищди, мўйна юнгидан зангор учқунлар чиқиб кетди, хуллас, улар қаршилик кўрсатишга журъати қолмаган художўй Софияни, худди ҳар кеча Еленани ҳозирлагандай, ишқий эрмакларга тайёр қилиб қўйишибди. Олисдан найнинг майин, сезилар-сезилмас наволари эши-тилди, сандал қандилларнинг шираси томиб турган деворлардан эса дилни қитиқловчи хуш бўйлар анқир эди.

Ниҳоят, бу ишлардан роят уялиб, қизариб кетган София тахтиравонга ёнбошлади ва тилла кўзгуларда ўз аксини кўриб ҳайратга тушди, у ўзини таниёлмай қолди, у ҳар қачонгидан ҳам гўзал, жон олувчи пари бўлиб қолган эди. У вужуди қушдай енгиллашиб, баданлари янада дуркунлашиб кетганини сезди ва лаззат-ҳаловат оғушига ботаётганидан уяла бошлади. Аммо унинг зиддиятли ўйлари, иккиланишлари узоққа чўзилмади, Елена ёнига келиб мушукчадай эркаланиб, хушомадли сўзлар билан опасининг ҳусни малоҳатини кўкларга кўтара бошлади. Ниҳоят, Софиянинг жаҳди чиқиб, сингли-сининг беҳуда чулдирашларини чўрт кесиб қўйди. Опа-сингил яна бир марта қучоқлашиб хайрлашар эканлар, бир-биридан ҳаяжон тўлқинларини яширишга интилишарди: бири ташвиш ва қўрқувдан ўртанар, бири ёвуз бетоқатлик билан ёнарди. Шундан сўнг Елена шамларни ёқишишга фармон бериб, соядай шарпасиз қўшни оромгоҳга яширинди, бу ердан ўзи уюштирган можарони томоша қилиб завқданишга чоғланди.

Маккора ва шўх пари олдинроқ Сильвандрни учратиб, уни қандай икки ёқлама саргузашт кутаётганлигини айтиб огоҳлантириб қўйган эди. У йигитга қаттиқ тайинлаб, аввалги лаҳзаларда оғир-вазминлик ва мулоим муомала билан бокира художўй қизнинг дилидаги ваҳима, қўрқувни тарқатиб юборгин, деб маслаҳат берди. Мана шундан сўнг, бу фалати ва гаройиб жангда голиб чиқишига ишониб, олдиндан завқдана бошлаган Сильвандр оромгоҳда пайдо бўлди, София йигит зўрлик қилса, ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб беихтиёр чап қўлини ханжарига узатди, аммо жасурлиги билан донг чиқарган фоҳишабоз йигит унга чуқур ҳурмат-эҳтиром билдириб, одоб сақлаётганини кўриб ажабланди. Елена томонидан огоҳлантирилган йигит қўрқувдан гангиб қолган Софияни бағрига босишига ҳам ёки ҳаддан зиёд қизғин сўзлар билан қутлашга ҳам ошиқмади. Аксинча, қиз олдида итоаткорона тиз чўкди. Сильвандр хизматкорини чақириб унинг қўлидан оғир олтин занжирни ва прованс ипаклигидан тикилган либосни олди ҳамда қизнинг елкасига либосни ташлашга, бўйнига олтин занжирни осишга рухсат сўради. Бунчалик хушхулқ билан сўралган илтимосни София рад этолмади ва розилик берди; йигит унинг эгнига ярқираган, серҳашам либосни кийдираётганида қиз қимиirlамай турди. Бўйнига занжир солаётганида эса қиз металл совуқлиги билан бирга йигитнинг енгилгина силаб ўтган бармоқлари-нинг ҳароратини ҳис қилди. Сильвандр шу билан чеклангани учун София жаҳл қилиб уни ҳайдашга сабаб тополмади. Йигит атайлаб камтарлик қилиб, яна қизнинг олдида тиз чўкиб, бош эгди ва узоқ йўл чангини қоқмаганим учун сиз билан таомни баҳам кўришга муносиб эмасман, деб, аввал юви-ниб, кийимини алмаштириб олишга рухсат сўради.

София қизариб кетди, аммо чўриларни чақириб, меҳмонни ювиниб таранадиган оромгоҳга олиб киринглар, деб буюрди. Аммо Еленанинг буйруғига итоат қилаётган чўрилар Софиянинг сўзларини атайлаб нотўғри тушунишиб, шу заҳоти йигитнинг либосларини ечиб ташладилар ва йигит қиз олдида худди илгари бозормайдонда турган, кейинчалик епископнинг фармони билан парчаланиб ташланган мажусийлар тангриси Аполлон ҳайкалидай ялангоч ва баркамол қиёфада намоён бўлди. Сўнг чўрилар жилмайиб турган йигитнинг баданини муаттар мойлар билан ишқалашди, оёқдарини илиқ сувда ювишди, соchlарига шошмасдан атиргуллар тақишиди ва ниҳоят, унга янги ярақлаган либослар кийдиришди. Иккинчи бор София ёнига келганида Сильвандр аввалгидан ҳам гўзалроқ кўринди. Аммо София йигитнинг ҳусни дилини асир этаётганини сезиши билан дарҳол ўзидан ғазабланиб, кўйлагининг тахларига яшириб олган ханжарига қўл чўзди. Аммо ханжарни чиқаришга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди, чунки йигит ўзини касалхонага келиб турувчи алломалардай, ҳатто улардан зиёд вазмин, одобли тутиб, мулоимгина олма-терма гаплар билан уни зериктирмай ўтирас эди. Энди София синглиси олдида ўзининг пок аёллигини мардонавор кўз-кўз қилишга имкон тополмаётганлигидан қувонмай, аксинча, ранжий бошлади, табиийки, бирор ўз номусини, поклигини ҳимоя қилиш учун кимдир унга чанг солиши керак. Аммо Сильвандр, чамаси, буни хаёлига ҳам келтирмасди. Йигитнинг гўё фақат ишқ учун яралгандай қирмизи лабларидан учайтган сўзлардан кўра қўшни хонадан тараалаётган найнинг интиқ, интизор оҳангларида кўпроқ эҳтиросли лаззат бор эди. Йигит эса худди эркаклар даврасида, дастурхон атрофида ўтиргандай курашлар, олишувлар ва ҳарбий юришлар ҳақида

бемалол ҳикоя қилиб ўтиради. У ўзини шунчалар усталик билан бепарво кўрсатар эдики, София эҳтиёткорликни хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Қиз энди бехавотир, дастурхондаги ноз-неъматлардан тотиб, ақл-хүшини учирувчи шароб ичиб ўтираверди. Синглисига ўзининг мардоналигини исботлашга ва ҳақ йўлида қаҳрини сочишга бу йигит зифирча ҳам имкон бермаётганлигидан алами ортган, ҳатто фазабланган София энди ўзи хавфни яқинлаштиришга урина бошлади. У шўхлик олови қандай қилиб ва қаёқдан келиб қолганини сезмай, чайқалиб, ҳар тарафга айланиб, қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади, ҳатто унда уят ҳам, қўрқув ҳам йўқолди – ахир тун ярмига яқинлашган, ханжари қўл остида, бу ясама оловли йигит эса пўлат тифидан қўра совуқроқ эди. У, ниҳоят, номусини фолибона ҳимоя қилишга шароит туғдириш умидида борган сари йигитга яқинроқ сурилаверди; иззатталаблик ўтида қовурилаётган художўй София ўзи сезмагани ҳолда шундай гўзал ноз-ишва, қичиқлар қиласр эдики, бу санъатда у бебақо дунё ҳавасларига ботган синглисидан сира қолишимас эди.

Бироқ донишманд ҳалқ нақли билан айтганда, агар шайтоннинг соқолидаги бир тукига тегиб кетсанг, у сенинг бўйнингга ёпишиб олади. Рақобат қизизида София билан ҳам шундай воқеа юз берди. Яширинча афюн аралаштирилган шароб, тутатилаётган мушк-анбар, найнинг интиқ, лаззатли оҳанглари ўз кучини кўрсатди ва қизнинг боши айланади. Тили чулдираб қолди, кулгиси қаҳқаҳага айланди ва ниҳоят, дунёда бирор тиббиёт доктори, бирор ҳуқуқшунос Софиянинг тушидами ё ўнгидами, мастилигидами ё ҳушёрлигидами, ўз ихтиёри биланми ё ихтиёрсизми, қандай қилиб қизлигидан айрилганлигини исботлаши мумкин бўлмай қолди. Ҳали ярим кечагача анча вақт борлигидаёқ,

раҳмоннинг амри биланми ёки шайтоннинг ҳукми биланми, ҳар ҳолда, эртами-кеч эркак билан аёл ўртасида нима кечадиган бўлса, ўша нарса содир бўлди. София либосининг безовта қилинган чоклари орасидан яшириб қўйилган ханжар мармар полга жаранглаб тушди, аммо, таажжубки, мажолсизланган покиза қиз уни қўлига олмади, шаккок йигитнинг кўксига санчмади; Еленанинг қулоқларига на ийфи-сифи, на олишув шовқини эшитилмади.

Ярим кечада голиб Елена бир тўда канизлари билан никоҳ гўшасига айланган хонага кириб кедди ва сабрсиз қизиққонлик билан ёниб, қўлидаги машъалани мағлуб София ётган чимилдиқ узра кўтариб қаради – бу вақт опасининг содир бўлган воқеани инкор этиши ҳам, бундан афсус-надомат чекиши ҳам беҳуда эди. Шаккок канизаклар мажусийлар одатига кўра, тахтиравонга вақт ўтганда ҳушига келган ва мағлубиятини анлаган Софиянинг қизариб кетган ёноқларидан ҳам қирмизироқ атиргуллар сочишди. Бироқ Елена уялиб турган опасини қайноқ бағрига босиб меҳр билан ўпа бошлади; най наволари янгради, цимбаллар гумбурлади, гўё шўх ўйинлар маъбуди буюк Пан яна Исо умматлари тупроғига қайтгандай эди; вакхиялардай ярим яланғоч қизлар тақиқланган ишқ тангриси Эросга ҳамду сано айтиб, давра тузиб ўйин бошладилар. Сўнг улар хушбўй оғочлардан гулхан ёқдилар ва оловнинг очкўз тиллари ҳақоратланган роҳибалик либосини ямлаб ютдилар. Қизлар Еленанинг ҳам, мағлубиятини тан олгиси келмай, ўз ихтиёрим билан таслим бўлдим, дегандай нозли жилмайиб турган Софиянинг ҳам соchlарига атиргуллардан чамбарак тақдилар. Бирининг ёноқлари уятдан, иккинчисининг ёноқлари ғалабадан ял-ял ёнаётган, ҳаяжонланган опа-сингил ёнма-ён ўтиришар, энди ҳеч ким Софияни Еленадан, гуноҳга ботган

роҳибани фоҳишадан ажратолмас эди, йигитларнинг нигоҳлари гоҳ бунисига, гоҳ унисига тушиб, васвасалари икки баравар ортар эди.

Бу орада хушчақчақ қароллар қасрнинг дера-залини ва дарвозаларини ланг очиб юборишиди. Тун сайрчилари, эндигина ўринларидан турган ишратбоз одамлар, ҳаҳолаб ва ҳийқириб ҳар томондан бу ёқса оқиб кела бошладилар, ҳали қўёш томларни олтин рангга бўямай туриб, худди барча тарновлардан сув оққандай барча кўчаларга гўзал Еленанинг доно София устидан, гуноҳкорликнинг мусаффолик устидан порлоқ ғалаба қозонгани ҳақида овозалар тарқалиб кетди. Покликнинг мустаҳкам кўринган қўргони қулаб тушганлигини эшитар-эшитмас шаҳар эркаклари қасрга шошилишиди ва у ерда (яширишнинг ҳожати йўқ) лаззатли ором топа бошлиашди. Чунки бир лаҳзада номусидан ажралган ва шу қадар тез ўзгарган София қасрда қолди ва бор куч-ғайрати билан қайноқлик ва чаққонликда Еленага тенглашишга ҳаракат қила бошлиди. Ўзаро низолар ва ҳасадгўйликка чек қўйилди; бир хил шармандали ҳунарни танлаган осий опа-сингиллар бир том остида аҳил, тинч-тотув яшай бошлиашди. Энди улар иккаласи соchlарини бир хил ювиб-тарашар, бир хил либос кийиб, бир хил зеб-зийнат тақишишар, ҳатто бир хил шўх қулиб, эрка шивирлаб, одамларнинг кўнглини овлашарди. Шу аснода ишратпарастлар учун янги, туганмас ва мароқли эрмак бошланди: улар чақнаган кўзлар, қайноқ бўсалар ва ноз-ишваларга қараб, осий Еленаними ёки собиқ покдомон Софияними – қай бирини бағримизга босаётган эканмиз, деб топишмоқ ўйнашга киришдилар. Опа-сингил бир-бирига ниҳоятда ўхшашлигидан, йигитлар қайси бири учун пул сарфлашганини ўзлари билолмас эдилар; бунинг

устига, шўх ва қув опа-сингил қизиққон йигитларни атайлаб лақиллатиб лаззат олар эдилар.

Шу тариқа бу алдамчи, бевафо дунёда яна бир марта Елена София устидан, ҳусн ақл устидан, нопоклик поклик устидан, азалдан гуноҳга ботган вужуд беқарор ва мақтанчоқ руҳ устидан ғала-ба қилди. Жафокаш Иовнинг ҳасрат билан: «Ер юзида нопок одамлар роҳат-фарогатда яшайди, пок одамлар эса таҳқирланади, гуноҳсиз одамлар масхара қилинади», деган сўзларининг ҳақдиги яна бир марта исботланди. Зеро, бутун салтанатда на гумаштаю, на дарбадар, на судхўру, на дурадгор, на новвою, на заргар, на ўғрию, на тўғрининг оғир меҳнат билан топган пуллари эгизак опа-сингил-нинг ишқий эрмак билан топган пулларига тенг келолмас эди. Опа-сингил тўла яқдиллик билан ишқибоз одамларнинг энг оғир сандиқдарию, лим-мо-лим қутиларини басма-басига бўшатишарди, пулу жавоҳирлар ҳар кеча уларнинг уйига сувдай оқиб келарди. Улар оналаридан ҳусн билан бирга, баққолларга хос тежамкорликни ҳам мерос қилиб олганлари учун олтиналарни ўзларига ўхшаш бошқа аёллар сингари майда-чуйда нарсаларга сарфлашмасди; йўқ, улар ақл билан, узоқни кўзлаб, ўз пулларини яна кўпайтириш учун ҳаракатга тушишар, исавийларга, яҳудийларга ва мажусийларга қарзга беришар эдилар. Бу соҳада ҳам опа-сингил шунчалик файрат кўрсатардиларки, тез орада бу томошахонада тўпланган танга, жавоҳир, ҳақиқий қарз шартномалари ва ишончли гаровга қўйилган нақдиналар бошқа бутун-бутун шаҳарлардагидан ҳам ошиб кетди. Табиийки, бу мамлакатнинг ёш-ёш қизлари опа-сингилдай намуна турганида идиш-оёқ тозалашга ва тос-тогораларда кир ювишга қўллари-ни уришни хоҳламай қолдилар. Шу тариқа бир-бири билан ярашган опа-сингиллар айби билан бу

шаҳарнинг шармандали шуҳрати дунёни тутди ва уни янги Содомдан¹ бошқа ном билан аташ мумкин бўлмай қолди.

Аммо, бошқа бир нақл ҳам борки, шайтон ҳар қанча сакрамасин, эртами-кеч бир куни оёғи синади. Ёки бошқача айтганда, кўза кунда эмас, куниди синади. Бу ўринда ҳам гуноҳкорлик охири ибратга айланди. Йил кетидан йиллар ўтиб, эркакларнинг бундай топишмоқ-эрмақдан кўнгиллари совиди. Қасрда меҳмонлар кун сайин сийраклашди, машъалалар кун сайин эртароқ ўча бошлади. Шўх кўзларнинг атрофига тушган ажинлар ҳақида салқи ёноқларнинг ёқути хиралашиб сўнаётгани ҳақида кўзгулар шивирлаб қандилларга айтиётганилигини опа-сингиллар билишни хоҳламаса ҳам бошқалар аллақачон биларди. Опа-сингиллар шафқатсиз табиат соат сайин олиб кетаётган ҳуснларини қувлилари ёрдамида қайтариб олишга беҳуда уринишарди, улар чаккаларидағи соч оқини юлишга, ажинларини филсуяқ билан йўқотишга, қуриган лабларини бўяшга ҳар қанча уринишмасин, бари беҳуда эди; қаҳқаҳа-қийқириқлар билан кечган йиллар ортда қолди, опа-сингилларнинг ёшлиги ўтиши билан эркакларнинг кўнгли совиди, ахир булар сўлаётган бир вақтда теварак-атрофда бошқа қизлар гулдай очилаётган эди, ҳар йили янги-янги фунчалар – анор кўкракли, ўйинқароқ кокилли паричеҳралар етилиб турар, булар ҳали номусини йўқотмаганлиги учун эркакларни яна зиёдроқ мафтун этар эдилар.

Бозормайдондаги дангиллама уй борган сари ҳувиллай бошлади, эшик зулфинларини занг босди. Деворлардаги машъалалар беҳуда ёнар, сандал

¹ Содом – Инжилдаги ривоятга кўра, қадимги Фаластинда аҳолининг гуноҳларга ботгани учун зилзила ва олов ёмғири остида қолган икки шаҳарнинг бири. (Таржимон изоҳи.)

оғочлари беҳуда анвойи ҳидлар таратар, тараша гурсиллаб ёнаётган ўчоқ олдида ҳеч ким исинмас, ясан-тусан қилган опа-сингилларни энди ҳеч ким йўқдамас эди. Мухлисларидан айрилган найчилар энди ўзларининг сеҳрли санъатини ташлаб, зерик-канларидан кун бўйи ошиқ ташлашарди, тун бўйи меҳмон кутиши керак бўлган дарвозабон энди кўп ухлаганидан семириб кетган эди.

Бир вақтлар қаҳқаҳа, қийқириқлардан жаранглаб турган узун стол атрофида энди опа-сингил ёлғиз ўтиришар ва сұхбатлашгани одам топилмаганидан ўзларининг ўтмишларини эслашиб, вақт ўтказишарди. Айниқса, София бу дунёning ўткинчи лаззатларидан воз кечиб, тоат-ибодат билан кечирган йилларини ўйлаб қайфуга ботарди; энди у чанг босган муқаддас китобларни тез-тез қўлга оларди, зеро ҳусндан айрилган аёлга ақд, донишмандлик тез келади. Аста-секин опа-сингил икковида ғалати, ажойиб ўзгариш юз берди; ёшлик йилларида фоҳиша Елена покиза Софияни енгган бўлса, энди, албатта, жуда катта кечикиш билан ва ўзи ҳам анча-мунча гуноҳдарга ботиб улурган София бебақо дунё лаззатларига берилган синглиси устидан осонлик билан ғалаба қозонди. Эрталаблари уйда сирли бир ҳаракат сезиларди. София бир вақтлар ўзи шармандаларча тарқ этган касалхонага роҳибалардан кечирим сўраш учун яширин қатнаб қолди. Аввал бир ўзи, кейин Елена билан бора бошлади. Нихоят, опа-сингил иккови гуноҳга ботиб топган барча пулларини охирги чақасигача ва мангуликка касалхонага вақф қилиб берамиз, деб эълон этишгач, шубҳакор одамлар ҳам буларнинг тавба-тазаррулари чин эканлигига ишонишиди.

Ажойиб кунлардан бирида, ҳали дарвозабон ухлаб ётган пайтида, фақирона кийинган, қизиқувчан ўткинчиларнинг нигоҳидан юзларини рўмол би-

лан яширган икки аёл бозормайдондаги ҳашаматли уйдан ҳеч кимга сездирмай, худди соядай, бешарпа чиқиб кетишиди. Бир вақтлар бошқа бир аёл – уларнинг онаси ҳам фавқулодда бой турмушдан хилват тор қўчадаги фақирлик сари худди шундай бешарпа-беун чиқиб кетган эди. Опа-сингил қия очиқ дарвозадан эҳтиёткорлик билан қўрқа-писа чиқиб олишиди. Ўткинчи шуҳратпарастликда бир умр рақобатлашиб, ўзларига бутун мамлакат эътиборини тортган бу икки аёл энди ўз йўлларини пинҳон қолдиришни ва тақдирларини ҳамма унутишини истаб, юзларини итоаткорона яшириб олган эдилар.

Агар мишмишлар рост бўлса, опа-сингил бегона юртдаги аёллар ибодатхонасида таркидунёчилик билан узоқ йиллар умр кечириб, оламдан ўтишибди. Бироқ улар мерос қолдирган бойликлар шу қадар сон-саноқсиз, олтин, зеби-зийнат, жавоҳирлар ва гаровга олинган моллар шу қадар кўп эканки, шаҳар шуҳратини ошириш учун бутун Аквитанияда мисли кўрилмаган ниҳоятда гўзал ва улуғвор янги шифохона куришга қарор қилишибди.

Шимолдан келган бир меъмор бинонинг тархини чизипти, беҳисоб ишчилар йигирма йил кеча-кундуз тер тўкиб ишлаб, буюк ишни тугаллашипти, янги бинонинг гўзаллигини кўриб, ҳалойиқнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолипти. Чунки бино устида одатдагидай важоҳатли, тўрт қиррали бир гумбаз эмас, балки қиздай ниҳол қоматли, гранит нақшлардан либос кийган икки гумбаз қад кўтарипти. Бири ўнг тарафда, иккincinnиси чап тарафда, ҳажми, қиёфаси, нақш-нигорининг нозик нағислиги билан бир-бирига ўхшаш бу гумбазларни ҳалқ «Эгизак опа-сингил» деб атай бошлабди. Балки бу гумбазлар худди бир-бирининг аксига ўхшагани учунми, ёки машҳур воқеаларни авлоддан-авлодга узатиб, доимо хотирида сақлайдиган

халқ гуноҳларга ботган ва сўнг бу йўлдан қайтган опа-сингил ҳақидаги ривоятни унтишни истамагани учунми, мазкур гумбазларга шундай ном берибди. Ярим кечада, ой ёруғида менинг икки юзи қип-қизил ҳамшишам ширакайфлик устида шу ривоятни гапириб берди.

МУНДАРИЖА

МУРАББИЯ

(Шариф Толибов таржимаси) 3
ВАҲИМА

(Маҳкам Махмудов таржимаси) 23
НОМАЪЛУМ АЁЛ МАКТУБИ

(Шариф Толибов таржимаси) 83
БИР АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҮРТ СОАТ

(Шариф Толибов таржимаси) 135
КУЙГАН КЎНГИЛ ФАРЁДИ

(Ўтқир Ҳошимов таржимаси) 209
УЧИНЧИ КАБУТАР ҲАҚИДА АФСОНА

(Маҳкам Махмудов таржимаси) 248
ЭГИЗАК ҚИЗЛАР РИВОЯТИ

(Маҳкам Махмудов таржимаси) 253

Адабий-бадиий нашир

СТЕФАН ЦВЕЙГ

КУЙГАН КҮНГИЛ ФАРЁДИ

Мұхаррір
Мағмұра ҚҰТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір
Уйғун СОЛИХОВ

Мусақхих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да
берилган.

Босишга 2016 йил 20.01.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.

Босма табоби 18,0. Шартли босма табоби 30,24.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 41.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87
факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru